

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЎСИМЛИКЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК  
МАҲСУЛОТЛАРИ КАРАНТИНИ ЙЎНАЛИШИ**

**«ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КАРАНТИН  
ЗАРАРКУНАДАЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ  
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ўқув-услубий мажмуа**

**Тошкент-2021**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЎСИМЛИКЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК  
МАҲСУЛОТЛАРИ КАРАНТИНИ  
йўналиши**

**“ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КАРАНТИН  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ  
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси профессори, қ.х.ф.д., Н.Х.Туфлиев.

**Такризчи:** Муродов Б.Э. - Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар Карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари б.ф.н., доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа ТошДАУ Кенгашининг 2020 йил 5 декабрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	12
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	17
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	72
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	183
VI. ГЛОССАРИЙ .....	186
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	197

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур мақсади - Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрида”ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришdir.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик м аҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Мазкур ишчи дастурда олий таълим муассасаларида Ўзбекистонда ўсимликларни ташқи ва ички карантин зааркунандалари ҳамда уларнинг

тарқалиш ареаллари, таксономияси, асосий қишлоқ хўжалик экинларидан ғўзанинг, бошоқли дон, сабзавот ва полиз, картошка, мевали боғлар, ток, цитрус ва бошқа субтропик экинларининг ҳамда омборда учрайдиган карантин зааркунандаларининг тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши қўлланиладиган карантин чора-тадбирлар, карантин зааркунандалари энтомофагларининг биоэкологияси ва уларни интродукция этиш истиқболлари, шунингдек ички карантин зааркунандаларини ҳисобга олиш усуллари ва уларга қарши қўлланиладиган замонавий усулларнинг самарадорлигини ўрганиш борасидаги назарий-услубий муаммолар, тамойиллар, амалий ечимлар, илфор давлатларнинг тажрибаси ҳамда меёрий-хукуқий ҳужжатларнинг моҳияти баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Ўсимликларнинг карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари” модулининг мақсади:** олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг тингловчиларини ўсимликларни карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усулларни қўллашнинг янги технологиялари, карантин зааркунандалари энтомофагларининг интродукция қилиш истиқболлари, ички карантин зааркунандаларини ҳисобга олиш усуллари ва уларга қарши қўлланиладиган замонавий кураш технологияларини ишлаб чиқиш, ўсимликларнинг ички карантин зааркунандаларига қарши экологик хавфсиз кураш чораларидан фойдаланишга имконият яратиш, ғўза, бошоқли дон, сабзавот ва полиз, картошка, мевали боғлар, ток, цитрус ва бошқа субтропик экинлар ҳамда омборхоналарга заар етказувчи асосий карантин ҳашаротлар, каналар, нематодаларни бартараф этишнинг замонавий усулларини, қарши кураш тизимида қўллаш борасидаги инновацион ёндашувлар асосида соҳадаги илфор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган маҳорат ва компетенцияларини такомиллаштиришдан иборат.

### **“Ўсимликшуносликда инновацион технологиялар” модулининг вазифалари:**

**“Ўсимликларнинг карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари” модулининг вазифалари:**

- педагог кадрларнинг ўсимликларнинг ташқи ва ички карантин зааркунандалари, уларнинг систематик таҳлили, тарқалиш ва ривожланиш хусусиятлари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усулларидан фойдаланишнинг янги технологиялари йўналишида касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ўсимликларнинг карантин зааркунандаларини тарқалишини олдини олишда замонавий усулларидан фойдаланиш

борасидаги ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- ўсимликларнинг карантин зааркунандаларига қарши қўлланиладиган янги замонавий воситаларининг хусусиятлари, шакллари ҳамда уларга қарши қўллашда замонавий технологиялардан фойдаланиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- ўсимликларнинг карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- ўсимликларнинг ташқи карантин зааркунандаларини юртимизга кириб келишини олдини олиш бўйича ва ички карантин зааркунандаларига қарши кимёвий, биологик кураш усулларини қўллаш соҳасида ишлаб чиқариш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

**“Ўсимликларнинг карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- ўсимликларнинг ташқи ва ички карантин зааркунандалари билан танишиш;
- ўсимликлар карантин зааркунандаларининг таксономик таҳлили ва тарқалиш ареаллари билан танишиш;
- ўсимликларнинг ташқи карантин зааркунандаларини кириб келиш ўйллари ва улар хавфини бартараф этиш чора-тадбирларини ўрганиш;
- ички карантин зааркунандаларига қарши пестицидлардан амалиётда фойдаланиш тартиблари;
- ўсимликлар карантин зааркунандаларининг бартараф этишда энергия ва маблағ тежовчи технологияларни фойдаланиш;
- ўсимликлар карантини соҳасида хорижий давлатлар ютуқлари бўйича **билимларга эга бўлиши.**
- ўсимликларнинг карантин зааркунандаларининг ҳимоя қилишда замонавий кимёвий воситалардан фойдаланиш;
- ўсимликларнинг карантин зааркунандалари энтомофагларини интродукция қилиш тадбирларини такомиллаштириш;
- ўсимликлар карантинида инновацион технологияларни жорий этиш;
- карантин зааркунандаларига қарши экологик хавфсиз кураш тизимини жорий этиш **каби кўникмаларига эга бўлиши.**
- ўсимликлар карантин зааркунандалари бўйича мониторинг олиб бориш;

- ички карантин зааркунандаларининг ривожланишини башорат қилиш;
- қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига кимёвий воситаларнинг таъсирини аниқлашни дастурлашда замонавий методлардан фойдаланиш;
- ўсимликларнинг карантин зааркунандаларининг тарқалиши бўйича маълумотлар базаси тузиш **малакаларига эга бўлиши.**

• қишлоқ хўжалиги экинларининг ички карантин зааркунандалари билан заарланиши бўйича мониторинг олиб бориш;

• ўсимликларнинг ички карантин зааркунандаларининг қишлоқ хўжалиги экинларида кўпайиши ва тарқалишини башорат қилиш;

• ўсимликларнинг ички карантин зааркунандаларининг бартараф этиш усуллари, воситалари ҳамда уларга уйғунлашган кураш тизимида қўлланилиши;

қишлоқ хўжалиги экинларининг карантин зааркунанда ва бегона ўтларини тарқалиши бўйича ҳамда уларга қарши кураш чораларини олиб бориш бўйича **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “**Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг карантин организмларини фитоэкспертиза қилиш усуллари**” ҳамда “**Қишлоқ хўжалик экинларининг карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари**” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагог кадрларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўсимликларни карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усулларни қўллашнинг янги технологиялари, карантин зааркунандалари энтомофагларининг интродукция қилиш истиқболлари, ички карантин зааркунандаларини ҳисобга олиш усуллари ва уларга қарши қўлланиладиган замонавий кураш технологияларини ишлаб чиқиш, ўсимликларнинг ички карантин зааркунандаларига қарши экологик хавфсиз кураш чораларидан фойдаланишга имконият яратиш, ғўза, бошоқли дон, сабзавот ва полиз, картошка, мевали боғлар, ток, цитрус ва бошқа субтропик экинлар ҳамда омборхонларга заар етказувчи асосий карантин ҳашаротлар, каналар, нематодаларни бартараф этишнинг замонавий усулларини, қарши кураш тизимида қўллаш борасидаги инновацион ёндашувлар асосида йўналишлари профилига мос зарурый билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		жумладан	Кўчма машғулот
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	
1.	Ўзбекистонда ўсимликларни ташқи ва ички карантин зааркунандалари, уларнинг таксономияси ва тарқалиш ареаллари.	2	2	2		
2.	Ғўзанинг карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши қўлланиладиган карантин чора-тадбирлар.	2	2	2		
3.	Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши қўлланиладиган карантин чора-тадбирлар.	2	2	2		
4.	Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши қўлланиладиган карантин чора-тадбирлар.	2	2	2		
5.	Картошканинг карантин зааркунандалари биоэкологияси ва уларни бартараф этишнинг замонавий усувлари.	2	2		2	
6.	Мевали дарахтлар ва токнинг карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши қўлланиладиган карантин чора тадбирлари.	2	2		2	
7.	Цитрус ва бошқа субтропик экинларининг кемирувчи ва сўрувчи карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши қўлланиладиган карантин чора тадбирлари.	2	2		2	
8.	Омбор карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларни бартараф этишнинг замонавий усувлари.	2	2		2	
9.	Карантин зааркунандалари энтомофаглари биоэкологияси ва уларни интродукция этиш истиқболлари.	2	2		2	
10.	Карантин зааркунандаларига қарши қўлланиладиган пестицидлар тавсифи.	2	2		2	
11.	Ички карантин зааркунандаларини ҳисобга олиш усувлари ва уларга қарши қўлланиладиган замонавий усувларнинг самарадорлиги.	6				6
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>	<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу:** Ўзбекистонда ўсимликларни ташқи ва ички карантин зааркунандалари, уларнинг таксономияси ва тарқалиш ареаллари.

1.1. Ўзбекистонда ташқи ва ички карантин зааркунандалар рўйхати билан танишув.

1.2. Ўсимликларнинг ташқи карантин ҳашаротларининг туркум, оила ва турлари ҳамда ривожланиш хусусиятлари.

1.3. Ўсимликларнинг ташқи карантин зааркунандаларининг дунёда тарқалиш ареалларини ўрганиш.

**2-Мавзу:** Ғўзанинг карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши қўлланиладиган карантин чора-тадбирлар.

2.1. Ғўзанинг карантин зааркунандалари тур таркиби.

2.2. Ғўзанинг карантин зааркунандаларининг биологияси, экологияси.

2.3. Ғўзанинг карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари.

**3-Мавзу:** Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши қўлланиладиган карантин чора-тадбирлар.

3.1. Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандалари тур таркиби.

3.2. Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандалари биологияси, экологияси.

3.3. Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари.

**4-Мавзу:** Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши қўлланиладиган карантин чора-тадбирлар.

4.1. Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунандалари тур таркиби.

4.2. Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунандаларининг биологияси, экологияси.

4.3. Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу:** Кartoшканинг карантин зааркунандалари биоэкологияси ва уларни бартараф этишининг замонавий усуллари.

1.1. Кartoшканинг карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирларини қўллаш.

1.2. Кartoшканинг ички карантин зааркунандаларига қарши замонавий усул ва воситаларни қўллаш.

**2-Мавзу:** Мевали дарахтлар ва токнинг карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларга қарши қўлланиладиган карантин чора тадбирлари.

2.1. Мевали дарахтлар ва токнинг карантин зааркунандаларини аниқлаш.

2.2. Мевали дарахтлар ва токнинг карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирларини қўллаш.

**3-Мавзу: Цитрус ва бошқа субтропик экинларининг кемирувчи ва сўрувчи карантин.**

3.1. Цитрус ва бошқа субтропик экинларининг кемирувчи зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари.

3.2. Цитрус ва бошқа субтропик экинларининг сўрувчи зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари.

**4-Мавзу: Омбор карантин зааркунандалари тур таркиби, биоэкологияси ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллар.**

4.1. Омбор карантин зааркунандалари билан танишув.

4.2. Омбор карантин зааркунандаларини бартараф этишнинг замонавий усуллари.

**5-Мавзу: Карантин зааркунандалари энтомофаглари биоэкологияси ва уларни интродукция этиш истиқболлари.**

5.1. Карантин зааркунандалари энтомофагларининг биологиясини ўрганиш.

5.2. Карантин зааркунандалари энтомофагларининг интродукция этиш истиқболлари.

**6-Мавзу: Карантин зааркунандаларига қарши қўлланиладиган пестицидлар тавсифи .**

6.1. Карантин зааркунандаларига қарши қўлланиладиган пестицидларни қўллаш.

6.2. Карантин зааркунандаларига қарши қўлланилган воситаларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш усуллари.

**Кўчма машғулот:** Ички карантин зааркунандаларини ҳисобга олиш усуллари ва уларга қарши қўлланиладиган замонавий усулларнинг самарадорлиги.

**Изоҳ:** Амалий машғулот мавзуларини ўтишида кўргазмали воситалар, замонавий комп’ютер технологияларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган тақдимотлар, интернет сайтиларидан юклаб олинган мавзуга тааллуқли видеороликлар, ўсимликнинг қуритилган намуналари ва гербариyllари, экин турлари бўйича уруғ намуналаридан мақсадли фойдаланилади.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Модул бўйича мустақил ишлар “Ўсимликларнинг карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари” соҳаси бўйича қисқа назарий маълумотлар ҳамда таълим муассасасида ҳозирги вақтда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот келтирилиши зарур. Модул доирасидаги мустақил таълим

мавзулари портфолио топшириқлари күринишида тингловчиларга тақдим этилади ва бажарилади.

## **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммонинг салбий томонлари, камчиликлари, заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил



ҳар бир гурӯҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар

#### **Намуна:**

##### **Карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этиш усуллари гурухи**

Ғўза ва бошоқли дон экинлари ҳамда омборхоналар карантин зааркунандалари		Мевали боғ, тоқ, цитрус ва бошқа субтропик экинлари карантин зааркунандалари		Савбзавот ва полиз, картошкада учрайдиган карантин зааркунандалари	
зарари	карантин тадбири	зарари	карантин тадбири	зарари	карантин тадбири


**Хулоса:**

### “SWOT-тахлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўниммаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, мустақил иш мавзуларини бажаришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

FCMU таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:**

**Фикр:** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалик экинларини карантин зааркунандалардан ҳимоя қилиш ва уларни бартараф этиш усулларининг аҳамияти?

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни FCMU орқали таҳлил қилинг топшириғи берилади, тингловчилар томонидан билдирилган маълумотлар умумлаштирилади.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда қишлоқ хўжалик экинларининг карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этишининг замонавий усуллари бўйича ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунин ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн	4-матн
“V” – таниш маълумот.				
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.				
“+” бу маълумот мен учун янгилик.				
“_” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?				

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшигтиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган түғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослады, фарқларини аниқлады ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайды.

### **Намуна: Жадвалга керакли маълумотлар тўлдириб қайд этилади**


Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### **Венн диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айланада тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Намуна: Ўсимликларнинг карантин зааркунандалари ва уларни бартараф этишининг замонавий усуллари**



### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСИМЛИКЛАРНИ ТАШҚИ ВА ИЧКИ КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАКСОНОМИЯСИ ВА ТАРҚАЛИШ АРЕАЛЛАРИ.

Режа:

1. Ўзбекистонда ташқи ва ички карантин зааркунандалар рўйхати билан танишув.
2. Ўсимликларнинг ташқи карантин ҳашаротларининг туркум, оила ва турлари ҳамда ривожланиш хусусиятлари.
3. Ўсимликларнинг ташқи карантин зааркунандаларининг дунёда тарқалиш ареалларини ўрганиш.

**Таянч сўзлар:** ўсимлик, карантин, зааркунанда, тип, туркум, оила, авлод, тур, морфологик белгилари, ривожланиш хусусиятлари, қаноти, тухуми, ташқи карантин, ички карантин, чора-тадбир, қарши кураш, ареал, тарқалиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПФ-5174-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳамда ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария нормаларининг бажарилиши устидан давлат назорати тизимини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мақбул фитосанитария шароитларини таъминлаш мақсадида ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида қатор вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан Қишлоқ ва сув хўялиги вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Республикада карантиндаги зааркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ҳамда 22.12.2020 йилдан кучга кирди. Ушбу «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳужжат Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган заарли организмлар рўйхати деб қайта номланди.

**Рўйхатга қуйидаги гурӯхлар киритилди:**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учрамайдиган ўсимликлар карантинидаги заарли организмлар:**

а) Ташқи карантин зааркунандалар сони – 88 номдаги (1-жадвал). б) ўсимлик касалликлари: замбуруғ касалликлари – 16 турдаги; нематодалар – 5

турдаги; бактериал касалликлар – 11 турдаги; вирус касалликлари – 24 турдаги; в) бегона ўтлар – 36 номдаги (2-жадвал).

Ўзбекистон Республикасининг айрим худудларида тарқалган ўсимликлар карантинидаги заарли организмлар: а) ички карантин зааркунандалар – 7 турдаги (3-жадвал); б) бегона ўтлар – 3 турдаги (4-жадвал).

Ўсимликлар карантини – қишлоқ хўжалигига ва бошқа ўсимликлар дунёсига зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини обьектлари кириб келишининг, тарқалишининг олдини олишга ҳамда бундай обьектларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар мажмуи тасдиқланди.

### **Ўзбекистон Республикаси учун ўсимликлар карантинида**

#### **бўлган заарли организмлар**

#### **РЎЙХАТИ**

#### **I. ЗАРАРКУНАНДАЛАР**

**(1-жадвал)**

	Лотинча номи	Ўзбекча номи
1	<i>Aceria sheldoni</i> (Ewing)	Цитрус куртак канаси
2	<i>Acrobasis pyrivorella</i> (Matsumura)	Нок парвонаси
3	<i>Agrilus mali</i> Matsumura	Олма тилла қўнғизи
4	<i>Aleurocanthus woglumi</i> Ashby	Қора цитрус оққаноти
5	<i>Aleurothrixus floccosus</i> Maskell	Юнгли оққаноти
6	<i>Aleurocanthus spiniferus</i> (Quaintance)	Тиканли тоғ оққаноти
7	<i>Anisandrus dispar</i> (Fabricius)	Ғарб пўстлоҳўри
8	<i>Anthonomus signatus</i> Say	Қулупнай қуртакхўри
9	<i>Aonidiella aurantii</i> (Maskell)	Қизил померанец қалқондори
10	<i>Aonidiella citrina</i> Coquillett	Сариқ померанец қалқондори
11	<i>Bactrocera dorsalis</i> (Hendel)	Шарқ мева пашласи
12	<i>Bactrocera minax</i> (Enderlein)	Катта мандарин пашласи
13	<i>Blissus leucopterus</i> (Say)	Буғдоқ қандаласи
14	<i>Bruchidius incarnatus</i> (Bohemian)	Миср нўхот донхўри
15	<i>Callosobruchus phaseoli</i> (Gyllenhal)	Ҳинд ловия донхўри
16	<i>Callosobruchus chinensis</i> (Linnaeus)	Хитой донхўри
17	<i>Carposina nipponensis</i> Walsingham	Шафтоли мевахўри
18	<i>Carposina sasakii</i> Matsumura	Шафтоли мева куяси
19	<i>Caryedon serratus</i> (Olivier)	Ерёнгоқ донхўри
20	<i>Caulophilus latinasus</i> (Say)	Кенг хартумли омбор узунбуруни
21	<i>Ceratitis capitata</i> (Wiedemann)	Ўрта ер денгизи мева пашласи
22	<i>Ceratitis rosa</i> Karsch	Наталия мева пашласи
23	<i>Ceroplastes ceriferus</i> (Fabricius)	Ҳинд мумсимон сохта қалқондори
24	<i>Ceroplastes rusci</i> (Linnaeus)	Анжир мумсимон сохта қалқондори
25	<i>Ceroplastes japonicus</i> Green	Япония мумсимон сохта қалқондори

26	<i>Chionaspis furfura</i> (Fitch)	Тангасимон қалқондор
27	<i>Coccus perlatus</i> (Cockerell)	Учбурчаксимон сохта қалқондор
28	<i>Conotrachelus nenuphar</i> (Herbst)	Мева узунбуруни
29	<i>Choristoneura occidentalis</i> Freeman	Фарбий арча барг бурамачиси
30	<i>Delia antiqua</i> (Meigen)	Пиёз пашшаси
31	<i>Diabrotica virgifera virg.</i> Leconte	Фарбий маккажүхори қүнғизи
32	<i>Diaphorina citri</i> Kuwayana	Шарқ ёки Осиё барг бургаси
33	<i>Dinoderus bifoveolatus</i> Wollaston	Сохта пўстлоқ ҳаммахўри
34	<i>Drosophila suzukii</i> (Matsumura)	Осиё мева дрозофиласи
35	<i>Dysmicoccus wistariae</i> (Green)	Япония қўрти
36	<i>Epitrix tuberis</i> Gentner	Картошка туганаги кана қўнғизи
37	<i>Frankliniella williamsi</i> Hood	Маккажүхори трипси
38	<i>Frankliniella schultzei</i> Trybom	Помидор трипси
39	<i>Halyomorpha halys</i> Stal	Жигарранг мармар қандала
40	<i>Helicoverpa zea</i> (Boddie)	Америка маккажүхори тунлами
41	<i>Hyphantria cunea</i> Drury	Америка оқ капалаги
42	<i>Icerya purchasi</i> Maskell	Австралия тарновсимон қурти
43	<i>Ips plastographus</i> (Leconte)	Калифорния пўстлоқхўри
44	<i>Keiferia lycopersicella</i> (Walsingham)	Америка помидор куяси
45	<i>Lindingaspis rossi</i> (Maskell)	Қора араукарий қалқондори
46	<i>Liriomyza nietzkei</i> Spencer	Пиёз минёри
47	<i>Liriomyza huidobrensis</i> (Blanchard)	Жанубий Америка барг минёри
48	<i>Liriomyza phytobia</i> (Hendel)	Пиёз барг минёри
49	<i>Liriomyza trifolii</i> (Burgess)	Америка йўнғичқа минёри
50	<i>Lopholeucaspis japonica</i> (Cockerell)	Япония чўпсимон қалқондори
51	<i>Margarodes vitis</i> (Philippi)	Жанубий Америка ток қурти
52	<i>Meromyza nigriventris</i> Macquart	Дон меромизаси
53	<i>Naupactus xanthographus</i> (Germar)	Жанубий Америка мева узунбуруни
54	<i>Naupactus leucoloma</i> Bohemann	Оқ ҳошияли қўнғиз
55	<i>Nemorimyza maculosa</i> (Malloch)	Хризонтема барг минёри
56	<i>Nipaecoccus nipae</i> (Maskell)	Палма қурти
57	<i>Paralipsa gularis</i> (Zeller)	Ерёнғоқ парвонаси
58	<i>Pectinophora gossypiella</i> (Saunders)	Ғўза куяси
59	<i>Pinnaspis strachani</i> (Cooley)	Кичик қорсимон қалқондор
60	<i>Popillia japonica</i> Newman	Япон қўнғизи
61	<i>Pseudaulacaspis pentagona</i> (Targioni-Tozzetti)	Тут қалқондори
62	<i>Pseudococcus cryptus</i> Hempel	Шарқ унсимон қурти
63	<i>Pseudococcus calceolariae</i> (Maskell)	Цитрус унсимон қурти
64	<i>Pseudopeltatoria parlatorioides</i>	Орхидея қалқондори
65	<i>Rhagoletis completa</i> Cresson	Ёнғоқ пашшаси
66	<i>Rhagoletis mendax</i> Curran	Тўқ ялтироқ қанотли пашш

67	<i>Rhagoletis pomonella</i> (Walsh)	Олма пашласи
68	<i>Ripersiella kondonis</i> (Kuwana)	Илдиз унсимон қурти
69	<i>Sinoxylon unidentatum</i> (Fabricius)	Аппасимон пүстлюқ кемириувчи құнғиз
70	<i>Spodoptera eridania</i> (Cramer)	Жанубий тунлами
71	<i>Spodoptera frugiperda</i> (Smith)	Маккажүхори баргларининг тунлами
72	<i>Spodoptera littoralis</i> (Boisduval)	Миср ғұза тунлами
73	<i>Spodoptera litura</i> (Fabricius)	Осиё ғұза тунлами
74	<i>Tecia solanivora</i> (Povelny)	Гватемальская картошка күяси
75	<i>Trogoderma angustum</i> (Solier)	Трогодерма ангустум құнғизи
76	<i>Trogoderma ballfinchae</i> Beal	Трогодерма балфинчае құнғизи
77	<i>Trogoderma granarium</i> Everts	Капр Құнғизи
78	<i>Trogoderma grassmani</i> Beal	Трогодерма грассмани құнғизи
79	<i>Trogoderma longisetosum</i> Chao & Lee	Трогодерма лонгисетозум құнғизи
80	<i>Trogoderma ornatum</i> (Say)	Трогодерма орнатум құнғизи
81	<i>Trogoderma simplex</i> Jayne	Трогодерма симплекс құнғизи
82	<i>Trogoderma sternale</i> Jayne	Трогодерма стернале құнғизи
83	<i>Unaspis citri</i> (Comstock)	Апельсин қалқондори
84	<i>Unaspis yanonensis</i> (Kuwana)	Шарқ цитрус қалқондори
85	<i>Viteus vitifoliae</i> (Fitch)	Филлоксера
86	<i>Zabrotes subfasciatus</i> (Bohemian)	Бразилия донхўри
87	<i>Zeugodacus cucurbitae</i> (Coquilletti)	Африка қовун пашласи
88	<i>Zygogramma exclamationis</i> (Fabricius)	Кунгабоқар барг құнғизи

(2-жадвал)

## II. БЕГОНА ЎТЛАР

1	<i>Acanthospermum hispidum</i> de Candolle	Каттиқ юнгли тиканли ўт
2	<i>Aeschynomene indica</i> Linnaeus	Хинд эшиноменеси
3	<i>Aeschynomene virginica</i> (Linnaeus) Britton, Sterns & Poggenburg	Виржиния эшиноменеси
4	<i>Ambrosia psilostachya</i> de Candolle	Күп йиллик амброзия
5	<i>Ambrosia trifida</i> Linnaeus	Уч бўлакли амброзия
6	<i>Arceuthobium</i> spp	Омелалар
7	<i>Bidens bipinnata</i> Linnaeus	Иттикана
8	<i>Cassia occidentalis</i> Linnaeus	Ғарб кассияси
9	<i>Cassia tora</i> Linnaeus	Тора кассияси
10	<i>Cenchrus pauciflorus</i> Bentham	Камгулли ценхрус (лангарсимон)
11	<i>Croton capitatus</i> Michaux	Тўпгулли кротон
12	<i>Diodia teres</i> Walter	Жўвасимон диодия
13	<i>Emex australis</i> Steinheil	Жанубий эмекс

14	<i>Emex spinosa</i> (Linnaeus) Campdera	Тиканли эмекс
15	<i>Euphorbia dentata</i> Michaux	Аррасимон сутлама
16	<i>Euphorbia marginata</i> Pursh	Хошияли сутлама
17	<i>Helianthus californicus</i> de Candolle	Калифорния кунгабоқари
18	<i>Helianthus ciliaris</i> de Candolle	Киприкли кунгабоқар
19	<i>Helianthus lenticularis</i> Douglas	Ёввойи кунгабоқар
20	<i>Helianthus petiolaris</i> Nuttall	Барг бандли кунгабоқар
21	<i>Helianthus scaberrimus</i> Britton & A.Brown	Тукли кунгабоқар
22	<i>Hydrocotyle ranunculoides</i> Linnaeus	Айиктовонсимон сувийгар
23	<i>Ipomoea hederacea</i> (Linnaeus) Jacquin.	Печаксимон ипомея
24	<i>Iva</i> sp.sp	Сассиқ какра (хамматурлари)
25	<i>Jacquemontia tamnifolia</i> (Linnaeus) Grisebach	Юраксимон баргли жакумонт ўти
26	<i>Polygonum pensylvanicum</i> Linnaeus	Пенсильвания сув мурчи
27	<i>Raimania laciiniata</i> Hill (Oenotera)	Раймания
28	<i>Sesbania exaltata</i> (Raf) Cory	Майда дуккакли сесбания
29	<i>Sesbania macrocarpa</i> Muhl et rafin	Йирик дуккакли сесбания
30	<i>Sicyos angulatus</i> Linnaeus	Бурчак баргли қовоқсимон ўт
31	<i>Sida spinosa</i> Linnaeus	Тиканли сида
32	<i>Solanum carolinense</i> Linnaeus	Каролина итузуми
33	<i>Solanum elaeagnifolium</i> Cavanilles	Чизиқ баргли итузум
34	<i>Solanum rostratum</i> Dunal	Тиканли итузум
35	<i>Solanum triflorum</i> Linnaeus	Уч гулли итузум
36	<i>Striga</i> sp.sp	Стригалар

**Ўзбекистон Республикасининг айрим худудларида тарқалган  
ўсимликлар карантинидаги заарли организмлар  
РЎЙХАТИ**

**I. ЗАРАРКУНАНДАЛАР**

(3-жадвал)

1	<i>Dialeurodes citri</i> (Ashmead)	Цитрус оққаноти
2	<i>Grapholita molesta</i> (Busck)	Шарқ меваҳўри
3	<i>Leptinotarsa decemlineata</i> Say	Колорадо қўнғизи
4	<i>Phyllocnistis citrella</i> Stainton	Цитрус инли қуяси
5	<i>Pseudococcus comstocki</i> Kuwana	Комсток құрти
6	<i>Quadraspidiotus perniciosus</i> (Comstock)	Калифорния қалқондори
7	<i>Phthorimaea operculella</i> (Zeller)	Картошка қуяси

## II. БЕГОНА ЎТЛАР

1	<i>Acroptilon repens</i> (Linnaeus)	Судралувчи какра (пуштиранг какра) de Candolle
2	<i>Ambrosia artemisiifolia</i> Linnaeus	Эрмонбаргли амброзия
3	<i>Cuscuta</i> sp. sp	Зарпеклар

### **Ўсимликларнинг ташқи карантин ҳашаротларининг туркум, оила ва турлари ҳамда ривожланиш хусусиятлари**

Умумий ҳашаротлар ер юзида жуда кенг тарқалган ва турлича тузилишга эга. Улар энг қўп сонли Ҳайвонлар синфи бўлиб, миллиондан ортиқ турлари маълум, яъни қолган ҳамма ҳайвон турлари ҳамда ҳамма ўсимлик турлари билан бирга олганда ҳам қўп. Олимларнинг ҳисобига кўра ер юзида бир вақтнинг ўзида  $10^{17}$  донага яқин ҳашарот яшайди, ҳар бир одам бошига бу синфнинг 250 миллионта ҳар хил вакили тўғри келади. Ҳақиқатда эса, ер юзида ҳашаротларнинг турлари 1,5 миллиондан кам эмас деган фикрлар бор. Демак, ҳали кам ўрганилган ўлкалардаги ва тропик зоналардаги ҳашаротларнинг тузилишини, яшашини текшириб, бир неча минг янги турларни ўрганишга тўғри келади.

Бундай катта турли хил ҳаёт формаларини эгаллашнинг илмий воситаси систематика ёки таксономиядир. Систематика ёки таксономия — биологиянинг бир қисми, ҳайвон ва ўсимлик организмлари классификацияси ҳамда аниқлаш назариясини ишлаб чиқади. Систематиканинг асосий вазифаси турли организмлар ўртасидаги қариндошлик ва ўзаро муносабатини аниқлаш ҳамда қариндошлик даражасига кўра, систематик категориялари ёки таксонлари билан бирга бирлаштиришдир.

Шу асосда ҳар бир конкрет группа организмлар классификацияси ишлаб чиқилади. Карл Линней (XVIII аср) давридан систематиканинг асосий таксономия бирлиги турдир.

Швед олими Карл Линней (XVIII) томонидан асос солинган ҳашаротларни систематик бирликлар қўйидагилардир: *тур*, *авлод*, *оила*, *туркум*, *синф* ва *тип*.

**«Тур» ( *Specits* )** индивиднинг мужассам ҳамма борлиқ тузилишидаги ва хулқ авторидаги бир-бирига ўхшаш белгилари йифиндисини, бири бирига чатиштириб, ота-онасига ўхшаш тўлиқ насл беради ва маълум ареалга эга хусусиятларини ўз ичига олади.

**Авлод** – ( *Pieris* ) бир-бирига ўхшаш ва ўзаро қариндош турларни бирлаштиради.

**Оила** - авлодларни бир бирига бирлаштиради.

**Туркум** – Бир бирига ўхшаш оилаларни бирлаштиради.

**Синф** – туркумлардан ташкил топган бўлади.

**Тип** - туркумлардан–синфлар, умумий ўхшаш белгили синфлар систематиканинг энг юқори бирлиги типларга бирлашади.

ХХ аср бошларигача систематика фақат морфологик мезонига асосланган эди. Ҳозирги замон систематикаси турнинг ҳамма умумий белгиларини — мезонини, ҳатто хужайравий ва молекуляр генетик хусусиятларини ўз ичига олади. Бугунги кунда ҳашаротлар систематикасида қўйидаги кўпбосқичли таксонлар системаси қўлланилади: Бош синф (*superclassis*), **Синф (classis)**, Кенжа синф (*subclassis*), Инфрасинф (*infraclassis*), Бўлим (*diviso*), Бош туркум (*superordo*), **Туркум (ordo)**, Кенжа туркум (*subordo*), Бош оила (*super - familia*), **Оила (familia)**, Кенжа оила (*subfamilia*), Триба (*tribus*), **Авлод (genus)**, Кенжа авлод (*subgenus*), **Тур (species)**, Кенжа тур (*subspecies*).

Ҳашаротлар классификацияси (бошқа ҳайвонларнига ўхшаш) юқори систематик бирликларни кўриб чиқишига асосланган бўлиб, тур классификациясининг бирлигини, чексиз миқдордаги турларни тартибга солиш имконини яратади ва уларнинг ҳар бири учун системада авлод, оила, туркумларнинг ўз жойини топтиради. К. Линней ҳашаротларни туркумларга бўлишда уларнинг қанотларига асосланади. Ҳамма кейинги классификация тарихи бу асос белги жуда тўғрилигини исботлади. Ҳашаротларнинг қанотлари мураккаб орган бўлиб, биринчидан унинг томирланиши жуда кўп хилли комбинацияли, иккинчидан, бу органлар яққол кўзга ташланадиган ва ўрганиш учун қулай. Бинобарин, жуда осон ҳамма умумий белгиларини таққослаб инобатга олишни осонлаштиради.

### Систематика

Систематика ёки таксаномия-биологиянинг бир қисми, ҳайвон ва ўсимлик организмлари классификацияси ҳамда аниқлаш назариясини ишлаб чиқади.

### Систематика бирликларни қўйидагилар:

**ТУР**



**АВЛОД**



**ОИЛА**



**ТУРКУМ**



**СИНФ**



**ТИП**

## **Айрим ички карантин зааркунанда ҳашаротларнинг систематикаси**

• *Колорадо құңғизи* – бүгімоёқлилар (*Arthropoda*) типи, ҳашаротлар (*Insecta*) синфи, қаттық қанотлилар (*Coleoptera*) – туркуми, барг кемирудилар оиласи, *Leptinotarsa decemlineata* Sayem (колорадо құңғизи) – турига мансуб зааркунандадир.

*Картошка* күяси – бүгімоёқлилар (*Arthropoda*) типи, ҳашаротлар (*Insecta*) синфи, тангақанотлилар (*Lepidoptera*) – туркуми, үйик қанотлилар *Gelechiidae* оиласи, *Phthorimaea operculella* Zeller (картошка күяси) – турига мансуб зааркунандадир.

## **Айрим ташқи карантин зааркунанда ҳашаротларнинг систематикаси**

• *Миср ғұза тунлами* – бүгімоёқлилар (*Arthropoda*) типи, ҳашаротлар (*Insecta*) синфи, тангақанотлилар (*Lepidoptera*) – туркуми, тунламлар (тунда учұвчилар) оиласи, *Spodoptera littoralis* Boisduval (Миср ғұза тунлами) – турига мансуб зааркунандадир.

• *Ток филлоксераси* - бүгімоёқлилар (*Arthropoda*) типи, ҳашаротлар (*Insecta*) синфи, ярим қаттық қанотлилар (*Hemiptera*) – туркуми, филлоксералар оиласи, *Dactylosphaera vitifoliae* Fitch. (Ток филлоксераси) – турига мансуб зааркунандадир.

• *Бразилия донхўри* – бүгімоёқлилар (*Arthropoda*) типи, ҳашаротлар (*Insecta*) синфи, қаттық қанотлилар (*Coleoptera*) – туркуми, донхўрлар *Bruchidae* оиласи, *Zabrotes subfasciatus* Boh. (Бразилия дуқакклилар донхўри) – турига мансуб зааркунандадир.

*Ёнгоқ пашаси* - бүгімоёқлилар (*Arthropoda*) типи, ҳашаротлар (*Insecta*) синфи, икки қанотлилар (*Diptera*) – туркуми, чипор қанотлилар оиласи, *Rhagoletis completa* Gresson (Ёнгоқ пашаси) – турига мансуб зааркунандадир

• *Олма тилла құңғизи* – бүгімоёқлилар (*Arthropoda*) типи, ҳашаротлар (*Insecta*) синфи, қаттық қанотлилар (*Coleoptera*) – туркуми, қымматбақо метал туслилар *Viprestidae* оиласи, *Agrilus mali* Matsumura (олма тилла құңғизи) – турига мансуб зааркунандадир.

*Ғұза* күяси – бүгімоёқлилар (*Arthropoda*) типи, ҳашаротлар (*Insecta*) синфи, тангақанотлилар (*Lepidoptera*) – туркуми, үйикқанотлилар *Gelechiidae* оиласи, *Pectinophora gossypiella* Saunders (ғұза күяси) – турига мансуб зааркунандадир.

Юқоридаги ҳашаротлар таксономияси ва уларнинг ривожаланиш хусусиятлари бүйича маълумотлар асосида Республикасынан ҳудудига кириб қолған карантин зааркунандаларига қарши үйғунашкан кураш чоратадбирларини олиб боришда замин яратади.

## **Ўсимликларнинг ташқи карантин зааркунандаларининг дунёда тарқалиш ареалларини ўрганиш.**


Ўсимликларнинг ташқи карантин зааркунандаларининг дунёда тарқалиш ареалларини ўрганиш энг муҳим күрсатмалардан ҳисобланади.

Карантин зааркунандалар ер юзининг турли миintaқаларида тарқалган бўлиб, ушбу зааркунандаларни Республикаиз ҳудудига кириб келишини олдини олиш мақсадида хорижий ўлкалардан келтирилаёган товарларнинг энтомологик, фитопатологик, бактериологик ва гербологик теширишни амалга ошириш зарур бўлади. Карантин инспекцияси республика ҳудудига хорижий давлатлардан хавфли карантин обеъктларини кириб келишини олини олиш тадбирларини белгилаш билан шуғулланади.

**Ғўза қуясининг ер юзида тарқалган** ҳудудлари харитада сарғиш белгилар билан белгиланган. Ушбу сарғиш белгили ҳудудлардан олиб келинадиган товарларни албатта энтомологик текширувни мукаммал ўтказишни талаб этади (1-2-3-расмлар).



**1-расм. Ғўза қуяси тарқалган ҳудудлар**



**2-расм. Осиё ғўза тунлами тарқалган ҳудудлар**



**3-расм. Миср ғўза тунлами тарқалган ҳудудлар**

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ўзбекистонда ўсимликларни ички карантин зааркунандалари?

2. Ўзбекистонда ўсимликларни ташқи карантин зааркундалалар сони?
3. Айрим карантин зааркундаларининг систематик таҳлили?
4. Карантин зааркундаларининг тарқалиш ареаллари?
5. Ғўза қуясининг ер юзида тарқалиши?
6. Осиё ғўза тунламиининг ер юзида тарқалиши?
7. Миср ғўза тунламиининг ер юзида тарқалиши?
8. Карантин зааркундаларининг тарқалиш ареаллари?

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зааркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуни, 31.08.2000 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини “Ўсимликлар карантинидаги заарли организмлардан ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМ. Тошкент. 2018.

4. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рўхсатномасини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Тошкент. 2018.

5. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Тошкент. 2018.

6. Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ва қоидалар (янги таҳрири) Тошкент. 2018.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти. “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни танлаш усуслари”. Тошкент. 2018.

### **IV. Интернет сайтлар**

8. <http://www.quarantine.com>.
9. [www.plantprotection.com](http://www.plantprotection.com)
10. [www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm](http://www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm)

### **Педагогик технология**

#### **“ФСМУ” Техникаси ёрдамида фикрингизни баён этинг**

Савол	Сабаб?
(Ф)-фикрингизни баён этинг	
(С)-фикрингизни баёнига санаб кўрсатинг	

(М)-кўрсатган сабабингизни исботловчи  
далил келтиринг

(У)-фикрингизни умумлаштиринг

## **2-МАВЗУ: ФЎЗАНИНГ КАРАНТИН ЗААРКУНАНДАЛАРИ ТУР ТАРКИБИ, БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КАРАНТИН ЧОРА-ТАДБИРЛАР.**

### **Режа:**

1. Фўзанинг карантин зааркунандалари тур таркиби.
2. Фўзанинг карантин зааркунандаларининг биологияси, экологияси.
3. Фўзанинг карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари.

**Таянч сўзлар:** гўза, карантин, зааркунанда, гўза куяси, осиё гўза тунлами, миср гўза тунлами, ривожланни хусусиятлари, қаноти, тухуми, ташқи карантин, чора-тадбир, қарши кураш, ҳудудлар, тарқалиши, назорат, ҳудуд, объект, энтомологик экспертиза, вирусология, гелментология, ўсимлик аъзоси, усул, карантин, окуляр, лупа, нематода, микроскоп

### **Фўзанинг карантин зааркунандалари тур таркиби**

Тур – фўза куяси ёки пушти ранг кўсак қурти — *Pectinophora gossypiella* Saund., Оиласи – *Gelechiidae* – ўйиққанотлилар,  
Тангақанотлилар – *Lepidoptera* – туркумига мансуб ташқи карантин зааркунандадир.

Европанинг Албания, Греция, Испания, Италия, Югославия, Осиёнинг Афғонистон, Бангладеш, Бирма, Вьетнам, Истроил, Хиндистон, Ливан, Покистон ва бошқа давлатларида, Африка қитъасида, Океанияда, Марказий Америкадаги давлатларда ҳам тарқалган.

МДҲ давлатларида рўйхатга олинмаган. Лекин уларни ўтиш хавфи жуда катта, чунки чегарадош мамлакатларда бу зааркунанда кенг тарқалган.

Фўза куяси фўзани генератив органларини шонасини, гулини, кўсагини, чигитни ва ҳатто толани ҳам зааррлайди. Зааррланган шоналар гуллар қурийди ва тушиб кетади. Кўсаклар етилмай қолади, тола сифатсиз бўлади, бундан олинган чигитларни унувчанлиги камаяди. Зааррланган кўсаклар чирийди.

Капалаги қанотларини ёзганда 15-20 мм. Олдинги қанотлари оч кулранг рангда. Капалакнинг олдинги қанотлари ўткир учли, унчалик чегаралаб турмайдиган қора доғлар бор.

Орқа қаноти олдингисидан бир мунча кенгрок, уларнинг ташқи чети эса ранг-баранг товланиб турадиган очроқ тусда бўлади. Оёқлари тўқ қўнғир

тусда. Урғочиси эркагидан генеталийси (кўпайиш ёки жинсий органлари) бўйича фарқланади.

Чўзиқ овал шаклида, узунлиги 0,4-0,6 мм, эни 0,20,3мм, ранги марваридсимон оқ.

Танасининг асосий ранги сарғиш оқ, боши қорамтири. Янги чиққан куртлар очик рангда, узунлиги 1-2 мм, катта ёшдагилари пушти рангда бўлиб, узунлиги 12-15 мм. Ёлғон оёқларида 15-17 та илгакчалари бор. Курти узоқ диапаузага кетишга қодир бўлиб, ўз ҳаётчанлигини сақлаб қолади. Ранги кулранг, узунлиги 10 мм, танаси анча йўғон (4-5-6-7-расмлар).



Куртлари дала шароитида ҳосил йиғилгандан сўнг тўкилган кўсакларда, йиғиб олинмаган пояларда, чигитларда қишлиайди.

Лекин Хитой энтомологларининг маълумотига кўра, дала шароитида ғўза куяси қуртларини бор йўғи 0,75% и қишлиайди, қолган 99% и чигит сақланадиган омборларда, пахта тозалаш заводларида, ёғ заводлари омборларида, пахта толаси қолдиқларида қишлиайди.

Куртлар ҳаёти давомида 3 марта пўст ташлайди ва 4 ёшни ўтайди. Ноқулай шароитда ғўза куяси қуртлари узоқ муддатли диапаузага кетиб ўз

хаётчанлигини сақлаб қолади.

Имагоси ҳарорат 20°C бўлганда пайдо бўлади. Капалаклар 14-20 кун яшайди. Уругланган капалаклар шонага, кўсакларга 110 тадан қилиб, 500 тагача тухум қўяди. Тухумдан чиқсан қуртчалар кемириб заарлаши натижасида уруғ, мева ва бошқа органларни йўқ қиласди, толани заарлаб ҳосилга катта заар етказади. Озиқланган қуртлар даладаги кўсаклар ичида, омборларда, заарланган уруғликда ғумбакка айланади. Ғумбакдан янги имаго чиқиши учун қуртлар думалоқ йўл очиб қўяди. Мисрда ғўза куяси бир йилда 5-6 та, Хитойда 4-5 та авлод беради.

Ғўза куяси фаол учиши орқали, бундан ташқари бу зааркунанда заарланган тола ҳамда уруғлик чигитлар орқали ҳам кенг тарқалади. Бу зааркунанда таъсирида ҳар йили 20% дан 80% гача ғўза ҳосилини йўқотилишга олиб келади.

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Ғўза куяси тарқалган мамлакатлардан ғўза, каноп, бамия, чигитли тола ва кўсак олиб келиш ман этилади.

Ғўза куяси тарқалган мамлакатлардан олиб келинаётган бошқа моллар, транспорт воситалари ва тара чегара пунктларида ғўза куяси мавжудлигига текширилади ва заарлангани гумон қилинса, экспертизадан ўтказилади. Пунктлар атрофидаги 3-5 км лик худуд, тасдиқланган услугга биноан, елимли феромон тутқичларидан фойдаланиб текширилади. Ғўза куясининг “ўчоқлари” аниқланса, дарҳол қириб ташлаш чоралари қўлланилади.

Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда пахта далаларида ғўза куясини аниқлаш учун карантин назорати текширишларни ўтказиш, чигитли пахта қолдиқларини ғўза куясининг қурти мавжудлигини аниқлаш мақсадида таҳлил қилиш лозим.

Ғўза. каноп, бамия, чигитли тола ва кўсак намуналарини илмий мақсадда олиб киришга, уларни рентгенография усули ёрдамида карантин назоратидан ўтказиб, агар ҳашарот аниқланса, намуна заарсизлантирилгандан ва импорт рухсатномаси олингандан сўнг рухсат берилади; профилактика мақсадида, уруғлик заарланмаган бўлса ҳам, вакум фумигацияси ёрдамида заарсизлантирилиши ва карантин кўчатзорларига экиб, текширилиши лозим.

Зааркунанда кирган тақдирда, унинг “ўчоқларини” аниқлаш ва дарҳол қириб ташлаш чораларини қўллаши лозим.

Кимёвий усул. Уруғлик чигит экишдан олдин кимёвий заарсизлантирилади, Вегетация даврида экинга ўша мамлакатда ишлатишга рухсат этилган инсектицидлар пуркалади. Зааркунандага қарши кўп синтетик пиретроидлар, жумладан Суми-альфа, Сумицидин, Децис ва бошқаларни қўллаш юқори самара бериши хорижий давлтатларда ўрганилган.

**Тур - Осиё ғўза тунлами — *Spodoptera litura* Fabr. Оила – тунламлар – *Noctuidae*. Туркум – тангақанотлилар – *Lepidoptera* – туркумига мансуб ташқи карантин зааркунандадир.**

Осиёнинг Афғонистон, Бангладеш, Эрон, Ироқ, Хитой, Корея, Покистон, Непал, Ҳиндистон, Уммон, Таиланд, Япония, Филиппин, Малайзия, Лаос, Мальдив ороллари, Сингапур, Шри-Ланка ва ҳаказо давлатларида ҳамда АҚШ, Африканинг Гана, Реюньян давлатларида, Европанинг Португалия, Франция Окениянинг бир қанча ороллардан иборат давлатларида тарқалган.

Осиё ғўза тунлами ғўза, маккажӯхори, помидор, бақлажон, сабзи, карам, қовоқ, картошка, нўхат, беда, буғдой, атиргул, тамаки ва ҳаказо 80 дан ортиқ турдаги ўсимликларни заарлайди.

Қуртлари ғўза барглари ва кўсакларига кучли зарап етказиб, умуман 75% гача ғўза ҳосилни йўқотиши мумкин. Ҳиндистонда тамаки ҳосилини 25-50% гача пасайтириши ўрганилган. Малайзияда батат ўсимлигини 75% гача заарлаган бўлса, бунда 1 га ердаги Осиё ғўза тунлами қуртлари сони 1,5-28 мингтагача бўлган.

Қанотларини ёзганда 35-40 мм. Олдинги қанотлари чўзиқ-тўқ кулранг рангда, очик рангдаги йўл-йўл ва каттароқ буйраксимон доғлари бор. Олд қаноти учларида қора нуқталар бор. Орқа қанотлари оқ, ялтироқ.

Тухуми оч сарғиш рангда, думалоқ, устки қисми садафдай. Тухумини тўп-тўп қилиб, устини қорин қисмидаги тукчалари билан ҳимоя қилиб қўяди. Осиё ғўза тунлами бир йилда 4-8 мартағача авод беради.

Тухуми оч сарғиш рангда, думалоқ, устки қисми садафдай. Тухумини 2-3 тадан қилиб, бир-бирига тегиб турган ҳолда қўяди.

Қурти 6 ёшни ўтайди, янги чиқкан қуртлар оч яшил рангда.

Кўкрак ва сохта оёқлари тўқ жигар ранг, узунлиги 1,3 мм, охирги ёшдаги қуртлар оч жигар ранг. Қорин сегментларини 1 ва 8-чиси қора доғли, бошқа сегментларга нисбатан узунроқ. Доғлар тартибсиз шаклда. Боши тўқ жигар ранг бўлиб, оқ чоксимон чизиқ ўтган. Олд кўкрак қалқончаси тўқ оқ нуқталари бор. Кўкрак оёқлари қорин оёқчаларига нисбатан тўқроқ (8-9-10-11-расмлар).

Гумбаги ёнғоқ пўстига ўхшаш ранг узунлиги 19мм гача. Сегментларида 6 жуфт нафас тешикчалари бор.

Ёзда бутун ривожланиши учун 33-35 кун ўтади, личинкалар 6 ёшни ўтайди. Бир мавсумда 4 авлод беради. Уруғланган урғочилар 2500 тагача тухум қўяди. Тухумларини 200-600 тадан қилиб баргларга қўяди.



8-расм. Осиёғўза тунлами капалагини кўриниши



9-расм. Осиёғўза тунламининг тукчалари билан қоплаб қўйган тухуми



10-расм. Кўсакни заарлаётган Осиёғўза тунламининг личинкаси



11-расм. Осиёғўза тунламининг ғўмбаги

Капалаклар учиб узоқ масофага миграция қилади.

Кўчатлар, сабзавотлар, ғўза кўсаклари орқали тарқалади.

Тур – Миср ғўза тунлами - *Spodoptera littoralis* Baisd. Оила – тунламлар – *Noctuidae*. Туркум – танга қанотлилар – *Lepidoptera* – туркумига мансуб ташқи карантин заараркунандадир.

Миср ғўза тунлами Осиёнинг Бахрейн, Истроил, Эрон, Ироқ, Иордания, Яман, Ливан, БАА, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия давлатларида ҳамда Африка қитъасининг деярли барча давлатларида, Европанинг Греция, Испания, Италия, Кипр, Мальта, Португалия, Франция ва ҳаказо давлатларда тарқалган.

Миср ғўза тунлами асосан ғўза, картошка, маккажўхори, лавлаги, сабзи, кунгабоқар, пиёз, карам, соя ва барча дуккаклиларни, атиргул ва ҳаказо экинларни заарлайди.

Мисрда бир неча йиллар сурункасига бу тунлам таъсиридан 75% гача ғўза ҳосили йўқотилган. Капалаги ташқи томондан, рангли, қанотларидаги сурати билан Осиёғўза тунламига мутлақо ўхшаш бўлиб, уларни фақат бирбиридан орқа қанотларини оқ ранги ва генитал органини тузилиши билан ажратиш мумкин.

Капалаги ташқи томондан, рангли, қанотларидаги сурати билан Осиё

ғўза тунламига мутлақо ўхшаш бўлиб, уларни фақат бир-биридан генитал органини тузилиши билан ажратиш мумкин (12-13-14-15-расмлар).



12-расм. Миср ғўза тунлами  
капалагининг кўриниши



13-расм. Миср ғўза тунламининг тухуми



14-расм. Ўсимлик баргини заарлаётган  
Миср ғўза тунламининг личинкаси



15-расм. Миср ғўза тунламининг  
ғумбаги

Янги қўйилган тухум садафсимон, оқ-сариқ ёки яшил рангда. Тухум тўплари урғочи зотини қорин охиридан ажратилган, заррин жигар ранг туклар билан қопланган. Курт чиқишдан олдин тухумнинг устки қисми қораяди, ости эса оқаради

Куртининг ранги Осиё тунлами қурти рангини эслатади. У фақатгина оғиз аппарати қисмларининг шакли ҳамда кўкрак оёқларидағи тирноқчаси билан ажралиб туради.

Гумбаги жигар ранг, узунлиги 16 мм атрофида, қанот бошланғичлари, оёқлари, мўйловлари аниқ кўриниб туради. Қорни охири кремастерида бир жуфт тиканчаси бор.

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Карантин пунктларида сабзавот экинларини ҳоллари, ғўза кўсаклари, помидор ва бақлажон мевалари, ловия ва ўрис нўхатнинг дони, маккажўхорининг руваклари ва хризантема ҳамда атиргулнинг гуллари ва бошқалар назорат қилиниши лозим. Агар заарқунанда мавжудлиги аниқланса, олиб кирилаётган молларни заарсизлантириш даркор. Баъзи мамлакатлар далада Осиё ва Миср ғўза тунламлари зарари мавжудлигини аниқлаш учун жинсий феромонлар (феромон тутқичлар) қўллашади, агар аниқланса, заарланган

“үчоқлар” йўқотилади. Японияда Осиё тунлами билан курашда ғўза тунламининг жинсий феромони ишлатилади. Миср ғўза тунламининг феромони 4та кимёвий бирикмадан иборат. Улардан энг самаралиси цистранс- 9, 11-тетрадецилацетат булиб, у тунламнинг эркак зотларини узок масофалардан ҳам жалб этиши ўрганилган.

Осиё ғўза тунламига қарши курашда биологик усул, жумладан қуртларига қарши полиздрози вирусини, энтомофагларни (браконид, энсирид, тахинид ва ихневмонидларни) ва йиртқич ҳашаротларни қўллаш истиқболли усул ҳисобланади; Японияда бу тунламни заарловчи 6 та паразит тур ва 13 та тур йиртқичлари мавжудлиги аниқланган.

**Тур – Жануб тунлами - *Spodoptera eridania* Cramer. Оила – тунламлар – *Noctuidae*. Туркум – танга қанотлилар – *Lepidoptera* – туркумига мансуб ташқи карантин зааркунандадир.**

Америка қитъаси: Антигуа ва Варбуда, Аргентина, Варбадос, Бразилия, Гаяна, Гваделупа, Гивения, Гренада, Гондурас, Доминика, Доминикан Республикаси, Коста-Рика, Куба, Мексика, Никарагуа, Парагвай, Перу, Пуерто-Рико, АҚШ, Сент-Винсет ва Гренадинлар, Тринидат ва Табаго, Уругвай, Чили, Эквадор, Ямайка давлатларида кенг тарқалган (16-расм).

Жануб тунлами полифаг (ҳаммахўр) зааркунанда бўлиб, ғўза, помидор, карам, картошка, ширин қалампир, бақлажон, ловия, маккажўхори, кунгабоқар, лавлаги, сабзи, тарвуз, ерёнғоқ, цитрус экинлар, батат ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтиради.

Жануб тунламининг ёш қуртлари баргнинг юмшоқ қисмларидан бошлаб, то баргларнинг скелет қисмигача етиб боргунича озиқланишиади. Катта ёшдаги қуртлари эса озуқани унча талашмайди, улар ўсимликларнинг барча қисмлари билан озиқланишлари мумкин, ҳаттоқи ўсимликларнинг поясини ҳам кемириб заарлайди. Бундан ташқари ўсимликнинг ғунчаси ва ҳосил нишоналари билан ҳам озиқланади. Зааркунандалар сони қанча кўп бўлса, ўсимлик худди тўлиқ дефолиация қилинган ҳолатга ҳам тушиши мумкин. Жануб тунламининг қуртлари иссиқхоналардаги қўчатларига ҳам кучли зарар етказади.



Олди қаноти оқ-сарғиши рангда, атрофи эса оқ тангачаларсиз Си кубитал томирининг қанот учига яқин жойида узун бўлмаган тўғри тўртбурчак шаклда қорамтири доғи мавжуд. Думалоқ доғи йўқ, аммо қора ёки жигарранг чизиқни ичига олган белгиси қанот чеккасигача чўзилган. Орқа қанотлари оқ рангда, ярим шаффоф кескин фарқ қиласидиган тангачалар қанот чеккаси бўйлаб жойлашган. Костал томирлари бўртиб чиқсан. Кўпайиш қисми (геннеталийси) текис букилган, узун, юқорига қараб юпқалашшиб қирра ҳосил қилган, туклари деярли йўқ ёки озгина бўлиши мумкин. Имагосини аниқлаш учун яна бир асосий белгиларидан бири бу қанот нақшининг тузилиши ва кўпайиш органларининг тузилишидир. Куртини аниқлаш учун эса асосий белгиларига унинг ранги, узун туклари, жағларининг (мандигуласи) тузилиши ва бошқа белгиларига эътибор қаратишлозим.

Жануб тунлами капалагининг катталиги ўртача 33-38 мм бўлади. Тухумларининг узунлиги 0.45 мм, диаметри 0.35 мм катталикда тухумлари дастлаб яшил рангда кейинчалик сариқ рангга ўзгаради. Жануб тунлами тухумларини ўсимлик баргининг орқа қисмига тўп-тўп қилиб, тухумлари устини тукчалари билан қоплаб, ҳимоя қилиб қўяди. Тухумлик даври ўртача 4-6 кун давом этади. Личинкасининг катталиги 35 мм катталикда бўлади. Личинкалик давриниг 1-2 чи босқичида яшил рангда кейинги босқичларида эса доғлар пайдо бўла бошлайди. Личинкалик босқичининг давомийлиги ўртача 14-20 кун давом этади. Жануб тунламиning ғумбаги 5-10 см тупроқ остида бўлади. Ғумбагининг ранги тўқ жигарранг узунлиги 16-18 диаметри 5-6 мм бўлади. Ғумбаклик даври ўртача 11-13 кун давом этади (17-18-19-20-расмлар).



17-расм. Жануб тунламининг капалагининг кўриниши.



18-расм. Жануб тунламининг тухуми.



19-расм. Жануб тунламининг личинкаси



20-расм. Жануб тунламининг ғумбаги


Жануб тунламининг имаго ва имагогача бўлган босқичларида зааркунандаларни оддий кўз билан (визуал равишда) ёки маҳсус феромон ва ёруғлик тутқичлари ёрдамида аниқласа ҳам бўлади. Тухум ва қуртларини унинг озуқа ўсимликларини заарланишига қараб, қидириб топиш мумкин. Жануб тунламининг ғумбаклик босқичи тупроқ остида ўтади.

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Жануб тунламининг имаго ва имагогача бўлган босқичларида зааркунандаларни оддий кўз билан (визуал равишда) ёки маҳсус феромон ва ёруғлик тутқичлари ёрдамида аниқласа ҳам бўлади. Тухум ва қуртларини унинг озуқа ўсимликларини заарланишига қараб, қидириб топиш мумкин. Жануб тунламининг ғумбаклик босқичи тупроқ остида ўтади.

**Тур – Маккажўхори барг тунлами - *Spodoptera frugiperda* (Smith).**

**Оила – тунламлар – *Noctuidae*. Туркум – танга қанотлилар – *Lepidoptera* – туркумига мансуб ташқи карантин зааркунандадир.**

Африканинг ғарбий Бенин, Нигерия, Того, Сан-Томе оролларида аниқланган. Европа, Австралия, Жанубия Шарқий Осиё, Хиндистон, Яман, Бангладеш, Мянма, Шри-Ланка, Таиланд ва Хитойда давлатларида тарқалган (21-расм).



**Зарари:** Маккажүхори барг тунлами маккажухори, тұза, бұғдой ва ҳақазо 186 турдаги үсімликни заарлаши мүмкін. Маккажүхори барг тунлами Африка қитъасидаги давлатларда бир давлатдан иккінчи давлатга үтиб, айрим йилларда айрим қишлоқ хұжалик әқинларини бутунлай нобуд қылған пайтлар ҳам күзитилған. Маккажүхорини 25-50 % заарлаши мүмкін.

**Хаёт кечириши ва тузилиши:** Тунламлар қанотлари билан 32-40 мм, еркакларининг олд қанотлари кулранг ва жигарранг, эркаклари ва урғочиларининг орқа қанотлари кумуш-ок ранга эга. Тунламларнинг ташқи күриниши *Spodoptera exempta* ва *Spodoptera littoralis* турларга ўхшайды. Метамарфоз жараёни тупроқ остида бўлади. Вояга етган тунламлар бир кечада 100 километрдан кўпроқ масофага учиб ўтиши мүмкін. Тухумлари диаметри 03-04 мм бўлади.

Тухумлари қўйилганида оч сариқ рангда бўлиб эмбрион ривожлангандан



22-расм. Маккажўхори барг тунлами капалагининг кўриниши.



23-расм. Маккажўхори барг тунламиning тухуми



24-расм. Маккажўхори барг тунламиning личинкаси



25-расм. Маккажўхори барг тунламиning гўмабаги

кейин оч жигарранг тусга киради. Тухумлик даври ҳарорат  $20-30\text{ С}^0$  бўлганда 2-3 кун давом этади.

Тухумларини одатда ўсимлик баргининг орқа тамонига икки-тўрт қатор қилиб 150-200 тагача тухум қўяди. Тухумларини қорнидаги кульранг-пушти тангачалари билан ёпиб қўяди. Ҳар бир урғочи ҳашарот 1000 тагача тухум қўйиши мумкин. Личинкаларининг танасида бўйлама чизиклар мавжуд. Личинкалик даврининг 6 чи босқичида 4,5 см ўзунликка этиши мумкин.

Катта ёшдаги личинкаларининг бош қисмида лотин алифбосидаги **Y** ҳарифига ўхшаш доғи мавжуд бўлиб ана шу белгиси ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Қорин қисмининг сўнги сигментида тўрта тўғри тўртбурчак шаклидаги доғлари ҳам бор. Ғумбакларининг катталиги 1.3-1.5 см, урғочилари бир мунча каттароқ 1.6-1.7 см катталиқда бўлади. Ғумбаклик даври одатда тупроқда ўтади баъзи вақтларда маккажўхори ҳосил элементида ҳам учратиш мумкин. Ғумбаклик даври маккажўхори барг тунламиning мавжуд худудларда ёзда 8-9 кунгача, аммо ҳаво салқин келган вақтларда 20-30 кун давом этиши мумкин. Имагоси эркагининг танаси 1.6 см қанотлари

эса 3.7 см катталикда бўлади. Олд қанотлари оч жигарранг кулрангда бўлиб, қанотининг учида ва ўртасида учбурчак оқ доғлари бор (22-23-24-25-расмлар).

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Шимолий ва Жанубий Америкадаги зааркунандаларга қарши курашиш учун замонавий пестицидлар ва генетик (GMO) жиҳатдан ўзгартирилган ўсимлик турлари фойдаланилади.

### **Ғўзанинг карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари.**

Лабораторияга олиб келинган ҳар қандай материални биринчи бўлиб энтомолог текширади.

Материалда ҳашарот ва каналар бор-йўқлиги аниқланади;

Агар улар фаол ҳолда бўлса, улар ташқарига чиқиб кетмаслиги учун чора кўрилади, жумладан, материал плёнкага ўралади ёки шиша қалпок билан бекитилади ва ҳашаротлар эфир ёки дилхлорэтан билан ўлдирилади. 5-10 дақиқадан сўнг материални текшириш давом эттирилади.

Лаборатория хонасида ойна ва дарчалар ёпиқ бўлиши ёки уларга дока ёхуд қалин тўр тутилган бўлиши лозим.

Келтирилган материални ўша куннинг ўзида экспертиза қилиш лозим.

Сўнгра материал батафсил экспертиза қилинади, жумладан лупа ёки бинокуляр микроскопда текширилади, кичик аъзоларидан препарат тайёрланиб, улар микроскопда таҳлил қилинади.

Экспертиза пайтида топилган заарли ҳашаротлардан ҳар бирининг намунаси алоҳида пробиркага солиниб, унинг ичига дарҳол бироз пахта ва этикетка қўйилади.

Ўша пробиркага заарланган материалнинг намунаси ҳам қўйилади ва пробирканинг оғзи пахта тиқини билан ёпилади.

Этикеткага қўйидагилар ёзилади:

Экспертиза баённомаси рақами;

Қандай материал ва қайси мамлакатдан олиб қелинганлиги;

Аниқланган заарли ҳашаротнинг лотинча ва ўзбекча номи;

Аниқланган заарли ҳашарот қайси ривожланиш фазасида ва қандай ҳолатда эканлиги;

Экспертиза ўтказган мутахассиснинг фамилияси ва исми;

Экспертиза ўтказилган сана.

Бунда қўйидаги қисқартиришларни қўллаш мумкин:

Тир.тирик;

Ў. ўлик;

Лич. личинка;

F. ғумбак;

Қ. капалак қурти;

Ур. ич.-уруг ичида;

Ур. ор.-уруглар орасида.

Тирик личинка ва капалак куртлари олдин маҳсус кимёвий моддалар

ёрдамида фиксация қилинади.

Лабораторияга олиб келинган ва экспертиза қилинган барча намуналар 6 ой давомида сақланади.

Бу күрсатмалар чет элдан олиб келинадиган, шунингдек карантин объектлари билан заарланган худуддан келтириладиган ўсимлик юкларига нисбатан жорий қилинади.

Хориждан келтирилган ўсимлик материалларидан намуна олиш йўллари:

Хориждан келтирилладиган ўсимлик юкларини республикамиз худудидаги биринчи пунктда ўсимликларни карантин қилиш давлат инспекцияси қўшимча кўриқдан ўтказади.

Давлат карантин инспектори карантин юкни қўшимча кўриқдан ўтказиб бўлганидан кейин, бу ўсимликларнинг ҳар бир партиясидан лабораторияда экспертиза қилиш учун ўртacha намуна олади.

Партия деб, - бир вақтнинг ўзида қабул этиладиган, топширилладиган, тарқатилладиган бир турдаги карантин ўсимликнинг муайян миқдорига айтилади. Дастребаки намуна учун уруғ шчуп ёки қўл билан қопнинг ҳар жой-ҳар жойидан олинади.

Заранг, шумтол уруғи сингари канотчали уруғлар қоп ёки яшиқдан брезентга бир текис қилиб тўкилади, сўнгра уларнинг ҳар хил жойларидан қўл билан дастребаки намуналар олинади.

Нечта копдан дастребаки намуна олиш зарурлиги партиянинг катта-кичиклигига қараб белгиланади.

Партиядан олинган хамма дастребаки намуналар кўздан кечирилгандан кейин, бирга қўшилиб умумий намуна тузилади; бу намунани асосий намуна дейилади.

Асосий намуна учун олинган дастребаки намуналарни кўздан кечиришда уларда: зааркунанда, касаллик, бегона ўтларнинг бор йўқлигига эътибор берилади.

Лабораторияда экспертиза қилиш учун алохида намуна ажратилади; бунинг учун асосий намуна текис майдончага тўкилади ва иккита линейка билан аралаштирилади, сўнгра юпқа қилиб квадрат шаклида ёйилади. Бундан кейин квадратдаги уруғлар ҳалиги линейкалар билан бурчакма-бурчак бўлиниб, тўртта учбурчак хосил қилинади.

Сўнгра бир-бирига қарама-қарши турган иккита учбурчакдаги уруғлар ийғишириб олиниб, қолган иккита учбурчакдагилари бир-бирига қайтадан аралаштирилади ва яна тўртта учбурчакка бўлинади

2.Кўчат ва мева зааркундаларининг экспертиза усуллари:

Ўзбекистон худудида чет эл мамлакатларидан ҳар хил савдо шартномалар асосида жуда кўп мева ва резаворлар олиб келинади.

Ундан ташқари кўп мева ва резаворларни автомобил темир йўл ва ҳаво йўллари, пассажирлар ўзлари билан олиб келади.

Айрим ҳолларда мева ва резаворлар халқаро жўнатмаларда ҳам худудимизга келиши мумкин. Товар партиялардаги мева ўрамлари хилма-хил бўлиши мумкин.

Олма, беҳи, нок, анорларни кўп ҳолларда ёғоч ёки пластик яшикларда олиб келинади. Баъзи ҳолларда олма ва апельсинларни ноозик навларини ҳар биттаси алоҳида юпқа қоғоз яшикларда келтириши мумкин.

Шарқий Осиёдан олиб келинадиган меваларэзилмаслиги учун яшиклар ва меваларни ораларига шоли қипиқлари солиши мумкин.

Қароли, ўрик, черешня, гилос ва узумлар бўйи 25см дан ошмаган яшикларда олиб келинади.

Катта товар партиялардаги меваларни киритилишида йўловчи ҳужжатларда мамлакатнинг номи ва бошқа маълумотлар топиш қийин эмас. Жўнатмалардаги меваларни ҳам йўлланган манзиллари ёзилган бўлади.

Масалан Шарқий Осиё Европанинг айрим давлатлари ҳамда: Шимолий Америка ва бошқа давлатлардан олиб келинадиган олма, нок, беҳи, шафтоли, ўрик ва қароли мевалари:шарқ меваҳўри-*Grapholitha molesta* билан, Шимолий Америкадан олиб келинган олмалар ўзимизда учрамайдиган ташқи карантин обьекти деб тан олинган:олма пашласи (*Rhagoletis pomella*) билан заарланган бўлиши мумкин.

Ўрта ер денгизи қирғоқларида жойлашган мамлакатлардан ўта хавфли ташқи карантин обьекти бўлган ўрта ер денгизи мева пашласини (*Ceratitis capitata*) учратиш мумкин.

Шарқий Осиёдан олиб келинган мева резаворларда, айниқса олма, шафтоли, ўрик, қароли, узумларда уларни ўровчи материалларда, тараларида Америка капалаги(*Huphantria cunea*)нинг қурт ва ғумбаклари топилиши мумкин.

Улардан ташқари, ҳар хил қалқондорлар, унсимон қуртлар, жумладан: калифорния қалқондори (*Quadrastichus pentagona*), тут қалқондори ва бошқа зааркундаларнинг тухумларини учратиш мумкин.

Кўчатларни экспертизасини ўтказиш учун ишчи жой тайёрланади ва келган посылкаларни очилади. Аста секин кўчатларни бўшатилади ва атрофдаги пахта шохларни олиб ташланади. Кўчатлар бита-битта олиб кўриқдан лупа ёрдамида ўтказилади. Кўчатларни кўриқдан ўтказиш илдиздан бошланади.

Қолдиқ тупроқ скальпель ёрдамида тозаланади.

Петри ликопчасига солиниб бинокуляр ёрдамида хашарот ёки кана бор йўқлиги аниқланади.

Илдиз бўйнига алоҳида диққат қилиниши лозим.

Патологик шиш, галлалар скальпель ёрдамида очилади ва кўриқдан ўтказилади.

Кўчат поя қобиғи, поялар, поя қўлтиқлари, куртаклар ҳам қалқондорларни бор йўқлигига аҳамият берилиб кўриқдан лупа ёрдамида аниқланади.

Айниқса қуриб қолган ўсимлик қисмларини текшириш лозим.

Зааркунанда аниқланилгандан кейин уларни скальпель ёрдамида кесилади ва устидан парафин қуйилади.

Зааркундаларни териб олиб фиксаторга жойланади.

Албатта мевалар қайси ҳашаротлар билан заарланиши мумкинлигини

билиш лозим.

Хашаротлар меваларни ташқаридан заарлаши мумкин. Бу ҳолатда лупа, бинокуляр ёрдамида ҳашарот тури аниқланади.

Мева устида тешиклар бўлса меваларни ичи очилади ва териб олинган ҳашаротлар фиксация қилинади.

Лаборатория экспертизаси қўйидаги анализларни ўз ичига олади: энтомологик, фитопатологик, вирусологик, бактериологик, фитогельминтологик ва бегона ўтлар.

Энтомологик экспертизаси. Энтомологик таҳлил карантин маҳсулотларда ҳашаротлар, ўргимчакканаларни бор йўқлигини аниқлашга қаратилган чора-тадбирдир.

Маҳсулотларни ҳажмига қараб анализ ҳар хил усул ёрдамида ўтказилади: уруғларни бирма-бир ёки элақдан ўтказиш, флотация, рентгенография, макролюминицент, биологик.

Уруғларни бирма-бир кўриб чиқиши усули қўлланилганда шпатель ёки скальпель ишлатилади.

Экспертизага тушган жўнатмалар, бандероллар ва уларни ичига жойлашган кам миқдордаги уруғлар авваломбор ташқаридан зааркундалар тешмаганлиги аниқланади. Пакетларни ичида уруғларни 1-2 см қалинликда ёзган ҳолатда шпатель ҳамда скальпель ёрдамида бирма бир кесиб кўрилади.

Заарланган уруғлар пробиркаларга жойланиб пробкалар билан ёпилади. Экспертиза давомида ҳашаротларни аниқлашда лупалар ва бинокулярлар қўлланилади.

**Уруғларни кўздан кечириш** - ушбу жуда кўп меҳнат талаб қиласидиган усул ҳар хил уруғлар, ғалла дони, майда қуритилган мевалар ва шуларга ўхшаш материалларни экспертиза қилишда ишлатилади. Кўздан кечириш ҳажмига қараб у ҳар хил тарзда ўтиши мумкин. Уруғларнинг майда ботаник организмларини кўздан кечиришда пластмасса ёки метал патнислардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундан ҳам кичик ҳажмдаги уруғлар намунасини ҳатто оқ қоғоз сатҳида кўздан кечириш мумкин. Уруғларни текшириб кўришда шпател ёки скальпел ишлатилади.

**Уруғларни элаш усуллари-** агар намунада уруғлар ичидаги ҳашаротлар чиқиндилари кўп бўлса тупроқ элаклари ишлатилиши мумкин. Элаш жараёнида элакларни юқори қисмида ҳар хил ҳашаротлар, ўрталарида майдароқ ҳашаротлар, энг пастида эса ҳашаротларнинг чиқиндилари ва каналар тушади. Ушбу усулни қўллаш жуда майда ҳашаротларни аниқлашда биринчи навбатда капр қўнғизини аниқлаш қаътияни ман этилади, чунки қўнғиз личинкалари жуда майда бўлиши боис улар элакларнинг ҳар хил тешик ва ёриқларига кириб қолиши мумкин. Табиийки кейинчалик ушбу элаклар, агар яхшилаб заарлантирилмаса, капр қўнғизини ўчогига айланиши мумкин. Заарсизлантириш учун элаклар кўп вақт сувда қайнатилиши керак.

**Флотация усули.** Флотация уруғларни заарланганлигини аниқлашда ёрдам берувчи усул. Флотация усулида ҳар хил миқдорда ош тузи ёки селитра эритмаси қўлланилади. Бунда 1л сувда 570-730 г селитра  $15^0$  да

эритилади.

Карантин лабораторияларининг жойланиши, асосий йуналиши ва иш ҳажмига боғлик ҳолда жиҳозланиши ҳар хил бўлади. Чегара пунктларидағи кичик лабораторияларда одатда оддий анализлар қилинади ва шу боис улардаги ускуна-жиҳозлар мураккаб бўлмайди. Вилоят ва марказий лабораторияларда юқори малакали мутахассислар ишлайди (энтомолог, фитопатолог, бактериолог, фитогельментолог, ботаник, рентгенолог ва токсикологлар) ва уларнинг фаолияти учун мураккаб маҳсус ускуна ва жиҳозлар керак бўлади.

Кўйида ушбу лаборатория учун зарур бўлган маҳсус прибор ва жиҳозлар рўйхати берилган. Рўйхатда «Юлдузча» билан чегара пунктдаги жиҳозлар белгиланган. Жиҳозлар сони кўрсатилмаган, чунки уларнинг қанчалиги иш ҳажмига боғлиқ.

**Рентгенография усули** -уруғларни зааркунандада томонидан яширин шаклда зааралланганигини аниқлашда рентгенография усули қўлланилади.

Бунинг учун АРС-1 номли рентген аппарати ишлатилади.

Уруғларни рентгенография қилиниши кўйидаги тарзда ўтади.

Юпқа пергамент қоғоз сатҳига уруғлар бир қатлам қилиб маҳсус тахтадан ясалган қутиларга жойлаштирилади. Қутиларни тагига қора қоғозга ўралган янги фотоплёнка қўйилади. Кейин уруғлар рентген нурлар билан кўрилади. Нурланиш давомийлиги беш дакика.

Кейин қутичалар чайқатилмасдан бошқа столга кўйилади. Рентгенограммалар эса тегишла ишловлардан сўнг синчиклаб кўздан кечирилади ва ҳамма шубҳали уруғлар қалам ёрдамида белгиланади.

Рентгенограммаларда уруғларнинг ичида мавжуд ҳашаротларнинг личинкалари, ғумбаклари ва қуртлари ҳамда чиқиндилари яққол кўринади.

Бундан ташқари тирик ва ўлик ҳашаротлар ҳам кўринади.

Кейин қутичадаги зааралланган уруғлар рентгенограммалар солиширилиб пинцет ёрдамида олинади ва энтомологик экспертиза ўтказилади.

Ушбу усул билан асосан импорт қилинган ғўза уруғлари, маданий ёки ёввойи ўт уруғлари текширилади.

**Макролюминицент усули-** ушбу айрим усул зааркунандалар томонидан зааралланган уруғ кўчат ва қаламчаларни зааралланганигини аниқлашда ишлатилади. Бу зааркунандалар кўйидагилар:

Карантин ости уруғлар, шу жумладан Хитой донхўри ва Бразилия уруғхўри. Буларнинг тухумлари ҳамда омбор узун буруни тухумлари яраклаб люминесентланади. Булардан ташқари қизил қон бити ва унсимон қуртлар чиқиндилари ҳам қаламча ва кўчатларнинг ёриқларида яхши люминесентланади.

Бу усул қўлланишда маҳсус аппаратура ишлатилади. ЛМЮ ёки Л-84 русумли аналитик симоб квартели партатив лампа ҳамда ПРК-4 лампа ёрдамида кўрилмайдиган ультра бинафша нурларни ўтказадиган УФС-3 свето фильтери.

Иш қоронғи хонада ўтиши шарт, агар уруғлар намуналар кўп бўлса маҳсус транспортёр мослама қўлланилади. Уруғ бункерга солинади ва аста

секин маҳсус маторча ёрдамида ишлайтган транспортёрга тушади ва нурланиш манбадан ўтган сайин заарланган уруғлар кўздан кечирилади. Заарланган уруғлар кўриниши билан транспортёр тўхтатилади ва уруғлари пенцит ёрдамида кейинги энтомологик анализ учун олинади сўнгра транспортёр яна ишга туширилади.

**Биологик усул** - кўп ҳолларда кўрик жараёнида лаборатория экспертизаси ва анализида зааркунандаларнинг ҳаммаси эмас балки ғумбаклари ёки тухумлари топилади. Ҳашаротларнинг эса аксарият ҳолларда факат имагосидан аниқлаш мумкин. Шундай экан уларнинг кайси ҳашарот турига мансублигини аниқлаш учун личинка ғумбак ёки тухумларни етук ҳашарот давригача парвариш қилишга тўғри келади.

Личинка ва қуртларни имаго давригача олиб бориш учун уларни шиша банкага солиб оғзини дока билан маҳкам ёпиш керак. Уларни боқиши учун қаерда топилганига қараб ўша маҳсулот банкага солинади. Уларнинг ривожланиши узлуксиз ўрганилади. Люменесенция –газ, суюклик ёки каттик жисмнинг совуқ ҳолда нур сочиши (нурланиши).

### **ОПТИК ПРИБОР ВА ЖИХОЗЛАР**

1. чунтак лупалар, 7x, 10x, 15x,
2. штатив лупалар, 2x 10см диаметрли
3. бинокуляр лупалар( БЛ-1 ёки БЛ-2)
4. бинокуляр( биологик стереосқопик) русуми МБС-1 ёки МБС-2
5. МБИ 1 ёки МБП 1 русумли биологик –тадқиқот микроскопи
6. микроскопик ўрнатиладиган АУ-12 русумли ўрнатма.-
7. микроскоп учун ОН-19 русумли ёритгич
8. микроскоп учун СТ- 12 русумли препарат етаклагиши
9. микроскоп учун РА-1 русумли расм чизгич аппарати
10. объектив микрометр
11. микроскоп учун окуляр микрометр
12. микроскоп учун АУ-14 русумли кўргазма мосламаси
13. МФН-3 русумли микрофото ўрнатма
14. ФК-1 ёки ФК-4 русумли фаза контрол мослама
15. кичик габаритли фотокамера

### **МАҲСУС АППАРАТУРА**

1. Ультрабинафша нурларда ишлайдиган макролюминицент анализлари учун мўлжалланган ЛЮМ ёки Л-84 русумли кварц аналитик лампа.
2. ОН -18 русумли люминесцент ёритгич макролюминецентр анализ ўтказиш учун.
3. ОН 17 русумли люминицент мослама-микролюминесцент анализ ўтказиш учун.
4. АРС 1 русумли рентген аппарати (уругларни ренгенография қилиш) учун.
5. Фенуи прибори- тупроқни фитогельминтологик анализ ўтказиш учун.
6. Николаев прибори-тупроқдан картошканинг рак замбуруғларини ажратиш учун.
7. Термогидроэлектрор –тупроқдан ва сочилувчи материаллардан майдада

зааркунандаларни ажратиш учун.

8. Аспирантор (эксхаустер)-майда ҳашаротларни йиғиши учун.

### **УМУМЛАБОРАТОРИЯ ПРИБОРЛАРИ**

1. 4 уяли столга ўрнатиладиган ёки ИУМ – 1 русумли электрон майда габаритли центрифуга – фитопатологик анализларда ювиладиган сувларни вирусологик анализларда ўсимлик шарбатини центрифугалаш учун.

2. АВ-1 русумли электр кизгичли автаклав- лаборатория идишлар, озиқлантирувчи мухит ва сувни катта босим остида кучли бүг билан стерилизация қилиш учун.

3. Кох аппарати -оқувчан пар билан лаборатория идишларни ва озиқлантирувчи мухитни стерилизация қилиш учун.

4. Қуритиш шкафи -қуруқ иссиқлик ёрдамида айрим ўсимлик материалларни зааркунандалардан заарасизлантириш, лаборатория идишларни қуритиш ва стерилизация қилиш учун.

5. Термостат-анализ қилинадиган уруғларни, ўсимликлардан олинган замбурууғлар касалликларини қўзғатувчиларни ўстириш учун ва бошқа узок муддатда бир хил ҳароратни таъминлаш эҳтиёжи бор ишларни қилиш учун.

6. Хонаки электр музлатгич.

7. Дистелятор – дистелланган сув олиш учун.

8. Стерилизатор

9. Сув ҳаммоми озиқлантирувчи мухитларни қизитиш учун.

10. Тарзион–тарози майда объектларни ва айрим химикатларни миллиграммча аниқлаш учун.

11. Аналитик тарози.

12. Техник тарози -майда хажмли уруг, химикат ва бошқаларни ўлчаш учун.

13. Пружинали тарози- намуналарни ўлчаш учун.

14. Берлиже тарози- намуналарни ўлчаш учун.

15. Сигнал берувчи соат- экспозицияларни ўлчаш учун.

16. Герметик ёпиладиган бакча- ампулали бромметил билан лаборатория шароитида уруғларни майда намуналарини, қаламча ва бошқа материалларни фумигация қилиш учун

17. Тупроқ элаклари тўплами.

18. Махсус майда чуйда жихозлар (пробирка, колба ва х.к.).

Окуляр-микрометр МБС комплектига кирадиган, унинг 8 карра каттартирадиган окулярга эга асбоб. Унинг фокус масофасида миллиметрли шкаласи бор. Шкала ва сетка юмалок 2 см. Пластинкага ўрнатилади. 8 см ли шкалада ҳар хил бўлинма 0,1 мм га teng.

Оқуляр микрометрни ишчи ҳолатига келтириш учун, унинг юқори кўриш учун мўлжалланган томонини ёргулликка қаратиб, созлаш механизмини то бўлинмалар аниқ кўрсатгунча бураш керак. Кейин уни буноқулярни тубусига жойлаштириш керак.

Ундан кейин биноқуляр объектга қаратилади. Шкала ва объект бир бирига тўғри келгунча тубусдаги созлаш механизми бўралади.

Энг осон ўлчаш 1x (каррали) объектида ўлчанади, чунки бунда хеч

қандай хисоблашлар ўтказилмайди, масалан, агар ўлчанадиган объект окуляр микрометрни 12 булинмалар билан қопланса, унда объектни узунлиги 1,2 мм га тенг бўлади, чунки юқорида қайд этканимиздек, ҳар бир бўлинма 0,1 мм баробар (5-жадвал).

5-жадвал

Объектив	Окуляр микрометрнинг битта бўлинмасини қиймати мм	Бир мм га Окуляр микрометрни бўлинмалар сони
0,6x	0,17	6
1x	0,1	10
2x	0,05	20
4x	0,025	40
7x	0,015	70

### Такрорлаш учун саволлар:

1. Ғўза куяси қайси давлатларда тарқалган?
2. Ғўза куясининг алоҳида морфологик белгилари?
3. Ғўза куяси үсимликларни заарлайди?
4. Ғўза куясининг иккинчи номи?
5. Ғўза куяси нечта авлод беради?
6. Осиё ғўза тунлами қайси давлатларда тарқалган?
7. Осиё ғўза тунлами қайси үсимликларни заарлайди?
8. Осиё ғўза тунламининг алоҳида морфологик белгилари?
9. Осиё ғўза тунлами нечта авлод беради?
10. Миср ғўза тунлами қайси давлатларда тарқалган?
11. Миср ғўза тунламининг морфологик белгилари?
12. Миср ғўза тунлами нечта авлод беради?
13. Миср ғўза тунлами қайси үсимликларни заарлайди?
14. Маккажӯҳори барг тунлами қайси давлатларда тарқалган?
15. Маккажӯҳори барг тунлами қайси үсимликларни заарлайди?
16. Маккажӯҳори барг тунламининг алоҳида морфологик белгилари?
17. Ғўзанинг карантин зааркундаларининг биоэкологияси?
18. Ғўзанинг карантин зааркундаларини аниқлаш усуллари?

### АДАБИЁТЛАР

1. George N. Agrios. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
2. Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopatological Society, 1993. Pp 173.
3. М.Т.Арсланов, А.У.Сагдуллаев, Ш.К.Алиев., Ўсимликлар карантини зааркундалари тарқалишининг олдини олиш. - Тошкент 2017.
4. Поспелов С.М., Шестиперова З.И., Долженко И.К. Основы карантинна растений. –Москва, «Агропромиздат». 1985.

5. Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврӯз”, 2020, 247 б.
6. Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.
7. Сураймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантин асослари фанидан лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма Тошкент 2014 й.
8. Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти. “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни танлаш усуслари”. Тошкент. 2018.
9. Ўзбекистон Республикаси худудини “Ўсимликлар карантинидаги заарли организмлардан ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги” НИЗОМ. Тошкент. 2018.
10. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рўхсатномасини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Тошкент. 2018.
11. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Тошкент. 2018.
12. Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ва қоидалар (янги таҳрири) Тошкент. 2018.
13. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. Тошкент, “Yangi Nashr Nashriyoti”, 2019, 375 б.
14. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Гўзани зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.
15. Шералиев А.Ш., Ўлмасбаева Р.Ш. Қишлоқ хўжалик экинлари карантини, Талқин, Тошкент, 2007.

### **Интернет сайлар**

16. <http://www.quarantine.com>.
17. [www.plantprotection.com](http://www.plantprotection.com)
18. [www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm](http://www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm).

### **Педагогик технология**

#### **Инсерт жадвали**

**“ИНСЕРТ” жадвали** - мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маъruzаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

**Инсерт жадвалини тўлдириши қоидаси:** Ўқиш жараёнида олинган

маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган қуидаги белгиларга мувофиқ:

“V”- мен билган маълумотларга мос;

“-“ - мен билган маълумотларга зид;

“+” - мен учун янги маълумот;

“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

V	+	-	?

### **3-МАВЗУ: БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ТУР ТАРКИБИ, БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КАРАНТИН ЧОРА-ТАДБИРЛАР.**

#### **РЕЖА**

- 1. Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандалари тур таркиби.**
- 2. Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандалари биологияси, экологияси.**
- 3. Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари.**

**Таянч сўзлар:** бўғдой, карантин, зааркунанда, капр қўнғизи, бўғдой қандаласи, ривожланиши хусусиятлари, ташқи карантин, чора-тадбир, қарши кураш, ҳудудлар, тарқалиши, назорат, ҳудуд, объект, энтомологик экспертиза, вирусология, гелментология, ўсимлик аъзоси, усул, карантин, окуляр, лупа, нематода, микроскоп

**Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандалари тур таркиби.**

**1. КАПР ҚЎНҒИЗИ – *Trogoderma granarium* Everts., 1898**

**2. БУҒДОЙ ҚАНДАЛАСИ - *Blissus leucopterus* (Say 1832 )**

**Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандалари биологияси, экологияси.**

**Тури – КАПР ҚЎНҒИЗИ – *Trogoderma granarium* Everts., 1898**

**Авлоди – Трогодерма – *Trogoderma*.**

**Оиласи – терихўрлар – *Dermestidae*.**

**Турқуми – қаттиққанотлилар – *Coleoptera*.**

**Синфи – ҳашаротлар – *Insecta***

**Типи – бўғимоёқлилар – *Arthropoda***

**ТАРҚАЛИШИ** – Европанинг: Асвтрия, Буюк Британия, Греция, Швеция. Осиёнинг: Афғонистон, Бангладеш, Бирма, Ироқ, Истроил, Ҳиндистон, Покистон, Саудия Арабистони, Тайван, Шри-Ланка, Иордания, Ливан, Сурия, Туркия, Япония, Қозогистон, Тожикистон, Туркманистон, Африканинг: Бир қанча давлатларида. Жанубий Америка: Уругвай, Венесуэла. Ўзбекистонда ҳам: Олмалиқ, Қарши, Нукус шаҳридаги пиво заводларида аниқланган.

**МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ** – Кўнғизнинг танаси чўзиқ овал шаклда тўқ қўнғир тусли бўлиб, қанот устликларида очроқ доғи бор, мўйловлари оч жигар ранг ёки сариқ тусда 10 бўғимли булаваси бор. Эркагининг узунлиги 2 мм, урғочисиники 2,8 мм гача келади. Личинкасининг узунлиги 4 мм гача бўлиб, уни томон торая боради. Узун кўнғир туклари бор, сўнгги қорин сегментининг орқа чеккасидаги туклари энг узун бўлади. Фумбаги ҳам яхши сезиларли сийрак туклар билан қопланган (26-27-28-29-расмлар).

**ЗАРАРИ** – Буғдой, арпа, маккажўхори, шоли каби донли ва дуккакли экинлар уруғи, ҳамда ун, шрот, ем маҳсулотларини сақлаш даврида зааралайди. Айрим ҳолларда 70% маҳсулотни йўқотилишига олиб келади.

Ҳашарот ўзи тушган дон ва дуккали дон билан бирга бошқа жойларга тарқалади. Капр қўнғизи личинкалик стадиясида қишлиайди. Кўнғизлар тухумини дон юзасига ғаллаларда эса дон эгатчасига қўяди. Вояга етган қўнғизлар озиқланмайди ва донга зарар етказмайди.




26-расм. Капр қўнғизининг ғумабгининг кўриниши



27-расм. Капр қўнғизининг буғдойга зарари



28-расм. Капр қўнғизининг имагосини кўриниши



29-расм. Капр қўнғизининг буғдойдаги фумбаги, личикаси, имагоси

**РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ** – Капр қўнғизининг имагоси 10 кун яшайди. Урғочилари ўрта ҳисоб билан 65 та тухум қўяди, ҳар бирини алоҳида-алоҳида жойлайди. Кўп деганда 126 та тухум қўяди. Етарли юқори ҳароратда тухумлар 6-7 кун ривожланади. Личинкаларнинг бутун ривожланиши уч кунда тугалланади, улар шу ерда ғумбакка айланади. Личинкаларнинг ривожланиши бир ярим ойгача давом этади. Қўнғизлар донни ташлаб, тез орада жуфтлашади ва тухум қўйишига киришилади. Ҳашарот бир йилда тўрт мартагача авлод берди.

**Тури - БУҒДОЙ ҚАНДАЛАСИ - *Blissus leucopterus* (Say 1832 )**

**Оиласи (Қандалалар): *Blissidae***

**Туркуми (Ярим қаттиқ қанотлилар): *Hemiptera***

**Синфи (Ҳашаротлар): *Insecta***

**Типи (Бўғиноёқлилар): *Arthropoda***

**Тарқалиши:** Шимолий Америка: Канада, Мексика, Америка Қўшма Штатлари. Жанубий Америка: Аргентина, Бразилия, Колумбия, Перу, Венесуела, Гаяна, Суринам ва Франсуз Гвианаси давлталарида тарқалган (30-расм).



**Тарқалиш йўллари:** Уруғлик буғдой ва бошоқли ўсимликларни уруғи билан тарқалади.

**Зарари:** Буғдой, маккажўхори, жавдар, арпа, оқжўхори ва ҳаказо экинларни ўсаётган вақтида ўсимликлар поясини сўриб зарар келтиради. Ўсимликлар пишгандан ёки қуруб қолгандан сўнг бошқа яшил ўсимликларга (ем-хашак), бегона ўтларга ўтиб озиқланишни давом эттиради.

**Ҳаёт кечириши ва тузилиши:** Буғдой қандаласининг катталиги 3,5 мм узунликда, танаси қора ва қанотлари оқ қора рангда, оёқлари қизил, мўйловларини тагида қизил доғлари бор. Чала ўзгарувчи ҳашаротларга мансуб бўлиб, етук ёшдаги қандалалар кичик ёшдагиларидан танасининг ҳажми, қанотларининг оқлиги, қизил оёқлари билан танасини тўқ қизилдан жигаррангчча бўлганлиги билан фарқ қиласи (31-32-33-34-расм).

Қанотлари узун бўлиб, ҳар бирининг ўртасида ўзига хос учбурчак қора доғлар бор. Ўзидан кўланса хид чиқариш хусусияти бор. Личинкалари жигарранг бош ва кўкрак, тўқ қизил кўзлар ва қора учи билан очиқ сариқ ёки бир оз қизил қорин бор. Танасининг ранги вақт ўтиши билан қорайганига қарамай, ҳашорат танаси бўйлаб характерли оқ чизик бўлади. Тухумлари 0,25 - 0,75 мм катталикда, қўйилиш даврида сариқ рангда бўлиб, личинкалари чиқишидан олдин қизил ёки тўқ сариғиш рангга киради.




31-расм. Бўғдой қандаласининг вояга етган зотининг кўриниши



32-расм. Бўғдой қандаласи бўғдойнинг поясини сўриб заар қелтиради



33-расм. Бўғдой қандаласининг личинкаларининг кўриниши



34-расм. Бўғдой қандаласининг ривожланиш босқичлари

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Ушбу зааркунанадалар тарқалган давлатлардан олиб келинадиган маҳсулотларни энтомологик экспертизадан мукаммал ўтказиш. Зааррланган маҳсулотлар аниқланганда карантин қоидалари асосида чора-тадбирларни ўтказиш лозим.

### **Бошоқли дон экинларининг карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари.**

Лабораторияга олиб келинган ҳар қандай материални биринчи бўлиб энтомолог текширади.

Материалда ҳашарот ва каналар бор-йўқлиги аниқланади;

Агар улар фаол ҳолда бўлса, улар ташқарига чиқиб кетмаслиги учун чора кўрилади, жумладан, материал пленкага ўралади ёки шиша қалпок билан бекитилади ва ҳашаротлар эфир ёки дилхлорэтан билан ўлдирилади. 5-10 дақиқадан сўнг материални текшириш давом эттирилади.

Лаборатория хонасида ойна ва дарчалар ёпиқ бўлиши ёки уларга дока ёхуд қалин тўр тутилган бўлиши лозим.

Келтирилган материални ўша куннинг ўзида экспертиза қилиш лозим.

Сўнгра материал батафсил экспертиза қилинади, жумладан лупа ёки бинокуляр микроскопда текширилади, кичик аъзоларидан препарат тайёрланиб, улар микроскопда таҳлил қилинади.

Экспертиза пайтида топилган заарли ҳашаротлардан ҳар бирининг намунаси алоҳида пробиркага солиниб, унинг ичига дарҳол бироз пахта ва этикетка қўйилади.

Ўша пробиркага заарланган материалнинг намунаси ҳам қўйилади ва пробирканинг оғзи пахта тикини билан ёпилади.

Этикеткага қуйидагилар ёзилади:

Экспертиза баённомаси рақами;

Қандай материал ва қайси мамлакатдан олиб келинганлиги;

Аниқланган заарли ҳашаротнинг лотинча ва ўзбекча номи;

Аниқланган заарли ҳашарот қайси ривожланиш фазасида ва қандай ҳолатда эканлиги;

Экспертиза ўтказган мутахассиснинг фамилияси ва исми;

Экспертиза ўтказилган сана.

Бунда қуйидаги қисқартиришларни қўллаш мумкин:

Тир.тирик;

Ў. ўлик;

Лич. личинка;

F. ғумбак;

K. капалак қурти;

Ур. ич.-уруг ичида;

Ур. оп.-уруглар орасида.

Тирик личинка ва капалак куртлари олдин маҳсус кимёвий моддалар ёрдамида фиксация қилинади.

Лабораторияга олиб келинган ва экспертиза қилинган барча намуналар 6 ой давомида сақланади.

Бу кўрсатмалар чет элдан олиб келинадиган, шунингдек карантин объектлари билан заарланган худуддан келтириладиган ўсимлик юкларига нисбатан жорий қилинади.

Хориждан келтирилган ўсимлик материалларидан намуна олиш йўллари:

Хориждан келтириладиган ўсимлик юкларини республикамиз худудидаги биринчи пунктда ўсимликларни карантин қилиш давлат инспекцияси қўшимча кўриқдан ўтказади.

Давлат карантин инспектори карантин юни қўшимча кўриқдан ўтказиб бўлганидан кейин, бу ўсимликларнинг ҳар бир партиясидан лабораторияда экспертиза қилиш учун ўртacha намуна олади.

Партия деб, бир вақтнинг ўзида қабул этиладиган, топшириладиган, тарқатиладиган бир турдаги карантин ўсимликнинг муайян миқдорига айтилади. Дастребки намуна учун уруғ шчуп ёки қўл билан қопнинг ҳар жой-ҳар жойидан олинади.

Заранг, шумтол уруғи сингари қанотчали уруғлар қоп ёки яшиқдан

брезентга бир текис қилиб түкилади, сүнгра уларнинг хар хил жойларидан кўл билан дастлабки намуналар олиниади.

Нечта копдан дастлабки намуна олиш зарурлиги партиянинг катта-кичиликлигига қараб белгиланади.

Партиядан олинган хамма дастлабки намуналар кўздан кечирилгандан кейин, бирга қўшилиб умумий намуна тузилади; бу намунани асосий намуна дейилади.

Асосий намуна учун олинган дастлабки намуналарни кўздан кечиришда уларда: зааркунанда, касаллик, бегона ўтларнинг бор йўқлигига эътибор берилади.

Лабораторияда экспертиза қилиш учун алоҳида намуна ажратилади; бунинг учун асосий намуна текис майдончага түкилади ва иккита линейка билан аралаштирилади, сўнгра юпқа қилиб квадрат шаклида ёйилади. Бундан кейин квадратдаги уруғлар ҳалиги линейкалар билан бурчакма-бурчак бўлиниб, тўртта учбурчак хосил қилиниади.

Сўнгра бир-бирига қарама-қарши турган иккита учбурчакдаги уруғлар ийғишириб олиниб, қолган иккита учбурчакдагилари бир-бирига қайтадан аралаштирилади ва яна тўртта учбурчакка бўлинади

2.Кўчат ва мева зааркунандаларининг экспертиза усуллари:

Ўзбекистон ҳудудида чет эл мамлакатларидан ҳар хил савдо шартномалар асосида жуда кўп мева ва резаворлар олиб келиниади.

Ундан ташқари кўп мева ва резаворларни автомобил темир йўл ва ҳаво йўллари, пассажирлар ўзлари билан олиб келади.

Айrim ҳолларда мева ва резаворлар ҳалқаро жўнатмаларда ҳам ҳудудимизга келиши мумкин. Товар партиялардаги мева ўрамлари хилма-хил бўлиши мумкин.

Олма, беҳи, нок, анорларни кўп ҳолларда ёғоч ёки пластик яшикларда олиб келиниади. Баъзи ҳолларда олма ва апельсинларни ноозик навларини ҳар биттаси алоҳида юпқа қоғоз яшикларда келтириши мумкин.

Шарқий Осиёдан олиб келинадиган меваларэзилмаслиги учун яшиклар ва меваларни ораларига шоли қипиқлари солиши мумкин.

Қароли, ўрик, черешня, гирос ва узумлар бўйи 25см дан ошмаган яшикларда олиб келиниади.

Катта товар партиялардаги меваларни киритилишида йўловчи ҳужжатларда мамлакатнинг номи ва бошқа маълумотлар топиш қийин эмас. Жўнатмалардаги меваларни ҳам йўлланган манзиллари ёзилган бўлади.

Масалан Шарқий Осиё Европанинг айrim давлатлари ҳамда:Шимолий Америка ва бошқа давлатлардан олиб келинадиган олма, нок, беҳи, шафтоли, ўрик ва қароли мевалари:шарқ мевахўри-*Grapholitha molesta* билан, Шимолий Америкадан олиб келинган олмалар ўзимизда учрамайдиган ташқи карантин обьекти деб тан олинган:олма пашибаси (*Rhagoletis pomella*) билан заарланган бўлиши мумкин.

Ўрта ер денгизи қирғоқларида жойлашган мамлакатлардан ўта хавфли ташқи карантин обьекти бўлган ўрта ер денгизи мева пашибасини (*Ceratitis capitata*) учратиш мумкин.

Шарқий Осиёдан олиб келинган мева резаворларда, айниқса олма, шафтоли, ўрик, қароли, узумларда уларни ўровчи материалларда, тараларида Америка капалаги(*Huphantria cunea*)нинг қурт ва ғумбаклари топилиши мумкин.

Улардан ташқари, ҳар хил қалқондорлар, унсимон қуртлар, жумладан: калифорния қалқондори (*Quadraspisidotus pentagona*), тут қалқондори ва бошқа зааркундаларнинг тухумларини учратиш мумкин.

Кўчатларни экспертизасини ўтказиш учун ишчи жой тайёрланади ва келган посилкаларни очилади. Аста секин кўчатларни бўшатилади ва атрофдаги пахта шохларни олиб ташланади. Кўчатлар бита-битта олиб кўриқдан лупа ёрдамида ўтказилади. Кўчатларни кўриқдан ўтказиш илдиздан бошланади.

Қолдиқ тупроқ скальпель ёрдамида тозаланади.

Петри ликопчасига солиниб бинокуляр ёрдамида ҳашарот ёки кана бор йўқлиги аниқланади.

Илдиз бўйнига алохида диққат қилиниши лозим.

Патологик шиш, галлалар скальпель ёрдамида очилади ва кўриқдан ўтказилади.

Кўчат поя қобиғи, поялар, поя қўлтиқлари, куртаклар ҳам қалқондорларни бор йўқлигига аҳамият берилиб кўриқдан лупа ёрдамида аниқланади.

Айниқса қуриб қолган ўсимлик қисмларини текшириш лозим.

Зааркунанда аниқланилгандан кейин уларни скальпель ёрдамида кесилади ва устидан парафин қўйилади.

Зааркундаларни териб олиб фиксаторга жойланади.

Албатта мевалар қайси ҳашаротлар билан заарланиши мумкинлигини билиш лозим.

Ҳашаротлар меваларни ташқаридан заарлаши мумкин. Бу ҳолатда лупа, бинокуляр ёрдамида ҳашарот тури аниқланади.

Мева устида тешиклар бўлса меваларни ичи очилади ва териб олинган ҳашаротлар фиксация қилинади.

Лаборатория экспертизаси қўйидаги анализларни ўз ичига олади: энтомологик, фитопатологик, вирусологик, бактериологик, фитогельминтологик ва бегона ўтлар.

Энтомологик экспертизаси. Энтомологик таҳлил карантин маҳсулотларда ҳашаротлар, ўргимчакканаларни бор йўқлигини аниқлашга қаратилган чора-тадбирдир.

Маҳсулотларни ҳажмига қараб анализ ҳар хил усул ёрдамида ўтказилади: уруғларни бирма-бир ёки элакдан ўтказиш, флотация, рентгенография, макролюминицент, биологик.

Уруғларни бирма-бир кўриб чиқиши усули қўлланилганда шпатель ёки скальпель ишлатилади.

Экспертизага тушган жўнатмалар, бандероллар ва уларни ичига жойлашган кам миқдордаги уруғлар авваломбор ташқаридан зааркундалар тешмаганлиги аниқланади. Пакетларни ичидаги уруғларни

1-2 см қалинликда ёзган холатда шпатель ҳамда скальпель ёрдамида бирма бир кесиб күрилади.

Заараланган уруғлар пробиркаларга жойланиб пробкалар билан ёпилади. Экспертиза давомида ҳашаротларни аниклашда лупалар ва бинокулярлар күлланилади.

Лаборатория экспертизаси қуйидаги анализларни ўз ичига олади: энтомологик, фитопатологик, вирусологик, бактериологик, фитогельминтологик ва бегона ўтлар.

Энтомологик экспертизаси. Энтомологик таҳлил карантин маҳсулотларда ҳашаротлар, ўргимчакканаларни бор йўқлигини аниклашга қаратилган чора-тадбирдир.

Маҳсулотларни ҳажмига қараб анализ ҳар хил усул ёрдамида ўтказилади: уруғларни бирма-бир ёки элакдан ўтказиш, флотация, рентгенография, макролюминицент, биологик.

Уруғларни бирма-бир кўриб чиқиши усули қўлланилганда шпатель ёки скальпель ишлатилади.

Экспертизага тушган жўнатмалар, бандероллар ва уларни ичига жойлашган кам миқдордаги уруғлар авваломбор ташқаридан зааркунандалар тешмаганлиги аникланади. Пакетларни ичида уруғларни 1-2 см қалинликда ёзган холатда шпатель ҳамда скальпель ёрдамида бирма бир кесиб күрилади.

Заараланган уруғлар пробиркаларга жойланиб пробкалар билан ёпилади. Экспертиза давомида ҳашаротларни аниклашда лупалар ва бинокулярлар кўлланилади.

**Уруғларни кўздан кечириш** - ушбу жуда кўп меҳнат талаб қиласидиган усул ҳар хил уруғлар, ғалла дони, майда қуритилган мевалар ва шуларга ўхшаш материалларни экспертиза қилишда ишлатилади. Кўздан кечириш ҳажмига қараб у ҳар хил тарзда ўтиши мумкин. Уруғларнинг майда ботаник организмларини кўздан кечиришда пластмасса ёки метал патнислардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундан ҳам кичик ҳажмдаги уруғлар намунасини ҳатто оқ қоғоз сатҳида кўздан кечириш мумкин. Уруғларни текшириб кўришда шпател ёки скальпел ишлатилади.

**Уруғларни элаш усуллари-** агар намунада уруғлар ичидаги ҳашаротлар чиқиндилари кўп бўлса тупроқ элаклари ишлатилиши мумкин. Элаш жараёнида элакларни юқори қисмида ҳар хил ҳашаротлар, ўрталарида майдароқ ҳашаротлар, энг пастида эса ҳашаротларнинг чиқиндилари ва каналар тушади. Ушбу усулни қўллаш жуда майда ҳашаротларни аниклашда биринчи навбатда капр қўнғизини аниклаш қаътиян ман этилади, чунки қўнғиз личинкалари жуда майдага бўлиши боис улар элакларнинг ҳар хил тешик ва ёриқларига кириб қолиши мумкин. Табиийки кейинчалик ушбу элаклар, агар яхшилаб зааралантирилмаса, капр қўнғизини ўчогига айланиши мумкин. Заарсизлантириш учун элаклар кўп вақт сувда қайнатилиши керак.

**Флотация усули.** Флотация уруғларни заараланганлигини аниклашда ёрдам берувчи усул. Флотация усулида ҳар хил миқдорда ош тузи ёки селитра эритмаси қўлланилади. Бунда 1л сувда 570-730 г селитра  $15^0$  да

эритилади.

Карантин лабораторияларининг жойланиши, асосий йуналиши ва иш ҳажмига боғлик ҳолда жиҳозланиши ҳар хил бўлади. Чегара пунктларидағи кичик лабораторияларда одатда оддий анализлар қилинади ва шу боис улардаги ускуна-жиҳозлар мураккаб бўлмайди. Вилоят ва марказий лабораторияларда юқори малакали мутахассислар ишлайди (энтомолог, фитопатолог, бактериолог, фитогельментолог, ботаник, рентгенолог ва токсикологлар) ва уларнинг фаолияти учун мураккаб маҳсус ускуна ва жиҳозлар керак бўлади.

Кўйида ушбу лаборатория учун зарур бўлган маҳсус прибор ва жиҳозлар рўйхати берилган. Рўйхатда «Юлдузча» билан чегара пунктдаги жиҳозлар белгиланган. Жиҳозлар сони кўрсатилмаган, чунки уларнинг қанчалиги иш ҳажмига боғлиқ.

**Рентгенография** усули-уруғларни зааркунанда томонидан яширин шаклда зааралланганигини аниқлашда рентгенография усули қўлланилади.

Бунинг учун АРС-1 номли рентген аппарати ишлатилади.

Уруғларни рентгенография қилиниши кўйидаги тарзда ўтади.

Юпқа пергамент қоғоз сатҳига уруғлар бир қатлам қилиб маҳсус тахтадан ясалган қутиларга жойлаштирилади. Қутиларни тагига қора қоғозга ўралган янги фотоплёнка қўйилади. Кейин уруғлар рентген нурлар билан кўрилади. Нурланиш давомийлиги беш дакика.

Кейин қутичалар чайқатилмасдан бошқа столга кўйилади. Рентгенограммалар эса тегишла ишловлардан сўнг синчиклаб кўздан кечирилади ва ҳамма шубхали уруғлар қалам ёрдамида белгиланади.

Рентгенограммаларда уруғларнинг ичида мавжуд ҳашаротларнинг личинкалари, ғумбаклари ва қуртлари ҳамда чиқиндилари яққол кўринади.

Бундан ташқари тирик ва ўлик ҳашаротлар ҳам кўринади.

Кейин қутичадаги зааралланган уруғлар рентгенограммалар солиширилиб пинцет ёрдамида олинади ва энтомологик экспертиза ўтказилади.

Ушбу усул билан асосан импорт қилинган ғўза уруғлари, маданий ёки ёввойи ўт уруғлари текширилади.

**Макролюминицент** усули- ушбу айрим усул зааркунандалар томонидан зааралланган уруғ кўчат ва қаламчаларни зааралланганигини аниқлашда ишлатилади. Бу зааркунандалар кўйидагилар:

Карантин ости уруғлар, шу жумладан хитой донхўри ва бразилия уруғхўри. Буларнинг тухумлари ҳамда омбор узун буруни тухумлари ярақлаб люминесентланади. Булардан ташқари қизил қон бити ва унсимон қуртлар чиқиндилари ҳам қаламча ва кўчатларнинг ёриқларида яхши люминесентланади.

Бу усул қўлланишда маҳсус аппаратура ишлатилади. ЛМЮ ёки Л-84 русумли аналитик симоб квартели партатив лампа ҳамда ПРК-4 лампа ёрдамида кўрилмайдиган ультра бинафша нурларни ўтказадиган УФС-3 свето фильтери.

Иш қоронғи хонада ўтиши шарт, агар уруғлар намуналар кўп бўлса маҳсус транспортёр мослама қўлланилади. Уруғ бункерга солинади ва аста

секин маҳсус маторча ёрдамида ишлаётган транспортёрга тушади ва нурланиш манбадан ўтган сайин заарланган уруғлар кўздан кечирилади. Заарланган уруғлар кўриниши билан транспортёр тўхтатилади ва уруғлари пенцит ёрдамида кейинги энтомологик анализ учун олинади сўнгра транспортёр яна ишга туширилади.

**Биологик усул** - кўп ҳолларда кўрик жараёнида лаборатория экспертизаси ва анализида зааркунандаларнинг ҳаммаси эмас балки ғумбаклари ёки тухумлари топилади. Ҳашаротларнинг эса аксарият ҳолларда факат имагосидан аниқлаш мумкин. Шундай экан уларнинг кайси ҳашарот турига мансублигини аниқлаш учун личинка ғумбак ёки тухумларни етук ҳашарот давригача парвариш қилишга тўғри келади.

Личинка ва қуртларни имаго давригача олиб бориш учун уларни шиша банкага солиб оғзини дока билан маҳкам ёпиш керак. Уларни боқиши учун қаерда топилганига қараб ўша маҳсулот банкага солинади. Уларнинг ривожланиши узлуксиз ўрганилади. Люменесенция –газ, суюклик ёки каттик жисмнинг совук ҳолда нур сочиши (нурланиши).

## ОПТИК ПРИБОР ВА ЖИХОЗЛАР

1. чунтак лупалар, 7x, 10x, 15x,
2. штатив лупалар, 2x 10см диаметрли
3. бинокуляр лупалар( БЛ-1 ёки БЛ-2)
4. бинокуляр( биологик стереоскопик) русуми МБС-1 ёки МБС-2
5. МБИ 1ёки МБП 1 русумли биологик –тадқиқот микроскопи
6. микроскопик ўрнатиладиган АУ-12 русумли ўрнатма.-
7. микроскоп учун ОН-19 русумли ёритгич
8. микроскоп учун СТ- 12 русумли препарат етаклагиши
9. микроскоп учун РА-1 русумли расм чизгич аппарати
10. объектив микрометр
11. микроскоп учун окуляр микрометр
12. микроскоп учун АУ-14 русумли кўргазма мосламаси
13. МФН-3 русумли микрофото ўрнатма
14. ФК-1 ёки ФК-4 русумли фаза контрол мослама
15. кичик габаритли фотокамера

## МАХСУС АППАРАТУРА

1. Ультрабинафша нурларда ишлайдиган макролюминицент анализлари учун мўлжалланган ЛЮМ ёки Л-84 русумли кварц аналитик лампа.
2. ОН -18 русумли люминесцент ёритгич макролюминецентр анализ ўтказиш учун.
3. ОН 17 русумли люминицент мослама-микролюминесцент анализ ўтказиш учун.
4. АРС 1 русумли рентген аппарати (уругларни ренгенография қилиш) учун.
5. Фенуи прибори- тупроқни фитогельминтологик анализ ўтказиш учун.
6. Николаев прибори-тупроқдан картошканинг рак замбуруғларини

ажратиш учун.

7. Термогидроэклектор –тупроқдан ва сочиувчи материаллардан майда зааркундаларни ажратиш учун.
8. Аспиратор (эксхаустер)-майда ҳашаротларни йиғиши учун.

## **УМУМЛАБОРАТОРИЯ ПРИБОРЛАРИ**

1. 4 уяли столга ўрнатиладиган ёки ИУМ – 1 русумли электрон майда габаритли центрифуга – фитопатологик анализларда ювиладиган сувларни вирусологик анализларда ўсимлик шарбатини центрифугалаш учун.

2. АВ–1 русумли электр кизгичли автаклав- лаборатория идишлар, озиқлантирувчи мухит ва сувни катта босим остида кучли буғ билан стерилизация қилиш учун.

3. Кох аппарати-оқувчан пар билан лаборатория идишларни ва озиқлантирувчи мухитни стерилизация қилиш учун.

4. Қуритиш шкафи-қуруқ иссиқлик ёрдамида айрим ўсимлик материалларни зааркундалардан заарсизлантириш, лаборатория идишларни қуритиш ва стерилизация қилиш учун.

5. Термостат-анализ қилинадиган уруғларни, ўсимликлардан олинган замбууруғлар касаллукларини қўзғатувчиларни ўстириш учун ва бошқа узоқ муддатда бир хил ҳароратни таъминлаш эҳтиёжи бор ишларни қилиш учун.

6. Хонаки электр музлатгич.

7. Дистелятор – дистелланган сув олиш учун.

8. Стерилизатор

9. Сув ҳаммоми озиқлантирувчи мухитларни қизитиш учун.

10. Тарзион–тарози майда объектларни ва айрим химикатларни миллиграммгача аниқлаш учун.

11. Аналитик тарози.

12. Техник тарози- майда хажмли уруғ, химикат ва бошқаларни ўлчаш учун.

13. Пружинали тарози- намуналарни ўлчаш учун.

14. Берлиже тарози- намуналарни ўлчаш учун.

15. Сигнал берувчи соат- экспозицияларни ўлчаш учун.

16. Герметик ёпиладиган бакча- ампулали бромметил билан лаборатория шароитида уруғларни майда намуналарини, қаламча ва бошқа материалларни фумигация қилиш учун

17. Тупроқ әлаклари тўплами.

18. Махсус майда чуйда жихозлар (пробирка, колба ва х.к.).

Оқуляр-микрометр МБС комплектига кирадиган, унинг 8 карра каттартырадиган оқулярга эга асбоб. Унинг фокус масофасида миллиметрли шкаласи бор. Шкала ва сетка юмалок 2 см. Пластинкага ўрнатилади. 8 см ли шкалада ҳар хил бўлинма 0,1 мм га teng.

Оқуляр микрометрни ишчи ҳолатига келтириш учун, унинг юқори кўриш учун мўлжалланган томонини ёруғликка қаратиб, созлаш механизмини то бўлинмалар аниқ кўрсатгунча бураш керак. Кейин уни буноқулярни тубусига жойлаштириш керак.

Ундан кейин биноқуляр объектга қаратилади. Шкала ва объект бир бирига тұғри келгүнча тубусдаги созлаш механизми бўралади.

Энг осон ўлчаш 1x (каррали) обьектида ўлчанади, чунки бунда хеч қандай хисоблашлар ўтказилмайды, масалан, агар ўлчанадиган обьект окуляр микрометрни 12 бўлинмалар билан қопланса, унда обьектни узунлиги 1,2 мм га тенг бўлади, чунки юқорида қайд этканимиздек, ҳар бир бўлинма 0,1 мм баробар (б-жадвал).

*бжадвал*

Объектив	Окуляр микрометрнинг битта бўлинмасини қиймати мм	Бир мм га Окуляр микрометрни бўлинмалар сони
0,6x	0,17	6
1x	0,1	10
2x	0,05	20
4x	0,025	40
7x	0,015	70

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Бошоқли дон экинлари карантин зааркунанадаларининг тур таркиби?
2. Капр қўнғизининг морфологик белгилари?
3. Капр қўнғизи қаерда тарқалган?
4. Капр қўнғизи Ўзбекистонда ўчратилганми?
5. Капр қўнғизининг биологияси?
6. Капр қўнғизига қарши кураш?
7. Бўғдой қандаласининг ер юзида тарқалиши?
8. Бўғдой қандаласининг ривожланиш хусусиятлари?
9. Бўғдой қандаласининг морфологик белиглари?
10. Бошоқли дон экинлари карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари ?

### **АДАБИЁТЛАР**

1. George N.Agrios. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
2. Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopatological Society, 1993. Pp 173.
3. М.Т.Арсланов, А.У.Сагдуллаев, Ш.К.Алиев., Ўсимликлар карантини зааркунандалари тарқалишининг олдини олиш. - Тошкент 2017.
4. Поспелов С.М., Шестиперова З.И., Долженко И.К. Основы карантинна растений. –Москва, «Агропромиздат». 1985.
5. Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврӯз”, 2020, 247 б.

6. Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.

7. Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантин асослари фанидан лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма Тошкент 2014 й.

8. Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти. “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни танлаш усуллари”. Тошкент. 2018.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини “Ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рұхсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги” НИЗОМ. Тошкент. 2018.

10. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рўхсатномасини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Тошкент. 2018.

11. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Тошкент. 2018.

12. Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ва қоидалар (янги таҳрири) Тошкент. 2018.

13. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. Тошкент, “Yangi Nashr Nashriyoti”, 2019, 375 б.

14. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ғўзани зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.

15. Шералиев А.Ш., Ўлмасбаева Р.Ш. Қишлоқ хўжалик экинлари карантини, Талқин, Тошкент, 2007.

### **Интернет сайтлар**

16. <http://www.quarantine.com>.
17. [www.plantprotection.com](http://www.plantprotection.com)
18. [www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm](http://www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm)

### **Педагогик технология “БББ” технологияси**

Мавзу матнини ўқиб чиқиб, олинган маълумотларни индувидуал соҳаларга ажратинг. Қадам билан қўйилган белгилар асосида БББ жадвалини тўлдиринг

## БББ жадвали

№	Мавзу саволлари	Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
1.				
2.				
3.				

### 4-МАВЗУ: САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ТУР ТАРКИБИ, БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН КАРАНТИН ЧОРА-ТАДБИРЛАР.

**Режа:**

1. Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунандалари тур таркиби.
2. Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунандаларининг биологияси, экологияси.
3. Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунандаларига қарши карантин чора-тадбирлари.

**Таянч сўзлар:** Сабзавот, полиз, Америка йўнғичқа ғовакловчи пашшаси, помидор куяси, қовун пашшаси, карантин, зааркунанда, ривожланиши хусусиятлари, ташқи карантин, чора-тадбир, қарши кураш, ҳудудлар, тарқалиши, назорат, ҳудуд, объект, энтомологик экспертиза, окуляр, лупа, нематода, микроскоп.

Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунандалари тур таркиби

**АМЕРИКА ЙЎНҒИЧҚА ҒОВАКЛОВЧИ ПАШШАСИ**  
*Liriomyza trifolii* Burgess, 1880.

Тури – Америка йўнғичқа ғовакловчи пашшаси– *Liriomyza trifolii* Bur.

Оиласи – ғовак ҳосил қилувчилар – *Agromyzidae*

Туркуми – тенгқанотлилар - *Diptera*

Синфи – ҳашаротлар – *Insecta*

Типи – бўғимоёқлилар – *Arthropoda*

**ТАРҚАЛИШИ** – Европанинг: 20 та давлатида, Осиёнинг 16 та давлатида Африканинг: 16 та давлатида. Шимолий ва жанубий Американинг: 9 та давлатида, Окианиянинг: 9 та давлатида тарқалган.

**МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ** – Америка йўнғичқа ғовакловчи пашасининг имогосиниг катталиги 1-3 мм гача бўлади. Имоголари одатда кулранг - сарғиш рангда, танасига нисбатан катта қанотлари шаффоф рангда ва танасига наслабатан каттароқ бўлади.

**ЗАРАРИ** – Америка йўнғичқа ғовакловчи пашшаси қарийиб 25 оиласа мансуб ўсимликлар билан озиқланиб зарар келтиради хусусан соя, мош, ловия, оддий нўхат, беда ва бошқа дуккакли ўсимликлар. Шунингдек картошка, қалампир, помидор, қовоқ, бодринг, қовун, тарвуз, пиёз, саримсоқпиёз, карам, кўкатлар ва ҳаказо сабзавот ҳатто манзарали гулларни ҳам зарарлайди.

**РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ** – Личинкалари ўсимлик баргларининг эпидермис қатламида ривожланади. Тухумларининг узунлиги тахминан 1 мм кенглиги 0,2 мм бўлади. Тухумининг ранги дастлаб шаффоф рангда, тиник аммо вақт ўтиши билан унинг ранги оқ рангга эга бўлади. Биринчи ёшдаги личинкаларининг узунлиги 0,39мм, иккинчи ёшдаги личинкаларининг катталиги 1 мм учинчи ёшида 1,9мм бўлади. Ғумбаги дастлаб сарик рангда вақт ўтиши билан жигарранг рангга киради. Ғумбаги одатда 2,3 мм бўлади (34-35-расмлар).



34-расм. Америка йўнғичқа ғовакловчи пашасининг имогоси.



35-расм. Америка йўнғичқа ғовакловчи пашшаси 25 оиласа мансуб ўсимликларни зарарлайди.

Қовун пашшаси – *Carpomya pardalina* Bigot.

Икки қанотлилар (*Diptera*) туркуми.

Чипор қанотлилар (*Tephritidae* [*Trypetidae*]) оиласига мансуб.

Асосий синонимлари: *Myiopardalis pardalina* Bezzı, *Carpomyia caucasica* Zaitzev. *Carpomya pardalina* турини 1891 йили француз олимни Биго (Bigot) Белужистонда (Покистон ва Эрондаги тарихий ўлка) тўпланган ҳашарот асосида топиб номлаган.

Айни турни Бецци (Bezzi, 1910) *Myiopardalis* авлодига *Myiopardalis pardalina* номи билан ўтказган.

Озарбайжонда топилган бу ҳашаротни Зайцев (1919) янги тур деб ҳисоблаб, унга *Carpomyia caucasica* номини берган. Бу ҳашарот ғарбий адаб-

биётда «Белужистон қовун пашаси» ёки «Рус қовун пашаси» номлари остида юритилади. Қовун пашасининг морфологияси юртимизда эса ҳашаротнинг биологияси, ривожланиш доираси ва эпидемиологияси Тошкент ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси олимлари томонидан ўрганилмоқда.

**Тарқалиши.** Ватани номаълум, аммо Белужистон бўлиши тахмин қилинади. *Osciē* – Афғонистон, Ироқ, Истроил, Левант, Миср, Озарбайжон, Покистон, Сурия, Тожикистон, Туркия, Туркманистон, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Эрон.

Афғонистонда Хиротда қовун пашаси 1990 йиллардан бери маълум, аммо у фақат кейинги йилларда кенг тарқала бошлади: 2002 йили Фарёбда (ҳозир Жузжан), Балх, Саманганд, Боғлон ва Қундузда тарқалган. *Winrock Int. Volunteer Tech. Assistance* ташкилоти билан биргаликда ҳаракат қилаётган Туркманистоннинг сахро флораси ва фаунаси институти маълумотларига кўра қовун пашаси бу мамлакатда 1996 йилдан бошлаб дастлаб Ахал ва Мари вилоятлари, сўнгра Лебап ва Тошховуз вилоятларига ўтиб, қовунга катта зарар етказган. Ҳосил олиш мумкин бўлмай қолганлиги сабабли, дехқонлар қовун экмай қўйишган. Кейинчалик пашша Туркманистондан кўшни давлатларга, жумладан Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон худудларига тарқалган.

Ўзбекистонда Қорақалпоғистон Республикасида ва Хоразм вилоятида тарқалган. Ушбу минтақада биринчи марта 2001 йили топилган, 2002 йилдан бошлаб кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳозирча қайд этилмаган. Покистон ва Ҳиндистонда тарқалган тропик қовун пашаси Шимолий Афғонистон ва Марказий Осиёда қиши совуғига чидамаслиги туфайли бу мамлакатларда яшай олмаслиги ҳамда *Carpotyia pardalina* туридан бошқа турга мансублиги хабар қилинган.

**Зарарланадиган ўсимликлар.** *Cucurbitaceae* оиласидан қовун, тарвуз, қовоқ, бошқа оилалардан *Rosa* spp. *Ziziphus* spp. ва бошқалар. Энг катта зарари полиз экинларида кузатилади.

**Зараги.** Кейинги йилларда Афғонистоннинг ҳашарот тар-қалган баъзи минтақаларида қовун ҳосилининг 90 фоизи йўқотилмоқда. Қовун пашасининг қурти полиз экинлари меваларини туғилишидан пишишигача бўлган даврда заарлаб, уларни бутунлай чиритиб юборади. У Қорақалпоғистон шароитида 2002 йилдан эътиборан полиз экинларининг кенг тарқалган ва ҳосилни пасайтирадиган асосий зааркунандага айланган. Бу ҳашарот туфайли 2003 йили қовун меваларининг 90-95%, тарвузнинг 5-10% ва бодрингнинг 3-5 % и нобуд бўлган. Пашия дастлаб қовуннинг эртапишар навларини заарлайди, улардан кечпишар қовун ва тарвузга ўтади, натижада ҳам эртаги, ҳам кечпишар навларда жуда катта зарар кузатилади.

**Ташқи белгилари.** Пашия етук зотининг ранги оч сариқ, узулиги 5,5-6,5 мм, кўкрак қисми олтинранг майда тукчалар билан қопланган, кўкрагининг устки қисмида 2 та очроқ тасмасимон доғлари мавжуд. Бошқа пашшалардан кўкрак ва қорин қисмларида бир нечта майда доғчалари мавжудлиги билан

ажралиб туради. Қанотлари оч сариқ, уларнинг ҳар бирида 3 та тўқроқ сариқ тасмасимон доғлари бўлиб, улардан 2 та ички қисмидагилари тўғри, ташқи қисмидагиси «V» ҳарфи шаклида бўлади (34-35-36-37-расмлар).



**34-расм.** Қовун пашасининг имагоси ва гумбагининг кўриниши



**35-расм.** Қовун пашасининг зарари оқибатида чириган қовун.



**36-расм.** Қовун пашаси заарлаган қовун.



**37-расм.** Қовун пашасининг зарари оқибатида чириган қовун.

**Тухуми** оқ, ялтироқ, узунчоқ шаклли, узунлиги 1 мм гача. **Личинкаси** оқ, оёқсиз, олд қисмига қараб ингичкалашган, етилганларининг узунлиги 10 мм гача, танасининг охирги сегментида 2 та кичик ўスマлари мавжуд. **Гумбаги** сарғиши-қўнғир ёки қизғиши-қўнғир, узунлиги 7-8 мм, усти қаттиқ бўлган сохта пилла (пупарий) ичидаги ривожланади. Етук пашшанинг танаси узунчоқ цилиндр шаклли, узунлиги 8-10 мм, оқ ёки сарғиши тусли, териси қалинлашмаган, боши оддий, пешона қисмлари бироз ривожланган, мўйлови 2 сегментли, дорсал туклари Т-1 – А-6 сегментларида, А-8 дум сегментида,

10 та микроскопик сезги түкчалари мавжуд.

**Хаёт кечириши.** Пупарий ичидағы ғұмбаги тупроқда 10-20 см чуқурлиқда, қишлийди. Қишилаган ғұмбакдан пашшалар эртапишар қовун гуллаш ва мева туга бошлаш даврида (майнинг иккінчи ярмида) учиб чиқади. Паща шира билан озиқланганидан сүңг оталанади ва қовун ёки бошқа полиз әқинлари ёш меваларининг қобиғини тухум қўйгичи билан тешиб, унинг тагига биттадан, аммо кўпинча битта мевага 20 та ва ундан ҳам кўпроқ тухум қўяди. Тухум қўйиши одатда мевалар диаметри 3-5 см бўлганда бошланади. Битта урғочи паща бир мавсумда 98-130 та тухум қўяди. Тухум 2-8 кун давомида эмбрионал ривожланишдан ўтгач, улардан личинкалар чиқиб, дарҳол мева ичига ўтади, мева эти билан озиқланиб, уруққача етиб боради ва уругни ҳам ейди. Улар 10-18 кун ривожлангандан сүңг, мева пўстини тешиб ташқарига чиқади ва тупроқда 5-15 см чуқурликка кетиб, пупарий ичидан ғұмбакланади. 10-18 кундан сүңг ғұмбакдан 2-бўғин пашшаси чиқади, урғочи зотлари оталанади ва яна тухум қўяди. Бир бўғинининг ҳаёт даври 30 кунча бўлиб, бир мавсумда паща Афғонистонда 3-4, Қорақалпоғистонда 2-3 бўғин беради. Қишилашга кетиши пайтида личинкалар тупроқда 10-20 см чуқурлиқда ғұмбакланади. Личинкалар қовун ичидан ҳаракатланганда қовун этида занг тусли доғлар пайдо бўлади. Личинкалар ташқарига чиқишида пўчоқда пайдо қилган тешиклардан кирган микроорганизмлар таъсирида қовун 5-7 кун ичидан бутунлай чирийди ва ўта бадбўй ҳид чиқаради.

**Тарқалиши.** Личинка шаклида мева билан, пупарий ичидағы ғұмбак шаклида эса ўсимликлар илдизидаги тупроқ билан ҳамда етук зотлари учиб ўтиши ҳисобига тарқалиши мумкин.

**Карантин тадбирлари.** Қовун пашшаси Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига тарқалмаслиги учун ички карантин чора-тадбирларини кўллаш лозим, жумладан Қорақалпоғистондан (ва Хоразм вилоятидан) заараланган полиз әқинлари мевала-рини ва илдиз тизими пухта тозаланмаган дарахт нюхоллари ва бошқа әқинларни олиб ўтиш ман этилади.

**Кураши чоралари.** Бошқа мева пашшаларига нисбатан юқори самарали бўлган усуулардан бири – алдамчи ем ёки атTRACTантларни кўллаш қовун пашшасига қарши самарасиздир. Ҳозирги кунларда Афғонистонда ФАО проекти тадқиқотларида 3 та кураш усули текширилмокда, жумладан: 1) пупа-рийларни ҳалок қилиш учун далаларни қишида сувга бостириб қўйиши; 2) тупроқдан учиб чиқадиган пашшаларни ўлдириш мақсадида заараланган қовунларнинг тагига кукун шаклли инсектицид чангитиши; 3) пашшалар қовун баргларидаги токсик моддалар билан озиқланишини жадаллаштириш мақса-дида әқинга суюқ инсектицид билан шакар эритмасини кўшиб пуркаш. Бу усуулар ҳали дала шароитида текширилмаган. Улардан самаралилари танлаб олингач, кураш чоралари катта минтақаларда бир вақтда ўтказилиши лозим, акс ҳолда зарар-кунанда ишлов берилмаган далаларда кўпайиб, пашшадан ҳимоя қилинган далаларни қайтадан заараллаши мумкин.

Ўзбекистон шароитида қовун пашшасига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиши ҳозиргача тугалланмаган, жумладан бу ҳашаротнинг

биоэкологияси, фенологияси (пупарийдан чиқиши даври ва фенологияси), самарали инсектицидларни танлаш ва уларни қўллашда тўғри усул ва даврларни аниқлаш бўйича илмий асосланган тавсияномалар тайёрлаш – олимлар олдида ечимини кутаётган муаммолардир. Бугунги кунда пашшага қарши агротехник чоралардан – полизларни ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, куз-қиши даврида далани тузланишга қарши сугориб ювиш ва чуқур кузги шудгор ўтказиш орқали пашшанинг қишлоvdаги заҳираларини камайтириш, пашша кузатилган далаларга 3-7 йил давомида полиз экинларини қайта экмаслик, эртапишар ва кечпишар навлар экилган далаларни бир-бирига яқин жойлаштирумаслик тавсия қилина-ди. Қовун пашшасига қарши кимёвий кураш чораларини ишлаб чиқиши ҳали тугалланмаган. Мева ичидалини личинкалари ва тупроқдаги ғумбакларига қарши инсектицид ёрдамида кураш ўтказиш самара бермаслиги таъкидланган, аммо ФАО Афғонистонда тадқиқ қилаётган тажрибаларни Ўзбекистон шароитида ҳам такрорлаш фойдадан ҳоли бўлмаслиги мум-кин. Баъзи маълумотларга кўра, қовун пашшасига қарши биологик усул (йиртқич кана ҳамда *Pachyscerepoideus vindemmiae* Rondani паразитоид пашшасини) қўллаш самарали эканлиги таъкидланади.

Хўжаликлардаги қовун-тарвуз экилган йирик майдонларда ҳимоя ишловларини ўтказиш мақсадида трактор пурка-гичини (ОВХ-28) қатор оралардан юриш имконини яратиш учун полиз экиш тартибини шунга мўлжалламоқ лозим. Истиқболли инсектицид сифатида қовун пашшасининг етук зоти ҳамда тухумларига таъсири бўлган препаратларни ишлатиш муайян даражада натижа бериши мумкин.

Бундан ташқари, кимёвий кураш ўтказишнинг самарали муддатларини белгилаш яхши натижа беради. Бунда биринчидан, пашша қийғос учган пайтни маҳсус сариқ рангли елим суртилган тутқичлар ёрдамида белгилаш мумкин. Иккинчидан, ишловни қовун (ёки тарвуз) гуллаб тугунча ҳосил қилган пайт билан боғлаш зарур. Кейинги ишловлар эса 12-15 кундан сўнг ўтказилади. Мақсад – қовун пашшасининг етук зотини (қисман қўйган тухумини ҳам) йўқ қилиш. Инсектицид сифа-тида пиретроидлар ҳамда карбофос (фуфанон), сумитион, актеплик юқори самара беради.

**Таърифи.** Вояга етган пашша хира, сариқ ёки оч зарғалдоқ тусли, кўкраги эса тилла ранг тук билан қопланган, кўкраги бўйлаб иккита равshan йўл ўтади, улар учта зарғалдоқ чизиқ билан чегараланган, қалқони оқ.

Танасининг пастки томони ва оёқлари устки томонидан равшанроқ, қанотларида учтадан сариқ кўндаланг йўли бор. Орқа оёқ сонлари бирмунча йўғон. Эркагининг катталиги 5,5-6 мм, ургочисиники 6-7 мм. Ургочисининг қорни учida хитинлашган тухум қўйгичлари бор. Тухуми дут шаклида, ранги оқ, узунлиги 1 см.

Личинкаси оқ, танаси олдинги учидан орқа учига қараб секин-аста йўғонлашиб боради, қорнининг орқа уни тикка кесилиб тушган, сўнгги сегментининг учидаги иккита дўмбоқча бор, анал тешиги узунасига кетган, танасининг узунлиги 1 см гача боради.

Соҳта пилласи чўзинчоқ овал шаклда, сариқ-қўнғир, узунлиги 7-8 см.

**Ҳаёт кечириши.** Қовун пашшаси янги мінтақаларға асосан личинкалик стадиясида (шу личинкадан заараланған қовун ва тарвуз билан) ўтади. Қовун пашшаси полиз тупроғининг юза қатламида ғумбаклик стадиясида қишлоғыди. Тупроқ ҳарорати 20°C дан паст бўлмагандан ғумбакдан пашша пайдо бўлиб, юзага чиқади. Эркак ва ургочи пашшалар қовун ва тарвуз шираси билан озиқланади. Ургочи пашша қовун билан тарвузни тухум қўйгичи билан тешади. Пашша ғумбакдан чиққач 6-7 кундан кейин тухум қўя бошлайди; тухум қўйиш бир ойгача чўзилади. Ургочи пашша тухумларини қовун-тарвуз пўстининг остига (айниқса қовунга) қўяди: пашша қовун-тарвузни тухум қўйгичи билан тешиб, унга битта тухум қўйиб кетади. Бир қовун ёки тарвузга бир неча тухум қўйиши мумкин. Ургочи пашша умрида 100-200 та тухум қўяди.

2-7 кундан кейин тухумдан чиқкан личинкалар қовун-тарвуз эти билан озиқланади. Личинкалар ёзда 8-13 кунда ривожланади, кузда эса ривожланиш 18 кунга чўзилади. Озиқланиб бўлган личинкалар қовун-тарвуздан чиқиб, яқин орадаги тупроқда ғумбакка айланади. Сохта пиллалардан бир қисми (тахминан 27 %) келгуси йил кўкламгача диапаузага киради, қолганларидан эса 13-20 кундан кейин янги насл пашшалари чиқади, улар тез орада тухум қўя бошлайди.

Қовун пашшаси йилига 2-3 насл беради, шу билан бирга иккинчи насл ғумбаклари диапаузага биринчи насл ғумбакларидан кўра кўпроқ киради.

**Кураш чоралари.** Қовун пашшаси тушган жойлардан бу ҳашарот йўқ жойларга қовун-тарвуз келтиришни таъқиқлаш карантин чораси ҳисобланади.

Қовун пашшаси сохта пилла стадиясида бўлган даврда тупроққа, масалан, дихлорэтан ёки сероуглерод солиб фумигация қилишни перспектив чора деб ҳисоблашга асос бор, аммо тупроқни бундай фумигация қилиш ҳали амалиётда синаб кўрилгани йўқ. Агротехника чораларидан-қовун ва тарвуз экиладиган далаларни кузда шудгорлаб қўйиб, қовунни мумкин қадар эртароқ экиб олиш усули қўлланилади.

**Кураши чоралари.** Бошқа мева пашшаларига нисбатан юқори самарали бўлган усуллардан бири – алдамчи ем ёки атTRACTантларни қўллаш қовун пашшасига қарши самарасизdir. Ҳозирги кунларда Афғонистонда ФАО проекти тадқиқотларида 3 та кураш усули текширилмокда, жумладан: 1) пупа-рийларни ҳалок қилиш учун далаларни қишида сувга бостириб қўйиш; 2) тупроқдан учеби чиқадиган пашшаларни ўлдириш мақсадида заараланған қовунларнинг тагига кукун шаклли инсектицид чангитиши; 3) пашшалар қовун баргларидаги токсик моддалар билан озиқланишини жадаллаштириш мақса-дида экинга суюқ инсектицид билан шакар эритмасини қўшиб пуркаш. Бу усуллар ҳали дала шароитида текширилмаган. Улардан самаралилари танлаб олингач, кураш чоралари катта мінтақаларда бир вақтда ўтказилиши лозим, акс ҳолда зааркунанда ишлов берилмаган далаларда кўпайиб, пашшадан ҳимоя қилинган далаларни қайтадан заарллаши мумкин.

Ўзбекистон шароитида қовун пашшасига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиши ҳозиргача туталланмаган, жумладан бу ҳашаротнинг

биоэкологияси, фенологияси (пупарийдан чиқиши даври ва фенологияси), самарали инсектицидларни танлаш ва уларни қўллашда тўғри усул ва даврларни аниқлаш бўйича илмий асосланган тавсияномалар тайёрлаш – олимлар олдида ечимини кутаётган муаммолардир. Бугунги кунда пашшага қарши агротехник чоралардан – полизларни ўсимлик қолдиқларидан тозалаш, куз-қиши даврида далани тузланишга қарши сугориб ювиш ва чуқур кузги шудгор ўтказиш орқали пашшанинг қишлоғдаги заҳираларини камайтириш, пашша кузатилган далаларга 3-7 йил давомида полиз экинларини қайта экмаслик, эртапишар ва кечпишар навлар экилган далаларни бир-бирига яқин жойлаштирумаслик тавсия қилинади. Қовун пашшасига қарши кимёвий кураш чораларини ишлаб чиқиши ҳали тугалланмаган. Мева ичидағи личинкалари ва тупроқдаги ғумбакларига қарши инсектицид ёрдамида кураш ўтказиш самара бермаслиги таъкидланган, аммо ФАО Афғонистонда тадқиқ қилаётган тажрибаларни Ўзбекистон шароитида ҳам такрорлаш фойдадан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Баъзи маълумотларга кўра, қовун пашшасига қарши биологик усул (йиртқич кана ҳамда *Pachysrepoides vindeemiae* Рондани паразитоид пашшасини) қўллаш самарали эканлиги таъкидланади.

Хўжаликлардаги қовун-тарвуз экилган йирик майдонларда ҳимоя ишловларини ўтказиш мақсадида трактор пуркагичини (ОВХ-600) қатор оралардан юриш имконини яратиш учун полиз экиш тартибини шунга мўлжалламоқ лозим. Истиқболли инсектицид сифатида қовун пашшасининг етук зоти ҳамда тухумларига таъсири бўлган препаратларни ишлатиш муйян даражада натижа бериши мумкин.

Бундан ташқари, кимёвий кураш ўтказишнинг самарали муддатларини белгилаш яхши натижа беради. Бунда биринчидан, пашша қийғос учган пайтни маҳсус сарик рангли елим суртилган тутқичлар ёрдамида белгилаш мумкин. Иккинчидан, ишловни қовун (ёки тарвуз) гуллаб тугунча ҳосил қилган пайт билан боғлаш зарур. Кейинги ишловлар эса 12-15 кундан сўнг ўтказилади. Мақсад – қовун пашшасининг етук зотини (қисман қўйган тухумини ҳам) йўқ қилиш. Инсектицид сифатида пиретроидлар ҳамда карбофос (фуфанон), сумитион, актеплик юқори самара беради

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунанадаларининг тур таркиби?
2. Америка йўнгичқа ғовакловчи пашшаси морфологик белгилари?
3. Америка йўнгичқа ғовакловчи пашшасининг ер юзида тарқалиши?
4. Америка йўнгичқа ғовакловчи пашшасининг ривожланиш хусусиятлари?
5. Америка йўнгичқа ғовакловчи пашшаси нечта оила ўсимликларни заарлайди?
6. Қовун пашшасининг морфологик белгилари?
7. Қовун пашшасининг ер юзида тарқалиши?
8. Қовун пашшаси қайси ўсимликларни заарлайди?
9. Қовун пашшасининг ривожланиш хусусиятлари?

10. Сабзавот ва полиз экинлари карантин зааркунанадаларига қарши кураш чора-тадбирлари?

### АДАБИЁТЛАР

1. George N. Agrios. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
2. Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopathological Society, 1993. Pp 173.
3. М.Т.Арсланов, А.У.Сагдуллаев, Ш.К.Алиев., Ўсимликлар карантини зааркунандалари тарқалишининг олдини олиш. - Тошкент 2017.
4. Поспелов С.М., Шестиперова З.И., Долженко И.К. Основы карантине растений. -Москва, «Агропромиздат». 1985.
5. Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврӯз”, 2020, 247 б.
6. Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.
7. Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантин асослари фанидан лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма Тошкент 2014 й.
8. Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти. “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни танлаш усуллари”. Тошкент. 2018.
9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини “Ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги” НИЗОМ. Тошкент. 2018.
10. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рўхсатномасини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Тошкент. 2018.
11. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Тошкент. 2018.
12. Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ва қоидалар (янги таҳрири) Тошкент. 2018.
13. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. Тошкент, “Yangi Nashr Nashriyoti”, 2019, 375 б.
14. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ғўзани зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.
15. Шералиев А.Ш., Ўлмасбаева Р.Ш. Қишлоқ хўжалик экинлари карантини, Талқин, Тошкент, 2007.

### Интернет сайтлар

16. <http://www.quarantine.com>.
17. [www.plantprotection.com](http://www.plantprotection.com)
18. [www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm](http://www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm)

**Педагогик технология  
“БББ” технологияси**

Мавзу матнини ўқиб чиқиб, олинган маълумотларни индувидуал соҳаларга ажратинг. Қадам билан қўйилган белгилар асосида БББ жадвалини тўлдиринг

**БББ жадвали**

<b>№</b>	<b>Мавзу саволлари</b>	<b>Биламан</b>	<b>Билишни истайман</b>	<b>Билиб олдим</b>
1				
2				

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

4

### 1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: КАРТОШКАНИНГ КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

**Дарс мақсади:** Тингловчиларга картошканинг карантин зааркунандалари: колорадо қўнғизи, картошка куясининг тарқалиши, зарари, морфологик белгилари, ривожланиш хусусиятлари ва уларни бартараф қилиш усул ва воситалари бўйича тушунча бериш мақсадида ўқитиш ва таълим бериш жараёнида илғор педагогик технологияларини қўллаш самарадорлиги ҳакида маълумотларни ўзлаштиришдан иборат.

**Кўргазма материал:** омборда сақлаш ва ўсув даврида колорадо қўнғизи ҳамда картошка куяси билан заарланган картошка туганаги. Шунингдек колорадо қўнғизи ҳамда картошка куясининг турли ривожланиш босқичларида спиртда ёки энтомологик сақлагичларда сақланаётган ҳашаротлар намуналари, уларга қарши қўлланиладиган микробиологик ва кимёвий препаратлар.

#### 1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУСИ: КАРТОШКАНИНГ КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ.

**Колорадо қўнғизи** – *Leptinotarsa decemlineata* Say. Қўнғизлар – *Coleoptera* туркумига, барг кемирувчилар *Chrysomelidae* оиласига мансуб.

**Тарқалиши.** Осиёда Туркияда; Америка қитъасида АҚШ, Канада, Мексика ва Гватемалада; Европанинг барча мамлакатларида ҳамда Ўрта Осиёда тарқалган.

Бу зааркунанда биринчи бор АҚШ нинг Колорадо штатида 1859 йили аниқланган. Европага колорадо қўнғизи бир неча бор картошка маҳсулоти билан ўтган, аммо биринчи жаҳон урушининг охирларида Франциянинг Бордо тумани атрофида мустаҳкам ўрнашиб олишга муваффақ бўлган. Бу ердан бошлаб ҳар йили 150-400 км га Европа мамлакатлари сари силжиб, кенг ёйилиб кетган.

Украинада колорадо қўнғизининг уяси биринчи бор 1949 йили Львов вилоятида аниқланган. Гарчи карантин хизмати томонидан ўз вақтида амалга оширилган тадбирлар натижасида зааркунанданинг Россия бўйлаб тезда кенг тарқалишига йўл қўйилмаган бўлсада, кейинчалик бу ҳашарот тарқалган чегара анча кенгайиб, Урал тоғларидан ҳам ўтиб кетган. Ўзбекистонда колорадо қўнғизи биринчи бор 1974 йили Тошкент вилоятининг «Чорвоқ» ва «Бўйтонлик» хўжаликларида аниқланган. Бу ерга зааркунанда Белоруссиядан келтирилган картошка уруғи билан олиб келинган эди. Фақат

Ўздавкарантин ходимларининг туман мутахассислари билан ҳамкорликда ўз вақтида амалга оширилган уйғунлашган тадбирларигина кейинги тўрт йил ичида бу уяларни бартараф этишга имкон берди. Кейинги йиллари (уруглик маҳсулот билан) колорадо қўнғизи Ўзбекистон шароитида яна уялар вужудга келтиришга муваффақ бўлди. Шундай уяларга илк бор Фарғона вилоятининг Соҳ тумани хўжаликлари; Тошкент вилоятидаги Зангиота, Қиброй ва Тошкент туманларидағи айрим хўжаликларни киритиш мумкин.

Шундай қилиб, колорадо қўнғизи мамлакатимизда ташки карантин объектидан ички карантин обьектига айланди.

**Таърифи.** Овал, бўртган танага эга бўлган қўнғизининг узунлиги 9-12 мм келади. Олд елкаси ва уст қанотлари сарғиши ёки сарғиши-қизил. Олд елкасида 12-14 та қора доғлари бор. Ўртадаги доғлари йирик бўлиб «У» белгисини эслатади. Ҳар бир устки қанотида 5 тадан қора чизиқлари мавжуд, яхши учади.

Тухумининг узунлиги 1,2-1,8 мм бўлиб чўзиқ-овал, ялтироқ, олдин сариқ, сўнгра тўқ сариқ тусда. Личинкасининг узунлиги 15-16 мм, бўртган шаклда, тўқ сариқ-қизил. Танасининг ўрта қисми олд томонидан кенг, орқа қисми учлиланган. Олд елкасида қўндалангига жойлашган қора доғи бор, ёнида эса икки қатор сегмент нукталари мавжуд. Ғумбаги очик типда, узунлиги 10-12 мм, ранги тўқ сариқдан қизғишгача (38-39-расмлар).



38-расм. Колорадо қўнғизининг имагосининг тухум қўйиш жараёни.



39-расм. Колорадо қўнғизи личинкаларининг картошкага зарари.

**Ҳаёт кечириши.** Қўнғизлар озиқланган дала шароитида 20-60 см чуқурлиқда қишлиб қолади. Баҳорда ер сатҳи 14-15° С гача қизиши билан қўнғизлар учиб чиқа бошлайди. Кўшимча озиқлангандан сўнг ҳашаротлар урчийди ва урғочи қўнғизлар итузумгулдош ўсимликларнинг барг тагига тўп-тўп қилиб 12-80 тадан тухум қўяди.

Ўртacha бир қўнғиз 400-700 та, кўпи билан 2400 тагача тухум қўйиши мумкин. Тухуми 5-17 кун ривожлангандан кейин личинка чиқади ва ўсимлик билан озиқланиб 16-34 кун ичида тўрт марта пўст ташлайди. Личинкалари ерга тушиб 5-15 см чуқурлиқда ғумбакка айланади. Ғумбак ривожланиши 12-

24 кун давом этади.

Минтақамизда Колорадо қўнғизи йилига 1-3 та бўғин бериши мумкин. Чет мамлакатларда (масалан, Болгарија) 4 марта гача бўғин беради. Сабаби республикамизнинг ёзги иссиқ жазирама қунларида бу ҳашарот ёзги диапаузага кетади. Колорадо қўнғизининг совукқа чидамлилиги унча юқори эмас. Тажрибаларда  $-9\text{--}11^{\circ}\text{C}$  да 9 соат мобайнида 50-100% қўнғиз қирилган. Шунинг учун ҳам шимолий минтақаларда айрим йиллари қишлоғ пайтида 85% гача қўнғиз қирилиб кетади. Колорадо қўнғизи ривожланиши хусусиятларидан бири мухитга мослашишdir, бу диапауза орқали амалга оширилади. Бу ҳашаротда олти хил диапауза аниқланган. **Қишики диапауза** кузнинг 3-4 ойлари мобайнида (август-ноябр) организм заҳира моддаларининг секин-аста сарфланишини таъминлайди; совук тушиши билан **қишики олигопауза** эрта баҳоргача давом этади; ёзниг иссиқ қунлари бир қисм қўнғизлар 11-36 кунга **ёзги диапаузага** кетади; ёзниг ўртасида қишлоғ чиққан қўнғизларнинг деярли ярми **ёзги уйқуга** (1-10 кунга) кетади.

Бир ёки икки қишини ўтаб, шу билан бирга урчиб ривожланган қўнғизлар август-сентябрда учинчи марта **қайта диапаузага** кетиши мумкин. Ва ниҳоят, бир қисм қўнғизлар тупроқда 2-3 йил мобайнида **кўп йиллик диапаузани** ўташи мумкин (супер-пауза). Диапаузага кетган қўнғизлар эгатларнинг ҳамма ерида бир текис жойлашавермайди. Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатдики, умумий сонининг 77% и ариқ ичида юмшоқ тупроқ остида 5-15 см чуқурлиқда жой-лашар экан. Буни қузда ҳосил йиғилган пайкалларда зааркунандани назорат қилишда инобатга олиш керак.

**Зарари.** Колорадо қўнғизи – олигофаг, у фақат итузумгулдошлар оласига мансуб ўсимликлар билан озиқланади. Булар ичида картошка энг афзал озиқа ҳисобланади, кейинги ўринларда бақлажон ва помидор туради. Шу билан бирга тамаки, бангидевона, мингдевона, итузум каби ўсимликларни ҳам еб ривожланади. Личинка ва қўнғизи баргни еб шикастлайди. Ҳар туп картошка ўсимлигига 20-40 дона личинка ва қўнғиз мавжудлигига барглар 50-100% нобуд бўлиши мумкин. Бу эса ҳосилнинг 2-3 дан 10 бараваргача камайишига олиб келади.

**Кураш чоралари.** Колорадо қўнғизи Ўзбекистон учун ички карантин обьектидир, шунинг учун унга қарши кураш алоҳида аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда бу зааркунандага қарши кураш «Колорадо қўнғизига қарши кураш инструкцияси» га (1973) асосан олиб борилади. Бу инструкцияда колорадо қўнғизига қарши кураш тизими ифодаланган.

Жамоа ва фермер хўжаликларида ҳамда шахсий хўжалик томорқаларида колорадо қўнғизига қарши курашни ташкил этиш хўжалик раҳбарларига юклатилган. Шаҳар ва қишлоқларда – маҳаллий халқ депутатлари ижроия қўмитаси зиммасига юклатилган.

Ҳимоя қилиш тизими қўйидаги тадбирларни ўтказишни назарда тутади.

1. Зааркунанда мавжуд туман ва хўжаликлардан картошкани олиб кетишдан олдин маҳсулотни ҳашаротдан тозалаб барча карантин чорасини кўрган ҳолда шаҳодатнома билан таъминлаш. Бундай ҳосилни қабул қилиб олган манзилда эса қўшимча карантин назоратини ўтказиб, лозим топилса

бромметил билан фумигация ўтказиш.

2. Агротехник тадбирлардан ўсимликка юқори даражада ишлов бериш, органоминерал ўғитлар билан етарлича таъминлаб, унинг бардошлилигини ошириш, ҳосил йифими олдидан пояни ўриб олиш, ҳосил йифиб-териб олинганидан сўнг даладаги картошка қолдиқларини қолдирмай териш, ерни чуқур шудгорлаш.

3. Колорадо қўнғизининг 50 дан ортиқ кушандалари мавжуд. Улар ичida айниқса полифаг олтинкўзлар, хонқизи, жужелицалар, қандалалар, чумоли ва ўргимчаклар алоҳида ўрин тутади. Буларнинг фаолияти натижасида зааркунанда 23-78% нобуд бўлиши мумкин. Истиқболли энтомофаглардан интродукция қилинган қандалалар – периллюс ҳамда подизус алоҳида аҳамиятга эга.

4. Кичик майдонларга экилган итузумгулдош ўсимликларни колорадо қўнғизидан ҳимоя қилиш учун унинг тухумини қўлда териб қириб ташласа ҳам бўлади.

5. Экинзорда кимёвий кураш ўтказилишига эҳтиёж борлигини аниқлаш учун ҳар 10 кунда бир назорат ўтказилади. Бунда, зааркунанда мустаҳкам ўрин эгаллаган туманларда, эртаги картошка (ўсиши тез бўлганлиги сабабли) 10 %, кечки картошка эса 5% заарланганда зудлик билан ҳимоя тадбирини ўтказиш лозим. Ишлов беришнинг такрорланиши инсектициднинг хусусиятига ва метеорологик шароитга боғлиқ. Узоқ муддат таъсир этадиган юқори самарали инсектицид қўлланилса, картошка ўсиш даврида бир (алоҳида вазиятда икки) марта пуркалади.

Биринчи марта пуркаш 1-2 ёш личинкалар кўплаб пайдо бўлганда амалга оширилиши лозим, иккинчиси 10-12 кундан сўнг. Итузумгулдош экинлардан картошка ва помидорни зааркундалардан ҳимоя қилиш учун рухсат этилган препаратлар рўйхати 10-жадвалда келтирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, пиретроид инсектицидлар сурункасига ишлатилган ерларда колорадо қўнғизида тезда чидамлилик вужудга келади. Шунинг учун янги инсектицидлар яратилиб синалиши давом этади.

**Картошка қуяси** – *Phthorimaea operculella* Zell.

Капалаклар туркумининг – *Lepidoptera*

Ўйиқ қанотли қуялар (*Gelechiidae*) оиласига мансуб.

**Тарқалиши:** Картошка қуяси Европанинг - Албания, Болгария, Греция, Испания, Италия, Португалия, Франция, Югославия, Осиёнинг — Бангладеш, Бирма, Хиндистон, Индонезия, Хитой, Пакистон, Сурія, Туркия, Япония, Африканинг-Кения, Марокаш, Сверра Леоне ва Америка қитъасининг кўпгина давлатларида тарқалган.

Россияда бу зааркунанда биринчи марта 1938 йилда аниқланган ва бу зааркунанда ўчоқлари йўқ қилинган. Кейин яна 1970 йилда ҳориж кемалари текширилганда аниқланган.

Картошка, тамаки, помидор, бақлажон, қалампир ва бошқа ёввойи итузумдош ўсимликларини заарлайди.

Республикамизнинг шимолий – Хоразм воҳасида илк бор Ўзбекистон учун ташқи карантин ҳисобланган картошка қуяси 2009 йилда кириб келиб, Хоразм

вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси дәхқон ва фермерларига катта иқтисодий заар келтирмоқда. У 2014 йилга келиб Самарқанд ва Тошкент вилоятида, 2016 йилда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам картошка куясининг уялари топилди. У қисқа давр ичида Республиканиң барча картошка етишириладиган ҳудудларига тарқалғанлиги аниқланди. Картошка куясининг биоэкологик хусусиятлари ҳақида алоҳида изоҳлаб ўтиш керак бўлади, чунки бу ҳашарот картошкачиликка жуда ҳам катта ҳавф солмоқда.

**Зарари:** Бу ҳашарот қулай шароитларда йил мобайнида ривожланишдан тўхтамайди: мавсумда—ўсимлик барги, пояси ва туганакларини дала шароитида 25-70 % гача заарласа, қиши ва бошқа мавсумларда эса омборда сақланаётган картошка туганакларини заарлашни давом этади. Сақланаётган картошканинг 85-100 % гача заарланганлиги тўғрисидаги маълумотлар чет эл ва маҳаллий матбуотларда ҳабар қилинди. Республикамиз шароитида бу ҳашаротнинг биологик хусусиятлари, тарқалиш ареали, заар келтириш даражаси ҳамда унга қарши фаол қураш усул ва воситалари ҳали ўрганилмаган. Картошка куясининг ривожланишида айрим агротехник тадбирларни таъсирини ўрганиб; янги, рўйхатга киритилаётган пестицидлар учун ишлатиш тартиби (регламент) тузилиб чиқилиши талаб қилинади. Бунинг учун ҳар йили кичик ва катта (амалий) дала тажрибалари ўтказилади; кимёвий ва биологик усусларни бирбирига ёндошиб ишлатиш қоидаларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

**Таърифи:** Тропик мамлакатларда, Австралияда картошка куяси 1 йилда 12-13 бўғин бериб тинимсиз ривожланади. Унинг қуртлари картошка туганакларини илматешик қилиб еб ташлайди. Бундан ташқари бақлажон, помидор, тамаки ва бошқа ўсимликларни ҳам заарлайди. Маълумотларга картошка куяси тропик мамлакатлардаги омборларда сақланаётган картошканинг 60-70 % ини шикастлаши мумкин. Украинанинг жанубий ҳудудларида картошка туганакларини 60 % гача заарлагани кузатилган, Ҳинҷистонда эса тамаки ҳосилини 60-80 % ни заарлаган/

Адабиётлардан маълумки, бу ҳашарот дунёning барча қитъаларида 80 дан ортиқ мамлакат ҳудудларида учрайди. Унинг келиб чиқиши жанубий Америка қитъаси ҳисобланади. Қизиқарли жойи шу ердаки, бу тропик иқлимга мослашган тур, диапаузасиз, қишин-ёзин тинмай ривожланавериши мумкин. Ҳаво ҳарорати ўртacha +10 °Сдан паст бўлганда картошка куяси ривожланишдан тўхтайди. Картошка куясининг етук зоти майда, куя капалакларга хос кулранг бўлиб олдинги қанотлари 12-15 мм, эркагининг қаноти урғочисиникидан 2-2,5 мм кичик. Оч кулранг қанотларда сарғиш доғлар қанот бўйлаб жойлашган бўлиб, қанот ўртасида қорамтири чизик ва иккала четида оқимтири ҳошия бўлади.

Тухуми овал шаклда, эни 0,35-0,45 мм, узунлиги 0,8 мм катталиқда, янги қўйилган тухумлар оқ рангда, вақт ўтиши билан тухум тўқ рангга ўтади ва қурт чиқишидан олдин қобиқдан кўриниб туради (40-41-42-43-расмлар).

Тухумдан чиқкан қурт 1,2 мм узунлиқда рангсиз ёки оч қизғиши тусда бўлади, бош қисми қора рангда бўлади. Етук қуртлари 10-13 мм узунлиқда, эни 1,5 мм, ранги сарғимтири қизғиши ёки яшилсизмон кулранг тусда, бош қисми тўқ жигарранг ёки қора рангда бўлади. Қиши совуқ бўлган мамлакатларда унинг асосий қисми қиши пайтида қирилиб кетади. Фақатгина ўра ва ертўлаларда


ҳарорат +10 °C дан ва ундан юқори бўлган шароитдагина қишлиб чиқади.



40-расм. Картошка куясининг имагоси



41-расм. Картошка куяси заарлаган картошкалар яроқсиз бўлиб қолади.



42-расм. Картошка куясининг личинкаси



43-расм. Картошка куясининг личинкаси ва ғўмбагининг қўриниши

Капалаклари табиатда кеч (май-июн) пайдо бўлиб, кузга яқин зичлиги ошиб, кечки картошкага қўпроқ зарар келтиради. Мавсумда 5-6 авлод бериб, қишлиш давомида яна 4-5 та авлод бериши мумкин. Капалаклари тухумини асосан картошка поясининг паст қисмига, ҳамда шу ердаги кесаклар орасига, очилиб қолган картошканинг устига (қўзчаларига) 1 тадан 20 тагача қўяди. Ҳар 1 урғочи зот ҳаммаси бўлиб 150 дан 300 тагача тухум қўйиши мумкин.

Тухумдан очиб чиққан қурт дастлаб ўсимлик баргини ҳамда новдаларини шикастлаб ейди, вояга етгач ўсимлиқда ёки тупроқ юзасида юмшоқ пилла ўраб ичида жигарранг ғумбакка айланади. Кузда, картошка йиғиштириладиган пайтда, куянинг бир қисми турли шаклларда шу ерда қолиб кетиши натижасида қирилиб кетади, айримлари картошка ичида бўлиб, чуқур қўмилиб қолган бўлса, муваффақиятли қишлиб чиқиши ҳам мумкин.

Ўзбекистонга эндингина кириб келгани учун, картошка куясининг табиий кушандалари ҳали кўп эмас.

**Кураш чоралари:** Дунёда картошка етиштирадиган ҳудудларда ўтказилган тажриба тадқиқотларида, картошка ва итузумдошлар оиласига мансуб ўсимликларни картошка куясидан ҳимоя қилишда иккита компонент моддага эга (ацетат Е4,Z7,Z10-тридекатриенол-1) феромон тутқичлар дала ва

омбор шароитларида мониторинг ўтказиш ва қарши курашда юқори самара берган.

Картошка етиштирадиган МДХ ва дунёнинг бошқа мамлакатларида картошка қуясининг картошканинг асосий зааркунандаси ҳисобланади ҳамда унга қарши ҳар бир иқлим шароитларда кураш чоралари ишлаб чиқилган. Картошка қуясини биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, зарари ва унга қарши экологик ҳавфсиз кураш чоралари ишлаб чиқилган Озарбайжон шароитида ўрганилган.

Картошка куяси Россияда рўйхатга олинган ҳудудлардан экспорт қилинадиган картошкани Фосфин препарати билан фумигация қилиш орқали куяни бошқа ҳудудларга тарқалишини олдини олиш мумкин.

Ўзбекистонда картошка зааркунандаларига қарши курашда асосан кимёвий препаратлар ишлатилади.

Шунингдек бу зааркунанданинг касалликларини қўзғатувчи микроорганизмларини ўрганиш ишлари кенг миқёсида олиб борилмоқда. Жумладан, картошка куясига қарши *Beauveria bassiana* қўллаш бўйича Ироқда тажрибалар олиб борилган. Бу зааркунандага қарши яна *Bacillus thuringiensis* ва бошқа замбуруғлар штаммлари ҳам самарали деб ҳисобланади]. Бундан ташқари вирус (Create hiv-1) лар ҳам юқори самара бериши келтирилган.

АҚШ ва Ҳиндистонда биологик усулни қўллашда картошка қуясининг ихтисослашган паразитлари *Copidosoma koehleri* Blanch. - (халцидлар бош оиласи, энцертидлар оиласи) ва браконид *Bracon johanssoni* Wied. энтомофаглари ўрганилган. Ушбу энтомофаглар Америкадан Ҳиндистонга, Танзания ва бошқа кўпчилик давлатларга картошка куясига қарши курашда интродукция қилинган ва юқори самарага эришилган.

Картошка куясига қарши сурункасига бир хил препаратни қўлланавериши бошқа зааркунандалар каби унга нисбатан чидамлилик ёки бардошлилик хусусиятини вужудга келтириши мумкин.

Дунё мамлакатларида озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида ГМО йўли билан картошкани картошка куясига қарши чидамли навини яратиш устида изланишлар олиб борилган ва картошка куясига чидамли Spuntag 2 нави ГМО йўли билан яратилган. Аммо бу нав инсон саломатлигига салбий таъсири аниқланганлиги сабабли Африка, Саудия Арабистони ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқаришдан олиб ташланган.

Капалаклари табиатда кеч (май-июн) пайдо бўлиб, кузга яқин зичлиги ошиб кечки картошкага кўпроқ зиёни тегади. Мавсум мобайнида 5-6 авлод бериб, қишлиш давомида яна 4-5 та авлод бериши мумкин. Капалаклари тухумини асосан картошка поясининг паст қисмига, ҳамда шу ердаги кесаклар орасига, очилиб қолган картошканинг устига (кўзчаларига) 1 тадан 20 тагача қўяди. Ҳар 1 урғочи зот ҳаммаси бўлиб 150 дан 300 тагача тухум қўйиши мумкин. Тухумдан очиб чиқсан қурт дастлаб ўсимлик баргини ҳамда новдаларини шикастлаб ейди; вояга етгач ўсимликда ёки тупроқ юзасида юмшоқ пилла ўраб ичидаги жигарранг ғумбакка айланади. Кузда, картошка йиғишириладиган пайтда, куянинг бир қисми турли шаклларда шу ерда қолиб кетиши мумкин. Улар ўлиб кетади, аммо, айримлари картошка ичидаги

бўлиб, чуқур кўмилиб қолган бўлса, муваффақиятли қишлиб чиқиши ҳам мумкин (Обиджонов, Душамов, 2011).

Картошка куяси олигофаг ҳашарот бўлиб, у итузумдошлар оиласига мансуб ўсимликлар (помидор, баклажон, ширин қалампир) билан ҳам озиқланиши мумкин. Ўзбекистонга эндиғина кириб келгани учун, картошка куясининг табиий кушандалари ҳали кўп эмас. Вақт керак, уларни мослашиб, агробиоценоз таркибида ўзгариш содир бўлиши учун. Адабиётлардан эса маълумки картошка куяси каби тупроқ билан боғлиқ ҳашаротларда энтомопатоген нематода чувалчанглари заарлаб юқори самара кўрсатади.

1. Картошка куяси Ўзбекистоннинг шимолий минтақаларида (Хоразм вилояти, Қорақолпоғистон) пайдо бўлиб, картошкачиликка путур етказиш даражасидадир.

2. Бу ҳашаротга қарши кураш тизимида, минтақанинг иқлим шароитини назарда тутган ҳолда, зааркунандани далада қишлиб қолишига ўрин қолдирмаган ҳолда, картошкани паст ҳарорат ( $3-5^{\circ}$ ) шароитида сақлашга катта эътибор бериш керак (бундай шароитда картошка куясининг барча шакллари ўлиб кетади).

3. Уруғлик учун мўлжалланган картошкани кузда микробиологик дори – лепидоциднинг 1% лик сувдаги эритмасига “чўмилтириб” олиб, қуришгача селгитиб, кейин сақлаб қўйилса, 95% гача самарага эга бўлиш мумкин.

4. Картошка экилган далада куянинг қуртлари пайдо бўлса, қуидаги инсектицидларнинг бирортасини муваффақиятли, бирйўла бошқа зааркунандаларни ҳам назарда тутиб, ишлатса бўлади: *конфидор* (багира) – 0,3 л/га, *моспилан* – 0,2 кг/га, *циперфос* – 1,0 л/га, *каратэ* (атилла) – 0,4 л/га, *верти-мек* – 0,3 л/га, *дурсбан* – 0,7 л/га.

### **Педагтик технология**

#### **“ББ” технологияси**

Картошканинг карантин зааркунандалари бўйича матнни ўқиб чиқиб, олинган маълумотларни индувидуал соҳаларга ажратинг. Қадам билан қўйилган белгилар асосида ББ жадвалини тўлдиринг

#### **ББ жадвали**

<b>№</b>	<b>Мавзуу саволлари</b>	<b>Биламан</b>	<b>Билишни истайман</b>	<b>Билиб олдим</b>
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

### **Назорат саволлари:**

1. Кartoшканинг асосий карантин зааркунандаларини гапириб беринг?
2. Колорадо қўнғизининг систематикасини гапириб беринг?
3. Колорадо қўнғизининг ривожланиш хусусиятларини гапириб беринг?
4. Кartoшка куясининг систематикасини гапириб беринг?
5. Кartoшканинг асосий карантин зааркунандалари турларини ББ жадвали мисолида изоҳлаб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. George N.Agrios. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
  2. Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopatological Society, 1993. Pp 173.
  3. М.Т.Арсланов, А.У.Сагдуллаев, Ш.К.Алиев., Ўсимликлар карантини зааркунандалари тарқалишининг олдини олиш. - Тошкент 2017.
  4. Поспелов С.М., Шестиперова З.И., Долженко И.К. Основы карантинна растений. –Москва, «Агропромиздат». 1985.
  5. Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврӯз”, 2020, 247 б.
  6. Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.
  7. Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантин асослари фанидан лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма Тошкент 2014 й.
  8. Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ва қоидалар (янги таҳрири) Тошкент. 2018.
  9. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. Тошкент, “Yangi Nashr Nashriyoti”, 2019, 375 б.
  10. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ғўзани зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.
  11. Шералиев А.Ш., Ўлмасбаева Р.Ш. Қишлоқ хўжалик экинлари карантини, Талқин, Тошкент, 2007.
- ### **Интернет сайтлар**
12. <http://www.quarantine.com>.
  13. [www.plantprotection.com](http://www.plantprotection.com)
  14. [www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm](http://www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm)

## **2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ВА ТОКНИНГ КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ**

**Дарс мақсади:** Тингловчиларга мевали дараҳтлар ва токнинг карантин заараркунандалари: калифорния қалқондори, комсток қурти, шарқ меваҳўри, ўртаер денгизи мева пашшаси, олма пашшаси, олма тилла қўнғизи, шарқ мева пашшаси, шафтоли меваҳўри, оқ ҳошияли қўнғиз, нок парвонаси, Япон мум сохта қалқондори, анжир сохта мум қалқондори, Япон қўнғизи, ток филлоксераси карантин заараркунандаларининг тарқалиши, зарари, морфологик белгилари, ривожланиш хусусиятлари ва уларни бартараф қилиш усул ва воситалари бўйича тушунча бериш мақсадида ўқитиш ва таълим бериш жараёнида илфор педагогик технологияларини қўллаш самарадорлиги ҳақида маълумотларни ўзлаштиришдан иборат.

**Кўргазма материал:** ички карантин заараркунандалари калифорния қалқондори, комсток қурти, шарқ меваҳўри билан заарарланган мевали дараҳтлар новдалари, барглари, мевалари, ўртаер денгизи мева пашшаси, олма пашшаси, олма тилла қўнғизи, шарқ мева пашшаси, шафтоли меваҳўри, оқ ҳошияли қўнғиз, нок парвонаси, Япон мум сохта қалқондори, анжир сохта мум қалқондори, Япон қўнғизи, ток филлоксераси ҳашаротларининг аниқлагиchlари.

### **2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУСИ: МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ВА ТОКНИНГ КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ТУР ТАРКИБИ, БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КАРАНТИН ЧОРА ТАДБИРЛАРИ.**

**Тур – КАЛИФОРНИЯ ҚАЛҚОНДОРИ – *Quadraspidiotus perniciosus* Comstock.**

**Оила – қалқондорлар – *Diaspididae*.**

**Туркум – тенгқанотлилар – *Homoptera*.**

Ички карантин обьекти ҳисобланади. Ўзбекистонга кириб қолиши мумкин бўлган бу обьект жуда хавфли бўлиб, 150 дан ортиқ дараҳт ва манзарали экинларда учрайди. Унинг ватани шимолий-шарқий Хитой бўлиб, у ердан Америка қитъасига, у ердан эса 1930 йилларда Европа мамлакатларига келиб қолган. Ҳозир бу ҳашарот кўшни давлатлардан Туркманистон ва Тожикистон ҳамда Кавказ, Украина, Молдавияда учрайди. Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудларида учрайди, Жиззах ва Бухоро вилоятларида учрамайди.

**Калифорния қалқондори – *Quadraspidiotus perniciosus* Coms**

**Калифорния қалқондори** - *Quadrastriotus perniciosus* Coms. ички карантин ҳашарот бўлиб, боғ ва ўрмонзорларга жиддий заарар етказади.

Мамлакатимизда 1964 йилда аниқланган бўлиб, бугунги кунда бир нечта вилоятларга тарқалган. Калифорния қалқондори ҳаммахўр ҳашарот бўлиб, 200 дан ортиқ ўсимликларда заараркунандалик қиласди. Заараркунанда ўсимлик танаси ширасини сўриб заарар етказади. Айниқса ёш новдаларни нобуд қиласди. Ушбу заарар меваларда ҳам яққол кўринади.

**Тарқалиши.** Калифорния қалқондорининг ватани шимолий-шарқий Хитой бўлиб, у ердан Америка қитъасига ва 1930 йилларда эса Европа мамлакатларига тарқалган. Жанубий Африкада, Хиндистонда, Янги Зеландия, Австралия, Кореа ва Японияда учрайди. Бугунги кунда бу ҳашарот бизга қўшни давлатлардан Туркманистон, Тожикистон Кавказ, Украина, Молдавияда учрайди. Тожикистон Республикасининг жанубий қисмида борлиги аниқланган. Бу ҳашаротнинг Туркманистон доирасидаги иккинчи маконини ўсимликлар карантин инспекцияси тутатган.

Ўзбекистонда 1964 йилга қадар мева ва манзарали дараҳтларнинг жиддий заараркунандаси бўлмиш **калифорния қалқондори** мутлақо учрамас эди. Бироқ, бу қалқондор 1964 йили Тошкентда илк бор топилган. Калифорния қалқондори Тошкентда аниқлангандан сўнг унга қарши кескин кураш чоралари қўлланилди, ўсимликлар карантин хизмати ходимлари бу ҳашаротларнинг бошқа вилоятларга ўтиб қолмаслигига ҳаракат қилишди. Бироқ қилинган барча тадбирлар, ҳаракатлар зоя кетиб қалқондор Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига ҳам тарқаб кетди. Ҳозирда ҳашарот Фарғона водийсида тарқалмоқда. Калифорния қалқондори ўсимликларга заарар етказиш жиҳатдан олма қуртидан кейин иккинчи ўринда туради.


**Морфологик белгилари.** Калифорния қалқондорининг қалқони юмалоқ, анчагина япалоқ, оч жигар ранг – кул ранг тусда бўлиб, диаметри 1,0 – 1,5 мм, баъзан 2 мм гача боради. Қалқоннинг четлари ўртасига қараганда оч тусдадир. Қалқоннинг ўрта қисмида оч жигарранг личинка териси бор. Эркагининг қаноти бир жуфт (1-расм). Ёш личинкаси озиқлана бошлагандা оқимтиришира чиқаради. Юпқа қават бўлиб турадиган бу шира кейинчалик қалқонга айланади. Биринчи ёшда эркак ва урғочи личинкаларини бирбиридан ажратиб бўлмайди. Иккинчи ёшдан бошлаб эркак личинкаларининг қалқонлари чўзикроқ бўлиб қолади. Урғочи личинкаларининг қалқонлари эса юмалоқ ҳолида қолаверади. Урғочи зотининг ранги лимон каби сариқ, шакли ноксимон, узунлиги 1,3 мм, кўзи, оёғи ва мўйлови йўқ (2-расм). Қалқони юмалоқ, ўлчами 2мм, бўртган, ранги қорамтири ёки қўнғир, ўртасида 2 та личинка пўстининг изи бор (44-45-46-47-расмлар).

**Биологик ҳусусияти.** Калифорния қалқондорининг биринчи ёшли ва қисман иккинчи ёшли личинкалари ва вояга етган урғочилари қишлиайди, аммо икки ёшли личинкалари ва вояга етган урғочилари қишида халок бўлади. Қалқондорлар дараҳтларнинг шохлари ва қалқонлари остида қишлиайди. Феврал ойининг охирларида уйқудаги личинка иккинчи ёшга ўта бошлайди. Лекин қиши пайтида 20-50% личинкалар ўлиб кетади. Дараҳтлар кўкара бошлаши билан личинкалар озиқланишини бошлайди ва 2 марта пўст ташлаб

жинсий етук урғочи ва эркак зотларга айланади. Эркак ва урғочи зотларнинг нисбати ўртача бирга-бир тўғри келади.




44-расм. Калифорния қалқондори



45-расм. Калифорния қалқондорининг эркаги.



46-расм. Калифорния қалқондорининг личинкалари.




47-расм. Калифорния қалқондорининг олма мевасига зарари.

Калифорния қалқондорининг эркаклари қанотли, серҳаракат бўлади, урғочилари бир жойга ёпишиб олиб, қимиirlамай ётади. Улар ёш личинкалик стадиясида тарқалади, улар ўрмалаб юради ёки шамол, ҳашаротлар, қушлар воситаси билан тарқалади. Личинкалар кейинчалик бирон жойга ёпишиб олиб, ҳаракатланмайди.

Иккинчи авлод учун урчиган урғочи зот 1 ойча етилгач, тирик туға бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, личинкалар она танасида туғилишдан олдин тухумдан очиб чиқсан бўлади. Камдан – кам ҳолларда личинка қалқон остида онаси тухум қўйганидан кейин чиқади. Булар ҳам дарахт бўйлаб тарқаб кетиб янги авлодни бошлаб беради.

Калифорния қалқондорининг урғочиси 100-200 тача (жанубдаги баъзи жойларда 500 тача) личинка тугади. Ўзбекистон шароитида калифорния қалқондори мавсумда 4-5 та авлод беради. Тожикистон ва Озарбайжон шароитида 4та авлод беради. Ҳар қайси авлод личинкаларидан бир қисми қишлишга қолади. Ва ниҳоят, охирги авлодининг биринчи ёш личинкалари маҳсус тайёргарлик кўриб, она қалқони остида қишилаб қолади. Аммо, шароит мавжуд бўлса (иссиқхона ва бошқа хонадонлардаги ўсимликлар)

калифорния қалқондори йил мобайнида тинмай ривожланиши мумкин. Калифорния қалқондори асосан күчатларда жойдан-жойга тарқалиши мумкин. Заарланган мевада савдо йўллари билан ҳам тарқалиш имкониятига эга (48-расм).



**48-расм. Калифорния қалқондининг вояга етган урғочилари.**

**Зарари.** Калифорния қалқондори мева дараҳтларига, резавор мева, буталарга ва манзарали ўсимликларга заар етказади. Калифорния қалқондори жуда кўпайиб кетганда дараҳт пўстлоғини ёриб юборади. Шохларни ва ҳатто бутун дараҳтни қуритиб қўяди. Мевалардаги ширани сўриб, тўқ қизил доғ туширади (49-расм). Калифорния қалқондори янги ўtkазилган дараҳтларга айниқса катта заар етказади.



**49-расм. Калифорния қалқондининг ўсимликлар баргидаги зарари.**

Калифорния қалқондори олма ва нок дараҳтларига кўпроқ заар етказади, бундан ташқари, у беҳи, ўрик, бодом, ёнғоқ, олхўри, тоғолча, гилос, олчага заар етказади, бошқа жуда кўп мевали дараҳтлар, ток манзарали дараҳт ва буталарнинг ширасини сўради .

**Кураши чоралари.** Қолқондорларда қолқони бўлгани учун уларга қарши кураш бир мунча мураккаб. Физик-механик чоралардан: эрта қўкламда буталган шоҳ ва новдалар ёқилади, дараҳтлар танаси тозаланиб, қуриган эски пўстлоқлари йўқ қилинади (50-расм).



**50-расм. Калифорния қалқондorига қарши физик-механик кураши чораси.**

Калифорния қалқондорининг тухумдан чиққан личинкалари дайича ҳолатда яшаган даврда уларга кимёвий кураш чораси олиб борилади. Қалқондорларга қарши кураш учун ишлатиладиган кимёвий чоралар: эрта кўкламда (куртаклар бўртгунча) 10 % ли мой эмулсияси ёки (камроқ натижа берадигани) 5° ли оҳак-олтингугурт қайнатмаси ёки тоза урчуқ мойи пуркалади, бу дориларни самолётдан пуркаш ҳам мумкин.

Барг битларига қарши курашиш учун ишлатиладиган инсектицидлар ёзда калифорния қалқондорига қарши курашиш учун ҳам ишлатилади.

Дараҳтдаги калифорния қалқондориларни шу инсектицидлар билан батамом йўқ қилиш учун уларни тухумлардан ёш личинкалар чиқиб, ўрмалаб юрадиган қисқа бир давирдагина ишлатиш керак. Аммо бундай давр одатда атиги 2-3 кун давом этади.

### Тури - КОМСТОК ҚУРТИ – *Pseudococcus comstoki Kuwana*

**Комсток қурти** – *Pseudococcus comstocki* Kiw. Тенг қанотлилар туркумининг, кокцидлар – *Coccinea* кенжা туркумига, сўрувчи ҳашаротларнинг унғуборли қуртлар оиласига мансуб бўлиб, хавфли ички карантин ҳашаротдир. Уни деярли барча мевали ва манзарали дараҳт, дараҳтсимон ўсимликлар ҳамда айрим ўтсимон ўсимликларда (ҳатто тут қаторларига яқин жойларда ғўзада ҳам) учратиш мумкин. Мевали дараҳтлардан анор, олма, нок, шафтоли, шунингдек тутларни қаттиқ зааралайди. Комсток қурти ҳар қандай дараҳтда учраши, панада ҳаёт кечириши, биологик хусусиятлари жуда кўп уруғли бўлиб, табиатда тез тарқалиши ҳисобига унга қарши курашиш жуда қийиндир.

Унинг Ўзбекистон ҳудудига кириб келган вақтдан бери 75 йил ўтган бўлсада шу йиллар мобайнида карантин чора-тадбирлари қатъий олиб борилишига қарамасдан тарқалмоқда. Бугунги кунда МДҲ давлатларида комсток қурти барча минтақаларга кенг тарқалиб кетиш хавфи мавжуд. Комсток қурти тарқалмаган ҳудудларни ундан муҳофаза қилиш учун кўчатларни, ўсимлик маҳсулотларини киритиш ва чиқаришида барча карантин қоидаларига амал қилиш ва унга қарши кураш чора-тадбирларини кенг кўламли олиб бориш лозим. Комсток қуртининг биологик ривожланиш вақтини ва унга қарши кураш чора-тадбир усулларини яхши билиш, бу вазифани муваффақиятли бажарилишини таъминлайди.

Комсток қуртининг ватани Япония ва Хитой давлати бўлиб, энтомолог С.Куван 1902 йилда бу қуртни таърифлайди ва унга америка энтомологи Комсток шарафига Комсток номини беради (51-расм).



51-расм. Комсток қурти.

Ҳозирги вақтда комсток қурти Осиё, Африка, Австралия, Америка ва

Европанинг кўпгина мамлакатларида тарқалган. МДҲда комсток қурти биринчи марта 1939 йилнинг август ойида Ўрта Осиё ипакчилик институтининг Тошкент шаҳри яқинидаги Жарариқ тажриба хўжалигида Япониядан келтирилган йирик баргли тут қўчатларида аниқланди. Ўзбекистонда комсток қурти Тошкент вилоятининг бутун сугориладиган қисмида тарқалиб, сўнгра Республиканинг бошқа вилоятларига ҳам тарқалиб кетди. Фарғона вилоятида комсток қурти 1947 йилда топилди. Бу ерда қуртнинг тарқалиши Тошкент вилоятидагига қараганда тезроқ бўлди.

1953 йилда бутун Фарғона вилоятига комсток қурти тарқалиб бўлган эди. Боғларнинг, дараҳтзорларнинг кўплиги, тутларнинг қалин ўтказилиши ва ариқлар қуртнинг тез тарқалишига ёрдам берди.

1953-1957 йилларда Андижон вилоятининг барча туманларида комсток қурти жуда тез тарқалди. Ушбу зааркунанда 1957 йил Жиззах вилоятининг Зомин, Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани ва Самарқанд шаҳрида, 1960 йил эса Бухоро, Навоий вилоятлари ва 1961 йилда Сурхондарё вилоятининг Афғонистон билан чегарадош туманларида тарқалган. Хоразм ва Урганчда 1962 йилда, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида 1964 йилларда пайдо бўлди. Комсток қурти сўнгти йилларда бутун Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб тарқалиб бормоқда. Зааркунанда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қўчатлар орқали бошқа ҳудудларга кенг тарқалади.

**Морфологик белгилари.** Эркак ва урғочи зотлари ташқи тузилиши бўйича кескин фарқланади. Урғочиси ясси шаклли, қанотсиз, кам ҳаракат ва усти оқ мумсимон доғлар билан қопланиб 5 мм узунликда бўлади. Танасининг ён томонида 17 жуфт мумсимон ўсимталари бор, дум қисми сезиларли даражада чўзинчоқ бўлади. Мўйловлари саккиз бўғинли бўлади (52-расм).

Комсток қуртининг эркаги 1 жуфт шаффоф қанотли, серҳаракат, ранги қизғиши-жигарранг тусда, узунлиги 1-1,5 мм, мўйловлари 10 бўғинли.



**52-расм. Комсток қуртининг урғочиси.**

Тухумининг узунлиги 0,3 мм, бир томонидан торайган овал шаклда. Ранги сарик-зарғалдоқ бўлиб, юпқа оқ гард билан қопланган.

**Комсток қурти** – танасининг катталиги ва дум қисмининг узунлиги билан бир - биридан фарқ қилувчи учта личинкалик ёшини ўтайди.

**Биринчи ёшдагиси:** қуртларнинг узунлиги 0,3–0,6 мм катталикда, ён томонида ўсимталари бўлмайди, дум қисмида билинар билинмас ўсимта

бўлади. Танаси сарғиш-қизғиши бўлиб, унсимон қопламаси бўлмайди, унсимон қоплама озиқланадан сўнг аста-секин пайдо бўлади.

**Иккинчи ёшдагиси:** қуртларнинг узунлиги 0,9–1,2 мм катталиқда, ён томонида қисқа ўсимталари бор, танасининг тўртдан бир қисмини дум ўсимтаси ташкил этган. Биринчи ёшдаги қуртлар туллаганидан кейин иккинчи ёшдагилар пайдо бўлиб, сезиларли унсимон қопламга ўралган бўлади.

Мўйловлари олти бўғинли. Туллаб ташланган пўстларининг кўп бўлиши, қуртнинг иккинчи ёшга кирганлигини билдиради.

**Учинчи ёшдагиси:** қуртларнинг узунлиги 1,7-2,5 мм катталиқда, эркаги урғочисига ўхшасада, 16 жуфт ён ўсимталари бўлиб, урғочисиникидан қисқарок бўлади. Танасининг учдан бир – иккidan бир қисмини 1,5 мм гача бўлган дум ўсимтаси ташкил этган. Шунинг учун, учунчи ёшга кирган йирик қуртларни ёш урғочи қуртлар билан осонгина адаштириб юбориш мумкин.

Уларни ҳамиша мўйлов бўғинига қараб ажратса бўлади. Учинчи ёш қуртларнинг мўйлови 7 бўғинли, катта урғочи қуртники эса 8 бўғинли бўлади. Бундан ташқари колонияда ёки унинг яқинида узунлиги 1,2-1,5 мм келадиган оқ тусдаги чўзинчоқ шаклдаги урғочи курт пиллачаларининг пайдо бўлиши учунчи ёш қуртлар пайдо бўлганлигини билдиради (53-расм).

**Комсток қуртининг биологияси:** Ўзбекистонда комсток қурти бир йилда уч марта насл беради, қисман тўртинчи марта ҳам насл тарқатади. Лекин совук тушиши билан тўртинчи насл қирилиб кетади.

Комсток қурти тухум босқичида қишлиайди. Бир урғочи курт 250 дан 600 донага қадар сарғиши - зарғалдоқ тусдаги тухумни мумсимон оқ қопчиққа ташлайди. Бу қопчиқни урғочи қуртнинг мум ажратувчи безлари ясад чиқаради. Учинчи насл сентябр-декабр ойларида қишлиаш учун тухум ташлайди. Бу мумсимон қопчиқлар ёздагиларига нисбатан сертуқ ва зичроқ бўлади. Бир авлодининг ривожланиши ҳароратга қараб 42 кундан 65 кунгacha давом этади. Ўзбекистон шароитида комсток қурти биринчи авлодининг ривожланиши апрел ойининг бошидан май ойининг охиригача давом этади, иккинчи авлоди май ойининг ўрталаридан июл ойининг бошигача, учинчи авлоди эса июл ойининг бошидан сентябр ойининг ўрталаригача давом этади.



53-расм. Комсток қуртининг учунчи ёшдаги қурти.

Тухумлари тупроқнинг 5 см дан 16 см чуқурлигига ва камдан-кам ҳолларда 30 дан 40 см гача чуқурлиқда бўлади. Қишлийдиган тухумлар совуққа жуда чидамли бўлади. Ҳарорати -30°C бўладиган мамлакатлар (АҚШ нинг Пенсильвания, Огайо, Индиана штатларида) ҳам комсток қурти тарқалган. Одатда комсток қурти октябр-ноябр ойларида ҳам дараҳтларда ва уларнинг яқинида ҳаракатчан босқичда ёки тухум шаклида жуда кўп тўпланади (54-расм). Совуқ тушиши билан қуртлар ва урғочилари батамом ҳалок бўлади. Қишига ташланган тухумларнинг ҳаммаси қирилиб кетади.



**54-расм. Комсток қуртининг ўсимликда тўпланиши.**

Фақат қиши яхши келиб, иссиқ бўлганидагина табиатдаги комсток қурти тухумлари 5-15 фоиз сақланиб қолади. Шунинг учун, одатда комсток қуртининг биринчи насли жуда оз бўлади. Қишилаб чиқсан тухумдан қурт чиқиши даври тутнинг қуртакланиши ва дастлабки барглари пайдо бўлиши вақтига яъни тахминан март ойининг охири ва апрел ойининг бошларига тўғри келади. Тухумдан чиқсан қуртлар дастлабки 2-3 кун мобайнида мумсимон қопчиқда туради, сўнгра ўрмалаб, баргларнинг таги, томирлари бўйлаб ёпишиб олади. Ҳарорат ва ҳаво намлиги комсток қуртининг ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар ҳисобланади.

Урғочи комсток қуртининг бутун ҳаёти давомида уч марта туллайди. Ҳароратга қараб, биринчи ёшдаги қуртларнинг ривожланиши 12-16 кун давом этади. Туллашдан сўнг биринчи кунлар қўпчилик қуртлар ташлаган пўстлари яқинида озиқланади, сўнгра 5-7 кун дайдиб юради. Бу нарса август ойининг охирида, айниқса кечалари ҳароратнинг пасайишига сабаб бўлади.

Эркак комсток қуртининг иккинчи ёшга қадар ривожланиши урғочи қуртларнига ўхшаш бўлади. Биринчи ёшдаги эркак ва урғочи қуртлар сирт кўриниши жиҳатидан ҳам, юриш-туриши жиҳатидан ҳам бирбиридан фарқ қилмайди. Иккинчи ёшда эркак қурт безовта бўла бошлайди. Колонияни ташлаб чиқади ва хилват жой қидириб ўрмалайди ва бундай жойда мумсимон шаффофф, чўзинчоқ пилла ўраб то очилиб чиққунча шу пиллада ривожланади.

Эркак қуртнинг иккинчи туллаши пилланинг ичидаги содир бўлиб, шу ерда улар оғиз органларини йўқотади. Қурт олди босқичи 2-3 кун давом этиб, сўнгра қуртга айланади. Эркак қуртлар 2 кундан 6 кунгача ривожланади. Улар катта бўлгач, пиллани ташлаб чиқиб, урғочиси билан қўшилади. Унинг очиб чиқиши одатда урғочи қуртлар жинсий етилган пайтга тўғри келади. Табиатда катта ёшдаги эркак қуртларни топиш жуда

қийин. Лабораторияда эса улар деразаларда ва электр лампочкалари атрофида жуда күп түпланади.

Эркак куртларнинг ривожланиб етилиши учун урғочи куртларнидай баравар кун талаб этилади. Тухум қўйиш, куртларнинг очиб чиқиши, туллаш, Эркак қурт пиллачаларининг ҳосил бўлиши тунда бўлиб ўтади. Эркак куртларнинг очиб чиқиши ва жуфтлашуви бундан мустаснодир. Бу жараёнлар эса асосан эрталабки соатларда содир бўлади.

**Зарари.** Комсток қурти 300 хил ўсимликни заарлайди. Улар дарахт танаси, шохлари ва баргларида катта-катта колония бўлиб жойлашади ва дарахт ширасини сўриб олиб, унинг дармонини қуритади ва ўсишини заифлаштиради. Кучли заарланган дарахтларда шишлар пайдо бўлиб, ёш новдалар қурийди ва барглар тўкилади. Шафтоли, беҳи, нок, олма, анор, узум, заранг, чинор, картошкада ҳам оз бўлсада, учраб туради (55-расм). У пенсильвания шумтоли, тоғолча, ўриқ, оқ акация, қайроғоч, гледичия, тол, америка зарангида, гўза, полиз, сабзавот ва дуккакли экинларда жуда оз учрайди.



**55-расм. Комсток қуртининг анор мевасига зарари.**

**Кураши чоралари.** Комсток қуртига қарши муваффақиятли кураш олиб бориши учун бир қанча кураш тадбирлари ишлаб чиқилган. Карантин, тадбирлари бажарилган шароитдагина куртнинг заарли фаолиятини тўхтатиш ва унинг бундан буён тарқалишига йўл қўймаслик мумкин. Буларга қўйидаги карантин тадбирлари киради: кўччатларни кўздан кечириш ҳамда комсток қуртига қарши агротехник, биологик ва кимёвий кураш усуллари ишлатилади.

1. Ташкилий-хўжалик, агротехник, биологик ва кимёвий усуллар ёрдамида заарланган дарахтлардаги комсток қурти зичлигини камайтириш, унинг кейинчалик ривожланиши учун ноқулай шароит яратиш ва тўғридан-тўғри дарахт ва мевани ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш лозим.

2. **Биологик кураш** сифатида псевдафикусни лаборатория ва дала шароитларида кўпайтириш мумкин. Бунинг учун кузда мумиялашган комсток қуртларини табиатда йиғишириб олиб, лабораторияга олиб келинади ва совутгичларда -3 дан +6<sup>0</sup> гача бўлган шароитда баҳоргача сақланади. Март-апрел ойларида эса қайтадан табиатга, комсток қурти тарқалган дарахтларга қўйиб юборилади.

3. **Кимёвий кураш** сифатида комсток қурти тарқалган дарахт ва ўсимликларга қўйидаги инсектицидлар билан ишлов берилади: циперфос –

0,1%, дурсбан – 0,1%, каратэ, талстар – 0,05%, бензофосфат – 0,3%, моспилан – 0,02%, конфидор – 0,03%, циперметрин – 0,03%.

4. Комсток қурти ички карантин объекти ҳисобланади, бу соҳада назарда тутилган амалий тадбирларга қатъий риоя қилиш зарур.

**Карантин қураш тадбирлари:** Комсток қурти ўчоқларини топиш, тарқалиш чегарасини белгилаш ҳамда қарши қураш миқёсини аниқлаш учун мутахассислар ҳар йили тут, анор қўчатлари ҳамда бошқа дараҳт ва дала экинлари, бегона ўтларни кўздан кечирадилар.

Комсток қурти тарқалмаган ҳудудда унинг тарқалиши эҳтимоли кутилган жойларда (шаҳарлар, туман марказлари, ахоли яшайдиган пунктлар, питомниклар, илмий-тадқиқот муассасалари, томорқалар, вокзал, аэропорт, автостанция, бозор ҳудудлари комсток қурти тарқалган ҳудуддан келтириб ўtkазилган қўчатлар ва қўриқхоналарнинг тевараги) тут, анор қўчатларлари батамом кўздан кечириб текширилади. Дараҳтда комсток қурти топилган бўлса, шу ўчоқдан 5-10 км кенглиқдаги барча дараҳтлар текшириб чиқилади.

Карантинга олинган ҳудудда хўжалик, ташкилот, корхона раҳбарлари шу зааркунандага қарши қурашиш тадбирларининг ўз вақтида ва тўла бажарилишига масъулиятли бўлиб, қуйидаги карантин қоидаларига амал қилишлари даркор.

а) пайванд қилинадиган тут ва бошқа дов-дараҳтлар фақат комсток қурти билан заарланмаган участкалардангина олиб тайёрланиши керак;

б) комсток қурти билан заарланмаган туманларга тут барги олиб борилишига йўл қўйилмайди

в) заарланган зонадан бошқа хўжаликлар, туман, шаҳар, вилоят ва Республикаларга кўчат ҳамда ўсимликлардан олинадиган бошқа маҳсулотлар ўсимлик карантини бўйича давлат хизмати органлари берадиган карантин сертификатларига асосланган, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда юборилади;

г) комсток қурти карантин остига олинган ҳудудларда янги қўчатзорлар, тутзорлар, боғлар, токзорлар, анорзорлар фақат ўсимлик карантини бўйича давлат хизматининг рухсати билангина барпо қилинмоғи шарт

**Тур - ШАРҚ МЕВАХЎРИ – *Grapholitha molesta* Busck.**

**Оила – баргўровчилар – *Tortricidae*.**

**Туркум – танга қанотлилар – *Lepidoptera*.**

**Шарқ мевахўри** – *Grapholitha molesta* Busck. *Insecta* синфи, *Lepidoptera* отряди, *Tortricidae* оиласи, *Grapholita* авлодига мансуб ички карантин ҳашарот ҳисобланади.

**Тарқалиши.** Шарқ мавахўри дунёда кенг тарқалган ҳашарот. Шарқ мевахўрининг ватани Хитой ва Корея давлатлари ҳисобланади. Шарқ мевахўри зааркунанда сифатида биринчи марта 1899 йилда Японияда, 1913 йилда эса Америкада аниқланган бўлиб, 1959 йилда Жанубий Австралия, кейинроқ Бразилияга тарқалди. 1970 йилларга келиб Ўрта ер денгизи

атрофларига ҳам тарқалиб улгурди.

Европанинг Австрия, Болгария, Венгрия, Греция, Германия, Италия, Испания, Польша, Руминия, Словения, Франция, Швейцария, Чехия, Югославия давлатларида кенг тарқалган.

1980 йилга келиб Ўзбекистон ҳудудида ҳам шарқ меваҳўри тарқалганлиги маълум бўлди. Бугунги кунда Шарқ меваҳўри Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тарқалган.

**Морфологик белгилари. Капалаги:** Умумий ранги кулранг-қўнғир. Олдинги қанотининг олд қисмида етти жуфт “Кўштироқсимон” оқ доғлари бор. Шундан тўрттаси қанот қиррасида аниқ кўриниб туради. Қанотининг ташқи бурчакларида етти дона қора доғи бор. Орқа қанотлари кенг кулранг-қўнғир ва бронзасимон - баҳмалсимон қопламга эга.

Мўйлови ипсимон бўлиб олд қаноти узунлигининг ярмини ташкил қиласи, ингичка ва билинар – билинмас оқ туклари бор.

Лаб қисми оч-қўнғир, қорин қисми, тук-сарғиш қўнғир, Қорин қисмининг пасти эса ипаксимон оқ рангда оёқлари қорамтири рангда, сарғиш оқ калта туклар билан қопланган. Қанотларини ёзганда 12-14 мм катталикда. Ургочи капалак эркагига нисбатан каттароқ бўлади (56-расм).




**56-расм. Шарқ меваҳўрининг капалаги.**

**Тухуми:** Овалсимон, чўзинчоқ, ярим тиник оқ ялтироқсимон, етилиши давомида қизгиш тусга киради, хиралашиб қолади, шундан сўнг 15-48 соат ичида тухумдан личинкалар чиқа бошлайди, личинкани бош қисми қора рангда, узунлиги 0,4-0,5 мм, эни 0,15 мм катталикда бўлади (57-расм).

**Личинкаси:** Тухумдан чиқсан личинкалар сутсимон оқ рангда, бош қисми қора рангда, кўкрак қисми тўйк рангда ва аналь қисмида туки бўлади. Катта ёшдаги личинкалари кизғиши-кулранг тусда бўлади. Катта ёшдаги личинканинг танасидаги туклар қўнғир-кулранг тусда бўлиб, олхўри куртидан фарқ қиласи, олхўри қуртида танасидаги туклар калтароқ бўлади (58-расм).



**57-расм. Шарқ меваҳўрининг тухуми.**



**58-расм. Шарқ меваҳўрининг личинкаси.**

Нафас олиш йуллари тўқ ҳошиядор тери қопламидан иборат, олхўри қуртлари эса нафас йуллари қисқа ва кўпроқ оч рангдаги тери қопламидан иборат. Бош қисми сариқ жигарранг, кўз атрофида ва лунж қисмида қора доғлари бор.

Личинканинг танаси тўлиқ майдада кутикулали тиканак туклардан иборат елка қисмидаги мушакларнинг туташган қисмида ушбу тиканак туклар бўлмайди. Олдинги кўкрак қафаси сарғиш-қўнғир рангда. Орқа чиқарув органи сегментлари оч сарғиш қўнғир рангда, қора доғлари бор. Орқа чиқарув органи сегментлари аналь чиқарув органи тепасидан 4-7 тишли тароққа ўхшаш аналь тароқлари мавжуд. Шарқ меваҳўрини олхўри қуртидан фарқ қиласидан жихатларидан яна бир фарқи 2-кўкрак сегментининг битта умумий сегментида 9 та қалқон жойлашган, олхўри қуртида эса алоҳида жойлашган личинканинг узунлиги 12 мм бўлади.

**Ғумбаги:** Қорин қисмининг елка томонида икки қатор жигарранг чизиклари бор. Кўзлари қора, мураккаб тузилган. Қорин қисмининг охирида 10-18 та, турли катталиқдаги тикканлари бор. Ён томонида орқа ва жинсий чиқарув тешикларидан баландирокда 1-2 та туклари мавжуд. Гумбак узунлиги 6 мм дан иборат (59-расм).

**Пилласи:** Овалсимон пишиқ ва атроф муҳит рангидан кам фарқ қиласиди. Ёзги пиллаларни меваларда, дарахт таналарида, кўчатларда ва бошқа жойларда учратиш мумкин, Пилла узунлиги 12,5 мм бўлади.



**59-расм. Шарқ мевахўрининг ғумбаги.**

**Биологик хусусияти.** Шарқ мевахўрининг личинкалари пишиқ ипак-пилла ичида дараҳтлар танасида, пўстлоқлар орасида тупроқдан 5-50 см баландликда қишлийди баъзан тупроқдаги ўсимлик қолдиқлари орасида баъзи чириган мевалар ичида ҳам қишилаб чиқади. Баҳорда (шафтоли ва ўрик гуллаган даврда) шарқ мевахўрининг личинкаси ғумбакланади. Ҳаво ҳарорати ўртача  $15^{\circ}\text{C}$  бўлганда капалаклар уча бошлайди. Бир неча кундан кейин урғочи зот тухум қўйишга киришади. Ҳар бир зот бир нечтадан 100 тагача тухум қўйиши мумкин.

7-12 кундан кейин (баҳорда) тухумдан қурт чиқиб, новданинг ўсиш нуқтасига кемириб киради ва ўзагидан пастга қараб 6-11 см ли йўлак очади. Қаттиқ қисмга келгач кемириб ташқарига чиқади ва бошқа новдага (ёки мевага) киришга ҳаракат қиласади.

Новданинг заарланган қисми сўлиб қурийди, у «чеканка» қилингандек шохлаб кетади. Шарқ мевахўрининг қуртлари новдалардан ташқари олма қурти сингари дараҳт меваларини ҳам шикастлаши мумкин. Бунда данакли мевалар ичида (9-14 кун) уруғлик мевалар ичидан кўра (16-24 кун) камроқ вақт бўлади. Озиқланишни тугатгач ташқарига чиқиб турли панароқ жой топади ва зич пилла ясад ичида ғумбакка айланади. 8-17 кундан кейин янги авлод капалаклари пайдо бўлади. Шарқ мевахўрининг бир авлоднинг ривожланиши учун турли иқлим-шароитда 24 кундан 65 кунгacha вақт талаб этилади. Ўзбекистон шароитида (Фарғона вилояти) шарқ мевахўри 3 тадан 5 тагача авлод бериши мумкин.

**Зарари.** Шафтоли кўчатларини заарлаш давомида, кўчат танаси ичида 12-15 см узунликда йул очади, натижада кўчат учки томонидан сўлиб қолади, барглари тушиб кетади, ўсимлик ўсиши секинлашади ва букилиб қолади.

Олма ва нокнинг ёш кўчатларида личинка 1-2 см гача кириб боради, заарланган қисмлар қораяди ва қурийди. Заарланган кўчат қисмларини чиқаришда ва елимли томчиларни учратиш мумкин. Битта личинка 4-5 та кўчатни заарлаши мумкин.

Меваларда эса мева бандлари атрофи ва бандлар орқали кейинги меваларга ҳам ўтиб зарар келтиради.

Данакли меваларни йиғиб олгандан сўнг, личинкалар уруғли мевалиларга

ўтади ва яна кўчатларни заарлай бошлади.



**60-расм. Шарқ меваҳўрининг зарари.**

**Кураши чоралари. Агротехник кураш усуллари.** 1. Дараҳтнинг қуриган шоҳларини кесиб ташлаш зааррланган новдаларни олиб ташлаш, дараҳтнинг эски пўстлоқларини тозалаш, дараҳт қолдиқлари ва тушган баргларни ёқиб юбориш. 2. Дараҳт танасига тутқич белбоғлар боғлаш; 3. Дараҳтлар қатор орасини, танаси атрофларини ағдариш. 4. Мевалар қадоқланган бостириналар атрофи, иморатлар ва унинг ҳудудларини тозалаш, чиқиндиларни ёқиб юбориш.

**Кимёвий кураш усуллари.** 1. Шарқ меваҳўри заарлаган дараҳтлар тавсия этилган кимёвий воситалар билан қайта ишланади. 2. Кўчатлар ёки ўсаётган эртаги дараҳтлар 3-4 марта кимёвий ишланади. 3. Шафтolinинг кечки навлари, қўшимча равишда яна 18-20 кун оралиғида икки марта ишланади. 4. Уруғли экинлар кўчатлари: беҳи, олма, нок, кимёвий воситалар билан икки марта дориланди. 5. Олхўридаги шарқ меваҳўрига қарши кимёвий кураш олхўри қуртига қарши кураш билан бир вақтда амалга оширилади.

Мевали боғларни шарқ меваҳўрига қарши кимёвий воситалар билан ишлашдан 2-3 кун олдин аҳоли огоҳлантирилади ва улар асалари уяларини томорқадаги сабзавот, полиз ва бошқа экинларини захарли кимёвий воситалардан ҳимоя қилиш чораларини кўришлари лозим. Кимёвий воситалар билан ишлов бериш, ҳосил йигиштириб олинишига камида 30 кун қолганда тўхтатилиши лозим.

**Карантин тадбирлар.** Шарқ меваҳўри аниқланган ҳудудларда ўсимликлар карантини давлат хизмати томонидан карантин эълон қилинади ва заараркунандани бошқа ҳудудларга тарқалмаслиги ва уни йўқотиши бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Шарқ мева қурти пўстлоқ тангачаларининг остида ва дараҳтлар тагидаги ўсимлик қолдиқларининг орасида озиқланишини тамомлаб, пилла ичидағи қуртлик стадиясида қишлиайди. Эрта қўкламда қуртлар Ғумбакка айланади ва шафтоли гуллаган даврда ғумбаклардан капалаклар учиб чиқади.


**Тури - ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИ МЕВА ПАШШАСИ - *Ceratitis capitata* (WIEDEMANN, 1824).**

**Оиласи (чиборқанотлилар): *Trypetidae***

**Туркуми (иккиқанотлилар): *Diptera***

**Тарқалиши:** Ватани — Марокашнинг тоғли минтақалари. Европа - Албания, Греция, Испания, Италия, Корсика о., Мальта, Нидерландия, Португалия жумладан Азор ва Мадейра о., Сардиния о., Сицилия о., Словения, Хорватия, Франция, Швейцария (кам), собиқ Югославия худудлари; Осиё — Афғонистон (аниқ эмас), Индонезия, Иордания, Истроил, Кипр, Ливан, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия, Эрон, Ява о., Яман; Африканинг барча мамлакатлари ҳисобланади. Америка — Антил о., Аргентина, АҚШ (факат Гавай о.), Боливия, Бразилия, Венесуэла, Гватемала, Гондурас, Колумбия, Коста Рика, Никарагуа, Панама, Парагвай, Перу, Сальвадор, Суринам, Уругвай, Чили (кириб йўқотилган бўлиши мумкин), Эквадор, Ямайка; Океания — Австралия (кам), Янги Зеландия, Тасмания. Фарбий ва Шарқий Самоа, Шимолий Марианна давлатларига ушбу заарарқунанда кирган, аммо яшаб кета олмаган ёки қириб йўқотилган мамлакатлар: Австрия, АҚШ (Калифорния, Техас, Флорида), Белиз, Бермуд, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Люксембург, Мексика, Нидерландия, Россия, Украина. Хиндистон, Чехия, Швеция: Ўзбекистонла учрамайди.

**Тарқалиш йўллари:** Ўрта ер денгизи мева пашибаси энг камида 20 км масофага уча олади. Бошқа мамлакатларга барча ривожланиш босқичларида илдизли ўсимликлар, тупроқ, тара ва мева билан тарқалиши мумкин (61-расм).



**Зарари:** Апельсин, манго, мандарин, грейпфрут, лимон, кофе, авокадо, ананас, банан, хурмо, анжир, қулупнай, анор, ўрик, олхўри, олча, олма, нок, гилос, ток, тут, помидор, бақлажон, қалампир, бодринг, қовун, қовоқ ва ҳаказо, жами 200та ўсимлик турларига зарар келтиради. Бу полифаг

зааркунанда билан АҚШнинг Гавай штатида 36 йил давомида текширилган 196 ўсимлик меваси турларидан 60таси (жумладан энг муҳим хўжайнинлари кофе дарахтлари ва (*Solanum pseudocapsicum*) энг камида 1 марта заарланганлиги аниқланган. Европа Ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилотига аъзо мамлакатларда (Европа. Ўртаер денгизи мамлакатлари ва Шимолий Африканинг бир қисми) заарланадиган муҳим хўжайнин ўсимликлар қаторига деярли барча мевали дарахтлар - олма, авокадо, цитрус экинлари, анжир, киви, манго, , нок, олхўри, шафтоли киради.

Ўрта ер денгизи мева пашшаси ўрта ер денгизи ва Жанубий Американинг айрим мамлакатларида шафтоли, ўрик ва олхўри каби муҳим экинларнинг меваларидан 30 дан 100% гача заарланади ва нобуд бўлади. Ўртаер денгизи мева пашшасининг қурти заарланган ўрик ва шафтоли меваларининг ичини бутунлай еб қўяди, камроқ заарланганлари эса тўклиб кетади ёки истеъмолга яроқсиз ҳолга келади. Апельсин, олма, бехи ва нок меваларининг заарланган жойларида олдин нина учидай келадиган тешикчалар пайдо бўлади, вақт ўтиши билан улар қораяди ва қотиб қолади, мевалар тўклилади.

Баъзан заарланган мевалар ташқи кўринишидан соғломга ўхшаса ҳам, улар бармоқ билан осон эзилади ва ичида қуртлар мавжуд бўлади. Ушбу зааркунанада ҳаммахўр бўлгани учун, бу пашша жуда қўп бошқа мевали дарахт ва бутасимон ўсимлик турларига ҳам зарар келтиради. Африка қитъасининг барча мамлакатларида мевали дарахтлар учун *Tephritidae* оиласига мансуб пашшалар ичида фақат шу пашша хавфли ва муҳимдир. Ўртаер денгизи мамлакатларида асосан цитрус экинлари ва шафтолига катта зарар етказади. Венада 1956 йили боғлардаги меваларнинг 90-100 фоизи заарланган, Германияда 1955 йили ўрик ҳосилининг 80 фоизи, шафтолининг 100 фоизи ва қулупнай ҳосилининг қўп қисми йўқотилган. Исроил ва Гречияла жуда катта маблағлар ушуб пашшани йўқотишга ёки у билан курашга сарфланган.

Хатто кураш чоралари қўллангандан сўнг ҳам, Гречияда 1959 йили нок меваларининг 45-78 фоизи, 1960 йили цитрус экинларининг 50 фоизи заарланган, Бермуд, Азор ва Гавай оролларида бу пашша мевачиликни инқирозга учратди. 20нчи аср бошида пашша Италия ва Францияда мевачилигига катта зарар етказди. АҚШга бир нечта марта кириб, меваларга катта путур етказди, АҚШ давлати ушбу пашшани жуда катта харажатлар сарфлаб, бу зааркунандани қириб йўқотди.

**Ҳаёт кечириши ва тузилиши:** Имагосининг узунлиги 4-4,5 мм (уй пашшасидан сал кичик), қанотининг узунлиги 4-6 мм. Мўйлови 3 бўғимли, бўғимларда қилчалари бор. Урғочи зотнинг боши сарғиш ёки оқиши-кулранг, хартумчасида қорамтири тасма доғ мавжуд. Эркагининг пешона қисмида 2та ромб шакли, учига қараб ўткирлашган ўсмаси бор. Қанотларида узук, кенг, кесасига жойлашган сарғиш-кулранг тасмасимон доғлари бор. Қорни сарғиш, устидан қараганда 3 та қўрғошин тусли тасма доғлари мавжуд. Кўкраги ялтироқ-қора, сариқ ва оқ доғлари ва чизиқлари, елкаларида характерли оқ халқалари бор. Оёклари сариқ, панжаси 5 бўғимли. Тухуми таёқча ёки узун

эллипс шаклли, бироз эгилган, оқиши, узунлиги 0,5-0,9 мм, учларига қараб сал ингичкалашган. Личинка тиник, оқиши, баъзан сарғиш ёки пуштироқ, танаси 12 бўғимли, узунлиги янги чиққанда 1 мм гача. етук личинкасиники 7-12 мм, думидан бошига қараб ингичкалашган. Пупарий овал шаклли, буғдой донидан сал каттароқ, сариқдан тўқ-қўнғиргача, узунлиги 4-5 мм (62-63-64-65-расмлар).

Пупарий тупроқда қишлиайди. Баҳорда ҳаво ҳарорати 12°Cга етганда улардан етук пашиша чиқа бошлайди, 9-10 кундан сўнг кўплаб чиқади: пашиша мева шираси билан озиқланали. Урғочи зотлар Европада (Вена атрофила) олдин қулупнай, кейинроқ гилос мевасига; жануброқдаги мамлакатларда цитрус экинлари меваларига, қобиғи остига, 1-20та тухум қўяди. 1-6 (салқин ҳароратда 16-18) кун.сўнгра тухумдан 1нчи ёш личинкалар чиқади. Улар мевага киради ва 5-21 (13-28°Cда 6-11) кун давомида озиқланади. Заарланган мевалар вақтидан олдин пишади ва тўкилади. Озиқланишии тутатган З нчи ёш личинка мевадан чиқади ва тупроқнинг устки қисмида пупарийга айланади. Личинкалар сакраш қобилиятига эга бўлиши туфайли, пупарийлар заарланган мевадан 2-3 метр нарироқда бўлиши мумкин. Гумбак 6-28 (24-26°Cда 6-11) кун давомида ривожланади ва ундан етук пашиша чиқади. Пашиша чиққандан 1-2 кун ўтгач пишайтган меваларга тухум қўя бошлайди. Мева ширасини сўриб, пашиша 2-8 ой яшashi мумкин. Ҳар бир урғочи зот ҳар куни 1-20та, ҳаммаси бўлиб 1000тагача, ўртача 300тадан тухум қўяди.




**62-расм. Ўрта ер денгизи мева пашиаси имагоси**



**63-расм- Ўрта ер денгизи мева пашиаси личинкаси**



**64-расм Шафтоли меваҳўрининг ғумбаги**



**65-расм. – Ўрта ер денгизи мева пашшиниг ривожланиш босқичлари**

Тропик мамлакатларда (Бермуд, Гавай, Гонолулу ва Азор оролларида) бир авлод 24-26 кунда ўтади ва йилига 16 авлодгача беради. 26°C ҳарорат ва 70% намлиқда тухумдан имагогача бўлган давр 18-20 кунни ташкил этади: бу вақт 21°Cда 70 қун ва 16°Cда 100 қунгача чўзилади. Қишида ҳарорат 0°Cдан пасайса пашша нобуд бўлади. Шимолий Францияда пашшанинг тўла ривожланиш даври ёзда 40 қунгача, Миср ва Бразилияда 8-9, Италияда 7, Ниццада 3-4, Парижда 2-3, Австрияда ва Франкфуртда 2 авлод беради.

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Ўртаер денгиз мева пашшаси тарқалган мамлакатлардан келтирилган материалларни карантин назорати ва экспертизадан ўтказиш, керак бўлса заарсизлантириш, ниҳолларни заарсизлантириш ва карантин кўчатзорларига 2 йил давомида экиб, текшириш; меваларни уларнинг тараларида, 0,5-1,5°C ҳароратда 21 кун ёки 0-1°C градусда 16 кун давомида совутиш; мева олиб киришни тартибга солиш.

**Кураш чоралари.** Кимевий усул. Бу пашша билан курашиш жуда қийин. Боғларда дараҳтларга цитрус оқсаноти ёки шарқ меваҳўрига қарши тавсия қилинган инсектицидлардан бирортаси пуркалади, синтетик атTRACTантларнинг (медлюр, тримидлюр, сиглюр) инсектициллар билан аралашмаси суртилган қофозлар 2 м баландликда мевали дараҳтларга осиб қўйилади ва тез-тез янгиланиб турилади. Заарланган меваларни 1 м чуқурликка кўмиш ва устига инсектицид пуркаш керак.

Биологик усул. Гавайда паразитлардан *Opius humilis* Silv., *Opius perproximus* Silv. (Braconidae), *Diachasma trioni* Silv., *Diachasma fularvayi* Silv. ва *Diachasma giffardi* Silv. (Chalcidoidea) муваффақият билан қўллашади. Бу паразитлар Африкадан Италия ва Гонолулуга келтирилган ва яхши самара бермоқда. Австралиядан Италияга *Syntomasphyrum indicum* Silv. (Chalcidoidea) келтирилган; бу паразит 200та тухумини мева ичидаги ва мевадан чиқаётган личинкаларга қўяди. Яна битта усул — эркак имаголарни нур воситасида стериллаш ва табиатда зааркунанда тарқалган жойларга чиқаришдан иборат. Бу усул жуда кўп мамлакатларда қўлланилади:

жумладан Мексикада, пашшани қириб битириш мақсадида, кенг микёсда миллионлаб стерилланган пашшалар чиқарилади.

**Тури-ОЛМА ПАШШАСИ - *Rhagoletis pomonella* (Walsh, 1867).**

**Оила (Чипорқанотлилар):*Tephritidae***

**Туркум (Иккиқанотлилар):*Diptera***

**Тарқалиши:** Канадада ва АҚШ да учрайди

**Тарқалиш йўллари:** Личинка босқичида мева билан, пупарий ичидағи гүмбак шаклида эса ниҳоллар илдизидаги тупроқ билан тарқалади.

**Зарари:** Пашша личинкалари мевага заарар етказиб, унинг сиртида пўстлоқсимон қўнғир йўл ва доғчаларни ҳосил қиласи. Зааркунанда тушган олма аксари пишмасдан тўқилиб кетади ёки пишган тақдирда чириб кетади. Бу ҳашарот олмадан ташқари дўланага ҳам заарар етказади.

**Ҳаёт кечириши ва тузилиши:** Пашша ўзи яшайдиган мамлакатлардан янги жойларга асосан мева ва илдиз олдидағи тупроқ билан ўтади. Зааркунанда олма дараҳтлари остидағи тупроқнинг юза қаватларида гүмбаклик стадиясида қишлияди. Вояга етган пашшалар ёз бошларида пайдо бўлади, тухум қўйиш даври 2-3 ҳафтага чўзилиб кетади. Тухумини мева пўстининг остига биттадан қўяди, шу билан бирга урғочи пашша меванинг соя томонини танлаб олади. Урғочи пашша ўрта ҳисоб билан 400 та тухум қўяди.

Тухумдан 3-10 кунда личинка чиқади. Тухумдан чиққан личинкалар мевани еб йўл очади, личинкаларнинг ривожланиши 12-30 кун давом этади. Озиқланишини тамомлаган личинкалар мевадан чиқиб ерга тушади ва тупроқнинг юза қатламига кириб, сохта пиллага айланади.

Олма пашшаси жануброқдаги жойларда йилига икки насл беради: биринчи насли эртаги олма навларига, иккинчи насли кечки олма навларига заарар етказади. Канадада олма пашшаси йилига фақат битта насл беради. Олма пашшасининг баъзи гүмбаклари 300 кунгача давом этадиган диапаузага киради.

Пашшанинг узунлиги 5 мм, танаси қорнининг 2-5 тергитларида оқ, жияги бор, қалқони оқ, асоси ва четлари қора, орқасининг четларида елка дўмбоқчаларидан тортиб қанотларининг асосигача оқ чизиқлар бор, мўйловлари сариқ, оёқ болдирлари оч сариқ, сонлари ўтиб, учи оқимтири бўлади. Урғочиларининг қорин учидаги хитинли тухумдони бор. Қанотларда нотўғри шакли тўртта қорамтири йўллари бор. Тухуми овал шаклда, бандли, оч сарғиш бўлиб, узунлиги тахминан 0,8 мм.

Личинкасининг узунлиги 10 ммгача боради, олдинги учи ўткирланган ва орқага қараб секин-аста қалин тортади. Танасининг орқа учи кесилгандай тик тушган, четларида этли дўмбоқчалари бор. Орқадаги стигмаларида учтадан нафас тешиги бор, шу жумладан иккитаси бирбирига деярли параллел ҳолатда жойлашган. Олдинги стигмалари 13 бўлакчали бўлади. Сохта пилласининг олд ва орқа учлари ўртасига нисбатан торроқ, тузи жигар ранг бўлади.

**Тури– ОЛМА ТИЛЛА ҚҮНГИЗИ - *Agrius mali* Matsumura**

**Оила (Тилла қүнғизлар):*Buprestidae***

**Туркум (Қаттиқ қанотли):*Coleoptera***

**Тарқалиши:** Шарқий Европа, Украина, Ғарбий Европа,, камраб Олган Шимолий Африка, Шимолий Америка.

**Зарари:** Олма, нок, дўлана каби шохли дараҳтларнинг ингичка новдаларига заарар етказади. Шикастланган новдалар нобуд бўлади. Полифаг ҳашарот ҳисобланади. Асосий заарар личинка даврида етказилади. Етук қўнғизлар заарар етказишмайди. Иқтисодий зарари барг кемирувчилар сингари, 25% ем хашак ўсимликларини зааралайди.


**Ҳаёт кечириши ва тузилиши:** Имагоси. Қўнғиз мис-қизил рангда, узунлиги 10-11 мм. Юқори қисми деярли туклардан холи. Қанотқалқони орқа томондаги чокини атрофида кичкина ажратиб турувчи оқ тукчалари бор. Олдинги бўғимининг узунлиги биринчи бўғимидан икки баравар узун. Бу заараркунанда тилла қўнғизлар оиласи билан бир неча ўхшаш тарафлари бор, масалан чўзилган танаси ранги ялтироқ. Боши унчалик катта эмас- вертикал шаклда, пешонаси олдига, оғзи эса пастга қараган. Эпикраниум қисми думалоқ, олди қисмининг орқаси ясилланган. Бош ва пешона қисмидаги чоклар аниқ фарқланади. Клепеус қисми пешона билан бирлашган ва уларнинг бирлашма чоклари йўқ. Антенна чуқурчалари очик. Мўйловлари текис, калта, 4-5 сегментдан эса аррасимон шакилда вабош қисмидаги чуқурчада жойлашган.

Кўзлари мураккаб, кучли ривожланган бўлиб, эпикраниумнинг катта қисмини эгаллади яъни олдкўрак қисмига кирадиган чизиқчача бўлади, бу эса кўриш майдонининг кенгайишига таъсир қилади. Фасеткалари жуда кўп ва майда. Кўзнинг чеккаси бир қатор киприклар билан таъминланган.

Оғиз қисми қисқа ва маҳкам йопик. Юқори лаби кўндаланг. Тепа жағи салмоқли ва калта. Пасти жағи эса нормал ва калта пайпаслагичлари эга. Пастки лабда калта оғиз пайпаслагичлари бор, ияклари кенг. Олма тилла қўнғиз турларининг тана узунлигининг нисбати 4:1дан катта бўлган кучли чўзилган танаси ва катта кўзлари билан ажралиб туради. Жинсий диморфизм. Эркак хашоротнинг қорин қисмидаги сўнги сегментлари копуляция аппаратини ҳосил қилади. Тиним даврида у тананинг ичига тортилган бўлади. Урғочининг қорин қисмидаги сўнги сегментлари эса юмшоқ, суриб чиқарадиган тухум қўйгични ҳосил қилади. Личинкаларининг кутикуласининг ранги сарғиш бўлади. Личинка танасининг охирги бўғимида 2 та ўсмтаси мавжуд ва олдинги кўкракнинг қисмida тўғри бурчакли сал энлироқ бўлган бўғими мавжуд Юқори лаби ҳаракатчан, рангсиз, майнин ва яхши ривожланган. Кесувчи ўткир қирраси бўлган олдинги жағлари қаттиқ хитинланган. ҳ Максилла ёки пастки жағ бироз қисқартирилган. Пастки лаб янада қисқартирилган. Унинг пайпаслагичлари ажратилмаган дўнгчага ўхшайди. Личинканинг олд кўкрак қисми 2та тутиб турадиган яъни таяниш учун хизмат қиладиган майдончаси бор, улар олдкўрак ва тергит қисмida жойлашган. Ўрта ва орқа кўкрак қисми олдкўрак қисмига қараганда камрок ривожланган. Ўрта ўқрак орқа кўкрак қисмига қараганда қисқароқ ва кенгроқ

бўлади.

Личинка қорнининг дастлабки 8та сегментлари бир-бирига ўхшаш, орқа ён томонларида стигмалар жойлашган. Ушбу сегментлардан 1-чиси энг кичиги ҳисобланади. Личинканинг танасини сийрак, калта тукчалар копланган. Личинканинг катталиги – 15 мм. Ғумбаги эркин, қанотлари ва оёкларининг филофи танадан орқада қолган (66-67-68-69-расмлар).




66-расм. Олма тилла қўнғизи



67-расм- Олма тилла қўнғизининг имагоси



68-расм Олма тилла қўнғизининг зарари



69-расм.– Олма тилла қўнғизи личинкаси

**Абиотик омиллар.** Имагоси ва личинкаси термофил яъни юқори ҳароратни яхши кўради. Кўпайиши, барча тилла қўнғизлар сингари яшаш муҳитига боғлиқ. Шимолий минтақаларда 50-100 гача тухум қўяди. Жанубий худудларда ургочи ҳашорот 1 йилгача умр кўради.

**Тури – ШАРҚ МЕВА ПАШШАСИ - *Bactrocera dorsalis* Hendel, 1912.**

**Оиласи (Чипор қанотли):*Brachycera***

**Туркум (Қаттиқ қанотли):*Diptera***

**Тарқалиши:** Европа, Осиё, Африка, Америка.

**Тарқалиш йўллари:** Заарланган цитрус мевалари билан тарқалиш хавфи юқори.

**Зарари:** Олма, банан, қалампир, mango, ва бошқа ситрус мевалар, папая, шафтоли, олхўри, помидор ва бошқалар кенг турдаги екинларнинг меваларини заарлайди. Уриғочиси мева пўстлоғи остига тухум қўяди. Заарланган мева юзасида майда тешик ҳосил бўлиб кейинчалик ранги бир оз ўзгаради. Масалан олхўрида заарланган жойидан шира чикаради. Шарқ мева пашшаси 200 турдарги мева ва ёнгоқ дараҳтлари меваларини заарлайди (70-расм.).

**Ҳаёт кечириши ва тузилиши:** Имагоси 90 кунгача ҳаёт кечиради. Имагосининг тана узунлиги 8 мм, қанот узунлиги 7.3 мм атрофида. Ургочилари оптимал шароитларда ҳаёти давомида 3000 дан ортиқ тухум қўйиши мумкун, одатда ўртacha 1200 - 1500 та тухум қўяди. Учта личинкалик босқичи мавжуд. Личинкаларининг ранги оқ узунлиги 10 мм атрофида. Гумбагининг катталиги 4 мм.

**Тури – ШАФТОЛИ МЕВАХЎРИ - *Carposina nipponensis* Walsingham.**

**Оила (Карпосиналар):** *Carposinidae*

**Туркум (Тангачақанотли):** *Lepidoptera*

**Тарқалиши:** Шимолий Америка: АҚШ ва жанубий-шарқий Канада, Япония, Хитой, Корея ва Россия давлатларида тарқалган.

**Тарқалиш йўллари:** Капалаклари қисқа масофаларга (100-225 метрга) учиб тарқалади, экиладиган материалларда, мева ва пилла ичида қурт ҳолида, мева устида ва ичида тухум ва қурт шаклида тарқалади

**Зарари:** Асосан олма, шафтоли ва нок; ўрик, олхўри, беҳи, шафтоли, олча, дўлана, четан (рябина) ва зизифус (хитой хурмоси)ни ҳам заарлаганлиги ҳақида хабар қилинган. Япония, Корея ва Хитойда олмага катта зарар етказади. Хитойнинг Ляонин провинциясида олма ҳосилининг, Россиянинг Приморье Улкасида нок ҳосилининг 100 фоизи, олма ҳосилининг 40-100 фоизини нобуд қилган .


Канадада учрайлиган *C.nipponensis* ssp.*ottaviana* кенжা тури факат *Ribes* (корағат, смородина) ва *Cornus* туркумига мансуб ўсимликларни заарлайди. Қуртлари меванинг ичида йўллар пайдо қилиб, емиради, факат ахлати билан тўлган мева қобиғи қолади. Заарланган олма мевасидан ёпишқоқ елимсимон модда чиқади, нок сарғаяди. Ўрик мевалари баравар пишмайди.

**Ҳаёт кечириши ва тузилиши:** Ривожланиши тўлиқ метафарфоз. Личинкалик босқичининг 5чи ёшида дараҳт пўстлоқлари орасида пупарий ичида қишлиб чиқади. Бир йилда 1-4 тагача авлод бериши мумкун. Капалагини ранги қульран билан тўқ қульрангача. Олдинги жуфт қанотларининг ўртасида кўк ялтироқ нуқтали катта тўқ нуқта жойлашган. Қанотнинг ташқи қирраси бўйлаб бир неча қўзга ташланмайдиган чизиқлари мавжуд.



### **70-расм. Шафтоли меваҳўрини ер юзида тарқалиши.**


Орқа қанотлари қулранг-жигарранг рангда. Ушбу турдаги капалакларни ажратишнинг енг осон йўли қанот томирларидан ажратиш. Орқа қанотда M1 ва M2 томирлари йўқ ва фақат бешта томир median ҳужайрадан чиқади (бошқа турларда уларнинг еттитаси бор). Урғочи зотнинг (капалагининг) узунлиги 11 мм гача, қанот ёйганда 15-20 мм, ранги қулранг- кумуш тусли. Олдинги қанотлари кумушранг, устида кўк нуқтали қорамтири доғлари бор. Попуклари кулранг. Орқа қанотлари кулранг-жигарранг, попуклари узунроқ (71-72-73-74-расмлар).



**71-расм.  
Шафтоли  
капалаги**



**72-расм-  
Шафтоли  
личинкаси**



73-расм Шафтоли меваҳўрининг ривожланиш босқичлари



74-расм.-Шафтоли меваҳўрининг генитал аъзоси

Эркаги ургочисидлан кичикроқ. Тухуми эллипс ёки овал шаклли, узунлиги 0,44 мм, кенглиги 0,36 мм, устида қилчалари бор: бир учи пушти-қизил, иккинчиси сарғиш-жигарранг тусли: қурт чиқишидан олдин тухум қизил тус олади. Қурти. Янги чиққан қуртлар олдин апельсин-қизил тусли, кейинчалик оқиши, сўнгра эса яна апельсин-қизил тус олади, узунлиги 1 мм бўлади. Етилганлари ифлос-пушти ёки апельсин тусли, усти кизғинроқ, боши жигарранг, узунлиги 13-16 мм. Шарқ меваҳўридан фарқи анал тожи йўқлигига. Фумбаги олдин сарик, сўнгра қизғиш-жигарранг ёки тўқ-жигарранг, узунлиги 6-8 мм. Шафтоли меваҳўри бир мавсумда 120-200 тагача тухум қўйиши мумкун. Қуртлари зич, ясси-думалоқ, инаксимон, диаметри 4,5-6 мм бўлган пилла ичида, 2-10 см чуқурликда тупроқда қишлияди; баъзан омборхоналарда сақланаётган мева ичида хам қишлиши мумкин. Бахорда май ойининг бошида пилладан чиқади ва янги, шакли узунчоқ-урчук шаклли, оч-жигарранг тусли, узунлиги 7,5-11 мм, кенглиги 3-4,5 мм келадиган пўк ёзги пилла ўрайди ва унинг ичида ғумбакка айланади. Гумбак 11-15 кун ривожланади. Гумбакдан қишлиган {1нчи} авлоднинг капалаклари май охири — июн бошида, тупроқ 15°C гача исигандан ва меваларниг катталиги ёнғоқча бўлганида, 2нчи авлодники эса август охири - сентябр бошларида чиқади. Ургочи зот кечалари учади, экин ва табиатда ёввойи холда ўсуви ўсимликлар гулларининг нектари билан озиқланади 3-15 кун яшайди. Жуфтлашгандан сўнг 3 кунча ўтгач ургочи зот тухумларини, 1-10 тадан, олма ва нок меваларига гулкосабарглар тагига ёки ёнларига, шафтоли ва ўрикнинг чандиқчаларига қўяди. Хаммаси бўлиб бир ургочи зот 100-130 (баъзан 350 тагача) тухум қўяди. Тухум 6-11 кун ривожлангандан сўнг қуртлар чиқиб, мева ичига кемириб киради, меванинг юмшоқ тўқималари билан озиқланиб, йўллар пайдо қиласади, мева ичини ахлатига тўлдиради. Битта нок меваси ичида 13 тагача қурт топилган. Заарланган мевалар тўкилади, қуртлар уларнинг тагига пилла ўрайди ва ғумбакланади, сўнгра имаголар чиқади, улар қўйган тухумлардан чиққан қуртлар, яна меваларни заарлайди. Қуртлар ёзда 13-17, нокулайроқ шароитларда 20-29

кунча ривожланиб, 5 ёш ўтади, мевадан чиқиб, тупроқда ғумбакланади. Қишда сақланган мева ичида қишилаган қуртлар баҳорда озиқланади, ғумбакланади ва май ойида имагоси чиқади. Бир мавсумда карпосина Россияда 1, Кореяда 2, Хитойда 4тагача авлод беради, авлодлар бир-бирига кўшилиб кетади. Ўзбекистонга кирган тақдирда, тарқалиб кетиш хавфи бор.

**Карантин ва кураши чора-тадбирлари.** Карпосина тарқалган мамлакатлардан келтирилган материалларни карантин назорати ва экспертизадан ўтказиш, керак бўлса заарсизлантириш, ниҳолларни заарсизлантириш ва карантин кўчатзорларига 2 йил давомида экиб, текшириш, боғларда мевали дараҳтларни феромон тутқичларини қўллаб, текшириш лозим. Зааркунандага қарши, у тарқалган мамлакатларда ишлатишга рухсат этилган инсектицидлар қўлланилади. Бунда кимёвий ва механик кураш усуслари бир вақтда ўтказилиши лозим - 1нчи ва 2нчи авлод капалакларининг энг кўп тухум қўйиш даврида дараҳтларга таркибида фенитротион, паратион, фенвалерат, дельтаметрин пуркашни ерга тўкилган: меваларни йиғиб олиб йўқотиш билан бирга ташкиллаш керак. Биологик усуlda зааркунандага қарши ихневмонид *Anilastus sp.*, *Metarhizium anisopila* ҳашароти ва *Isaria fumosorosea* замбуруғи тавсия қилинган. Заарланган минтақалардан тўпланган, ичида карпосинанинг қишиловчи қуртлари мавжудлиги аниқланган ёки гумон қилинган меваларни Россияда метил бромид билан ( $23 \text{ г/м}^3$  меъёрида, харорат  $15^\circ\text{C}$ дан юқорилигига 4 соат давомида) заарсизлантириш схемаси ишлаб чиқилган.

**Тури – Оқ ҳошияли қўнғиз - *Naupactus leucoloma* (Bohemann, 1840 )**

**Оила (Узунбурун қўнғизлар):***Circulionidae*

**Туркум (қаттиққанотлилар):***Coleoptera*

**Тарқалиши:** Ватани — Жанубий Америка. Америка — Аргентина, АҚШ, Бразилия, Мексика, Перу, Чили, Уругвай; Океания — Австралия, Янги Зеландия. Ўзбекистонда учрамайди; кирган тақдирда, заарланадиган ўсимлик турлари кўплиги, ўта серпуштлиги ва партеногенез усулида кўпая олиши, барча ривожланиш босқичларида (тухум, ғумбак, имаго) қурғоқчиликка чидамлилиги ва табиий кушандалари деярли бутунлай мавжуд эмаслиги туфайли мамлакат жанубида ғўза ва бошқа экинларга катта талафот етказиши мумкин.

**Тарқалиш йўллари:** Оқ ҳошияли қўнғиз барча ривожланиш босқичларида, мевали дараҳтларнинг ҳар-хил илдиз олган ниҳоллари, қаламчалари, тупроқ, торф, компост, қ.х. асбоб-ускуналари, улар ўралган коғоз ва тара воситасида тарқалади. АҚШда зааркунанда темир йўллар бўйлаб тарқалган.

**Зарари:** Оқҳошияли қўнғиз ўта ҳаммахўр ҳашарот, у ғўза, ерёнгоқ, картошка, батат, маккажўхори, шакарқамиш, ўрис нўхат, ҳар хил сабзавот экинлари, мевали дараҳтлар, дуб ва манзарали экинларни, ҳаммаси бўлиб 3300 тадан ортиқ ўсимлик турларини заарлайди. Ҳам қўнғиз, ҳам унинг курти зарар келтиради. Личинкаларнинг зарари қўнғизнидан анча катта:

улар поянинг пастки қисми ва ўқилдизни кемириб, ёш ва бирор сабабга кўра заифлашган катта ёшдаги ўсимликларни ҳам нобуд қилади. Кўп ҳолларда қуртлар экилган уруғлик (масалан, ерёнгоқ уруғи) ичига, маккажўхори поясининг ичига кириб олади ва уларни халок қилади. Бу қўнғиз кўп тарқалган далаларда ғўза ва маккажўхори ўсимликларининг 90 фоизи нобуд бўлган. Кartoшка туганакларининг 80 фоизигача талафот етказган. Янги Зеландияда ёзда ва қузда йўнгичқа ва лядвенец экинларининг кўк массасининг 76 фоизини нобуд қилган. Етилган қўнғизлар баргларни, ёш ниҳол ва майсаларга зарар келтиради.


**Ҳаёт кечириши ва тузилиши** Вояга етган қўнғиз узунчок-тухум шакли, танаси кулранг, узунлиги 8-12 мм. Бош хартумчаси калта, оқиши тангачалар ва туклар билан қопланган. Қаноти йўқ. Қаноти устлари қўшилган, яхлит, узунчок-тухумшакли, ёнтомонларида оқ тангачалардан ташкил топган кенглентаси бор. Таасининг ости кулранг тангачалар ва туклар билан қопланган. Мўйловлари тўқ-жигарранг, сийрак туклар билан қопланган. Кўзлариқора, эллипс шакли. Оёқларида ҳам қалин кулранг туклари мавжуд. Тухуми овал шакли, ранги олдин сутдай оқ, сўнгра сарғаювчи, узунлиги 0,6-0,9 мм. Личинкалари семиз, оёқсиз, сарғиш-оқтусли, букилган, устида сийрак туклари бор, узунлиги 14 ммгacha; боши оқ, кўкраколдига қараб бироз букилган. Ғумбаги деярли калта цилиндр шакли, олдиноқ, сўнгра сарғиши тусли, кенг ва калта бош хартумчали, узунлиги 10 ммча (75-расм).



75-расм. Оқ ҳошияли қўнғизининг имагоси.

**Ҳаёт кечириши.** Қўнғизнинг личинкалари тупроқда 50 смгача чуқурликда қишлиайди. АҚШнинг Алабама штатида қуртлар 10-20 см чуқурликда лойдан мустахкам деворчали “бешикча” ясадива май-июн ойларида унинг ичидаги ғумбакланади, ғумбаклик даври ўртача 15 кун лавом этади. Қурғокчилик шароитида қўнғизлар 80 кунгача ҳам тупроқдан чиқмай ётаверади, фақат ёмғир ёққандан сўнг чиқади. Улар учмайди, ўсимликларнинг устки новдаларига ўтиб, баргларини четидан бошлаб кемиради. Қўнғизлар 3 ойдан 6 ойгача яшайди, уларнинг баъзилари 2 ойгача озуқасиз яшави мумкин. Қўнғизлар чиққандан 10-37 кундан сўнг, партеногенз усулида 1 ой, баъзан 2-3 ой давомида тухум кўяди. Тухумларини 15-25 тадан, баъзан 60 тадан тупларда, соя жойларда, 1 смгача чуқурликла ёки 4 см гача баландликдаги тупроққа тегиб турувчи шох-шабба ва ўсимлик қолдиқлари, айниқса тупроқ остида қолган эски ғўзапоя, кўсак, тола

қолдиқлари, ерёнғоқ пүсти ва маккажүхори сұталари, кесак, тош, қопқанорлар, тара вақ.х. асбоб-ускуналарига құяды. Хаммаси бўлиб бир ургочи зот 2400та гача тухум құяды (76-расм.).



**76-расм. Оқ ҳошияли құнғизининг күриниши**

Алабамада ёзда тухумларнинг эмбрионал ривожланиши 12-15 кун, сентябрда қўйилганлариники 20-21 октябрдагилари - 63-79 ва ноябрда қўйилганлариники 80 кунни ташкил этади. Қурғоқ об-хаво шароитида тухумдаги личинка 7.5 ойгача хаётчанлигини сақлади ва факат ёмғир ёққандан кейин чиқади. Личинка ривожланиши 10 ойдан кўп вақтни ташкил этади. 1-ёш личинкалар 73 кунгача озиқланмасдан ва 100 кунгача сувостида қолганда хам халок бўлмайди. Личинкаларда каннибализм мавжуд бўлиб, озуқа танқислигида, бир-бирини хам еб қўяди. Уларнинг кўпчилиги олдин тупроқда 15 смгача чуқурликда бўлиб, қишлишга 50 см чуқурликда тушади. Илига 1 насл беради,

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари-** Зааркунанда тарқалган мамлакатлардан Ўзбекистонга экиш учун мўлжалланган мевали дарахтлар, ўрмон дарахтлари ва манзараги экинлар материалларини олиб кириш маън этилган: :

- Бундай материалларни, илмий ва селекцион мақсадда, кичик хажмда, экспертизадан ўтказиб, зааркунанда йўқлигига амин бўлгандан ва кимёвий заарсизлантирилгандан сўнг, интродукцион-карантин кўчатзорида экиб текширилгандан кейин киритилишига рухсат берилади. Зааркунанда ўчоғи топилса, уни дарҳол йўқотишга «қаратилган чоралар қўлланилади».

- Зааркунанда тарқалган мамлакатларда алмашлаб экишии йўлгақўйиш, сабзавот экинларини хар йили айни далаларга экмаслик; тупроқни пухта культивация қилиш: кам заарланувчи экинлар (мисол учун, сули) экиш: лозимтопилганда, инсектицид пуркашхамда гранула шаклидаги

инсектицидларни экиш пайтида тупроққа уруғ билан бирга киришиш тавсия қилинганды.

### **Тури – НОК ПАРВОНАСИ - *Acrobasis pyrivorella* (Matsumura)**

**Тарқалиши:** Хитой, Япония, Корея ярим ороли, МДХ да чегараланган ҳолда тарқалған. Асосан нок ўсимлигини заарлайды.

**Хаёт кечириши ва тузилиши:** Капалаги кулранг, бинафша ранг нүкталари бор, қанотларини ёзганда 14,5-21,5 мм гача. Танасининг узунлиги 12 мм. Олд қанотларида иккита күндаланг чизиги бор. Қанот асосидаги чизик сезилмас, деярли қора рангда, Буйраксимон қора дөғи қанот асосига әгилиб жойлашган. Орқа қанотлари сарғиш кулранг. Корнининг охирги қисмида попуксимон тукчалари бор. Эркакларида яхши билиниб туради. Урғочиларида эса күчсиз. Оёқлари тангачалар ва узунчоқ тукчалар билан қопланган, тухуми эллипссимон тузилишда. Янги қўйилган тухумлар сариқ рангда кейинчалик қизил ранга киради. Қурти тухумдан чиққанлари нимпушти рангда, боши қора, белининг олдинги қисми қорамтири-қўнғиррангда. Катта ёшдаги қуртларнинг бел томони тўқ яшил рангда, қорин қисми сарғиш, оёқлари жигаррангда. Катта ёшдаги қуртнинг узунлиги 12 мм гача (77-78-79-80-расмлар).



77-расм. Нок парвонасининг имагоси



78-расм. Нок парвонасининг личинкаси



79-расм. Хашаротнининг генитал аъзоси



80-расм. – Нок парвонасининг зарари ва ривожланиш босқичлари.

Ғумбаги охирига қараб қисқарған, сарғиш-жигаррангда, кремастерида олтита ингичка илгакчалари бор.

**Тур - ЯПОН МУМ СОХТА ҚАЛҚОНДОРИ – *Ceroplastes japonicas* Creen.**

**Оила – сохта қалқондорлар – *Coccidae*.**

**Түркүм – тенгқанотлилар – *Hemiptera*.**

Буюк Британия, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларда тарқалган.

МДҲда зааркунанда ўчоқлари онда-сонда аниқланган.

Цитрус экинлари, лавр, олма ва бошқа ўсимликларни заарлайди.

Зааркунанда тарқалган ареалларда чегараловчи факторлар таъсир қилмасдан, уларнинг сони жуда ошиб кетади. Катта колония ҳосил қилиб новдаларни, баргларни заарлайди, натижада ўсимлик кучсиз бўлиб қолиб ва заарланган жойлар қурийди.

Заарланган жойларда сохта қалқондорлар чиқарган чиқиндиларда қора доғлар чиқарган чиқиндиларда қора ғубор қопланади, булар каннодиум (*Cannodium*) замбуруғларининг мицелийлариdir.

Етук урғочилар 1,75-4,2 мм узунликда, овалсимон шаклда, белининг устки томони дўмбоқ. Танасини устки қоплами бу турнинг бошқа авлодларига ўхшаб, қалин мум қават билан қопланган.

Кичик урғочилар танаси мум қоплами 8 та ўткир тугалланган пластинкалардан иборат.

Тирик урғочилардаги мум қатламининг ранги ним пушти рангда, оч пушти рангда.

Корин қоплами пастида оёқлари ва 7 бўғимли мўйловлари бор.

Япон сохта мум қалқондорининг уруғланган урғочилари қишлиб чиқади. Май ойининг ўрталарида урғочилар тухум қўйишни бошлайди. Ёз ўрталарида личинкалар пайдо бўлади. Улар 3 марта пўст ташлайди, астасекин катгалашади ва етук ҳашаротга айланади (81-расм.).



**81-расм. Япон мум сохта қалқондори**

Урғочилар 2500 тагача тухум кўяди, (0.5 мм гача).

Чиқкан личинка дайдилари оёқли ва мўйловли бўлади. Ўсимликка ёпишган личинкалар ҳаракатсиз ва оқ юлдузчага ўхшайди. Личинка танаси қизил, 8-10 та оқ конуссимон мумсимон пластинкали. Япон сохта мум қалқондори йилига 1 та авлод беради. Зааркунанда кўчатлар, қаламчалар ва бошқа органлари орқали тарқалади.

## **Тур - АНЖИР СОХТА МУМ ҚАЛҚОНДОРИ – *Ceroplater rusci L.***

**Оила – сохта қалқондорлар – *Coccidae*.**

**Түркүм – тенгәнотлилар - *Homoptera***

Бу қалқондор Албания, Греция, Испания, Италия, Португалия, Франция, Югославия, Истроил, Иордания, Ироқ, Эрон, Ливан, Сурия, Туркия, Япония, Жазоир, Миср, Марокаш, Аргентина, Австралия, Янги Зеландия ва бошқа давлатларда тарқалган.

МДХда рўйхатга олинмаган. Лекин субтропик экиладиган районларда-Кавказ орти, Қора денгиз соҳилларида, Озарбайжон, Ўрта Осиё мухитига мослашиб (акклиматизация) заарар етказиши мумкин.

Анжир, узум, тут, мандарин, апельсин, беҳи, шафтоли ва бошқа ўсимликларни заарлайди.

Личинкалари ва вояга етганлари катта-катта колонияларни ҳосил қилиб, ўсимлик шираларини сўради ва натижада унинг куришига сабаб бўлади.

Бу қалқондор урғочиси япон сохта мум қалқондори урғочисига ўхшайди. Бу урғочилар мум қатламини юқоридаги катта пластинкасидан фарқланади.

Тухуми қизил рангда, узунлиги 0,5-0,6мм. Личинкалар оқ юлдузчаларни эслатади. Япон сохта мум қалқондори личинкасидан бу зааркунанда личинкаси, мум қатлами ўрта пластинкасида 2 та қўндаланг изи билан фарқ қиласди.

Анжир сохта мум қалқондорининг етук урғочилари қишлиб чиқади. Италия ва Сурияда 1 йилда 2 та авлод беради. Урғочилар 1000-1500 та тухум қўяди. Апрел ойининг охири ва май ойининг бошларида личинкалар чиқади, личинкалар ўсимликдан озиқланишини бошлагандан кейин 2-3 ой ривожланади. Улар тухумдан чиққандан кейин шохлардан ёпишишга жой қолдиради, улар одатда баргларни устки қисмига ва томирларига ёпишади. Қишлишга кетган урғочилар нолдан паст ҳароратга ҳам чидамли бўлади.

Анжир сохта мум қалқондори ривожланишининг ҳамма босқичларида кўчатлар, қаламчалар орқали тарқалади.

## **Тур - ЯПОН ҚЎНҒИЗИ — *Popillia japonica Newn.***

**Оила – пластинка мўйловли қўнғизлар – *Scarabeidae*.**


**Түркүм – қаттиққанотлилар - *Coleoptera***

Имагоси танасининг узунлиги 7-11 мм, эни 4-7 мм, қанот усти миссимон жигар рангда. Қанотининг четлари ва ўртаси яшил. Қорнининг қанот устлиги билан ёпилмаган қисмида 5 тадан ёнидаги ва 2 та ортки оқ тук билан қопланган доғлари бор. Мўйловлари 9 бўғимли, оёқлари яшил. Эркакларининг билагидаги 2 та тишчаси ўткирлашган ва қисқарган ҳолда. Панжаларидаги 4 та бармоғи бир хил. Урғочиларини панжаларидаги тишчалари орқага кучли эгилган. Панжасининг биринчи бўғини қолган 3 та бўғинларидан узунроқ (82-расм).

Тухуми эллипсимон шаклда, қалайсимон товланувчи, 1мм диаметрда.

Янги пайдо бўлган личинканинг узунлиги 1,5 мм бўлса, катта ёшдагилари 25 мм гача етади. Личинканинг систематик белгиси-қорнининг

аналь сегменти томонида V рақамига ўхшаган белгиси бор.



**82-расм. Япон қўнғизи:** 1. қўнғизи. 2. тухуми. 3. қурти. 4. ғумбаги. 5. қўнғизлари заарлабётган олма барги ва меваси

Ғумбаги оч-жигар рангда, узунлиги 14 мм гача, бешикчада бўлади.

2-3 ёшли личинкалар тупроқнинг ички қатламида қишилаб чиқади. Кузда улар ернинг 20-40 см чуқурлигга кириб озиқланишдан тўхтайди. Баҳорда тупроқнинг юза қисмига кўтарилиб ўсимликларни илдизи билан озиқланишини давом эттиради. Озиқланишиб бўлгандан сўнг личинкалар «бешикчалар» ясади ва унинг ичида ғумбакка айланади. 10-20 кундан кейин ғумбагининг ривожланиши тўхтайди, ғумбак қобиги ёрилиб қўнғиз пайдо бўлади, лекин қўнғиз бир неча кун бешикчанинг ичида қолади.

Кунашир оролида қўнғизларнинг учиши июл ойининг охирида бошланади. АҚШ да август-сентябр ойларида учади. Кунашир ороли ва АҚШ да 1 йилда битта авлод беради, Япониянинг Хоккайдо оролида япон қўнғизининг тўлиқ ривожланиши учун 2 йил вақт ўтади.

**Тур – ТОК ФИЛЛОКСЕРАСИ — *Viteus vitifoliae* (Fitch.)**

**Оила – филлоксера – *Phylloxeridae*.**

**Туркум – тенгқанотлилар - *Homoptera***

**Тарқалиши.** Ток ширасининг ватани Шимолий Америкадир. У XIX асрда Европага тасодифан олиб ўтилиб кенг тарқай бошлаган. Ҳозирда уни Франция, Испания, Италия, Швейцария, Қрим, Молдавия, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Грузия ва Доғистоннинг айрим туманларида учратиш мумкин. Хитой ва Ҳиндистонда ҳам учрайди. Ўзбекистонда бу заракунанда йўқ. Лекин ўтиш хавфи бор.


**Зарари.** Филлоксера билан заарланган ток ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади, ҳосилдорлик пасаяди, чора қўрилмаса 2-6 йилдан кейин ток куриб қолиши мумкин.

**Таърифи.** Филлоксеранинг икки шакли мавжуд: бири ток-нинг ер ости қисмини, иккинчиси ер устки қисмини заарлайди. Унинг эркак ва урғочи, қанотли ва қанотсиз шакллари мавжуд. Илдизга зарар етказадиган қанотсиз урғочисининг узунлиги 1 мм келади, овал шаклда, бироз ясилланган, сарғиш-яшил рангли бўлиб, орқаси бўйлаб қатор-қатор қорамтири сўгалчалар

жойлашади.

Баргга заарар етказадиган партеногенез йўли билан кўпаювчи қанотсиз урғочиси каттароқ (1,2-1,5 мм), ноксимон шаклда бўлиб, ранги оч яшил-кўнғир бўлади. Унда илдизга заарар келтирадиган шакли учун хос бўлган қорамтири сўгал-чалар бўлмайди. Икки жинсли бўғинининг зотлари майда (0,25-0,45 мм), уларда қанот бўлмайди ва оғиз аппарати ривожланмаган. Ранги сариқ-яшил ёки сариқ-кўнғир бўлади. Тухуми овал шаклда, оч ёки тўқ сариқ, бўйи 0,36-0,40 мм келади. Қишлийдиган тухуми майдароқ (0,27 мм), яшил рангда.

Филлоксера токни қувватдан кетказиб, ҳосилини камайтиради. Филлоксеранинг илдизга тушадиган хили илдизларни нобуд қиласди. Шунинг натижасида аввал токнинг ер остидаги айрим новдалари, сўнгра ҳашарот тушгандан 2-6 йил кейин, бутун тупи нобуд бўлади. Йирик токзорларга филлоксера тушганда аввал «доғлар» пайдо бўлади (83-расм).



83-расм.

**Ток шираси (филлоксера)** (Г. Ванек ва б. маълумоти бўйича): 1-қишилаб чиқкан тухуми; 2-личинкаси; 3-урғочи зот; 4,5-ёзги авлодлари; 6,7-қанотли қишлийдиган тухум туғувчи зотлар; 8-шикастланган илдиздаги шишлар; 9-шикастланган барглардаги шишлар (галллар).

Филлоксеранинг икки хил илдиз ва баргга заарар етказадиган шакли бор.

Илдизга заарар етказадиган шаклининг 1мм овал шаклда, сал-пал яссиланган, сарфиш-яшил рангда, орқаси бўйлаб қатор-қатор қорамтири сўгаллари бор.

Тухуми овал шаклда, узунлиги 0,3-0,4 мм келади. Янги қўйилган тухум оч сариқ тусли бўлиб, кейин у яшил бўлиб қолади.

Личинкаси аввал сариқ, яшил, сўнгра оч сариқ рангли бўлади. Қишилаётган личинкалар қўнғироқ яшил тусли.

Баргга заарар етказадиган шаклининг вояга етган партенегенез йўли билан кўпаядиган қанотсиз урғочисининг узунлиги 1,2—1,5мм, шакли ноксимон, ранги оч яшил-кўнғир бўлади. Унда илдизга заарар етказадиган шакли учун характерли бўлган қорамтири сўгаллари йўқ.

Тухуми овал шаклда, оч сариқ ёки тўқ сариқ, бўйи 0,36-0,40 мм.

Узумнинг Осиё ва Европа навларида филлоксера фақат илдизини шикаслайди. Бир вақтнинг ўзида ҳам баргга ҳам илдизига заар етказадиган шакллари фақат Америка навлари ва улар билан чатиштирилган дурагай навларида ривожланади.

Филлоксеранинг илдизга заар етказадиган шакли партеногенез йўли билан кўпаяди. Бу шаклдаги ҳашарот биринчи баъзан иккинчи ёшдаги личинкалик даврида қишлиайди. Тупроқ  $13^{\circ}\text{C}$  қизиши билан илдизни ёки томирларни сўриш натижасида сариқ тусли галалари ҳосил бўлади. Личинкалар галлаларни устида туради.

Филлоксеранинг илдизга заар етказадиган шакли ўзи тарқалган турли жойларида бир мавсумда 4-8 насл беради. Филлоксера Марказий Осиёга энг яқин бўлган кўпайиш манбаи Озарбайжонда йилига 6-7 насл беради.

Америка навларида ва улар билан чатиштирилган дурагай навларда ёз ўрталарига келиб личинкалардан бир қисми пўст ташланганда қанот бошланғичларига эга бўлади. Кейинчалик улардан қаноли ҳашаротлар пайдо бўлади, булар эса тупроқдан юзага ўрмалаб чиқади, қанотлари заиф бўлиб, кам учади. Жуфтлашгандан кейин ургочи ҳашаротлар биттадан тухум қўяди. Ана шу тухумлар қишлиайди ва кўкламда улардан баргга заар етказадиган шаклнинг личинкалари чиқади, улар ўрмалаб, баргларни устки томонига ўтиб олади.

Иккинчи наслдан бошлаб, навбатдаги ҳар бир наслда баргга заар етказадиган шаклнинг тухумларидан илдизга заар етказадиган шаклнинг личинкалари ҳам пайдо бўла бошлайди. Улар баргларга ёпишмай, тупроқдаги ёриқлардан ва илдиз бўйни ёш илдизларга кириб илдизга заар етказадиган шаклини вужудга келтиради.

## Педагогик технология

### “Муаммомли вазият”

Ўтилган мавзу юзасидаги маълумотларингизга асосланиб “Муаммоли вазият” мевали дараҳтлар ва токнинг карантин зааркундаларининг тарқалиши, зарари ва бу вазиятни олдини олиш ва уларга қарши курашиш чора тадбирлари ҳақида мустақил фикрингизни баён қилинг.

“Муаммомли вазият” тури	“Муаммомли вазият” сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиши сабаблари
	1. 2. 3.	1. 2. 3.

### Назорат саволлари:

- 1.Мевали дараҳтларнинг асосий карантин зааркунандаларини гапириб беринг?
- 2.Мевали дараҳтларнинг асосий карантин зааркунандаларининг систематикасини гапириб беринг?
- 3.Комсток қўрти ва шарқ меваҳўрининг ривожланиш хусусиятларини гапириб беринг?
- 4.Шафтолининг карантин зааркунандасини гапириб беринг?
5. Нок парвонасининг зарари ва ривожланиш босқичлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

- 1.George N.Agrios. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
- 2.Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopathological Society, 1993. Pp 173.
- 3.М.Т.Арсланов, А.У.Сагдулаев, Ш.К.Алиев., Ўсимликлар карантини зааркунандалари тарқалишининг олдини олиш. - Тошкент 2017.
- 4.Поспелов С.М., Шестиперова З.И., Долженко И.К. Основы карантина растений. –Москва, «Агропромиздат». 1985.
- 5.Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврӯз”, 2020, 247 б.
- 6.Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.
- 7.Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантин асослари фанидан лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма Тошкент 2014 й.
- 8.Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ва қоидалар (янги таҳрири) Тошкент. 2018.
- 9.Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. Тошкент, “Yangi Nashr Nashriyoti”, 2019, 375 б.
- 10.Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ғўзани зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.
- 11.Шералиев А.Ш., Ўлмасбаева Р.Ш. Қишлоқ хўжалик экинлари карантини, Талқин, Тошкент, 2007.

### **Интернет сайтлар**

- 12.<http://www.quarantine.com>.
- 13.[www.plantprotection.com](http://www.plantprotection.com)
- 14.[www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm](http://www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm)

## 3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: ЦИТРУС ВА БОШҚА СУБТРОПИК ЭКИНЛАРИНИНГ КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ

**Дарс мақсади:** Тингловчиларга цитрус ва бошқа субтропик экинларнинг карантин заараркунандалари: цитрус инли куяси, цитрус оққанотининг тарқалиши, зарари, морфологик белгилари, ривожланиш хусусиятлари ва уларни бартараф қилиш усул ва воситалари бўйича тушунча бериш мақсадида ўқитиш ва таълим бериш жараёнида илғор педагогик технологияларини қўллаш самарадорлиги ҳакида маълумотларни ўзлаштиришдан иборат.

**Кўргазма материал** цитрус ва бошқа субтропик экинларнинг карантин заараркунандалари: цитрус инли куяси, цитрус оққаноти билан заарланган цитрус ва бошқа субтропик экинлари мевалари. Шунингдек цитрус инли куяси, цитрус оққанотининг турли ривожланиш босқичларида спиртда ёки энтомологик сақлагиchlарда сақланаётган ҳашаротлар намуналари, уларга қарши қўлланиладиган микробиологик ва кимёвий препаратлар.

### **3-МАВЗУ: ЦИТРУС ВА БОШҚА СУБТРОПИК ЭКИНЛАРИНИНГ КЕМИРУВЧИ ВА СЎРУВЧИ КАРАНТИН.**

**Цитрус инли куяси – (*Phyllocnistis citrella Stainton*)**

**Цитрус инли куяси – (*Phyllocnistis citrella Stainton*)** Олигофаг ҳашарот бўлиб, цитрус ўсимликлариiga катта заар келтиради. Цитрус инли куяси лимон ўсимлигининг хавфли кушандаси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда у мандарин ва грейпфрут ўсимлигига ривожланиши аниқланган.

**Тарқалиши.** Цитрус инли куяси Осиё, Австралия, Жанубий Африка, Шарқий ва Ғарбий Африка, Марказий ва Жанубий Америка давлатларида тарқалган. Ўзбекистонда Тошкент вилоятларида аниқланган.

**Морфологик белгилари.** Цитрус инли куясининг **каналагининг** қанотлари ёзилганда 4-5 мм узунликда бўлиб, қанотлари қулранг, ингичка, ўткир учли (84-расм). Олдинги жуфт қаноти иккита тўқ чизиқлар, ўртасида эса V шаклида белгиси ва тепа учидага қора доғлари бор. Қанотининг ўрта олдинги четигача узун тўқ сарик рангда туклари бор. Попуклари орқа қанотида ҳосил бўлади. Орқа оёқларининг болдирик қисмида тепага қараган қора ўсимтаси бор.



**84-расм. Цитрус инили құясининг қапалиғи.**

Тухумининг шакли ясси, ранги оқиши, узунлиги 0,27 мм келади (85-расм).

Личинканинг узунлиги 3,6 мм бўлиб, яшил кулрангда, тана охири учли, боши сариқ, танасининг қолган қисми қизғиши сариқ рангда, биринчи иккита кўкрак бўғинлари тўғри бурчак шаклида (86-расм).

Ғумбаги дастлаб сарғиш, кейинчалик тўқ жигаррангга киради (87-расм).



**85-расм. Цитрус инили құясининг тухуми**



**86-расм. Цитрус инили құясининг личинкаси.**



**87-расм. Цитрус инили куясининг ғумбаги**

**Биологик хусусияти.** Цитрус инили куясининг ривожланишига обҳавонинг аҳамияти жуда катта. Цитрус инили куясини июн-июл ойларида лимонзорларда кўплаб учратиш мумкин. Улар лимон баргининг остки томонига жойлашиб кеч кузга қадар зарар келтиради.

Урғочилар тухумини куртакка ёки ўсимликларнинг ўсиш нуқтасига, баргларнинг тепа қисмига 200 тагача қўяди. Эмбрионал ривожланиши 10 кун давом этади. Личинкалар барг ичига кириб олиб 10-20 кун давомида ривожланади.

Личинкалар ёш барглар орасида илон изи каби уялар ҳосил қилиб барг паренхимаси билан озиқланиши натижасида барг буришади ва қурийди (88-расм). Одатда битта баргда битта уя бўлади, кучли заарланганда 2 ёки 3 та ва ундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин. Қаршиликларга учраши билан личинка бошқа баргга ўтади. Ғумбакка айланишидан олдин ҳаракатланишдан тўхтайди. Ғумбаклик даври пилла ичидан ўтади. Зааркунанда бир йилда 6-7 та баъзан 10 та авлод беради. Бир авлоднинг ривожланиши 38-43 қунни ташкил этади. Цитрус инили куяси плантацияларда ва питомникларда цитрус экинларининг ёш кўчатларини заарлаши мумкин.



**88-расм. Цитрус инили куясининг баргга зарари.**



89-расм. Цитрус инили қуясининг кўпайиши.



90-расм. Цитрус инили қуясининг мандарингга зарари.

**Кураши чоралари.** Карантин тадбирлари қаторига кўчатлик материалларини мунтазам текшириш ва экспертиза қилиш, заараркунанда тарқалган худудлардан кўчатлар материаллар ва қаламчаларни келтириш қатъиян ман қилинади. Ҳашарот тарқалган далалардаги кўчатларга фосфор-органик препаратлар билан ишлов берилиши керак.



91-расм. Цитрус инили қуясининг капалаги

#### ЦИТРУС ОҚҚАНОТИ - *Dialeurodes citri* Ashm.

**Цитрус оққаноти** – *Dialeurodes citri* Ashm., тенг қанотлилар – *Hemiptera* туркумининг алейродид ёки оққанотлар (*Aleyrodidae*) оиласига мансуб цитрус ва субтропик минтақа ўсимликлари учун жуда заарли ички карантин заараркунанда ҳисобланади.

**Тарқалиши.** Ватани Жануби-Шарқий Осиё (Хитой, Ҳиндистон) мамлакатлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда тропик ва субтропик иқлимли мамлакатларда кенг тарқалган. Ҳиндистон, Веътнам, Жанубий Хитой,

Афғонистон, Япония, Филиппин ороллари, Цейлон ва кўпгина МДҲ давлатларида учрайди. 1942 йилдан АҚШ, Аргентина, Бразилия, Чили, Гавайи ороллари, Европа, Ўрта ер денгизи соҳилларига тарқала бошлаган. Бугунги кунда ушбу ҳашарот Ўзбекистоннинг барча худудларига тарқалиб улгурган (92-расм).



**92-расм. Цитрус оққаноти**

**Морфологик белгилари.** Цитрус оққаноти урғочисининг узунлиги 1,6-2,0 мм келадиган бир жуфт оқ қанотга эга, кўзи қора, пушти доғли, танаси оч сариқ, жим турган пайтда қанотлари танасини беркитиб туради. Урғочиси ва эркаги ташқи кўринишидан бир-бирига жуда ўхшаш. Бироқ эркаги урғочисидан майдароқ, танаси ингичка ва узунчоқ. Урғочисининг танаси калта ва кенгроқ, қаноти калтароқ бўлади. Мўйлови етти бўғимли, оёклари икки бўғимли тирноқли, улар ёрдамида у баргларнинг таг қисмига ёпишиб туради (93-расм).



**93-расм. Цитрус оққаноти.**

Тухумининг узунлиги 0,24-0,32 мм, янги қўйилгани – ялтироқ – ҳаворанг тусли, кейинчалик сарғая боради (94-расм). Тухуми банди орқали баргларга ёпишиб туради.

Личинкасининг кўзлари тухум қобигидан очиб чиқишидан олдин тўқ қизил рангда яққол кўриниб туради. Қизил кўзлар кўрингандан 3 кун ўтгач личинкалар кўплаб чиқа бошлайди. Тухумларининг ривожланиши об-ҳаво

шароитига боғлиқ равища ўзгариб туради. Ҳавонинг ҳарорати 23-25<sup>0</sup>С бўлгандага тухумлар 13 кун, яъни энг қисқа вақтда ривожланади.

Личинкалар янги очиб чиққанда 0,21-0,34 мм узунликда, танасининг атрофи калта тукли, З жуфт оёқлари яхши ривожланган бўлади (95-расм). Личинкалар баргларнинг остки қисмига ёпишиб, тумшуғини барг ичига тиқиб озиқланади бошлайди.



94-расм. Цитрус оққанотининг тухуми.



95-расм. Цитрус оққанотининг личинкалари.

Шу тариқа личинка барг ширасини сўриб олади ва ўзидан жуда майда томчи – шира ажратиб чиқаради. Личинканинг иккинчи ёши – узунлиги 0,57-0,66 мм келади, оёқларсиз, япалоқ, овал кўринишида бўлади. Тана тузилиши оддийлашади, кўзлари кўринмай қолади, шу ҳолатда қишлиади.

Личинканинг учинчи ёши – узунлиги 0,91-1,1 мм га етади, кўриниши мураккаблашиб, япалоқ ҳолга келади. Ранги шаффофланиб, яшил баргларга ёпишганда кўринмай қолади.

Кунлар исиши билан қишилаган личинкалар баҳор ойларида ривожлана бошлайди, ўлчами катталашади, танаси сариқ ранга киради. Кўзлари катталашиб тўқ қизил рангга киради. Оёқлари катталашиб, қанотлари ривожланади.

Пупарий ҳолатида оққанот кўпгина заҳарли кимёвий препаратлар ва мойли эмульсиялар таъсирида чидамли бўлади. Қизил кўзларнинг пайдо бўлиши капалакнинг учиб чиқишига 5-6 кун қолганини билдиради. Пупарий оққанот личинкасининг охирги қобиги хисобланади. У энига ва ёнига ёрилиб Т – симон ёриқ ҳосил қиласи ва бу ёриқдан етилган оққанот ташқарига чиқади.

**Капалаги.** Пупарий қобиғидан чиққан оққанотнинг қанотлари буришган, танаси шаффоф, кўзлари қизил рангли бўлади. Бир неча соатдан сўнг қанотлари ёзилади, кўзлари қораяди, қанотлари, мўйловлари, оёқлари ва бутун танаси оқ момиқсимон туклар билан қопланади. Шундан сўнг бир кун ўтгач оққанотлар жуфтлашади. Жуфтлашганидан 30 соат ўтгач, ургочи оққанот баргнинг орқа томонига тухум қўя бошлайди (96-расм.).



96-расм. Цитрус оққанотининг кўриниши.

**Биологик ҳусусияти.** Қиши мавсумидан чиққан цитрус оққанотининг баҳорги авлоди 3-4 ҳафта яшайди. Барг остига қўйилган тухумлардан 10-12 кунда биринчи личинкалар очиб чиқа бошлайди. Баҳор ойларида личинкаларнинг ривожланиш даври 10-14 кунни, бутун умри, яъни тухум қўйишдан то етук ҳашарот бўлишигача эса, қарийб 60 кунни ташкил қиласди. Ёзда личинкаларнинг ривожланиш даври тахминан 5-12 кунни, яшаш даври 30-40 кунни ташкил этади, яъни баҳорга нисбатан ривожланиш тезлашади.

Куз ойларида ривожланиш даври анча узаяди: личинкаларнинг ривожланиш даври 15-35 кун, тухумдан қишки пупарийларнинг ҳосил бўлишигача 107 кунни ташкил қиласди.

Цитрус оққанотининг ривожланиши кўпинча уч авлодни ташкил этади, яъни баҳорда: апрель-май, ёзда: июлда, кузда: сентябр-октябр ойларида. Битта ургочи оққанот 125 тагача тухум қўяди. Уларни биттадан бир нечта гурухларгача янги ўсиб чиққан баргларнинг орқа қисмига жойлаштиради.

Баъзи ҳолларда битта баргда бир неча мингта тухумни учратиш мумкин.

Пупарийлар ва тухумларнинг қобиғи оққанотлар очиб чиққандан сўнг баргларда бир йилдан ортиқ ёпишиб туриши мумкин. Декабр ойига келиб пупарийлар чиқа бошлайди ва кейинги ойларда уларнинг сони кўпая боради. Баҳорнинг совуқ кунларида цитрус оққанотининг ривожланиши ҳар хил жадалликда кечади. Шу боис ёзниңг иккинчи ярмида ўсимликларда личинкаларнинг ҳар хил ёшдаги вакиллари, яъни ҳам тухуми, ҳам етук ҳашаротларни учратиш мумкин.

Ёз ойларининг охирида барг тўқадиган дараҳтларда ривожланган цитрус оққанотлари цитрус дараҳтларига учиб ўтади ва қишида уларни заарланишини кучайтиради. Қиши ойларида асосан цитрус дараҳтларида

қишлиди.

Катта ёшдаги цитрус оққанотлари узокқа учолмайды, улар дарахт шохларида ёпишиб туради, аммо шамол ёрдамида, кийимлар, транспорт воситалари, кесиб олинган гуллар, шохлар орқали бошқа ўсимликларга енгил кўчиб ўтиши мумкин.

Зааркунанда тарқалишининг асосий манбаи заарланган кўчатлардир. Оққанотнинг личинкалари кўчатлар, гуллар ва мевалар орқали бир давлатдан бошқа давлатга, туманлардан бошқа туманларга кўчиб ўтиши мумкин.

**Зарари.** Цитрус оққаноти асосан цитрус ўсимликларида (лимон, апельсин, мандарин, трифолиат) ривожланади (97-расм). Шу билан бир қаторда чой, хурмо, шилви, настарин, дафна, жасмин, камфара, гардения, лигуструм каби ўсимликларга ҳам катта зарар келтиради. У фақат дарахтларнинг баргларида ривожланади, шу боисдан қиши мавсумида баргларини тўқадиган дарахтлар ва буталар қишида оққанотдан тозаланиб туради.

Личинкалари (айниқса З ёшлилари) баргларни сўриб, унинг шарбати билан озиқланади, бундан барглар кучсизланади ва ўсимликнинг ҳосилдорлиги пасаяди. Оққанотнинг ширин ажратмаларида замбуруғлар жадал ривожланади, бу эса фотосинтезнинг сусайишига олиб келади, маҳсулотнинг товар кўриниши йўқолади, ҳосилдорлик 50% гача пасаяди.



97-расм. Цитрус оққанотининг зарари.

**Кураши чоралари. Кимёвий чоралар.** Заарланиш марказига биринчи ишлов бериш баҳорда, ёзнинг бошида имагонинг биринчи авлодида ўтказилади. Бунда маҳсус тавсияномаларда келтирилган кимёвий воситалардан фойдаланилади.

Иккинчи ишлов личинкаларни биринчи авлоди қўплаб чиқадиган вақтда ўтказилади. Учинчи ишлов биринчи ва иккинчи авлод личинкаларига қарши ўтказилади.

Оққанот билан кучли заарланган кўчатларда тўртинчи ишлов сентябрнинг биринчи ярмидан меваларга ранг киргунча амалга оширилади. Меваларни териб олишдан 20-25 кун олдин ишлов бериш тўхтатилади. Пуркаш ишлари личинкаларнинг иккинчи авлодига ва дарахтлардаги қора

доғлардан тозалаш учун амалга оширилади. Куз-қиши ойларида цитрус ўсимликлари илдизлари ёпиқ ҳолатда фумигация қилинади. Заарланиш маркази тугатилгандан сўнг дараҳтлардан лигуструм, трифолиат ёпишган шохлар кесиб ташланади ва заарланган жойларнинг ўзида ёкиб юборилади.

**Биологик чоралар.** Биологик ҳимоя воситалари сифатида *Encarsia*, *Eretmocerus* авлодига мансуб паразитлардан, шунингдек *Aschersonia*, *Verticillium*, *Cephalosporium* турига мансуб замбуруғлардан тайёрланган биопрепаратлардан фойдаланиш мумкин.

**Карантин тадбирлар.** Цитрус оққанотига қарши ўрнатилган карантин тадбирларни амалга ошириш учун хўжаликларнинг воситалари ва кучидан фойдаланиш;

Зааркунандани ўз вақтида аниқлаш мақсадида ўсимликларни доимий текшириб туриш;

Цитрус оққанотининг тарқалишини олдини олиш, уларни йўқ қилиш борасида ўрнатилган карантин тадбирларига қатъий риоя қилиш;

Хўжалик кўчат етиштириб, сотишга ихтисослашган бўлса, фумигацион камераларга эга бўлиши, кўчат ва қаламчаларни жўнатишдан олдин зарарсизлантириши;

Карантин ҳолати жорий қилинган хўжаликлардан ўсимлик маҳсулотларини карантин инспекциясининг рухсатисиз ташқарига олиб чиқиб кетмаслик;

Жўнатилаётган кўчат ва маҳсулотларни тегишли тартибда рўйхатдан ўtkазиши.

## **4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: ОМБОР КАРАНТИН ЗААРКУНАНДАЛАРИ**

**Дарс мақсади:** Тингловчиларга омбор карантин зааркунандалари: Хитой донхўри, кенг хартумли омбор узунбурууни, Миср нўхат донхўри, Бразилия донхўри, Хинд ловия донхўри, капр қўнғизи, трогодерма грассмани қўнғизи, трогодерма орнатум қўнғизи, трогодерма семплекс қўнғизи, трогодерма ангустум қўнғизи, трогодерма стернале қўнғизи, трогодерма лонгисетозум қўнғизи, трогодерма балфинчае қўнғизларининг тарқалиши, зарари, морфологик белгилари, ривожланиш хусусиятлари ва уларни бартараф қилиш усул ва воситалари бўйича тушунча бериш мақсадида ўқитиш ва таълим бериш жараёнида илғор педагогик технологияларини кўллаш самарадорлиги ҳақида маълумотларни ўзлаштиришдан иборат.

**Кўргазма материал:** омборда сақланадиган уруғлар: бўғдой, арпа, мош, нўхат, ловия ва ҳаказо уруғликлар уларнинг карантин зааркунандалари Хитой донхўри, кенг хартумли омбор узунбурууни, Миср

нўхат донхўри, Бразилия донхўри, Ҳинд ловия донхўри, капр қўнғизи, трогодерма грассмани қўнғизи, трогодерма орнатум қўнғизи, трогодерма семплекс қўнғизи, трогодерма ангустум қўнғизи, трогодерма стернале қўнғизи, трогодерма лонгисетозум қўнғизи, трогодерма балфинчае қўнғизларининг аниқлашда зарур бўладиган лупа, микроскоп бинокуляр, шпатель, скалпел, элак, флотация усули учукн зарур жиҳозлар ва карантин ҳашаротларнинг аниқлагичлари.

#### **4-МАВЗУ: ОМБОР КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ТУР ТАРКИБИ, БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР.**

**Тури – ХИТОЙ ДОНХЎРИ – *Callosobruchus chinensis* L.**

**Оиласи – донхўрлар – *Bruchidae***

**Туркуми – қаттиққанотлилар - *Coleoptera***

**Синфи – ҳашаротлар –*Insecta***

**Типи – бўғимоёқлилар –*Arthropoda***

**ТАРҚАЛИШИ** – Буюк Британия, Греция, Италия, Франция, Афғонистон, Бирма, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон, Хитой, Туркия, Лаос, Покистон, Сурия, Япония, Миср, Кения, Сенегал, Судан, Куба, Мексика, АҚШ, Ямайка, Австралия давлатларида тарқалган. Аммо, МДҲ да ҳисобга олинмаган. МДҲнинг Европа қисмида, Кавказда ва Марказий Осиёга тарқалиб, муҳитга мослашиб зарар етказиши мумкин (98-расм.).

**МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ** – Имагоси қизғиш-жигар ранг, қисқа овалсимон, деярли тўғри бурчакли, узунлиги 2,5 мм, эни 1,6 мм. Эркакларининг мўйловлари тароқсимон узун бўлади. Урғочиларини мўйловлари эса арасимон қизғиш-қорамтири рангда. Пигидийси (орқа қисми) тик, оқ майдада тукчалар билан қопланган.

Эркакларининг мўйловлари тароқсимон узун бўлади. Урғочиларини мўйловлари эса арасимон қизғиш-қорамтири рангда. Устки қаноти узайган тўртбурчакли оч-жигар рангда. Пигидийси (кет қисми) тик, оқ майдада тукчалар билан қопланган.

Тухуми овалсимон 0,4x0,6 мм янги қўйилган тухумлар шаффофф. Личинка чиққандан кейин тухум қобиғининг ранги қўнғир бўлади.



### 98-расм. Хитой донхўрининг ер юзида тарқалиши

Личинкаси оқ, узунлиги 4 мм гача 1 ёшда уч жуфт 2 бўғимли оёқдан иборат бўлади. Пўст ташлагандан кейин личинкалар йўғон букилган оёқсиз ҳолда бўлади.

Фумбагининг узунлиги 2,5 мм, сарғиши-оқ рангда, эркин типда (99-100-101-102-расмлар).




99-расм. Донни заарлаётган хитой донхўри.



100-расм. Хитой донхўри заарлаган фасол.



101-расм. Хитой донхўри кўнғизининг кўриниши.



102-расм. Хитой донхўрининг ривожланиш босқичлари

**ЗАРАРИ** – Соя, мош, ловия, оддий нүхат, хашаки дуккаклилар ва бошқа ўсимликларни заарлайди.

Далада ўсиб турган дуккакли экинларни ҳам заарлайди, асосан кучли заарланиш омборхоналарда кузатилади. Мош дуккагини деярли түлиқ ичини еб фақат пўсти (қобиги) қолдиради.

**РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ** – Бир йилда Хитой уруғхўр қўнғизи (донхўри) АҚШда 6-8 та, Таиландда 10 та авлод беради. Хитой уруғхўр қўнғизи ҳамма ривожланиш фазаларида уруғлик ва дуккаклари орқали тарқалади.

Ривожланиши тўхтовсиз равишда бўлади. Қўнғизлар ҳаётининг давомийлиги ўртача 12 кундан 36 кунгача бўлади.

Урғочи қўнғизлар курук уруқка (донга, дуккакка) ёки пишган дуккаклиларга ўртача 60 та тухум қўяди. Тухумларини дуккакка ёпиштириб, дона-дона қилиб қўяди. Бир дуккак ёки донга 30-60 тагача тухум қўйиши мумкин.

Битта донда бир неча личинка ривожланиб, ҳамда имаго бериши мумкин. Личинкалар 3 марта пўст ташлайди ва заарлаган уруғ ичидаги гумбакка айланади. Гумбакдан қўнғизлар чиққандан кейин қобиг синиб, тушиб кетади. Ҳамма босқичларини ривожланиши ҳароратга боғлик бўлиб, 45 кундан 196 кунгача чўзилиши мумкин.

**Тур-КЕНГ ХАРТУМЛИ ОМБОР УЗУНБУРУНИ – *Caulophilus latinasus* Say.**

**Оиласи–узунбурунлилар- *Curculionidae***

**Туркуми–қаттиққанотлилар – *Coleoptera***

**Синфи – ҳашаротлар – *Insecta***

**Типи–бўғимоёқлилар – *Arthropoda***

**ТАРҚАЛИШИ**–Шимолий ва жанубий Америка, кўпгина Европа давлатларида, шунингдек Африка ва Осиё (Бельгия, Германия, Финляндия, Марокаш, Мексика, АҚШ, Куба, Пуэрто-Рико, Ямайка давлатлари) мамлакатларида тарқалган. МДҲда рўйхатга олинмаган (103-расм).



**103-расм. Кенг хартумли омбор узунбурун қўнғизининг ер юзида тарқалиши.**

Бұғдой, арпа донлари, нұхат, маккажүхори, ва бошқа күплаб омбор маҳсулотларини заарлайды.

Уруғларни уруғкүртагини ейди ва улар әкиш учун яроқсиз бўлиб қолади.

Имагосининг танаси узун, деярли цилиндричесимон, смолали қора рангда. Бош тутқичи қисқа ва энли. Мўйловчалари 9 бўғимли, тирсакли (бўғим-бўғимли).

Олд бели томони узунлиги эни билан тенг. Қанот усти тепага томон юмалоқлашган, олд белига нисбатан 2 марта узун. Кўкрагида ҳамма оёқлари йўғонлашган. Кўнғизининг тана узунлиги 3 мм гача бўлади (104-105-расмлар).



104-расм. Кенг хартумли омбор узунбуруни кўнғизининг имагоси.



105-расм. Кенг хартумли омбор узунбуруни кўнғизининг ривожланиш босқичи



Личинкаси оқ ва сарғиши рангда, танаси ўроқсимон эгилган. Камёб тукчалар билан қопланган, оёқсиз бўлади. Узунлиги 2,5-3 мм.

Гумбаги 2,8-3 мм узунликда, эни мм гача. Бошида оқ кейинчалик сарғиши рангда бўлади. Ҳароратга боғлиқ ҳолда, 5-7 кундан кейин ғумбақдан имаголар чиқади.

Тухум қўйиш учун урғочилари донни тешади ва тухумини шу ерга қўяди. Битта урғочиси 200-300 тагача тухум қўяди. Куртларининг ривожланиши учун 15 кун, ғумбақлик даври 20 кунгacha бўлади. Ҳарорат ва намлика боғлиқ ҳолда 4-14 кундан кейин личинкалар пайдо бўлади. Ғумбақланиш заараланган уруғлар ичида юз беради. АҚШ жанубида 1 авлоднинг ривожланиши 1 ойга етади. Зааркунанда ҳамма ривожланиш босқичларида уруғлар, мевалар, дон ва заараланган маҳсулотлар орқали тарқалади. Охирги йилларда зааркунанда Мексикадан келтирилган маккажүхори дони ва буғдойни текшириш натижасида топилган.

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Профилактик чора-тадбирлар ўз ичига олади: Импорт қилинаётган карантин маҳсулотларни фитосанитария назорат қилиш, карантин объектлар билан мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилишни тақиқлаш. Шунингдек сақлаш муассасалари омборхоналарни текшириш, зааркунанда аниқланса, карантин чораларини кўриш.

**Тури- МИСР НҮХАТ ДОНХҮРИ - *Bruchidius incarnatus* (Boheman)**

**Дунё (Хайвонот):*Animalia***

**Тип (Бўғиноёқлилар):*Arthropoda***

**Синф (Хашаротлар):*Insecta***

**Туркум (икки қанотли):*Coleoptera***

**Оила (Чипор қанотли):*Bruchidae***

**ТАРҚАЛИШИ** – Европада: Испания, Португалия, Францияда. Осиёда: Миср, Канар ороллари ва Тунисда тарқалган (106-расм.).



**106-расм. Миср нўхат донхўрининг ер юзида тарқалиши.**

**Зарари:** Бу қўнғиз ҳам бошқа донхўр қўнғизлари сингари горох, нўхат, ясмиқ ва бурчоқ донларига зарар етказади.

**Ҳаёт кечириши ва тузилиши:** Қўнғизнинг танаси калта овал шаклда, ранги қизғиши-қўнғир, қанотустликларининг тубига яқин қисми бирмунча қорамтири; қанотустликларида сариқ рангли калта туклардан иборат узала, баъзан ғадир-будур доғлари бор. Пигидиялари кул ранг бўлиб, қўнғир доғлар билан қопланган. Кейинги оёғининг сонлари жуда йўғонлашган ва ўткир тишли бўлади. Қўнғизнинг узунлиги 3—3,5 мм келади. Личинкалари биринчи ёшида оқ рангда, кейинги ёшларида оч-сариқ тус олади. Оғиз органлари жигарранг рангда, бўлиб, олд кўкраги оч-сариқ рангда. Тухумининг узунлиги 0.42-0.45 мм эни 0.38 мм катталиқда.

Тухуми оқ шаффоф рангда. Умуман олганимизда, Хитой ва тўрт доғлили қўнғизлар сингари ҳаёт кечиради. Урғочиси нўхат донини устки қисмига 10 тагача тухум қўяди. Тухумларини секретор безларидан чиқадиган суюқлик ёрдамида дон устига маҳкам ёпиштириб қўяди.

Личинкалари уруғларни ейди факат уруғ қобиғи қолади. Заарланган дон ичидаги ғумбакка айланади. Ғумбаклик давридан имаголик даврига ўтиши билан оқ жуфтлашиб тухум қўйишни бошлайди. Ҳар бир авлодни ривожланиши учун энг қулай ҳаво ҳарорати  $27\text{--}30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ривожланиш 35 кунгача  $24^{\circ}\text{C}$  да 59 кунгача давом этади.  $18^{\circ}\text{C}$  да 4 ой давом этиши мумкин (107-расм).

Личинка ва ғумбаклари ловия қўнғизининг личинка ва ғумбакларига жуда ўхшайди. Миср нўхат донхўри Хитой ва тўрт панжали қўнғизлар сингари хаёт кечиради.



**107-расм. Миср нўхат донхўрининг имагоси.**

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Профилактик чора-тадбирлар ўз ичига олади: Импорт қилинаётган карантин маҳсулотларни фитосанитария назорат қилиш, карантин объектлар билан мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилишни тақиқлаш. Шунингдек сақлаш муассасалари омборхоналарни текшириш, зааркунанда аниқланса, карантин чораларини кўриш.

**Тури- БРАЗИЛИЯ ДОНХЎРИ - *Zabrotes subfasciatus* (Bohemian 1833)**

**Дунё (Ҳайвонот):***Animalia*

**Тип (Бўғиноёқлилар):***Arthropoda*

**Сниф (Ҳашаротлар):***Insecta*

**Туркум (Қаттиққанотлилар):***Coleoptera*

**Оила (Донхўрлар):***Bruchidae*

Шимолий Африкада, ундан ташқари Жанубий Осиёда жуда кенг тарқалган. Европага олиб келинган (Франция, Англия, Италия, Венгрия, Австрия, Германия), бу давлатларда фақат чекланган омборхонарида заар етказади (108-расм).

**Тарқалиш йўллари:** Дуккакли дон экинлари уруғлари билан тарқалиш хавфи мавжуд.

**Зарари:** Бразилия донхўри дала ва омбор зааркунандаси ҳисобланади.

Далада дуккакли экинларнинг устки қисмида кўпайиб, личинкалари эса доннинг ичига кириб олади ва шу орқали омборхоналарда тарқалади. Иситиладиган омборхоналар ва қайта ишлаш корхоналарига олиб борилса

улар яна ривожланиб боради ва сақланган маҳсулотларни заралайди.



#### 108-расм. Бразилия донхўрининг ер юзида тарқалиши.

Нўхатни, ловияни ва қўплаб турдаги дон ва дуккакли экинларни уруғларини заарлайди. Бразилия донхўри унчалик катта бўлмаган қўнғиз бўлиб, донхўрлар оиласига мансуб. Кўплаб турдаги дон - дуккакли экинларига, далада ва сақлаш даврида зарар келтиради. Ушбу турнинг хавфлилиги шундаки, у омборларда яхши ривожланиб, кетаверади. Бу, айниқса, иситиладиган омборхоналар ва қайта ишлаш корхоналарига таъалуқли.

**Ҳаёт кечириши ва тузилиши:** Қўнғизнинг тана узунлиги 1,6-3 мм. Асосий ранги – қора. Тукининг ранги сарғиш ёки оч қулранг. Боши кичкина, етарлича чўзилган, тинч ҳолатда пастга ва орқага йўналтирилган. Кўзлари чуқур ўйилган. Кўзлар орасидаги чизиқлар етарлича аниқ эмас. Иккала жинс вакилларида ҳам мўйловлари бироз арасимон, эркакларники эса нисбатан аниқроқ. Иккита биринчи бўғими қизғиши-қизил, қолганлари қора рангда. Биринчи сегменти конуссимон, кенгроқ иккинчисидан икки баробар узунроқ, учунчиси бир хил узунликда биринчи бўғими каби. Тўртинчидан бошлаб барча сегментлар юқорига қараб ингичкалашиб борган. Оёқлари калта, кучли, қора ва қулранг ранг билан қопланган. Орқа болдири негизидан тепага қадар кенгайган. Болдирилган охирида 2та катта ҳаракатланиб турадиган сариқ-жигарранг туклар мавжуд (109-110-111-112-расмлар).



<b>109-расм.</b> <b>Бразилия</b> <b>донхўрининг</b> <b>қўнғизи</b>	<b>110-расм.</b> <b>Бразилия донхўрининг қўнғизи</b>
	
<b>111-расм.</b> <b>Бразилия</b> <b>донхўрининг</b> <b>қўнғизи</b>	<b>112-расм.</b> <b>Бразилия донхўрининг донга</b> <b>зарари</b>

Тухумининг узунлиги 0,45-0,47 мм, эни 0,4 мм катталиқда бўлади. Деярли тўғри думалоқ шаклида, пастги қисми текис, юқори қисми эса конвекс(бўртма дўнг) шаклида. Тухум қобиги шаффоф яъни рангиз бўлади.

Личинка 1-чи ёшдагиси оқ рангда, бўлиб бош қисми очроқ тус олган. Оғиз қисми – жигарранг. Олд кўкрак қисми ҳам оқ-сарғиш ва қора тишлари мавжуд. Танасининг туклари ғоятда майда ва кўзга ташланмайдиган. Бош қисми деярли тўғри думалоқ шаклда.

Олдкўкрак склерити иккитага ажратилган рангиз склеритлардан иборат бўлиб, тепа қисмида 2-3та изоляция қилинган тишларни ўз ичига олади.

Ғумбаги оқиши, тухумсимон, охирги тугаган қисми қорни юмалоқсимон, бош кенглигидан бироз узунроқ.

Имаго. Фасол ва ловия экини пишгунга қадар экин майдонига етиб келади ва дуккагининг ичига тухум қўяди.

Бразилия донхўри тухумини шикастланган дон ёки экинга қўймайди. Урғочи зааркунанда 20-80 тагача тухум қўяди.

Тухум қўйиши учун оптимал ҳаво ҳарорати бўлганда 5-11 кун давом этади. Тухумлар пастки қисми билан донга ёпишган бўлади.

Тухумдан чиқкан личинкасининг оёқлари бўлмайди. Личинка доннинг ички қисмида қишлийди, унинг личинкалик босқичлари донинг ичида ўтади. Оптимал ҳаво ҳарорати 25-32 °C. Ривожланиш даври ҳароратга боғлиқ ҳолда 17 кун атрофида давом этади.

Ғумбаклик даври 5-7 кун давом этади.

Барча ривожланиш босқичлари ўтиши абиотик факторларга боғлиқ ҳолда 25-34°C бўлганда 38 кун, 28 °C да 25-26 кун 30 °C да 21-22 кун, 18-20 °C да 2 ойдан 4 ойгача давом этади. Енг паст ҳаво ҳарорати 18 °C.

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Профилактик чора-тадбирлар ўз ичига олади: Импорт қилинаётган карантин маҳсулотларни фитосанитария назорат қилиш, карантин объектлар билан мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси худудига импорт қилишни тақиқлаш. Шунингдек сақлаш муассасалари омборхоналарни текшириш, зааркунанда аниқланса, карантин чораларини кўриш.

**Тури- ҲИНД ЛОВИЯ ДОНХҮРИ - *Callosobruchus phaseoli* (Gyllenhal)**

Дунё (Хайвонот):*Animalia*

Тип (Бўғиноёқлилар):*Arthropoda*

Синф (Ҳашаротлар):*Insecta*

Туркум (Қаттиққанотлилар):*Coleoptera*

Оила (Донхўрлар):*Bruchidae*

**Тарқалиши:** Ҳинд ловия донхўри Франция, Италия, Хиндистон, Бирма, Филиппин, Никарагуа, Гондурас, Боливия, Бразилия, Чили, Гавайи оролида тарқалган (113-расм).

**Тарқалиш йўллари:** Дуккакли дон экинлари уруғлари билан тарқалиш хавфи мавжуд.



**113-расм. Ҳинд ловия донхўрининг ер юзида тарқалиши.**

**Зарари:** Полифаг ҳашарот. Далада ва омборхонада дуккакли экинлар ва ҳосилига заарар келтиради. *Callosobruchus* турига мансуб кичик қўнғиз, дуккакли экинларнинг хавфли зааркунандаси.

**Ҳаёт кечириши ва тузилиши:** Ҳинд ловия донхўри Хитой донхўри қўнғизидан каттароқ, қўнғир тусда, олд елкаси ва қанот ости қизғиши рангда. Боши кичкина, пешонасида ингичка чизиқласимон доғи бор. Кўзлари катта, юмалок, мўйлови қора рангда. Биринчи ва охирги мўйлов қисмлари қизғиши сариқ рангда. Мўйловининг учинчи иккинчидан икки баравар узун, тўртингчиси учбурчак шаклда, 5-10 ўткир чўзиқ, учбурчак шаклда, эркагида қуюқ туклари бор. Имагосининг катталиги 2-2.5 мм катталиқда.


Пигидийси: қизғишисимон, икки томонида иккита қора доғи бор.

Тухуми: оқ сутсимон рангда, узунлиги 0,8 мм, эни 0,55 мм.

Личинкаси: оқ рангда, чўзиқ, узунлиги 5 мм. Fўмбаги: окрангда, узунлиги 3 мм гача бўлади.

Хитой ва тўрт нўқтали қўнғизлар биологияси билан ўхшаш. Бразилия ва

Гавайа оролида 27°C да 67 кун ривожланади, 30°C эса 27 кун ривожланади. Европа давлатларида омборхоналарда ривожланади. Урғочиси 3- 6 га тухумини якка ёки тўп-тўп қилиб қўяди (114-115-расмлар).



**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Хинdiston ловия донхўрининг ўчоқларини аниқлашда фитосанитария – карантин хизмати томонидан карантин ҳудуд ва карантин режимларини тиклаш ҳақида хат берилади. Қарор қабул қилингандан сўнг, заараркунанданинг тарқалиши бўйича аниқланган шаҳар ва туманларга ахборот юборилади. Лабараторияда тасдиқланган объект бўйича карантин ҳудудлар белгилаб чиқилади.

Карантин тадбирлар амалга ошгандан сўнг, Республикада унинг тарқалиш ўчоқлари кузатиб борилади. Четдан келтирилган юкларда Хинdiston ловия донхўрини аниқлаш мақсадида қисмларга ажратиладиган стол ёки брезентдан фойдаланилади. Бунинг учун ҳар бир нав тахланган қоплардан 2-3 та олиб келинади ва диққат билан текшириб борилади. Бундан ташқари кузатув ишлари оддий усулда бажарилади. Рентгенография услуби бўйича олгунча намунада 100 граммгача уруғ бўлиши керак.

Дала шороитида ўсимликни вегетация ҳамда дуккак пишиб етилиши даврларида тарқалиши бўйича майдонда диагонал бўйлаб кузатув ишлари олиб борилади. Ҳар 50 қадамда 1 та намуна ҳар бирида кузатув ишлари олиб борилади. Ҳар 50 қадамда 1 та, 30 гектардан 35-40 гектаргacha бўлган майдонда 40 та ва ундан кўпроқ майдондан 45 та намуна олинади. Ўртacha бир кунда 10-15 га майдон кўздан кечирилади. Заарарланган ёки заарарланмаганлиги бўйича гумон қилинган уруғлар алоҳида плёнка ёки бошқа материалларга солиниб, йифилган материаллар бўйича олинган хўжалик, кун, нав ёзилади ва лабораторияга топширилади.

**Тури - КАПР ҚЎНҒИЗИ - *Trogoderma granarium* Everts**  
**Оила (этхўрлар): *Dermestidae***  
**Туркум (Қаттиққанотлилар): *Coleoptera***

**Синф (Хашаротлар):*Insecta***

**Тип (Бўғиноёқлилар):*Arthropoda***

**Дунё (Хайвонот):*Animalia***

**Тарқалиши:** Европа: Австрия, Буюк Британия (фақат ҳимояланган биноларда), Германия, Голландия, Испания, Италия, Португалия, Финляндия, Франция, собиқ Югославия худуди ва баъзи бошқа Жанубий, Марказий ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари; Осиё: Афғонистон, Бангладеш, Вьетнам, Ироқ, Ироил, Кипр, Корея, Ливан, Малайзия, Мьянма, Покистон, Саудия Арабистони, Сурия, Тайвань, Таиланд, Туркия, Хитой, Шри-Ланка, Эрон, Яман, Япония, Киргизистон, Козогистон, Ҳиндистон: Африка: Буркина Фасо, Гана, Гвинея, Жазоир, Замбия, Зимбабве. Либерия, Ливия, Мавритания, Мадагаскар, Малайзия, Мали. Марокаш, Миср, Нигер, Нигерия, Сенегал, Сомали, Судан, Тунис, Фил Суяги қирғоғи, ЖАР; Америка: Аргентина, Боливия, Венесуэла, Канада (маълумот аниқ эмас), Ямайка о. (маълумот аниқ эмас); Океания: Филиппин о. Капр қўнғизи кирган, аммо яшаб кетмаган мамлакатлар: Бельгия, Германия, Дания, ЖАР, Индонезия, Ирландия, Кения, Люксембург, Мексика, Нидерландия, Россия, Танзания. Капр қўнғизи кирган, аммо қириб йўқотилган мамлакатлар: Австралия, АҚШ, Венгрия, Италия, Сьерра-Леоне, Янги Зеландия. Ўзбекистонда Қашқадарё вилояти Қарши пиво заводи, Тошкент вилояти Олмалиқ пиво заводи ва Қорақалпоғистон Республикаси Нукус пиво заводида (116-расм).

Капр қўнғизи омборхонада ва пиво заводларида сақланаётган қ/х. экинлари уруғи, донини (ва бошқа қ/х. маҳсулотларини) заарлайди, уларни тешиб, муртагини ейди, чиқиндилари билан ифлослантиради ва овқат учун яроқсиз ҳолга келтиради; қулай шароитда, қўнғиз популяцияси тез кўпаяди ва 20% гача маҳсулот йўқотилади.



**116-расм. Капр қўнғизининг ер юзида тарқалиши.**

**Зарари:** Омборхоналарла сақланаётган буғдой, арпа, жавдар, сули, маккажўхори, шоли, ерёнгоқ, зигир, ловия, соя, ясмиқ, кунгабоқар, канакунжут, қовун, тарвуз, қовоқ, беда дони ва ёки уруғлари, кунжут, чигит,

ун, макарон, пахта кунжара (шрот), қуруқ мева ва ҳаказо.

**Хаёт кечириши ва тузилиши:** Имаго (етук зот). Танаси бироз қавариқ икки томони бир-бирига деярли параллел, ялтироқ, қизғиши-жигарранг, баъзан боши ва орқасининг олди тўқроқ тусли, узунлиги 1,6-3 мм, кенглиги 0,9-1,7 мм, эркаги кичикроқ, узунлиги 2 ммча. Усти оқиш, қулранг-оқиш ёки жигарранг-оқиш ёхуд қизғиши-жигарранг, кўл билан сийпаласа осон кетадиган туклар билан қопланган. Мўйловлари 11 бўғимли, бўғимларининг пастки 2 таси ва тепа қисмидаги 3-5 таси бошқаларидан каттароқ. Тепа қисмидаги бўғимлар тескари-тўқмоқ шаклли, улар одатда урғочи қўнғизларда 4, эркакларида 5 бўғимдан иборат. Уч жуфт оёқчалари бор (117-118-119-120-расмлар).




117-расм. Капр қўнғизининг етук зоти.



118-расм. Капр қўнғизининг тухуми.



119-расм. Капр қўнғизининг личинкаси.



120-расм. Капр қўнғизининг мўйловидаги фарқи..

Тухуми оқ рангда, кейинчалик оч-сарғиши, одатда цилиндр, баъзан узунчоқ-овал шаклли, бир учи тўмтоқ, иккинчи учидаги бирнечта ўткир тикансимон ўсимталари бор. Узунлиги 0,7 мм, кенглиги 0,25 мм. Янги қўйилганда сутдай оқ, кейинчалик очиқ-сариқ тус олади. Личинка, 1-нчи ёш личинканинг узунлиги 1,6-1,8 мм, унинг ярмидан кўпроғи дум қисмига тўғри келади; қорнининг охирги сегменти устила кўп туклари мавжуд. Эни 0,25-0,3 мм. Танаси сарғиши-оқ, боши ва туклари жигарранг. Мўйловлари калта, Зта сегментдан ташкил топган. Вақт ўтиши билан личинка ўсади, тузи сарғиши-оқдан олтин рангга ёки қизғиши-қўнғирга айланади. Етилган личинканинг узунлиги 3-6 мм, эни 1.5 ммча, узунчоқ эллипсоид ёки тор урчуқ шаклли, ранги сарғиши-қўнғир, кўкрак қисмида 3 жуфт оёқчалари бор. Бўғимаро қисмлари қўнғир, склерабилан-қопланган, бўғимлари эса сарғиши, натижада

личинка кечаси ола-була тусли бўлиб кўринади. Ҳар битта бўғимини узун, сарғиши-қўнғир туклар қоплаган, дум томонидаги охирги бўғимдан бир даста, узунлиги ҳар хил бўлган, сарғиши-қўнғир туклар чиқсан. Махсулот капр қўнғизи билан заарланганлигининг яққол белгиси — унинг орасида тукли личинкалар ва туллагандан қолган қобиқларининг қолдиқлари.

Ғумбак оқиши тусли, танасининг усти сарғиши-қизғиши туклар билан қопланган. Эркак ғумбакнинг узунлиги 3,5 мм, урғочисиники 5 мм. Капр қўнғизининг ташқи белгилари: Капр қўнғизи личинка шаклида омборхоналар деворлари тешикларида қишлиайди. Ғумбаги личинканинг дарз кетган қобиги ичида ривожланади. Ғумбаклик даври 2-23 кун, 30°C да 4-5 кунга-тeng. Зааркунанданинг фақат личинка босқичи заар келтиради. Урғочи қўнғиз 25-40°Cда тухум қўя олади, 20°Cда тухум қўймайди; чиққандан 5-6 кундан сўнг оталанади ва 40°C да дархол, 35°C да 1 кун, 30°C да 2-3 кундан сўнг тухум қўйишга киришади. 30°C хароратда ўртача 65, 32°C да 126 тагача, иккинчи марта жуфтлашганлари 509 тагача тухум қўяди. Тухумлар хархил нотекис жойларга, мисол учун, қопларнинг устига, хамда уруғларнинг қобигига, ғаллада эса. уруғларнинг эгатчаларига қўйилади. 3-16 кундан кейин улардан личинкалар чиқади. Личинкалар 7-8 марта туллайди (8-9 ёш утади), 7-26 кун яшаб, сўнгра ғумбакланади. Бир йилда Ўзбекистонда 4 тагача, баъзи бошқа мамлакатларда 5 та ва қўпроқ авлод беради. Имаголарининг хаёт даври қисқа: жуфтлашган урғочи зотлари 4-7 кун, жуфтлашмаганлари 20-30 кун, эркак зотлари 7-12 кун яшайди. Улар учмайди, озиқланмайди ёки жуда кам озиқланади. Личинка Ўзбекистон шароитида 45 кунгача яшashi хабар қилинган.

Капр қўнғизининг яшashi ва ривожланиши учун юқори харорат ва паст намлиқ қулай хисобланади. Личинкалари хар-хил ўсимлик ва хайвон маҳсулотлари, дон, дондан тайёрланган маҳсулотлар билан озиқланади, аммо ун, ун чангини жуда яхши кўради. Ёш личинкалари бутун дон ва дон маҳсулотларини ея олмайди, ёши каттароқлари эса заарланмаган донни хам бузиб, ейди. Капр қўнғизи тез ривожланиши ва қўпайиши учун минимал харорат 24°C, оптимум 33-37°C (ўртача 35°C); жуда кам холларла оталаниши учун минимал харорат 10°C, максимум 42°Cни ташкил этади. Капр қўнғизининг ўзига хос хусусияти — озуқа бўлмаганда диапаузага кириб, узок вақтгача (4 йилгача) озиқланмай яшай олишидир; бу давр орасида личинка баъзан ташқарига чиқиб, озиқланиши ва туллаши, сўнгра эса, яна уша пана жойга қайтиб, диапаузани давом эттириши мумкин. Личинкалар совуққа анча чидамли, улар - 21°C га 4 соат давомида чидаши мумкин. Аммо тухумлари унча чидамли эмас: -1°C да 4 соатдан сўнг уларнинг 50 фоизи, 9 кундан кейин эса 100 фоизи халок бўлади. Дон 60°C гача қиздирилса, 5-нчи ёш личинкалар 25 минут, 1-нчи ёшлари 30 минут, имаголари 35 минутдан кейин ўлади. Капр қўнғизи барча ривожланиш босқичларида заарланган ғалла дони ва ғлла экинлари уруғи, улардан тайёрланган маҳсулотлар, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ва захиралари, транспорт воситалари хамда тара орқали тарқалади.

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Капр қўнғизи билан заарланганлиги гумон қилинган дон ва дон маҳсулотларини заарсизлантирмасдан Ўзбекистоннинг бошқа, бу ҳашарот учрамайдиган жойларига олиб бориш таъқиқланади:

- экинларнинг донларини метил бромид билан фумигация қилиш ёки инсектицидлар (фосфин) ёрдамида заарсизлантириш:

Профилактик чора-тадбирлар ўз ичига олади: Импорт қилинаётган карантин маҳсулотларни фитосанитария назорат қилиш, карантин объектлар билан мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишни тақиқлаш. Шунингдек сақлаш муассасалари омборхоналарни текшириш, зааркунанда аниқланса, карантин чораларини кўриш.

**Тури - ТРОГОДЕРМА ГРАССМАНИ ҚЎНҒИЗИ - *Trogoderma grassmani* Beal, 1954**

Авлоди –Трогодерма–*Trogoderma*

Оиласи–терихўрлар- *Dermestidae*

Туркуми–қаттиққанотлилар – *Coleoptera*

Синфи – ҳашаротлар –*Insecta*

Типи–бўғимоёқлилар – *Arthropoda*

**ТАРҚАЛИШИ** – Шимолий Америка, Аризона, Калифорния, Мексикада тарқалган (121-122-расмлар).



121-расм. Трогодерма гравсманни қўнғизининг имагоси.

122-расм. Трогодерма гравсманни қўнғизининг зарари.

**Тури - ТРОГОДЕРМА ОРНАТУМ ҚЎНҒИЗИ - *Trogoderma ornatum* Say. 1825**

Авлоди –Трогодерма–*Trogoderma*

Оиласи–терихўрлар- *Dermestidae*

Туркуми–қаттиққанотлилар – *Coleoptera*

Синфи – ҳашаротлар –*Insecta*

Типи–бўғимоёқлилар – *Arthropoda*

**ТАРҚАЛИШИ** – Шимолий Америкада тарқалган (123-124-расмлар).



123-расм. Трогодерма орнатум кўнғизининг имагоси.



124-расм. Трогодерма орнатум кўнғизининг личинкаси.

**Тури - ТРОГОДЕРМА СИМПЛЕКС ҚЎНҒИЗИ - *Trogoderma simplex***  
*Jayne, 1882*

Авлоди –Трогодерма–*Trogoderma*

Оиласи–терихўрлар- *Dermestidae*

Туркуми–қаттиққанотлилар – *Coleoptera*

Синфи – ҳашаротлар –*Insecta*

Типи–бўғимоёқлилар – *Arthropoda*

**ТАРҚАЛИШИ** – АҚШнинг ғарбий штатларида тарқалган (125-расм).



125-расм. Трогодерма симплекс қўнғизининг имагоси.

**Тури–ТРОГОДЕРМА АНГУСТУМ ҚҮНФИЗИ – *Trogoderma angustum* Solier, 1849.** (126-127-расмлар).

Авлоди – Трогодерма – *Trogoderma*

Оиласи – терихўрлар - *Dermestidae*

Туркуми – қаттиққанотлилар – *Coleoptera*

Синфи – ҳашаротлар – *Insecta*

Типи – бўғимоёқлилар – *Arthropoda*



126-расм. Трогодерма ангустум қўнфизининг имагоси.

127-расм. Трогодерма ангустум қўнфизининг личинкаси.

**Тури - ТРОГОДЕРМА СТЕРНАЛЕ ҚЎНФИЗИ - *Trogoderma sternale* Jayne, 1882.**

Авлоди –Трогодерма–*Trogoderma*

Оиласи–терихўрлар- *Dermestidae*

Туркуми–қаттиққанотлилар – *Coleoptera*

Синфи – ҳашаротлар –*Insecta*

Типи–бўғимоёқлилар – *Arthropoda*

ТАРҚАЛИШИ – АҚШда тарқалган (128-расм)..



128-расм. Трогодерма стернале қўнғизининг имагоси.

Тури - ТРОГОДЕРМА ЛОНГИСЕТОЗУМ ҚЎНҒИЗИ - *Trogoderma longisetosum* Chao et Lee, 1966.

Авлоди –Трогодерма–*Trogoderma*

Оиласи–терихўрлар- *Dermestidae*

Туркуми–қаттиққанотлилар – *Coleoptera*

Синфи – ҳашаротлар –*Insecta*

Типи–бўғимоёқлилар – *Arthropoda*

ТАРҚАЛИШИ – Хитой, Япония, Чехияда тарқалган (129-расм).



129-расм. Трогодерма лонгисетозум қўнғизининг имагоси.

**Тури - ТРОГОДЕРМА БАЛФИНЧАЕ ҚҮНГИЗИ - *Trogoderma ballfinchae* Beal, 1954.**

Авлоди –Трогодерма–*Trogoderma*

Оиласи–терихўрлар- *Dermestidae*

Туркуми–қаттиққанотлилар – *Coleoptera*

Синфи – ҳашаротлар –*Insecta*

Типи–бўғимоёқлилар – *Arthropoda*

**ТАРҚАЛИШИ – АҚШНИНГ АРИЗОНА ШТАТИДА ТАРҚАЛГАН (130-расм).**



**130-расм. Трогодерма балфинчае қўнғизининг имагоси.**

**Карантин чора-тадбирлари ёки кураш чоралари:** Республикамиз учун ташки карантин ҳисобланган донхўр қўнғизлар билан заарланганлиги гумон қилинган дон ва дон маҳсулотларини заарсизлантирмасдан (ишлов ўтказмасдан) Ўзбекистоннинг бошқа, бу ҳашарот учрамайдиган жойларига олиб бориш таъкиқланади:

- экинларнинг донларини метил бромид билан фумигация қилиш ёки инсектицидлар (фосфин) ёрдамида заарсизлантириш:

- озиқ-овқатга ишлатиладиган заарланган экинлар донларини термик усулда заарсизлантириш ( $60^{\circ}\text{C}$  да 30 мин. иситиш донни 100% га тозалайди):

- экинлар донлари сақланаётган омборхоналарни ва донларни Ўзбекистонда ишлатиш учун рухсат этилган инсектицидлар ёрдамида заарсизлантириш.

## **Педагогик технология “Муаммали вазият”**

Ўтилган мавзу юзасидаги маълумотларингизга асосланиб “Муаммоли вазият” омбор карантин зааркунандаларининг тарқалиши, зарари ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари ҳақида мустақил фикрингизни баён қилинг.

<b>“Муаммоли вазият” тури</b>	<b>“Муаммоли вазият” сабаблари</b>	<b>Вазиятдан чиқиб кетиш сабаблари</b>
	1. 2. 3.	1. 2. 3.

### **Назорат саволлари:**

- 1.Омбор карантин зааркунандаларини гапириб беринг?
2. Омбор карантин зааркунандаларини систематикасини гапириб беринг?
- 3.Хитой донхўри, кенг хартумли омбор узунбурууни, нўхат донхўрининг ривожланиш хусусиятларини гапириб беринг?
- 4.Капр қўнғизи, трогодерма авлодидаги қўнғизларнинг ривожланиш хусусиятларини гапириб беринг?
5. Дуккакли дон уруғларининг карантин зааркунандаларини гапириб беринг?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

- 1.George N.Agrios. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
- 2.Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopatological Society, 1993. Pp 173.
- 3.М.Т.Арсланов, А.У.Сагдуллаев, Ш.К.Алиев., Ўсимликлар карантини зааркунандалари тарқалишининг олдини олиш. - Тошкент 2017.
- 4.Поспелов С.М., Шестиперова З.И., Долженко И.К. Основы карантинна растений. –Москва, «Агропромиздат». 1985.
- 5.Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврӯз”, 2020, 247 б.
- 6.Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.
- 7.Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантин асослари фанидан лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма Тошкент 2014 й.

8. Ўсимликлар карантини тұғрисидаги қонун ва қоидалар (янги таҳрири)  
Тошкент. 2018.

9.Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда  
уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. Тошкент, “Yangi Nashr  
Nashriyoti”, 2019, 375 б.

10.Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ғўзани заарқунанда, касалликлар ва  
бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.

11.Шералиев А.Ш., Ўлмасбаева Р.Ш. Қишлоқ хўжалик экинлари  
карантини, Талқин, Тошкент, 2007.

### **Интернет сайтлар**

12.<http://www.quarantine.com>.

13.[www.plantprotection.com](http://www.plantprotection.com)

14.[www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm](http://www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm)

## **5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ЭНТОМОФАГЛАРИ**

**Дарс мақсади:** Тингловчиларга карантин зааркунандаларининг энтомофаглари: пседефикус, лебия қўнғизи, макроцентрус, хушбўй колосома, родолия, берлези проспалтелласи, фойдали проспалтелла, қисқа ҳошияли афитис, сариқ коккофагус каби текинхўр ва йиртқич энтомофагларнинг тарқалиши, морфологик белгилари, ихтисослашган зааркунандаси, ривожланиш хусусиятлари, уларни интродукция қилиш бўйича тушунча бериш мақсадида ўқитиш ва таълим бериш жараёнида илгор педагогик технологияларини қўллаш самарадорлиги ҳақида маълумотларни ўзлаштиришдан иборат.

**Кўргазма материал:** карантин зааркунандаларининг энтомофаглари: Шунингдек интродукция қилишда зарур бўладиган жиҳозлар, ҳашаротлар намуналари.

### **5-МАВЗУ: КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ЭНТОМОФАГЛАРИ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ ИНТРОДУКЦИЯ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

#### **Тури – ПСЕВДОФИКУС - *Pseudaphicus maculipenis*- ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.**

Ҳашаротларга қарши биологик усулда курашнинг афзалликларини Ўрта Осиёга Япония давлатидан кириб келган тутнинг хавфли зааркунандаси - комсток қуртига қарши Псевдофикус энтомофагини қўллаш билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистонда комсток қуртига қарши кураш мақсадида 1945 йилда Америкадан махсус паразитлар *Pseudaphicus maculipenis* ва унгуборли қуртга қарши *Pseudaphicus maculipenis* ҳамда 1962 йилда Шимолий Кореядан иккита аллотроп келтирилган.

Булар *Encyrtidae* оиласига мансуб бўлган жуда кичкина, катталиги 1 мм бўлган кулранг қанотли ҳашаротлардир.

*Pseudaphicus maculipenis* личинкалари Комсток қурти танасида ривожланади (ҳар бир комсток қурти танаси ичида 30 тагача паразит ривожланади). Ургочи *Pseudaphicus malinus* 160 тагача тухум қуяди. Уруғ қуиши 2-8 кун давом этади. Шу давр мобайнида *Pseudaphicus malinus* 25-30 та комсток куртини заарлайди.

Хосил бўлган етук паразит ҳашаротлар комсток қуртининг танасини тешиб учеб чиқади ва қайтадан бошқа қуртларни заарлайди. Паразитлар личинка ҳолида комсток қуртининг ўлган личинкалари мўмиёсида қишлиб

чиқади. Бир мавсумда паразитлар 5-8 та авлод беради. Бир авлодининг ривожланиши 17-21 кун давом этади. Демак псевдофикуснинг иккита авлод ривожланиши, комсток қуртининг бир авлод ривожланишига туғри келади. Мумиёларни +3, +6°C да ярим йилгача сақлаш мумкин.

Ҳаво ҳарорати 15°C га етганда, апрел-май ойларида мўмиёлардан псевдофикус учиб чиқади. Биологик кураш усули - заарли ҳашаротларга қарши фойдали ҳашаротлардан фойдаланиш усулидир. Комсток қуртига қарши курашишда псевдофикусдан фойдаланилади.

Хозирги вақтда псевдофикус Ўзбекистоннинг табиий- иқлим шароитига мослашиб, комсток қуртининг кескин кўпайиб кетишини олдини олмокда.

Псевдофикус 3 кундан 12 кунгacha яшайди. Тухумларини комсток қурти танасининг ичига кўяди. Битта урғочи псевдофикус бутун ҳаёти даврида 75-160 донага кадар тухум Кўйиб, 20 дан ортиқ комсток қуртини палажлайди.

Псевдофикус барча ёшдаги комсток қуртларини қиради (131-132-расмлар).

Ҳар бир қуртда ёши ва катталигига қараб, 1 дан 30 га кадар паразит ривожланади. Тухумдан чиқсан псевдофикус қўғирчоклари комсток қуртининг ички аъзолари билан озиқланади. Псевдофикус қўғирчокларининг ёши етилгач, теварагида юпка пардадан катаклар ҳосил қилиб, шу ергаги қўғирчоққа тухум куяди. Қўғирчокдан катта ҳашаротлар ҳосил бўлиб, улар курт қобиғини кемиради, ташқарига учиб чиқади ва янгитдан бошқа қуртларни қира бошлайди.

Псевдофикус паразитининг бутун ривожланиш цикли қурт танасининг ичидаги ўтади. Ўзбекистон шароитларида псевдофикус 6-8 насл беради, Тожикистанда эса 8-9 насл беради. Иклим шароитига қараб бир наслнинг ривожланиши 16 кундан 33 кунгacha давом этади.

Паразит заарлаган комсток қурти дастлабки кунлар озиқланишида давом этаверади ва сиртдан соғлом қуртлардан фарқ қилмайди. Орадан 5-6 кун ўтгач, улар мумсимон қобиғини йукотади, озиқланишдан тўхтайди, бетоқат бўла бошлайди ва хилват жойларга, пўстлок ёриқлари, коваклар, тупроқ орасига, дараҳтларнинг илдиз атроф қисмига тўпланиб, шу ерда ҳалок бўлади ва мўмиё шаклини олади.

Мўмиё овалсимон шаклда бўлиб, сомон рангда, унинг ёнбошида ўсимтанинг синиқ қолдиқлари бор.

Псевдофикус мўмиёда (ҳалок бўлган қурт танаси) катта қўғирчоқ босқичида қишлияди. У қаттиқ (-30 градусгача) совуқларга чидаш беради.

Қиши даврида пўстлок ости, пўстлок ёриқлари ва дараҳт ғовакларидағи хилват жойларда мўмиёга айланган кўпдан - кўп қуртлар қишлияди. Улар тупроқда асосан дараҳтнинг тана теварагида тўпланиб, ўт босган қумлоқ бўш тупроқни афзал бўлади.

Шунинг учун мўмиё жуда майда бўлиб, дараҳтларда уларни пайқаш қийин бўлади. Псевдофикуснинг бундан кейинги наслларининг учиб чиқиши комсток қуртининг янада йирикроқ қуртлари ривожланиш даври билан мувоғик келади, шунинг учун айниқса кузга бориб, комсток қурти жуда тез тўпланди.

Бунинг устига комсток қуртининг учта насли ривож лангунча, псевдофикуснинг етти насли ривожланади, шунинг учун кузга бориб дарахтларда мўмиёга айланган қуртлар жуда кўп бўлиб, комсток қуртининг сонини кам даражага келтиради, айрим жойларда эса уни батамом ҳалок қиласди.

Псевдофикусни комсток қурти босган худудларда кенг тарқалиши учун улар биолабораторияда урчитилади.



### КОМСТОК ҚУРТИ ЭНТОМОФАГЛАРИНИ ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА КЎПАЙТИРИШ

Псевдофикусни кўпайтириш учун лаборатория хоналари ва озиқаларни тайёрлаш. Энтомофагларни кўпайтириш учун (2,5-2,5x4) катталикдаги маҳсус хоналар танлаб олинади. Хоналарга 3 каватли, эни 0,5 метрли, баландлиги 1,5 метрли стеллажлар ўрнатилади. Стеллажларга бир қават қилиб қоғоз тўшалади. Комсток қурти лаборатория шароитида картошканинг мўрт ўスマларида ва ошқовоқда жуда яхши кўпаяди.

### ЗАРАРКУНАНДА ВА УНИНГ ПАРАЗИТИНИ КАРТОШКАНИНГ МЎРТ ЎСМАСИДА КЎПАЙТИРИШ

Картошканинг мўрт ўスマларини олиш мақсадида “Ранная роза”, “Вольдман”, “Лорх”, “Курье” ва “Коллективный” навлари танлаб олинади. Уларни 60x30x15 см катталикдаги яшикларга жойланади ва стеллажнинг 3 қаватига қўйилади.

Қум билан тупроқни тенг микдорда аралаштириб, яшикларга солинган картошкани устига 3-4 см қалинликда сепиб чиқилади, бунда ҳар бир яшикда 2-3 кг картошка бўлиши лозим. Шу тариқа картошкалар экилгандан сўнг устига сув сепилади ва усти брезент билан ёпилиб, коронгиликда сақланади. Коронгиликда картошка оқ мўрт ўсимталар ҳосил қиласди ва унда комсток қурти яхши ривожланади. Хонада ҳарорати доимий равишда 18-20°C, намлик эса 65-75% бўлишини таъминлаш керак.

Шундан сўнг картошка ўсимталари бўйи 15-20 см га ўсганда, уларни комсток қуртининг уруғи билан заарлантирилади. Бунинг учун 3x5 смли коғоз бўлагига жойлаштирилган, мўмиёдан ажратиб олинган уруғларни, коғозни ярим буккан ҳолда, ўсимталар орасига қўйиб чиқилади.

Тухумлардан комсток қуртининг личинкалари очиб чиққандан сўнг, парда ёки деразаларни очиб, тарқоқ ёруғлик яратилади.

Орадан 15 кун ўтгач, картошкалар йиғишириб олиниб, юмшоқ чўтка билан мўмиёга айланган қуртлар супириб туширилади. Экилган картошкага тез-тез сув қуиб турилади ва картошка ниш уриб, 10-15 см га қадар ўсгандан сўнг комсток курти юқтирилади.

Бунинг учун комсток қуртининг кузда дараҳтлардан йиғиб олинган тухумлари ишлатилади. 15 кун ўтгач, коғоз тутқичлар йиғишириб олиниб, мўмиёлари чутка билан туширилади ва пробиркаларга солинади ҳамда комсток курти юккан ҳар бир дараҳтга тахминан 20-50 дона ҳисобидан тарқатилади.

Дараҳтларнинг ковак, пўстлоқ ёриғи ёки кучган пустлоғи остидаги комсток қуртининг биринчи насли учинчи ёшга етган даврда мўмиё тарқатилади.

Ёш қурчаларни шамол учириб юбормаслиги ва учган псевдофикус ўз курбонини дарров топиши учун шундай жойлар танланади.

Лаборатория шароитларида хонада доимий ҳарорат ва ҳаво намлигини сақлаган ҳолда псевдофикусни йил бўйи кўпайтириш мумкин.

Комсток курти тарқалган худудда псевдофикус жуда тез кўпаяди. Ҳозирги вақтда уни комсток курти тарқалган ҳамма ерларда учратиш мумкин.

Псевдофикусни маҳсус мўмиё ҳолида тарқатилиши шунга ёрдам беради. У ўз хўжайнини - комсток курти билан биргаликда тутнинг қуруқ барглари, шохлари, сув ва шамол воситасида тарқалади.

Бироқ, бу тарқалиш нотекис борганлигидан, псевдофикус катта худуддаги зааркунандаларни одам иштирокисиз кира олмайди.

## **ЗАРАРКУНАНДА ВА УНИНГ ПАРАЗИТИНИ ОШҚОВОҚ МЕВАСИДА КЎПАЙТИРИШ**

Бунинг учун ошқовоқнинг “Перехватка” ёки “Испан” навлари танлаб олинади. Ажратиб олинган ошқовок мевалари кўриб чиқилиб, заарланган жойлари парафин билан ямаб чиқилади ва бир қатор қилиб хонадаги стеллажларга жойлаштирилади.

## **КОМСТОК ҚУРТИНИ ОНАЛИК КУЛЬТУРАЛАРИНИ ОЛИШ**

Зааркунанданинг оналик культуралари келажакда ундан тухум олиш ва кўпайтириш учун зарур бўлиб, улар маҳсус хона ҳароратида сақлаб турилади.

Бунинг учун сентябр-октябр ойларида заарланган тут новдалари тайёрланади ва улар ошқовоқ мевалари устига жойлаштирилади. 2-3 кундан кейин қуриган барглар ва новдалар олиб ташланади ва бошка новдалар

куйилади.

Агар барглар зааркунанда билан кам заарланган бўлса, новдаларни йиғиштириб олиш, 3-5 марта қайтарилади.

Ошқовоқни табиатдан йиғиштириб олинган уруғлар билан ҳам заарлаш мумкин.

Бунинг учун тухумлар 23-24°C да 3-4 кун сақланади, ҳали тухум сумкачасидан чиқиб улгурмаган “дайди” қуртчалар пайдо бўлиши биланқ, уларни чўткача билан олиб ҳар бир ошқовоқ мевасига 5-7 марта қўйилади.

Комсток қурти билан заарланган ошқовоқ мевалари жойлаштирилган хонада ҳароратни бир хил +26, +28°C ва намликни 65-75% да ушлаб туриш керак.

Намликни доимий ушлаб туриш учун иккита ҳаво намлагич ёки пол намлаб турилади. Кунлик ёруғлик давомийлиги 12 соатдан кам бўлмаслиги керак.

### **ПСЕВДОФИКУСНИ ЙИҒИШ ВА САҚЛАШ**

Псевдофикаусни энг яхши тўплаш муддати 15 октябрдан то декабрга қадар - қор тушгунгача бўлган даврdir.

Мана шу вақтда псевдофикауснинг фаол ҳаёт фаолияти тугалланади ва у баҳоргача мўмиёланган комсток қуртида катта қўғирчок босқичида тинч ҳолатда сақланиб чиқади.

Мумиёларни йиғиб олиш учун махсус майдон ажратилади. Август ойида комсток қурти жуда кўп тарқалган (мўмиёси бўлган) дараҳтга ҳар тупга 30-50 донадан қоғоз тутқичлар қўйилади.

Псевдофикаус заарлаган қуртлар шу тутқичларга иштиёқ билан ўтиб, уша ерда мўмиёга айланади. Октябр ойининг иккинчи ярмидан бошлаб тутқичлар йиғиб олинади ва сақлашга топширилади, айни вақтда дараҳтдан комсток қуртининг барча тухумлари ҳам йиғиштириб олинади.

Буларнинг орасида жуда кўп мўмиё қалин (0,5 мм тешикли) элақдан ўтказилиб, тухумлар ва тутқичлар ёқиб юборилади.

Мўмиёлар ҳар бири 20-30 минг чамаси миқдорда дока халтачаларга солиниб, бостирмали саройда (6-10°C температурада) сақланади.

Қишида псевдофикаус қуртчалари мўмиё ичида 6 ойга қадар сақланади.

Псевдофикаус комсток қурти юқсан дараҳтларга учинчи ёш комсток қурти қўғирчоқлари ривожланадиган 15 майдан 1 июнга қадар бўлган даврда чиқарилади.

Бундан 10 кун олдин сақланган жойидан олиниб, пробиркаларга тақсимлаб (ҳар бирига 1-2 минг донадан) солинади.

Псевдафикаусни дараҳтларга пробиркадан сочиш қулайроқ бўлади.

Хисоблашни соддалаштириш учун ўлчов пробиркаларидан фойдаланилади.

Икки - уч халтачадан бир пробирка мўмиё олиниб, ҳар бир пробиркадаги мўмиё саналади ва ҳар бир пробирка учун ўртacha мўмиё сони чиқарилади. Мўмиё сони шу билан ўлчанади.

Агар дараҳтга кимёвий ишлов берилган бўлса, псевдофикаус шундан 5-7 кун ўтгач чиқарилади.

Баён этилган тадбирларга тўғри риоя қилинганида комсток қуртидан бўладиган нобудгарчиликларни кескин равишда камайтириш ва уни Ўзбекистоннинг комсток қурти юқмаган зоналарига тарқалишига йўл қўймаслик мумкин.

Заараркунандага қарши тавсия этилган кимёвий воситаларни икки йилда бир марта пуркаш зарап уни зарап етказмайдиган ҳолга олиб келиши мумкин.

Бунинг учун комсток қуртининг биринчи насли ривожланиш даврида иккинчи ва учинчи ёшдаги қўғирчоқлар кўплаб пайдо бўла бошлаганда (барча агротехника коидаларига риоя қилган ҳолда) кимёвий воситалар пуркаш зарур.

Комсток қуртига қарши кураш жуда қийин бўлиб, унинг биофенологиясини билишни талаб этади. Шундагина унга қарши кураш ишларини янада самарали ўтказиш мумкин бўлади.

### **Лебия қўнғизи - (*Lebia grandis* Hentz)**

Қаттиқ қанотлилар (*Coleoptera*) ёки қўнғизлар туркуми, жужелицалар (*Carabidae*) оиласига мансуб бўлиб, итузумдош экинларда фақат 7 тур рўйхатга олинган. Колорадо қўнғизи энтомофагларидан фақат битта турни (*Lebia grandis*), биологияси берилган.

Бу тур колорадо қўнғизига қарши курашда энг юқори биологик самара берувчи ҳисобланади. У Шимолий Американи Буюк Кўл туманидан то АҚШ нинг Миссури дарёси, Атлантик океанини шарқий-ғарб ва шарқий томонигача тарқалган.

Пуштдорлиги юқори бўлиб, 1300 тагача боради. Тухумини тупроқ устига қўяди ва ҳар бир тухумни қуришини олдини олиш учун, тупроқ бўлаклари билан ёпди. Тухумни ривожланишини давомийлиги ҳаво ҳарорати  $25^{\circ}\text{C}$  да 11-12 кунни ташкил этади. Тухумдан чиқсан личинкани озиқланиши бўйича у йиртқич ҳисобланади, у жуда ҳаракатчан, бу ерда колорадо қўнғизини личинка ва ғумбакларини излаб топиш учун тупроққа тез кириб боради. Биринчи ёшдаги личинкалар ўзини ўлчамини кичик бўлишига (3-4 мм) қарамай, катталиги ўлжага нисбатан 200-300 марта кичик бўлсада, ўлжага хужум қила олади.

У хўжайнин личинкаси ёки ғумбагини танасини охирги бўғимини дорсал томонига ёпишиб олади ва кейинчалик эктопаразит каби ривожланади. Хўжайнин танасига ёпишиб олган личинка 1(б) ёш туламасдан озиқланишда давом этади, бунда секин-аста хитин қобиғи катталашиб боради ва арқамчисимон шаклга ўтади, аммо морфологик белгилари бўйича 1а га нисбатан сезиларли даражада фарқ қиласи; уни тергитлари ва стернитлари йўқолади, бош қисмини тузилиши ўзгариб борадиантена ва бошқа органлари редукцияланиб боради. Иккинчи ёш личинкалар озиқланмайди ва тупроқда ғумбакка айланади. Тухумдан личинкани чиқишидан то имагони чиқишигача ривожланиш жароаёни, ҳарорат  $25^{\circ}\text{C}$  да 18-20 кун давом этади.

Тупроқ юзасига чиқсан қўнғизлар йиртқичлар каби ҳаёт кечиради, колорадо қўнғизи тухуми ва личинкалари билан озиқланади. Имаголар тез ҳаракатда бўлганлиги сабабли ўсимлик бўйлаб кўтарилиш хусусиятига эга.

Лебия имаго босқичида қишлийди ва Шимолий Америкада мавсумда 2 бўғин беради. Лекин бу тур Европа давлатларида иқлимлаша олмади.

### **Макроцентрус - (*Macrocentrus ancylovorus* Roh.)**

Парда қанотлилар (*Hemiptera*) туркуми, асл яйдоқчилар (*Ichneumonoidae*) бош оиласи, браконидлар (*Braconidae*) оиласига мансуб майда текинхўр ҳашарот.

АҚШ да 1921 йилда ёзилган ва кейинроқ, шарқ меваҳўрига қарши Нью – Жерси ва қўшни шататлардан хусусан Калифорния, ҳамда Канадада (Онтирио вилояти) кенг кўлланилган.

Бу тур дастлаб Россияга АҚШ ва Канадан 1966 йилда интродукция қилинган. Бу ерда Н.Н. Шутова ва М.К.Егоровалар томонидан текинхўрни биологияси ўрганилган ва уни лаборатория шароитида кўпайтириш усули ишлаб чиқилди.

Бир ёшли личинка босқичида шарқ меваҳўри қуртларида қишлиб чиқади. Личинкалари қурт танаси ичида уч ёшгача ривожланади. Фақатгина хўжайин пилла ўрагандан сўнг, текинхўр личинкалари тўрт ёшгача фаол ривожлана бошлайди ва ташқарига чиқиб ривожланишини ташки текинхўр каби тугаллади.

Етук личинкалар хўжайин пилласи ичида пилла ўрайди ва ғумбакка айланади..

Ғумбакнинг ривожланиши 7-8 кун бўлиб, етук зотлари қўшимча озиқланади. Жуфтлашиб бўлгандан сўнг 3-4 кун ўтиб ёш қуртларни излаб топади ва уларни заарлайди. Баъзан такрорий заарлаш жараёни содир бўлади. Бу вақтда биринчи бўлиб чиқсан личинка хўжайин гемолимфасида физиологик ҳолат яратадики бу тухумдан чиқа олмаган личинкаларни нобуд бўлишига олиб келади.

Ҳар куни ўртача заарланган 20 га яқин қуртларни ҳар бирига биттадан тухум қўяди. Бита ургочи 500 тага яқин тухум қўяди. Полиэмбрион натижасида, текинхўр тухуми бир нечта ҳужайраларга (2-4 ), кейинчалик ҳар биридан алоҳида личинкалар пайдо бўлади. Бир ёшли личинка деярли озиқланмайди. Аммо бу гурӯҳ вакиллари барг ўровчиларга нисбатан биологик самараси бироз кам. Бунинг сабаби хўжайин ҳашаротларни излаб топиш хусусияти сустроқ бўлишидир. Қурт атрофида янги экскременти ва ўргимчак уйи йўқ бўлганда уларни борлигини сеза олмайди. Макроцентрус Сочи шароитида бир йилда 5 та авлод беради.

### **Хушбўй колосома (*Calosoma sycophanta* L.)**

Қаттиқ қанотлилар (*Coleoptera*) ёки қўнғизлар туркуми, жужелицалар (*Carabidae*) оиласига мансуб бўлиб, танаси чиройли, қорамтирик кўкиш товланади, танаси йирик, чўзинчоқ, металлсизмон белгиси бор, оёқлари югурувчан типда, оёқларнинг панжалари 5 бўғимли. Одатда олд қанотлари қизғиши тусли. Қанот усти, тиллосизмон-кўкиш миссизмон қизил товланиб туради, уларда унчалик катта бўлмаган ўйиклар бор. Мўйловлари, оғиз қисми, болдири ва панжалари қора. Катталиги 24–32 мм. ни ташкил этади.

Тенгсиз ипак қуртига қарши калосома қўнғизлари дастлаб АҚШ да қўлланилган ва шароитга мослашуви туфайли ижобий натижалар олинган.

Ҳар хил ёшдаги қўнғизлар тупроқ ичида ўзининг ғумбакли бешикларида қишлиб чиқади. Қишлиб чиқсан қўнғизлар май ойи охирида чиқади ва тенгсиз ипакчиси қуртлари ҳамда бошқа турдаги ипак ўровчиларнинг катта ёшдаги қуртлари билан озиқланади. Дастлабки личинкалари 3–15 кундан кейин пайдо бўлади ва июлнинг ўрталарида ривожланишини тамомлайди. Сўнгра тупроқда ғумбакка кетади. Личинка 3 ёшни ўтайди ва ривожланиши табиий шароитга боғлиқ ҳолда, ғумбакланиш даври билан бирга (4–7 кун) 20–40 кун давом этади.

Личинкалари камподеосимон кўринишда, жуда серҳаракатчан, уч ёшни ўтайди. Тупроқдаги ва дараҳтлардаги қуртларга ҳужум қиласи. Тухумини тупроққа 1–3 тагача кўяди; улар одатда ҳаёти давомида тухум қўйиши 100 та, баъзан 300 тага етади. Ёз мавсумида 200–300 тенгсиз ипак қурти ва 10–20 тагача ғумбагини йўқотади. Ҳушбўй калосома Чехия, Полша, Германия ва Арманистон мамлакатларида давлат ҳимоясига олинган. Вояга етган қўнғизлар 2–4 йилгача яшайди. Бир йилда битта авлод беради.

### **Родолия - (*Rodoliae cardinalis* Hovius.)**

Қаттиқ қанотлилар (*Coleoptera*) ёки қўнғизлар туркуми, тугмача қўнғизлар (кокцинеллидлар) (*Coccinellidae*) оиласига мансуб бўлиб, Австралиядан келтирилган бу тур АҚШда интродукциялантирилган. Бундан ташқари Повловнинг маълумотига кўра 1931 йилда Мисрдан келтирилган. Сўнг карантин ҳисобланган ҳаммахўр зааркунанда Грузияда Австралия тарновчўп қуртига (*Zcerua purchasi*) қарши муваффақиятли қўлланилган. Ҳозирги вақтда ҳамма ҳудудларда (Абхазия, Аджария ва Краснодар ўлкасини субтропик иқлим шароитида) тўлиқ иқлимлаштирилган. Родолия тог ён бағларида, ўрмон атрофида экилган қишлоқ хўжалик экинларида учрайди. Қизил гигант қуртчасини ҳамма фазасини йўқотади.

Етук қўнғизининг тана узунлиги 3–5 мм, ранги қизил. Қаноти устида йирик думалоқ 2 та қора доғлари кўриниб туради. Ёш личинка кулрангда, қизғиши тусли белгиси бор. Йиртқич, қуриган барглар, ёрилган қобиқ ва бошқа жойларда ғумбак фазасида қишлиб чиқади. Баҳорда қўшимча озиқлангандан сўнг тухум қўйишга киришади. Унинг тухуми қизил рангда – ғадир-будур, ясси шаклда бўлиб, личинкалар чиқиши билан комсток қуртлари тухумини излаб топади ва уни ички борлиғи билан озиқланади. Ўрта ёшдаги личинкалари қулранг, ўлжасининг личинкаси ва тухуми билан озиқланади.

Вояга етган личинканинг танаси қизғиши-жигаррангда; боши, оёқлари ва пятна иккитадан вступа, олдингиси 1та, орқа томони 2 та тукчалардан иборат; қорин бўғимлари бир тарафлама, бел томоннинг ҳар бир тана бўғими 4 тадан дўнглик бўлиб, тукчалар билан қопланган; тана ўлчами 4–5 мм дан иборат. Родолияни личинкаси 4 босқични ўтайди; ғумбакланиш босқичи шоҳлар ёки баргларни орқа томонида содир бўлади. Катта ёшдагилари зааркундаларнинг ҳамма фазалари билан, қўнғизлари эса фақат

инцериянинг личинкаси билан озиқланади. Родолиянинг ёз мавсумида тухумининг етилиши - 4 кун, 1 ёшли личинка -2 кун, 2 чи ва 3 чи ёшлари 2 кун, 4 ёшлилари -3 -5 кун ва ғумбаги 4-6 кун жами 15–20 кун давом этади.

Битта урғочиси 300–800 дона тухум қўяди. Уларни қўпайтиришда ицерияларни зарарлаш ва оранжерия ўсимлигидан фойдаланилади. Родолиянинг тухум қўйиш даври ёз мавсумида 2-3 ҳафта давом этиб; 54 тадан то 816 тагача ўзгариб боради.

Йиртқич ҳамма жойда тез иқлимлашиш хусусиятига эга. Бу тур Сирдарё, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида учрайди. Бир йилда 5 та авлод беради.

### **Берлези проспалтелласи - (*Prospaltella berlesei* How).**

Парда қанотлилар (*Hemiptera*) туркуми, афеленидлар (*Aphelinidae*) оиласига мансуб бу тур тут қалқондорига қарши қўллаш мақсадида 1947 йилда Батумига келтирилган ва шу ерга иқлимлаштирилган. Бу ҳашаротни биолабораторияда қўпайтириш усули Белявека (1967 й.) томонидан ишлаб чиқилган. Етук зоти сарик, 0,5—0,7 мм катталикда, елкаси, қоринчасининг усти ва болдири қорамтири. Эркак зоти маълум эмас. Тухумидан фақат урғочи индивидлар етишади (телитокик партеногенез). Ҳар бир хўжайнин ҳашаротга бир донадан тухум қўяди. Ривожланишининг ҳамма босқичи қалқондор танаси ичида кечади. Заарланган қалқондорлар дастлаб қораяди, кейинчалик ғиштсимон рангга киради. Текинхўр йил давомида беш марта урчиди. Калифорния қалқондорининг бир авлодига нисбатан икки марта авлод беради. Бу эса хўжайнин ривожланишининг ҳар хил босқичида текинхўрлик қилишига олиб келади; дастлаб 1-2 ёшдаги личинкаларни, сўнг вояга етган урғочиларни заарлайди. Битта урғочиси ўртacha 100 тага етказиб тухум қўяди. Қулай шароитда 36–40 кун ривожланади ва шу давр ичида самарадорлиги шароитга қараб ўзгариб боради (11 дан 94% ).

### **Фойдали проспалтелла - (*Prospaltella perniciosi* Tow).**

Парда қанотлилар (*Hemiptera*) туркуми, афеленидлар (*Aphelinidae*) оиласига мансуб бу тур калифорния қалқондорини ички текинхўри ҳисобланади. Ўтган асрнинг 47-йилида АҚШ дан 57- йилга келиб, Корея ярим ороли ва Хитойдан интродукция қилинган, ҳамда Қораденгиз сохили, Кранодар ўлкасида тўлиқ иқлиматирилган. Узок Шарқда маҳаллий популяцияси учрайди.

Етук зоти сарик, 0,5—0,7 мм катталикда, елкаси, қоринчасининг усти ва болдири қорамтири. Эркак зоти маълум эмас. Тухум қўйичи ўрта болдирга нисбатан бир оз қисқа. Урғочисини мўйловлари баргаксимон. Тухуми, чўзинчоқ, бир оз арқонсимон, ривожланиши охирида юмалоқ шаклга ўтади.

Урғочилари дайдиларидан ташқари хўжайнин ҳашаротнинг ривожланишининг ҳамма фазаларида уларнинг танасига партеногенетик ёки оталанмаган тухум қўяди.

Тухумидан фақат урғочи индивидлар етишади (телитокик партеногенез). Ҳар бир хўжайнин ҳашаротга бир донадан тухум қўяди. Қалқондор личинкалари ёки ёш урғочи тухуми очиб кўрилганда бинокуляр орқали

күздан кечирилгандынан улар яқол билиниб туратын. Биринчи ёш бўғимлари 13 таңдан иборат бўлиб ташки томондан аниқ кўриниб туратын. Қуйруғи личинкаларни равон ҳаракатланишини таъминлаб турати ва узунлиги танани 1/3 қисмiga тенг. Личинкани ривожланиши 10-11 кун давом этади. Икинчи ёшдаги личинкаларнинг ривожланиши 5-6 баъзан 15 кунгача давом этади, учинчи ёшларининг қуйруғи секин-аста қисқариб боради ва кейинчалик тўлиқ йўқолиб боради.

Проспалтэла тухуми калифорния қалқондори личинкасида қишлиб чиқади. Баҳорда тухумлардан чиқкан личинкалар қалқондор танаси ички борлиги билан озиқланади ва шу ерда ғумбакка айланади.

Заараланган қалқондорлар дастлаб шишади, кейинчалик ғиштсизмон рангта киради ва қаттиқлашади. Етук текинхўр кутикула қалқонни ва қалқонда ясси тешик ҳосил қилиб кемиради ва ташқарига чиқади.

Чиқиндилар ажралиб бўлғандан кейин ғумбакланиш босқичи бошланади, сўнг тшлиқ ғумбакка айланади. 6 ёки бир неча кундан сўнг текинхўр имагоси учиб чиқа бошлайди.

Етук ҳашарот хўжайин тиник-тўқ сариқ капсула ва қалқондор ичидан иккита думалоқ тешик очиш учун жойни кемиради ва ташқарига чиқади.

Учиб чиқкан иманолар озиқланмасдан икки кунгача яшаши мумкин. Лаборатория шароитида углеводлар билан озиқлантирилганда (тоза асал, асал ва шакарли эритма), ҳаётчанглиги 18-23 кунгача узайиши кузатилган.

Текинхўр йил давомида беш марта урчиди. Калифорния қалқондорининг бир авлодига нисбатан икки марта авлод беради. Бу эса хўжайин ривожланишининг ҳар хил босқичида текинхўрлик қилишига олиб келади; дастлаб 1-2 ёшдаги личинкаларни, сўнг вояга етган урғочиларни зааралайди. Битта урғочиси ўртача 30-50 тага етказиб тухум кўяди. Қулай шароитда 36-40 кун ривожланади ва шу давр ичидан самарадорлиги шароитга қараб ўзгариб боради

Мавсумда Красноярск шароитида 5-6 та бўғин бериб кўпаяди. Популяциялар минус  $-22^{\circ}\text{C}$  да чидамлиги ортиб боради, аммо юқори ҳароат ва намлиқдар уларни кўпайиши камайиб боради.

Шимолий Кавказ шароитида ҳарорат 21-23 21-23 кун, 18-20 ва нисбий ҳаво намлиги 75 % да 18-21 кун давом этади. Биринчи, иккинчи ва учинчи авлодлар апрелдан- июнб ойларида, тўртинчиси июль-август ойларида ва 5, 6 ва 7 чи авлодлари эса тегишлича сентябрь, октябрь ва ноябрь ойлари охирида пайдо бўлади.

### Қисқа ҳошияли афитис – *Aphis proclia* Wlk.

Парда қанотлилар (*Hemiptera*) туркуми, афелениидлар (*Aphelinidae*) оиласига мансуб бу тур калифорния қалқондорини ташки текинхўри ҳисобланади. Россияни европа қисми, Шимолий Кавказ шу жумладан Қора дengиздан ажралиб қолган туманларда кенг тарқалган.

Личинка танаси ясси, таранг, сариқ, оёқлари ривожланмаган.

Ғумбаги оч-сариқ, қаноти жигарранг белгиларга эга. Урғочилари тухумини қалқондор дорсали томонидаги қалқон остини тешиб кўяди.

Тухумдан 4-6 кундан кейин личинкалар чиқади ва ўлжа ғумбагини ички борлиғи билан озиқланади. Қалқондор танаси түқ тусга ўтади ва тозаланиб қолади.

Личинка ғумбакка айланишдан олдин қызғиз рангда 6-8 та йирик бўлакли меконий ажратиб чиқаради ва тўлиқ тозаланади. Личинка нобуд бўлган қалқондор қалқони остида личинка, тухум ва ғумбак фазасида қишлиб чиқади. Меконий сони ўртacha 12 донадан 41 тагача ҳар хил ҳолатда, яъни катта ёшдаги личинкалар ёки шаклланган ғумбак атрофида жойлашади. Етук ҳашарот май ўрталарида урғочи қалқондорлар пайдо бўлиши билан учиб чиқа бошлади.

Биринчи авлод личинкалари одатда июнь охирига бориб пайдо бўлади, бу вактда калифорния қалқондори биринчи ёш личинкаларини ривожланишига тўғри келади. Битта авлодни ривожланиши 30-40 кун давом этади.

Афитис ҳаётини давом этиши учун қўшимча гул нектари билан озиқланади ва шу билан бирга пуштдорлигини ҳам ортишини (40-45 дона) таъминлайди. Текинхўр йил давомида 4-5 та авлод беради.

Кўпроқ афитисларни авлодларини бир – биридан фарқлаш ишлари меконий ранги бўйича (қора ёки тўқ каштанли) олиб борилади. Бунда меконий сони, уни ташқи қўриниши ва ҳар бир элементларига асосланади. Шунингдек, имаголар учиб чиққандан сўнг, қалқон ичидаги қолган меконий сонига қараб текинхўр тури аниқлаш мумкин.

### **Сариқ коккофагус - (*Coccophagus gurne* Camp.)**

Парда қанотлилар (*Hemiptera*) туркуми, афелениидлар (*Aphelinidae*) оиласига киради. Ўтган асрнинг 60 –йиларида АҚШ дан Абхазияга келтирилган ва шу ерда иқлимлаштирилган.

Ўрта Осиё республикаларида акация, олма, олхўри, олчаларда кенг тарқалган сохта қалқондор ва цитрус мумсимон қурти учун ихтисослашган бирламчи текинхўри ҳисобланади.

Урғочисининг танасини учдан бир қисми қора рангда, қалқони сариқ бўлиб, тана узунлиги 0,8–1,2 мм га яқин. Эркаги танасининг ҳамма қисми қора.

Тухуми бир оз учли ва олдини кетинги қисми жигаррангсимон тусда. Личинка бўғимлари тўлиқ етилмаган, боши яққол билиниб турди ва деярли узун думли ғумбакка айланишдан олдин тўқ қўринишдаги чиқиндилар ажратиб чиқаради ва улар чўзиқ меконий ҳисобланади.

Вояга етган личинка ёки ғумбаклари мумиёлашган хўжайин тансида қишлиб чиқади. Бошқа коккофагулар қаби, кўпайиши аренотокия типи бўйича, оталанмаган тухумдан эркак зотлар ва оталанган тухумдан урғочилари учиб чиқади. Аммо эркак личинкалар ўзларига боғлиқ бўлган турлар ичидаги иккиламчи ёки бошқа тур цитрус мумсимон червецларига нисбатан бирламчи текинхўри ҳисобланади. Личинкалар кириб борган червец танаси ва улар озиқланиб бўлгандан сўнг мумияланиб қолади.

Урғочилари 1 ёшдаги личинкалардан ташқари ҳамма фазаларига

тарқалади ва танасига биттадан тухум қўяди. Битта урғочиси ўртача 45-60 тага етказиб тухум қўяди. Ривожланиши давомийлиги 2-3 ҳафтани ташкил қилади. Қулай ҳарорат ва намликда бир ой давомида тўлиқ ривожланиб бўлади. Бир йилда 5-6 та авлод бериб кўпаяди.

### Карантин зааркунанда ҳашаротларниң энтомофаглари.

	Ўзбекча	Русча	Лотинча
1	Бракон	Бракон	<i>Habrobracon hebetor</i> Say.
2	Доғсимон подизус	Подизус пятнистый	<i>Podisus maculiventris</i> Say
3	Етти нуқтали хон қизи	Семиточечный коровка	<i>Coccinella septempunctata</i> L.
4	Изланувчи пимпла	Пимла исследовател	<i>Pimpla turionella</i> L.
5	Иккинуқтали хилокорус	Хилокорус двуточечный	<i>Chilocorus bipustulatus</i> L.
6	Ипакчи теденомус	Теденомус шелкопрядный	<i>Telenomus lymantiae</i> Kozl.
7	Коккофагус	Коккофагус	<i>Coccophagus hamaiensis</i> Timb,
8	Криптолемус	Криптолемус	<i>Cryptolaemus montrouzieri</i> Muls.
9	Лебия қўнғизи	Лебия	<i>Lebia grandis</i> Hentz.
10	Макроцентрус	Макроцентрус	<i>Macrocentrus ancylovorus</i> Roh.
11	Микроплитис	Микроплитис	<i>Microplitis spectabilis</i> Hal.
12	Новиус	Новиус	<i>Novius cardinalis</i> Muls
13	Теденомус	Теденомус тетратомус	<i>Telenomus tetratomus</i> Thoms.
14	Оддий олтинкўз	Обыкновенный златоглазки	<i>Chrysopa carnea</i> Steph.
15	Опиус	Опиус	<i>Opium humilis</i> Silv.
16	Опиус	опиус	<i>Opium perproximus</i> Silv.
17	Периллус	Периллус	<i>Perillus bioculatus</i> Fabr.
18	Проспалтелла	Проспалтелла берлези	<i>Prospaltella perniciosi</i> Tow.
19	Псевдафикус	Псевдафикус	<i>Pseudaphycus malinus</i> Gah.
20	Родолия	Родолия	<i>Rodolia cardinalis</i> Hovius.
21	Сариқ коккофагус	Жёлтый коккофагус	<i>Coccophagus gurne</i> Camp.
22	Сариқ оёқ экзохомус	Экзохомус желтоногий	<i>Ecochomus flaripes</i> Thunb.
23	Силиқ теденомус	Теденомус гладковатый	<i>Telenomus laeviusculus</i> Ratz.
24	Тўрт доғли экзохомус	Экзохомус четырехпятнистый	<i>Ecochomus quadripustulatus</i> L.
25	Тўрт тишли асгогастер	Аскогастер четырехзубчатый	<i>Ascogaster quadridentatus</i> Wesm.
26	Фойдали Проспалтелла	Проспалтелла полезная	<i>Prospaltella perniciosi</i> Tow.
27	Япон анастатуси	Анастатус японика	<i>Anastatus japonicus</i> Ashm.
28	Хелонус	Хелонус	<i>Chelonus inanitus</i>
29	Хушбўй калосома	Красотел пахучий	<i>Calosoma sycophanta</i> L.
30	Қизил оёқ микродус – руфипес	Микродус красноногий	<i>Microdus rufipes</i> Wesm.

31	Қисқа ҳошияли афитис	Афитис короткобахромчатый	<i>Aphitis proclia</i> Wlk.
32			<i>Anticetus ohgushii</i> Tach
33			<i>Dibra chyscarus</i> Wlk.
34			<i>Microterys eriseri</i> Ichii
35			<i>Horogenes lenestralis</i> Holmge.
36			<i>Scutellista cuanta</i>
37			<i>Trichogramma achaeae</i>

### **Педагогик технология “ФСМУ” техникаси ёрдамида фикрингизни баён этинг**

Ўтилган мавзу юзасидаги маълумотларингизга асосланиб “Муаммоли вазият” карантин зааркунандаларининг энтомофаглари ва уларнинг тарқалиши, интродукция қилиш, ихтисослашган бўйича мустақил фикрингизни баён қилинг.

### **“ФСМУ” техникаси ёрдамида фикрингизни баён этинг**

Савол	Сабаб?
(Φ)-фикрингизни баён этинг (С)-фикрингизни баёнига санаб кўрсатинг (М)-кўрсатган сабабингизни исбртловчи далил келтиринг (Ү)-фикрингизни умунлаштиринг	

#### **Назорат саволлари:**

1. Псевдефикус энтомофаги ҳақида гапириб беринг?
2. Лебия қўнғизи ҳақида гапириб беринг?
3. Псевдефикус энтомофагини кўпайтириш йўллари ҳақида гапириб беринг?
4. Хушбўй колосома, родолия энтомофаглари ҳақида гапириб беринг?
5. Карантин зааркунандаларининг тарқалиши ва уларни интродукция қилиш ҳақида гапириб беринг?

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. George N. Agrios. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
2. Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopathological Society, 1993. Pp 173.
3. М.Т. Арсланов, А.У. Сагдуллаев, Ш.К. Алиев., Ўсимликлар карантини зааркунандалари тарқалишининг олдини олиш. - Тошкент 2017.

4.Поспелов С.М., Шестиперова З.И., Долженко И.К. Основы карантина растений. –Москва, «Агропромиздат». 1985.

5.Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврўз”, 2020, 247 б.

6.Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.

7.Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантин асослари фанидан лаборатория машғулотлари. Ўкув қўлланма Тошкент 2014 й.

8.Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ва қоидалар (янги таҳрири) Тошкент. 2018.

9.Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. Тошкент, “Yangi Nashr Nashriyoti”, 2019, 375 б.

10.Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Гўзани зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.

11.Шералиев А.Ш., Ўлмасбаева Р.Ш. Қишлоқ хўжалик экинлари карантини, Талқин, Тошкент, 2007.

### Интернет сайплар

12.<http://www.quarantine.com>.

13.[www.plantprotection.com](http://www.plantprotection.com)

14.[www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm](http://www.uky.edu/Ag/Entomology/ythfacts/entyouth.htm)

## **6-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: КАРАНТИН ЗААРКУНДАЛАРИГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕСТИЦИДЛАР**

**Дарс мақсади:** Тингловчиларга карантин зааркундаларига қарши қўлланиладиган пестицидлар: фосфорорганик, синтетик пиретроидлар, аралаштирилган инсектицид-акарицидлар, ихтисослашган акарицидлар, гормонал инсектицидлар, фенилпиразоллар синфи, оксадиазинлар синфи, бошқа инсектицидлар, микробиологик инсектицидларининг хусусиятлари, таъсир механизmlари бўйича тушунча бериш мақсадида ўқитиш ва таълим бериш жараёнида илгор педагогик технологияларини қўллаш самарадорлиги ҳакида маълумотларни ўзлаштиришдан иборат.

**Кўргазма материал:** карантин зааркундаларига қарши

қўлланиладиган пестицидлар: фосфорорганик, синтетик пиретроидлар, аралаштирилган инсектицид-акарицидлар, ихтисослашган акарицидлар, гормонал инсектицидлар, фенилпиразоллар синфи, оксадиазинлар синфи, бошқа инсектицидлар, микробиологик инсектицидлар гурухига мансуб инсектицид-акарицид, микробиологик препаратлар намуналари.

## **6-МАВЗУ: КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЕСТИЦИДЛАР ТАВСИФИ. (инсектицидлар ва акарицидлар)**

Заарли ҳашарот ва каналарга қарши асосан органик синтетик препаратлар ишлатилади. Улар кимёвий бирикмаларнинг ҳар хил синфларига мансубдир. Ҳар қайси синф муайян умумий физик-кимёвий хоссаларга эга бўлиши билан бирга, таъсир қилиш механизми ҳам умумий бўлиши мумкин. Шу боисдан препаратларни уларнинг кимёвий тузилиши ва зааркунандаларга таъсири бўйича гурухлаб таърифлаш мумкин бўлади.

### **ФОСФОРОРГАНИК БИРИКМАЛАР (ФОБ) (карбофос, Би-58, пиринекс, политрин, сумитион,)**

Фосфорнинг органик бирикмаларига асосланган препаратлар ҳозирги пестицидлар орасида муҳимларидан бири ҳисобланади. Улар юқори даражада инсектицид ва акарицид сифатида зааркунандаларга тез таъсир кўрсатади, биологик муҳитда узоқ туриб қолмайди ва парчалангандага заҳарсиз маҳсулотлар ҳосил қиласи, суст даражада тўпланади, бир қатор препаратлари ичдан таъсир қилиш хусусиятига эга ва шунинг учун кичик ҳажмда пуркаш йўли билан фойдаланиш, шунингдек ҳар гектарга оз миқдорда сарфланиши мумкин.

Кўпчилик фосфор органик бирикмаларнинг салбий томони ҳам бор. Булар иссиқёнли ҳайвонлар ва одам учун, шунингдек кўпчилиги фойдали ҳашаротлар учун кучли заҳардир. Сурункасига ишлатилганда бу бирикмаларга қарши тез орада зааркунандаларнинг чидамли популяциялари пайдо бўлиши мумкин.

Фосфорорганик бирикмаларнинг ҳашаротларга заҳарли таъсир қилишига сабаб шундаки, улар ферментларнинг фаоллигини издан чиқаради. Заҳар ҳашарот жисмига тушиши биланоқ дарҳол заҳарланиш аломатлари юз беради ва у тезда фалажланиб, ҳалок бўлади. Кўпчилик фосфорорганик препаратлар ишлатилиши билан заҳарлилигини кўрсатади ва ишлов беришдан кейинги дастлабки соатларда зааркунанда ўлади.

Фосфорорганик препаратлар личинкаларни ва етук ҳашаротларнинг кўпчилигини йўқотади, аммо тухумларга кам таъсир қиласи, бироқ мой эритмасида тайёрланиб, ҳашарот ва каналарнинг тухуми ичига ўта оладиган баъзи препаратлар бундан мустаснодир.

Лаборатория шароитида ўтказилган тажрибаларимизда бу гурухга оид препаратлар (рогоғ, антио, базудин ва бошқалар) тавсия қилинган сарф-

меъёрида тўлиқ хўлланганда ғўза тунламининг 50-82% тухумларини ўлдирган.

Фосфорорганик бирикмаларнинг аксарияти иссиққонли ҳайвонлар ва одам учун ўртача заҳарлидир, аммо булар орасида кам заҳарлилиги ҳам бор. Фосфор бирикмаси ҳайвон ва одам организмидаги ферментлар таъсирида тезда заҳарсиз маҳсулотларга парчаланади ва организмдан чиқариб юборилади. Бу гурухдаги бაъзи бирикмалар сезиларли даражада ва бир меъёрда кумулятив таъсир қилиш хусусиятига эгадир. Бу ҳол тажрибадаги ҳайвон жисмига заҳарни кичик дозаларда тез-тез юбориб турилганда рўй беради. Фосфорорганик бирикмалар гурухида бўлган ҳозирги препаратлар тупроқда ва ўсимлик-ларда кўпи билан бир ойгача сақланади. Шунинг учун белгиланган оралиқ муддатларга риоя қилинганда уларнинг муҳитда ҳамда чигитни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларда тўпланиш хавфи туғилмайди.

ФОБлар тупроқда микрофлора, намлик ҳамда ўсимликлардаги кимёвий ўзаро алоқалар таъсирида ва уларга ўсимлик ферментлари, қуёш радиацияси таъсир қилиши натижасида парчаланади. Ўсимлик қанча ёш бўлса, парчаланиш жараёни (метаболизм) шу қадар жадал кечади, бу эса биокатализаторлар, ферментлар, гормонлар, витаминалар иштирокидаги синтетик жараёнларнинг юқори даражада физиологик фаол равишда рўй бериши билан изоҳланади. Бу бирикмаларнинг фаол шакллари пестицидлар билан ўзаро бир-бирига таъсир қилиб, уни ўзгартиради, бу эса эски тўқималарда анча сусаяди.

Кўпчилик фосфорорганик бирикмалар ўсимликнинг ичидан таъсир қилиш хусусиятига эга. Бундай таъсир кўрсатишнинг моҳияти шундан иборатки, бунда препарат кутикула ва барг лабчалари (устъицалари) орқали, шунингдек (захар тупроқка солинганда) илдиз орқали ўсимликка ўтади ва унда (препаратнинг хусусиятларига қараб) флоэма, перенхима, хужайра деворчалари, транспирация оқими, ксилема ҳамда хужайра ораликлари орқали тарқалади.

Пестицидлар асосан ўсимликнинг тез ўсадиган қисмларида силжийди, уларнинг тарқалиш тезлиги ҳар хил бўлади. Пестицидларнинг ўсимликка ўтиши ва тарқалиши ўсимликнинг хусусиятларига, ташқи муҳит шароитларига, препаратнинг физик-кимёвий хоссалари ва турига боғлиқ. Ёш ўсимликнинг барглари пестицидларни жуда яхши ўтказади. Қулай сув тартиби пестицидларнинг адсорбциясига ва уларнинг жойдан-жойга силжишига ёрдам беради. ФОБ лар билан ишлов беришда шуни эътиборга олиш керак. Ичдан таъсир қиласи-ган препаратлар нам билан яхши таъминланган ўсимликларга тез ўтади. Пестицидларнинг ўсимликка жадал ўтишида ҳарорат, ёруғлик, ҳавонинг намлиги катта аҳамиятга эгадир.

**БИ-58, (диметоат).** Соф моддаси: 0,0-диметил-S-N-метилкарбамоил-метил)-дитиофосфат. Юқори ҳароратга чидай олмайди ва иситилганда изомерларга парчаланади. Ультрабинафша нурлар таъсирида парчаланиши анча тезлашади. Сақлаш мобайнида фаол моддаси – фосфамид унча узок турмайди ва тез орада заҳарлилигини йўқотади.

Үсимлик сиртига тушган фосфамид ҳарорат, ёруғлик ва сув таъсирида тез парчаланади, аммо үсимлик ичида у заҳарлилик хусусиятини 20 кунгача сақлайди. Препарат ичдан яхши таъсир этади. У үсимлик ичида кислема бўйича (илдиздан ер устки қисмларга томон) яхши силжийди, лекин флоэма бўйича (барглардан илдизга томон) силжиши қийин, шу боисдан баргга сепилган фосфамид унда қолаверади.

Тўғри қўлланганда, яъни сарфлаш меъёrlарига, шунингдек, ишлов бериш шартларига қатъий амал қилинганда бу препарат үсимликка зарар етказмайди. Аммо амалда баъзан үсимликни куйдирib қўйиши мумкин. Бунга препаратнинг сарфлаш меъёри ва ишлов бериш шартларини бузиш сабаб бўлади. Кундузи ҳарорат  $28^{\circ}$  дан ошганда ишлов бериш тўхтатилиши лозим (Турабходжаева, 1973).

Фосфамид кучли ва унча узоқ давом этмайдиган ичдан таъсир этувчи инсектицид ва акарицид ҳисобланади. Препарат асосан сўрувчи зааркунандаларга (ўргимчаккана, үсимлик ширалари, қандала, трипс ва бошқаларга) қарши қўлланилса яхши натижа беради, кемирувчи зааркунандаларнинг (ғўза тунлами, карадрина ва ҳ.к.) кичик ёшдаги қуртларини ҳам ўлдиради. Үсимлик ичига тез ўтиши ва сиртида парчаланиши туфайли фойдали ҳашаротларга қиладиган заҳарли таъсири узоққа чўзилмайди. Шу жиҳатдан ишлов беришни энтомофагларнинг энг кўп қисми ғумбаклагандаги тухум шаклида бўлганда ўтказиш муҳимдир.

Фосфамид 40% ли эмульсия концентрати шаклида чиқарилади ва пахтачиликда бир қанча сўрувчи зааркунандаларни йўқотишида ҳар гектарга 1,5-2 л дан сарфлаб ишлатилади. У иссиқконли ҳайвонлар ва одам учун ўртacha заҳарлидир ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 230 мг/кг га teng). Тери орқали сезиларли даражада таъсир қилади. Ғўза фосфамид билан шиддатли ишланаверса ўргимчаккана, үсимлик ширалари ва оққанотда якка ва гурухли чидамлилик вужудга келиши мумкин. Ғўзага охирги марта фосфамид билан ишлов бериш пахта очилишидан 15 кун олдин, бошқа экинларга ишлов бериш эса 30 кун илгари тўхтатилади. БИ-58 билан ишланган далага трихограммани 15 кун, браконни – 10 кун, стеторусни 5 кун кейин қўйиш мумкин.

**Карбофос, 50% эм.к. (фуфанон, 57% эм.к.).** Соф моддаси: 0,0-диметил-S-(1,2-дикарбетоксиятил)-дитиофосфат. Юқори ҳарорат шароитларида нисбатан тез парчаланиб кетадиган препарат. У нордон ва ишқорий муҳитда ва айниқса тунука идишда тез парчаланади. Шунинг учун ҳам карбофос ич томондан маҳсус материал билан қопланган тунука идишларда ёки пластик канистрларда тарқатилади.

Карбофос сиртдан таъсир қиладиган инсектицид ва акарицид бўлиб, бошлангич пайтда жуда заҳарлидир, аммо қисқа муддатда самара беради. Бу препарат фумигант сифатида ҳам таъсир қилиши мумкин. Карбофос парчаланиши ва буғланиши туфайли үсимлик сиртидан тез кўтарилиб кетади. Одам ва ҳайвонлар учун карбофос ўртacha заҳарлидир.  $\text{ҮД}_{50}$  каламуш учун вазнининг ҳар килограммага 450-1300 мг гача ўзгаради. Кумулятив таъсири деярли йўқ, терига суст таъсир қилади.

Ғұзанинг сүрүвчи зааркунандаларига (үргимчакканы, үсімлік шираздары ва б.) қарши кураш олиб борилғанда гектарига 1,0-2,0 л дан ишлатиш тавсия этилған. Тез парчаланиши ва иссиққонлиларга нисбатан кам заһарлилігі уни иссиқхоналарда (0,05-0,15%), сабзавотчиликта (0,1-0,2%), боеңдорчиликта (0,2-0,3%), чорвачиликта сиртқи ва тери ости паразитларға қарши қўллаш имконини беради. Ишлов беришни пахта етилишидан 20 кун олдин тугаллаш тавсия этилади.

**Пиринекс, 40,8% эм.к. (дурсбан).** Соф моддаси: хлорпирифос. Замонавий ФОБ, соф ҳолда бир қатор қишлоқ хўжалик экинларини зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун ишлатилади. Шунингдек, синергист сифатида синтетик пиретроидга (циперметрин) аралаштирилиб (Нурел-Д) ишлатилади.

Хлорпирифос иссиқ қонли ҳайвонлар учун ўртача заһарли бирикма бўлиб, атроф муҳитга катта хавф туғдирмайди. Пиринексни ғўзада шира ва трипсга қарши (0,5-0,7 л/га), оққанот ва үргимчакканага қарши (1,5 л/га); олма дараҳтларида-меваҳўрга (1,5-2,0 л/га) ҳамда үргимчакканаларга қарши (2,0 л/га) қўллашга рухсат берилган. Ҳосил етилишидан 30-40 кун илгари ишловни тўхтатиш лозим. Айрим ҳолларда (юқори ҳарорат ва намлик, эритма қуюқлиги юқори бўлғандан) хлорпирифос нозик барг ва новдаларни куйдириши мумкин.

**Политрин (поликрон, қуракрон).** Соф моддаси: профенофос. Ўртача заһарли ФОБ. Жуда кўп сўрүвчи зааркунандалардан самарали ҳимоя қиласи. Үргимчакканы, шира, трипс, қандалалар, қалқондорлар ва комсток қуртига қарши энг юқори натижага беради. Профенофоснинг ижобий ҳусусиятла-ридан бири – фойдали ҳашарот – олтинкўзга нисбатан шафқатлилигидир. 2005 йилдан бошлаб комплекс зааркунандаларга қарши самара берадиган аралашма – Политрин-К (кейинги бўлимларда тавсифланган) синаб жорий этилди.

## СИНТЕТИК ПИРЕТРОИДЛАР

(каратэ, циперметрин, циперметрин плюс, децис, талстар, фастак, атилла супер, далатэ, децис плюс, дефентокс, пульсар, карэкто, лямба)

Охирги 25 йил ичидә үсімліктарни зааркунандалардан ҳимоя қилишда дунё миқёсида янги гуруҳ препаратлар – пиретроидлар мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу препаратлар узоқ йиллардан буён ишлатиб келинаётган барча бошқа препаратлар олдида бир қанча афзалликларга эга, бироқ бирмунча камчиликлари ҳам мавжуд.

Синтетик пиретроидлар циклопропан кислоталари маҳсули бўлиб, табиии пиретринлардан ёруғликка чидамлилиги билан фарқ қиласи. Шунинг билан бирга, улар одам ва ташқи муҳит учун камроқ хавфлидир, чунки улар жуда оз микдорда ишлатилиб, нисбатан қисқа муддат ичидә хавфсиз моддаларга парчаланиб кетади. Пиретроидларнинг ҳашарот организмига таъсир қилиш механизми ўзига хос бўлғанлиги сабабли зааркунанда тез заһарланади. Ҳисобли дақиқа ичидә препаратнинг сиртдан ёки ичдан таъсир

қилиши натижасида озиқланишни тўхтатиб, ташқарига чиқади ва оғзидан сариқ суюқлик чиқаради. Нихоят, заҳарланиш даражасига қараб бир неча дақиқадан бир неча соатгача вақтда ўлади. Пиретроидларга «нокдаун самара» хосдир, яъни жисм етарли микдордаги препарат билан заҳарланмаса, олдин изтироб чекиб, сўнг яна ўнгланиб олиши мумкин. Кўпчилик пиретроидлар бир йўла тухум, курт ва етук зотга таъсир қилиши мумкин.

Одам ва иссиққонли ҳайвонлар учун пиретроидлар турлича заҳарли бўлиши мумкин. Улар ичидаги кам заҳарли, ўртача заҳарли ва ўткир заҳарлилари (*десис*) мавжуд. Лекин одатда пиретроид препаратларнинг шакллари жуда оз микдорда таъсир қилувчи моддага эга (масалан, десиснинг 1 литрида 25 грамм) ва бир гектар ерга сарф қилинадиган препарат микдори ҳам кам. Шунинг учун амалиётда жуда кучли суюлтирилган препарат микдори билан иш тутилади. Бу эса заҳарланиш имконини жуда пасайтиради. Лекин пиретроидларнинг камчиликлари ҳам йўқ эмас. Улар қаторига «аллергоэффект», яъни препарат таъсири остида одамзодда аллергия (тана қизариши, қичишиш, ачишиш) рўй берни мумкин. Аллергоэффект пиретроидларнинг ҳаммасига ҳам хос эмас. Бундай таъсир ишлаган одамларнинг барчасида бўлмай, балки айримларида намоён бўлади. Фойдали ҳашаротларнинг етук зотларига ва личинкаларига (қуртига) кўпгина пиретроидлар 7-12 кун мобайнида таъсир қиласи, аммо ғумбаклик, шунингдек эндопаразитлик даврида таъсир қилмайди. Барча пиретроидлар сувда яшовчи ҳайвонларга кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун уларни сув ҳавзалари ва сув иншоотлари яқинида ишлатиш ман этилади.

Пиретроидлар хусусиятларига кўра, биринчи ва иккинчи синфларга бўлинадилар. Биринчилари кўпгина ҳашаротларга таъсир қиласи, аммо ўргимчакканаларга таъсир қилмайди (*кинмикс*, *десис* ва бошқалар). Иккинчилари ҳашаротлар билан бир қаторда ўргимчакканаларга ҳам таъсир этиб, амалиётда кўпроқ аҳамиятга эгадир (*каратэ*, *талстар*). Шу билан бирга иккинчиларининг ҳар гектарга кетадиган сарфи анча пастдир.

ЎзЎҲИда пиретроидларнинг ғўзага таъсири ва чигит ҳамда олинадиган мой таркибида қолдиқлари бўлиши мумкинлиги ўрганилди. Аниқланишича, *сумицидин*, *цимбуши*, *рипкорд*, *десис* каби пиретроидлар заараркунандасиз ғўзага сепилганда ҳосил камаймаган, балки бирор ошган ҳам. Ғўза ўсиши даврида пиретроидлар 4 марта (ҳар 25 кунда бир) сепилганда, бу препаратларнинг қолдиги чигит ва ёғда топилмаган.

Шундай қилиб, пиретроидлар гурухига кирувчи препаратлар энг юқори самарали ва юқори талабларга жавоб берганлиги сабабли улар кенг жорий этилган эди. Лекин ўтган йиллар мобайнида пиретроидларга нисбатан бардошлилик юзага кела бошлади. Шу боис, ҳозирги даврда узоқ йиллардан бери ишлатилиб келинаётган пиретроидларнинг самараси пасаяётганлиги маълум бўлди. Шунинг учун пиретроидлар-нинг янги намуналари яратилиб, бардошликтининг олдини олиш механизmlари кашф этилаяпти.

**Циперметрин.** Соф моддаси: циперметрин-*α*-циано-3-феноксибензил-2,2-диметил-3-(2,2-дихлорвинил)-циклопропан-карбоксилат. Синтетик пиретроид-ларнинг биринчи авлодига мансуб бўлиб, у деярли барча техник,

сабзавот-полиз экинларини ҳамда боғ дараҳтларини ва яйловларни (чиғиртқадан) турли заарарқунандалардан (ўргимчакканадан ташқари) ҳимоя қилишда 1981 йилдан бери ишлатилиб келинади. Препаратни дунёдаги йирик пестицид ишлаб чиқарувчи фирмалар яратиб, уни турлича аташган. Жумладан, у Ўзбекистонда ҳам циперметрин номи билан ишлаб чиқарилади. Барча ишлаб чиқарувчилар уни 25% ли эмульсия концентрати (эм.к.) шаклида тайёрлашади, яъни 1 л препарат 250 мл соф моддага эга.

Циперметрин номли фаол (соф) моддага эга бўлган препаратлар ҳашаротларга сиртдан ва ичдан таъсир этади. Булар системали (ўсимлик орқали) таъсир этиш қобилиятига эга эмас. Препарат аннотациясига кўра, циперметрин иссиқконли ҳайвонларга ўртacha таъсир этадиган бирикмалар қаторига киради ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 242-542 мг/кг га тенг); тери орқали кам заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  – 3000 мг/кг га). Куруқ ва салқин жойда 2-3 йил мобайнида кучини йўқотмайди.

Ўзбекистонда 15 хил экин ҳамда яйловларда турли заарарқунандаларга қарши турли сарф-меъёрда (0,14-1,6 л/га) қўллашга рухсат этилган (Рўйхат, 2018).

**Децис, 2,5% эм.к. (децис, 10% эм.к., патриот, 12,5% эм.к.).** Соф моддаси: дельтаметрин, биринчи авлод пиретроидларнинг энг самарали намунаси сифатида ҳали ҳам моҳиятини йўқотгани йўқ. У илк бор Франциянинг «Просида» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган эди. Бу инсектицид кўпроқ кемирувчи ҳашаротларнинг етук зоти ва қуртларига кучли таъсир кўрсатгани ҳамда соф моддасининг сарф-меъёри жуда кам бўлганлиги (7,5-25 гр/га) сабабли бутун дунёда ва Ўзбекистонда кенг ишлатилади. Ҳозирда ҳам у 18 хил экин ва яйловларни турли заарарқунандалардан ҳимоя қилиш учун тавсия қилинган (Рўйхат, 2010). Препаратда соф модданинг микдорига қараб, сарфлаш меъёри 0,1-1,0 л/га дан (децис, 2,5%), 0,05-0,06 л/га гача (патриот, 12,5%) ўзгаради.

Дельтаметрин иссиқконли ҳайвонлар учун юқори дара-жада заҳарли моддадир. ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 128-139 мг/кг, сичқонлар учун эса 33-44 мг/кг).

Ғўзада децисни кузги тунлам, кўсак қурти, оққанот (0,7 л/га), қандала (0,6 л/га) ва шираларга қарши (0,3 л/га) қўллаш-га рухсат берилган. Ўргимчакканана кўпайиши мумкин бўлган ерда децис ишлатилса, у кейинчалик кескин кўпайиб кетиши мумкин. Шунинг учун, бундай вазиятда децисга бирор (омайт, неорон, ниссорон) акарицид кўшиб ишлатилади.

**Каратэ, 5% эм.к. (каратэ зеон, 5% сус.к.; атилла, 5% эм.к.; кураши, 50 г/л, эм.к.)** Соф моддаси: лямбдацигалотрин, юқори заҳарли кимёвий модда ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 118 мг/кг га тенг). Каратэ ўз хусусиятларига кўра пиретроидлар-нинг янги авлодига мансуб бўлиб, ҳашаротлар билан бирга ўргимчакканаларга ҳам таъсир этиш қобилиятига эга. Юқори даражада фаоллигига кўра, жуда кам микдорда соф модда сарфланганида ҳам (5-30 гр/га) юқори самарага эга бўлинади. Ўзбекистонда уни илк бор картошкани колорадо қўнғизидан ҳимоя қилиш учун тавсия этилган эди (0,1 л/га). Ҳозирда у 11 хил экинларни турли хил сўрувчи ва кемирувчи

зааркунандалардан ҳимоя қилиш учун тавсия қилинган.

**Талстар, 10% эм.к. (пиларстар).** Соф моддаси: бифентрин, ўта заҳарли модда ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 54,2 мг/кг га тенг). Американинг ФМС фирмаси томонидан таклиф этилган бу препарат Ўзбекистонда кенг синалиб, ижобий хулосаларга сазовор бўлган. У самарали инсектицид бўлиши билан бирга акарицид ҳамдир. Шунинг учун ҳам у республикада 5 хил экинни ҳимоя қилишга рухсат этилган. Талстар кўп йиллар мобайнида республика далаларида кенг қўлланиб келинади. Бир мавсумда бир даланинг ўзида ўргимчакканага қарши 2 ва ундан кўп марта ишлатилса, кейингиларида канага қарши самараси кескин пасайиб кетади. Препаратнинг шакли қулай, хиди паст, аллергия чақирмайди, қуруқ ва салқин шароитларда 2-3 йил ўз хусусиятларини йўқотмайди.

**Фастак, 10% сус.к. (трамп, фаскорд).** Соф моддаси: альфа-циперметрин. Бу модда циперметринга хос изомерлар орасидан энг самаралисини ажратиб олиш маҳсулидир. Альфа-циперметрин бир қатор ижобий хусусиятларга эга: у иссиққонли ҳайвонлар ҳамда асалари ва пардақанотли энтомофаглар учун кам хатарлидир, сарф-меъёри жуда оз (соф моддаси бўйича 10-30 г/га), кўзланган обьектларга қарши эса юқори самаралидир. Буларга энг аввал чигирткалар, колорадо қўнғизи ва ғўзада кўсак курти киради.

Ўзбекистонда фастак қуидаги экинларда заарли обьектларга қарши тавсия қилинган: картошкада колорадо қўнғизига (0,07-0,1 л/га) қарши (0,1 л/га) (Рўйхат, 2018).

**Фьюри, 10% с.э.к.** Соф моддаси: зета-циперметрин, ўртача заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун ичдан таъсир этганда 385 мг/кг га тенг). АҚШнинг ФМС фирмаси томонидан 1992 йили таклиф қилинган циперметриннинг самарали изомерларидан бири асосида тузилган. Препарат қуидаги ижобий хусусиятларга эга: зааркунандаларга нисбатан юқори самара-га эга, сарф-меъёри жуда оз (фаол модда бўйича 10-30 г/га), чидамлиликни тез вужудга келтирмайди, қўллаш учун қулай ва тежамлидир. Препарат таркибига унинг самарадорлигини оширувчи шундай қўшимча моддалар киритилганки, улар биргаликда ҳашаротларда чидамлилик юзага келишининг олдини олади. Ўсимликлар учун мутлақо заарсиз, атроф-мухитни кам ифлослантиради.

Ўзбекистонда фьюри 7 хил экинларни ҳимоя қилиш учун рухсат этилган. Жумладан, ғўзада: трипс ва қандалалар (0,2 л/га), шира ва ғўза тунлами (0,3 л/га), чигирткаларга қарши (0,08-0,1 л/га) тавсия этилган, шунингдек картошка (0,1-0,15 л/га), тут (0,15 л/га), карам (0,1-0,3 л/га), узум ва олмани (0,25 л/га) ҳимоялашда қўлланилади (Рўйхат, 2010).

**Carol, 10% эм.к.** Соф моддаси-перметрин. Carol, 10% эм.к. инсектициди 2016 йилда Ўзбекистоннинг “AGRO REEF” МЧЖ, томонидан картошка қуяси, колорадо қўнғизларига қарши қўллаш учун таклиф этди ва 0,4-0,6 л/га сарф-меъёрида ушбу зааркунандаларга қарши юқори самарали эканлиги аникланди.

## АРАЛАШТИРИЛГАН ИНСЕКТИЦИД-АКАРИЦИДЛАР

*(нурелл-Д, импалла, нанофос, агроплан супер, эмаматч, экстра микс)*

**Нурелл-д, 55% эм.к.** Соф моддалари 2 қисмдан иборат: циперметрин (5%) ва хлорпирифос (дурсбан) – 50%. 1 л препарат таркибида 50 мл циперметрин билан 500 мл хлорпири-фос мавжуд. У аралаштириб тайёрланган препаратлар ичидаги энг биринчиси ва энг омадлисиadir. Шунинг учун ҳам у бир неча йирик фирмалар томонидан ишлаб чиқилиб, дунё бўйича кенг жорий этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам 1987 йиллардан бери қўлланилиб келинади. Аралашма қўсак қурти ва ўргимчакканда каби қийин заҳарланадиган обьектларга қарши юқори самара олишда қўл келган инсектоакарицидdir. Нурелл-Д ўртача заҳарли пестицид ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун ичдан таъсир кўрсатганда 245 мг/кг га тенг). Нурелл-Д қўйидаги экинларни ҳимоя қилиш учун рухсат этилган: ғўзани шира ва трипс (1,0 л/га), оққанот, ўргимчакканда қўсак қуртидан (1,5 л/га), шунингдек олма (1,0 л/га), буғдой (0,5 л/га) ва тут (1,0-1,5 л/га) заараркунандаларига қарши қўлланилади. Айrim ҳолларда (иссиқ ва юқори намлик ҳамда юқори эритма қуюқлигида) препарат ўсимликнинг нозик баргларини куидириши ҳам мумкин.

**Импалла, 30% н.кук.** Таркибида иккита модда: Имидаклоприд (конфидор) ҳамда лямбдацигалотрин (каратэ) мавжуд. Мазкур инсектицид-акарицид Ўзбекистоннинг “Хилола Шохбек АгроВет Фарм” МЧЖ, томонидан таклиф этилган. Қўйидаги экинларни ҳимоя қилиш учун рухсат этилган: Кartoшкада колорадо қўнғизи ва картошка куясига (0,15 л/га) қарши, кўпи билан икки мартоба қўллаш тавсия этилган (Рўйхат, 2018).

**Нанофос 65% эм.к.** Таркибида иккита модда: Профенофос ҳамда лямбдацигалотрин (каратэ) мавжуд. Мазкур инсектицид-акарицид Ўзбекистоннинг “Хилола Шохбек АгроВет Фарм” МЧЖ, томонидан таклиф этилган. Ўзбекистонда картошкада колорадо қўнғизига (0,3 л/га) қарши, кўпи билан икки мартоба қўллаш тавсия этилган (Рўйхат, 2018).

**Агроплан супер 5% н.кук.** Таркибида иккита модда: Циперметрин (циперметрин) ҳамда ацетамиприд (моспилан) мавжуд. Мазкур инсектицид Ўзбекистоннинг “Top Agro Trade” МЧЖ, томонидан таклиф этилган. Ўзбекистонда картошкада колорадо қўнғизига (0,3-0,4 л/га) қарши, кўпи билан икки мартоба қўллаш тавсия этилган (Рўйхат, 2018).

**Эмаматч 15% с.д.г.** Таркибида иккита модда: Эмамектин бензоат (бензоат супер) ҳамда люфенурон (а-люfen) мавжуд. Мазкур инсектицид Ўзбекистоннинг “Намуна Диёр”, МЧЖ, томонидан таклиф этилган. Ўзбекистонда картошкада колорадо қўнғизига (0,15 кг/га) қарши, кўпи билан икки мартоба қўллаш тавсия этилган (Рўйхат, 2018).

**Экстра микс 25% с.д.г.** Таркибида иккита модда: Эмамектин бензоат (бензоат супер) ҳамда тиаметоксам мавжуд. Мазкур инсектицид Ўзбекистоннинг “Намуна Диёр”, МЧЖ, томонидан таклиф этилган. Ўзбекистонда картошка куясига (0,3 кг/га) қарши, кўпи билан икки мартоба қўллаш тавсия этилган (Рўйхат, 2018).

## ИХТИСОСЛАШГАН АКАРИЦИДЛАР

(вертимек, неорон, нискоран, омайт, ортус, олтингугурт )

**Вертимек, 1,8% эм.к. (пилармектин).** Соф моддаси: абамектин. У тупроқ микроорганизми – *Streptomyces avermitilis* маҳсулидан олинган модда бўлиб, таркиби бўйича ҳеч бир мавжуд кимёвий бирикмаларга ўхшамайди. Абамектин заҳарлилиги бўйича IV-синфга киради ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 10 мг/кг). Лекин, фаол модда препарат таркибида жуда оз (1 л дорида 18 гр) ва ҳар гектарга сарфи 2-10 г бўлганлиги сабабли, бу қўрсаткичнинг амалий аҳамияти қолмайди. Кўп мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлардан аён бўлишича, вертимек энг аввал – бу акарицид. Турли хил ўргимчакканаларга қарши (8 оёкли, 4 оёкли) вертимекнинг самараси жуда юқоридир (0,3-0,4 л/га). Бундан ташқари, у инсектицид ҳамдир. Вертимек айниқса ўсимлик баргларида ғовак из қолдирувчи пашша ва куяларга қарши тенги йўқ юқори самара беради. Абамектин ўсимлик сатҳидан нисбатан тез парчаланиб кетади, аммо унинг ичига (тўқималарга) сингган ҳолда препарат самарасини узоқ давом этишига сабабчи бўлади. Шунинг учун абамектин кўп табиий фойдали ҳашаротларга нисбатан хавфсиз бўлиб қолаверади. Абамектин кўпроқ ичдан, яъни зааркунанданинг ичига озиқа билан бирга кирганидан кейин таъсир кўрсатади, аммо қисман сиртдан ҳам таъсир этади (Дай, 1983; Балл, 1984). Абамек-тиннинг бўғимоёқли жониворларга таъсир этиш механизми ўзга инсектицидлардан фарқ этиб, мужассамлаштирганда қуидагича ўтади. Абамектин тирик жисмнинг нерв тизимига таъсир этади, лекин бу бошқа йўл билан амалга оширилади. У гамма-аминомойли кислота фаоллигини кучайтириш йўли билан жисм мушакларига ахборот бериш механизмини сусайтиради. Бунинг натижасида, жисм қайтарсиз шикастланиб ўлади. Абамектин зааркунанда тухумларига таъсир этмайди. Ўзбекистонда вертимекни асосан ғўзани ўргимчаккана (0,3-0,4 л/га), шира, трипс (0,4 л/га) ва кўсак қуртидан (0,4-0,5 л/га); помидорни занг канасидан (0,1-0,2 л/га) ҳамда иссиқхоналарда чиннигулни ўргимчакканалардан (0,35-0,4 л/га) ҳимоя қилиш учун рухсат этилган (Рўйхат, 2010).

**Неорон, 50% эм.к.** Соф моддаси: бромпропилат, кам заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 5000 мг/кг га тенг). Кимёвий таркиби бўйича тубдан фарқ қиласиган бу бромсақловчи бирикма ихтисослашган акарицид ҳисобланади. У 1975 йиллари Швейцариянинг Сиба фирмаси томонидан татбиқ қилинган.

Неорон сиртдан ҳамда фумигант сифатида таъсир этадиган акарициддир. У ўсимликнинг тўқималарига ўта олади. Кананинг барча шакллари учун заҳарли бўлиб, препаратнинг ўсимликдаги қолдиги 40 кунгача сақланади. Ўсимликлардаги препарат об-ҳаво шароити таъсирида, шунингдек нордон ва ишқорли муҳитда парчаланади. Фосфорорганик бирикмаларга чидамли каналарни йўқотишда самарали натижа беради. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ўтказган тадқиқотларимизда неоронга нисбатан бардошлилик вужудга келмади. Акарицидларни навбатлаш тизимларида қўллаш тавсия этилган. Бунда ғўзада гектарига 1-1,2 л сарфланади. Неорон билан ишлов бериш пахта етилишидан 20 кун олдин тўхтатилиши лозим. Республикада неоронни турли каналарга қарши токда –

1,2-1,8 л/га, олмада – 1,5-3,0 л/га ва цитрус экинларида – 4,5 л/га меъёрда кўллаш мумкин (Рўйхат, 2010).

**Нискоран, 10% н.кук. ва 5% эм.к.** Соф моддаси: гекситиазокс, кам заҳарли модда. Япониянинг Ниппон Сода компанияси томонидан 1980 йиллари кашф этилган. Нискоран ихтисослашган акарицид бўлиб, унга бир қатор ижобий хусусиятлар хос. У асосан кананинг тухум, личинка ва нимфасини ўлдиради, етук зотини пуштсиз ёки қўйган тухумидан личинка очиб чиқмайдиган қилиб қўяди, таъсири узоқ вақт (40 кунгача) давом этади, бошқа препаратларга чидамли бўлган популяцияларни қиради, фойдали ҳашаротларга мутлақо таъсир этмайди, деярли барча ўсимликхўр каналарга қарши ишлатиш мумкин.

Ўзбекистонда нискоранни 2 та экинда қўллашга рухсат берилган. Бир мавсумда олмада бир марта, ғўзада эса 2 марта қўллаш мумкин. Нискоран ўргимчакканалар кўпая бошлаган пайтда қўлланилса, юқори самара олинади. Кана кучли ривожланган бўлса, нискоранни бирор имагоцид акарицидга (омайт, неорон, БИ-58) қўшиб ишлатиш лозим.

**Омайт, 57% эм.к. 570 EW, (даргит, узмайт).** Соф моддаси: пропаргит, кам заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  каламуш ва сичқонлар учун 1800-2000 мг/кг таңг) АҚШ нинг Юниројл фирмаси томонидан кашф этилган. Пропаргит ихтисослашган акарицид, таркибида олтингугурт мавжуд. Пропаргит каналарнинг личинка ва етук зотларига нисбатан юқори ва давомли таъсир этади. Шу билан бирга, омайт асалари ва бошқа фойдали ҳашаротларга нисбатан заарсизdir.

Ўзбекистонда омайт 8 хил ўсимликни ўргимчакканалардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги меъёрда тавсия қилинган (Рўйхат, 2010): ғўзада – 1,5 л/га, олмада – 1,5-3,0 л/га, цитрус экинларида – 4,5 л/га, токда – 1,2-1,8 л/га, олчада – 0,9-1,2 л/га ҳамда помидор ва картошка занг канасида – 1,5 л/га. Омайтни бошқа препарат – инсектицидлар (ИСО дан ташқари) ёки фунгицидлар (мис купороси ва бордо суюқлигидан ташқари) қўшиб ишлатиш мумкин. Ўзбекистонда узмайт, даргит каби аналоглари ишлаб чиқарилади. Минтақамизда 1978 йилдан бери татбиқ қилинган омайтга нисбатан чидамли ёки бардошли ўргимчакканаларни учрамаган.

**Ортус, 5% сус.к.** Соф моддаси: фенпироксимат, кам заҳарли модда. Ихтисослашган акарицид, 2 хил таъсир этиш механизмига эга. Биринчидан, тавсия этилган сарф-меъёрлар-да ортус ўргимчакканага нисбатан ўткир ва тез самара кўрсатади, иккинчидан, тахминан 10 марта камайтирилган дозада (ёки парчаланиш оқибатида барг юзасидаги микдори камайганида) ортус гормонал инсектицид сифатида таъсир кўрсата бошлайди (яъни кананинг личинкалари ёшдан-ёшга пўст ташлаб ўтиш жараёнини бузади, личинка ёрилиб ўлади). Ортусга бир қатор ижобий хусусиятлар хос: турли хил ўргимчакканаларга нисбатан самаралидир; тез олинадиган самара узоқ давом этади; тухумидан ташқари, барча шаклларини қиради; фойдали ҳашаротларга нисбатан заарсиз; юқори ҳарорат ва намгарчиликка бардошли; сарф-меъёри юқори эмас (бир гектарга 40 г фаол модда). Деярли барча инсектицид ва акарицидлар билан қўшиб ишлатиш мумкин (ИСОдан ташқари). Препарат Япониянинг Нипон Ноҳяку компанияси томонидан ишлаб чиқарилади.

**Олтингугуртли акарицидлар.** Соф моддаси: кальций полисульфид ( $\text{CaSx}$ ), кам заҳарли. Амалиётда олтингугуртнинг оддий анорганик бирикмалари (олтингугурт қукуни, коллоид ва намланувчи қукуни) ҳамда оҳак олтингугурт қайнатмаси ишлатилади. Бу препаратлар ўргимчакканага қарши қўлланилиши билан бир қаторда ун-шудринг замбуруғлари чақирадиган оидиумни йўқотишда яхши фунгицид бўлиб хизмат қиласди.

Олтингугуртли препаратларнинг акарицид ва фунгицид сифатида фаол таъсир қилишининг боиси шундаки, ҳарорат жуда юқори бўлганда оддий олтингугуртнинг буғлари ажралиб, тери орқали организмга ўтади. Водороднинг акцептори бўлгани ҳолда, олтингугурт гидролизланиш ва дегидролизланиш реакциялари бир меъёрда кечишини издан чиқаради. Шу билан бирга олтингугурт-водород брикмаси ҳосил бўлади, бу эса организмни ўлдиради.

**Олтингугурт қукуни** таркибида 95-99% оддий олтин-гугурт бўлади. Препарат нам тўпламайди ва сақлаб қўйил-ганда қотиб қолмайди, аммо заррачалари осонгина ёпишиб кичик юмшоқ кесакчаларга айланади. Олтингугурт қукуни ўз-ўзидан ёниб кетиши мумкин, шунинг учун унга минерал ўғит, айниқса азотли ўғит аралаштишига йўл қўйиб бўлмайди. Текис сепилиши ва яхши ёпишиб қолиши учун оҳак ёки кулга олтингугурт қукуни 1:1 нисбатда аралаштирилади. Ўргимчакканага қарши ғўзага олтингугурт қукунини ҳар бир ўсимликка 2-4 гр сарф қилиб чанглатилади. Ишлов хавфсизлик талаб-ларига риоя қилган ҳолда қўл аппаратлари ёрдамида амалга оширилади.

**Коллоид олтингугурт ва намланувчи қукун.** Коллоид олтингугурт таркибида (курук модда ҳисобида) 97% олтингугурт бўлади. Ўззадаги ўргимчакканага қарши унинг 1-1,5% ли концентрацияси ишлатилади, барглар тўлиқ ҳўлланиши учун гектарига 500-600 л сув сарф қилинади. Коллоид олтингугурт паста ҳолида чиқарилади. У очиқ қолса қуриши ва кесак-чаларга айланishi мумкин. Шу сабабдан нам ўтказмайдиган идишларда сақланади.

Олтингугурт препаратлари фойдали ҳашаротларга тўлиқ хавфсиз эмас. Масалан, маҳсус тадқиқотлар шуни кўрсатдики, олтингугурт чанглатилганда у 5 кун мобайнида трихограммага ва бир кун браконларга хавф туғдирган.

**Оҳак-олтингугурт қайнатмаси (ИСО)** қайнатиш йўли билан тайёрланади. Ҳар 100 л сувга 12 кг олтингугурт қукуни ва 6 кг сўндирилмаган оҳак олинади. Қозонга оҳак солиб, икки ҳисса сув қуйилади ва сўндирилганидан сўнг сув иситила бошланади. Сўндирилгандан қолган оҳак қолдиқлари чиқариб олинниб, тортилади ва ўшанча сўндирилмаган оҳак солинади. Алоҳида идишдаги ўлчаб олинган олтингугуртни озгина сувга аралаштириб аталага айлантирилади ва уни оз-оздан қозонга солинади. Оҳак ва олтингугурт аралашмасига қолган сув ҳам қўйилиб турган ҳолда қайнатилади. Қайнатиш олдидан қозондаги суюқликнинг юзаси (рейка билан) белгилаб қўйилади. Қозондаги суюқлик қайнаган сайин оз-оздан сув қуйиб дастлабки даражага етказиб турилади. Қайнатиш якунига 15 минут қолганда сув қўшиш тўхтатилади. Қайнай бошлагандан 60-70 минут ўтиб,

қозондаги суюқлик түк қизил рангга киргач қайнатиш тугалланади. Қайнатма тиндирилади ва ёғоч идишларга (ёғоч бочка) қуйилади. Бундай қайнатма ИСО нинг қўр (асосий) эритмаси дейилади. Оҳакнинг сифатига қараб у ҳар хил қуюқлиқда (кучда) – Боме бўйича 13 дан 32° гача, кўпинча 15 дан 20° гача бўлади. Бу эса денсиметр-нинг (ареометр) тегишли қўрсаткичлари 1,115 дан 1,162 гача тенг бўлади. Пуркашдан олдин қўр эритмани сувга аралаштириш керак бўлади. Ундан қуюқлиги 0,5 ва 1° ли суюқ ИСО эритмасини ҳозирлаш учун 23-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиш лозим. ИСО нинг солиширига оғирлигини аниқлашда 1,000-1,400 ёки 1,000-1,800 шкалали сульфат кислотали денсиметрдан фойдаланилади.

Денсиметр бўлмаганида дастлабки қайнатманинг оғирлиги 1 л қайнатмани аниқ тортиб олиб, уни 1000 га тақсимлаб аниқланади. Дастлабки қайнатмани икки-уч кундан қўпроқ сақлаш учун унга бироз керосин ёки ишлатилган мой қуйилади. Қайнатма устига тушган мой пардаси уни бузилишдан сақлайди. Ўргимчакканага қарши ИСО нинг Боме бўйича 0,5-1° лиги (солиширига оғирлиги ҳар квадрат сантиметрга 1,007 грамм) ишлатилади.

ИСО нинг таъсир этиши шунга асосланганки, ҳаводаги карбонат ангидрид ва кислород таъсирида ўсимликнинг сиртида ИСО даги полисульфидлар парчаланиб, акарицид ва фунгицид ҳолида таъсир қила оладиган олтингугурт заррачалари тўзғиб ажралади.

#### 8-жадвал

#### Маълум даражадаги суюқ эритма тайёрлаш учун дастлабки (қўр) қайнатма ИСО ни суюлтириш

Асосий қайнатма ИСОнинг қуюқлиги		Қуйидаги кучда (даражада) 100 л суюқ эритма тайёрлаш учун олинадиган асосий қайнатма миқдори (л)		Асосий қайнатма ИСО нинг қуюқлиги		Қуйидаги кучда (даражада) 100 л суюқ эритма тайёрлаш учун олинадиган асосий қайнатма миқдори (л)	
Денсиметр бўйича со- лиширига оғирлиги	Боме бўйича кучи (даражада)	0,5°	1°	Денсиметр бўйича со- лиширига оғирлиги	Боме бўйича кучи (даражада)	0,5°	1°
1,100	13	3,50	7,0	1,190	23	1,80	3,6
1,108	14	3,25	6,5	1,200	24	1,75	3,5
1,116	15	3,00	6,0	1,210	25	1,65	3,3
1,125	16	2,80	5,6	1,220	26	1,60	3,2
1,134	17	2,60	5,2	1,230	27	1,50	3,0
1,143	18	2,45	4,9	1,241	28	1,44	2,9
1,152	19	2,30	4,6	1,252	29	1,40	2,8
1,161	20	2,15	4,3	1,263	30	1,30	2,6
1,170	21	2,05	4,1	1,274	31	1,25	2,5
1,180	22	1,90	3,8	1,285	32	1,20	2,4

Нотўғри тайёрланган, сақланган ва ишлатилган ИСО нинг юқори концентрацияси ўсимликни куйдиради. ИСО ва олтингугуртли бошқа препаратлар одам, иссиқонли ҳайвонлар ва фойдали ҳашаротлар учун ҳам

заҳарлидир. Шунинг учун уни ишлатганда шахсий хавфсизлик қоидалариға қатый риоя қилиш лозим.

## ГОРМОНАЛ ИНСЕКТИЦИДЛАР (димилин, номолт)

**Димилин, 48% сус.к.** Соф моддаси: дифлубензурон. Димилин илк бор кашф этилган биологик фаол моддалар (БФМ) қаторига киравчи инсектицидdir. У 1970 йиллар мобайнида кимёгарлар томонидан кашф этилиб, қорт шаклида зараги тегувчи ҳашаротларга қарши қўллаш учун тақдим этилган. Димилиннинг ўзга инсектицидлардан фарқи шундаки, у ҳашаротларнинг нерв тўқималариға эмас, балки қуртларнинг ёшдан-ёшга ўтишдаги пўст ташлаш (туллаш) жараёнига кескин салбий таъсир қиласди, хусусан хитин тўпланишини тўхтатади, сабаби хитин ҳосил қилувчи моддалар эпидермис ҳужайраларининг мембронасидан ўта олмайди. Оқибатда қорт ёшдан-ёшга ўта олмай ёрилиб ўлади. Димилин асосан ичдан таъсир ўтказади, яъни у озиқа орқали ичга тушганидан кейин таъсир этади. Ҳашаротларнинг етук зотларида пуштсизлик келтириб чиқармайди, балки тухумларининг ичида йиғилиб, эмбрионнинг эпидермисида хитин ҳосил бўлиш жараёнини тўхтатади. Натижада қуртлар тухумдан чиқа олмай ҳалок бўлади. Бундан ташқари, димилин билан ишлов берилган баргларга қўйилган тухумлардан ҳам қуртлар чиқа олмаслиги мумкин (Буров, 1983). Димилиннинг овицидлик (тухумларни ҳалок қилиш) хусусияти тухум ичида ривожланаётган қуртнинг қобигида хитин ҳосил бўлиш жараёнини тўхтатиб қўйиши билан боғлиқдир.

Димилин иссиққонли ҳайвонлар учун мутлақо заарсизdir. Бундан ташқари, жуда кўп тадқиқотлардан шу нарса аён бўлдики, димилин деярли барча табиий кушандаларга нисбатан ҳам заарсизdir. Олтинкўз, кокцинеллидлар, йиртқич қандала ва каналар, чумоли, трихограмма, бракон ва бошқа кушандаларга нисбатан у хавфсизdir. Бу эса, уни ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимларида ишлатиш учун энг самарали ва мақбул эканлигини кўрсатади. Димилин экология нуқтаи назаридан ҳам заарсизdir, чунки у, таъкидлаб ўтганимиздек, иссиққонли ҳайвонлар, жумладан сув ҳайвонлари ва қушларга ҳам хавфсизdir. Димилин ёмғир таъсирида тезда ювилиб кетмайди. У ўз таъсирини узоқ муддатгача (25-30 кун) сақлайди, лекин тупроқка тушганда 1-7 кун мобайнида парчаланиб кетади.

Димилин препаратининг ўзига хос хусусиятларидан бири қўллангандан кейинги дастлабки кунлардаёқ ҳашаротларни озиқланишдан тўхтатишидир. Бу даврда ҳашаротлар фаол ҳаракатининг сусайиши кузатилади. Димилин сепилгандан сўнг 4-5 кун ўтгачгина улар ҳалок бўла бошлайди. Димилин билан ишлов берилган жойларда чигирткалар озиқланишининг тезлиги жуда қисқа вақт ичида пасаяди. Натижада уларнинг ўсимликларга етказадиган зарари ҳам кескин камаяди.

Димилиннинг юқори самарали ва узоқ муддатли таъсирини сақлаган

холда, дастлабки 1-2 кунларда ҳам юқори таъсирини таъминлаш мақсадида бир қатор изланишлар олиб борилди ва ижобий натижаларга эришилди. Димилиннинг дастлабки самарасини таъминлаш учун бирор тез таъсир этадиган инсектицид аралаштириб ишлов ўтказиш истиқболли эканлиги исботланди. Бунда синергизм ёки аддитив таъсир қилиш ҳисобига иккита препаратнинг ҳам сарф-меъёрини камайтириш имкони яратилади. Бу ўринда аралашмада қўшил-ган пиретроид ҳисобига, димилинга хос бўлган атроф-мухитга хавфсизлик йўқотилишини таъкидлаб ўтиш даркор.

**Апплауд, 25% н.кук.** Соф моддаси: бупрофезин, кам заҳарли модда. Япониянинг «Нихон Нохиаку» фирмаси томонидан яратилган. Апплауд биологик фаол модда (БФМ) бўлиб, асосан ҳашаротларнинг ўсиб ривожланиш жараёнини бузишга қаратилган (гормонал). Апплауд асосан тенг қанотлилар (*Hemiptera*) туркумига оид сўрувчи ҳашаротларга (оққанотлар, цикадалар ва цитрус қалқондори) нисбатан фаол таъсир қиласди. Унинг таъсирида оққанотларнинг личинкалари пўст ташлай олмай, ёшдан-ёшга ўтиш пайтида ёрилиб ўлади, етук зотлари эса апплауд таъсирида пуштсиз (наслсиз) тухумлар қўяди.

Апплауднинг самараси дастлабки 3-4 кун ичida сезилмай туради, аммо у 25 кундан кўп давом этади. Сиртдан ва ичдан таъсир қўрсатишидан ташқари, апплауд буғланиш оқибатида газ орқали ҳам таъсир этади. Апплауд Ўзбекистонда фақат оққанотга қарши курашиш учун тавсия этилган (Рўйхат, 2010). Бунда, иссиқхоналарда помидор ва бодрингларни ҳимоя қилиш учун бир мавсумда 1 марта (0,5 л/га), фўзага эса 2 марта гача (0,5-1,0 л/га) пуркашга рухсат этилган. Апплауд оққанотнинг ички кушандаси – энкарзияга нисбатан зарарсиздир. Бундан ташқари, одамзод ҳамда асалари, балиқ ва фойдали ҳашаротлар учун ҳам зарарсиз. Шунинг учун уни уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимларида ишлатиш яхши натижа беради. Ҳар қандай вазиятда ҳам апплаудни оққанот кўпая бошлагандан ишлатиш кутилган самарани беради. Агарда оққанотнинг зичлиги ошиб, етук зотлари ҳаддан ташқари кўпайиб кетган бўлса, апплаудни бирор ўткир алейроцид (конфидор, моспилан, энджео, талстар) билан аралаштириб ишлатиш юқори самара беради.

## **НЕОНИКОТИНОИДЛАР СИНФИ**

*(соф моддалари имидоклоприд, ацетамиприд, тиаклоприд,  
тиаметоксам бўлган инсектицидлар)*

**Конфидор, 20% эм.к.** (багира, ацетам, танрек, имидор, химидор). Соф моддаси: имидоклоприд, ўртacha заҳарли ( $\text{ҮД}_{50}$  каламушлар учун 450 мг/кг га тенг). Имидоклоприд 1981 йили Германиянинг Байер АГ фирмаси томонидан яратилган бўлиб, янги кимёвий синф вакили сифатида ва бир қатор ижобий хусусиятларига кўра катта эътиборга сазовор бўлди. Конфидор сиртдан, ичдан ҳамда системали таъсир этадиган инсектицид, факат ҳашаротларга таъсир этади. Ўтказилган кўпгина тадқиқотларда конфидор сўрувчи (айниқса шира, трипс, оққанот, қалқондор) ва айрим кемирувчи ҳашаротларга қарши юқори самара бериши қайд этилди. Конфидорнинг ижобий хусусиятларига

қуидагилар киради: янги таъсир этиш механизмига эга бўлгани учун кўзланган зааркундаларга қарши жуда юқори самара беради; сарф-лаш меъёри жуда паст; ўсимлик ичидан (системали) давомли таъсир этади. Конфидорни пуркашдан ташқари, тупроқ орқали ўсимлик илдизидан юбориб зааркундаларга қарши ишлатиш мумкин (бунинг учун уни томчилаб суғориш орқали ёки эритмани дарахт тагига қуиши йўли билан амалга ошири-лади). Препарат ҳавонинг юқори ҳароратларига бардошли. Тавсия этилган меъёрларда сарфланганда одамзод, ташқи муҳит, қуш ва тупроқ ҳайвонлари учун безараардир.

Ўзбекистонда конфидор 6 хил экин ва яйловларда чигирткаларга қарши ишлатиш учун тавсия қилинган. Хусусан, картошкани колорадо қўнғизидан (0,05 л/га), олмани қалқондорлардан (0,15-0,25 л/га) ҳимоя қилиш учун тавсия этилган. Ҳар қандай ишловни ҳосил етилишидан 30 кун илгари (олмани – 20 кун) тўхтатиш лозим.

**Гаучо, 70% н.кук. (аваланче, далучо).** Соф моддаси: имидоклоприд, чигитни экишдан олдин упалаб заарсизлантиришга мўлжалланган. Имидоклоприднинг системали таъсир қилиш хусусияти юқорилигига таянган ушбу препарат ғўза ниҳоли ўса бошлаши билан илдиз орқали ўсимликка ўтади ва уни шира, трипс каби ҳашаротлардан ҳимоя қиласди. Самара ниҳол улғайган давргача 40-50 кун мобайнида давом этади. Ҳар 1 т чигитга 5 кг гаучо кукуни сарфланади. Чигитни дорилаш заводларда қуидагича бажарилади. Препаратдан суспензия тайёрланиб, ҳар 1 т тукли чигитга 25-30 л, туксизланганига эса 15-20 л эритма сарфлаб бир текис дориланиб қофоз қопларда димланади.

Амалиётда зааркунанда ҳамда ниҳол касалликларига қарши курашиш мақсадида **Гаучо-М, 58,5% н.кук** ҳам тадбиқ қилинган. Бу аралашма препаратнинг таркибида 3 та пестицид мавжуд: имидаклоприд (35%) ҳамда фунгицидлардан пенцикурон (7,5%) ва тирам (16%). Гаучо-М нинг афзалликлари қуидагилардан иборат: сўрувчи ҳамда айрим кемирувчи (кузги тунлам, симкурт) зааркундаларга қарши узоқ муддат системали (тизимли) таъсир этади; ғўзанинг бошланғич ўсиш даврида зааркундаларга қарши далага препарат пуркашдан ҳоли қилиб, атрофидаги тутларнинг барги заҳарланишининг олдини олади; агротехник тадбирларга риоя қилган ҳолда, у ғўза ниҳоллари текис униб чиқишини ва ривожланишини таъминлайди; ҳар гектарга сарфланадиган чигит сарф-меъёрига қараб, 70-140 грамм соф модда сарфланади, бу эса ташқи муҳитга талафот келтирмайди; фой-дали ҳашаротлар учун мутлақо заарсиз, далада биологик балансни сақлаб, ўргимчакканга қўпайиб кетишига тўсиқ яратади. Ҳар 1 т чигитга Гаучо-М дан 8-10 кг сарфланади.

**Моспилан, 20% н.кук. (тагспилан, моспилан плюс).** Соф моддаси: ацетамиприд, кам заҳарли модда. Илк бор Япониянинг «Ниппон Сода» фирмаси томонидан таклиф қилинган. Бунга ҳам неоникотиноидларга хос бир қатор ижобий хусусиятлар хос бўлиб, у ичдан системали (тизимли) ва сиртдан таъсир кўрсатади. Сўрувчи зааркунан-даларга қарши жуда оз сарф-меъёрда кучли самара кўрсатади. Ўзбекистонда моспилан қуидаги

экинларни ҳимоя қилиш учун рухсат этилган. Кartoшкага (0,02-0,025 кг/га) қарши тавсия этилган. Моспилан сувда турғун суспензия ҳосил қиладиган күк рангли намланувчи кукун бўлиб, ишлатиш қулай, ҳидсиз, ўсимликларни куйдирмайди, 100 грамлик пакетчаларда тарқатилади. Куруқ шароитда 2-3 йилда ўз хусусиятларини йўқотмайди.

### ФЕНИЛПИРАЗОЛЛАР СИНФИ

(регент, адонис, альфа донис, альфа рент.)

**Регент, 80% с.э.к. ва 20% сус.к.** Соф моддаси: фипронил, кимёвий бирикмаларнинг нисбатан янги фенилпиразоллар синфига оид, энг самарали инсектицидлардан бири. Фипронилни илк бор Франциянинг «Рон-Пулэнк» фирмаси яратган. Фипронил бевосита тери ва ичдан таъсир қилиши ва кам микдорда сарфланиши билан алоҳида ажралиб туради. Бу унинг ўзига хос ҳолда ҳашаротларга таъсир этиш механизмига эга бўлганлигининг оқибатидир. Фипронил ҳашаротларнинг марказий нерв тизимиға таъсир этиб, унинг тўқималаридан хлор иони ўтишига тўскинлик қиласи. Оқибатда ҳашарот тезда заҳарланади. Бундай механизм мавжудлиги фипронилни ўзга инсектицидлардан кескин ажратиб туради, самара 3-4 ҳафтага чўзилишига имконият яратади. Фипронилнинг тавсия қилинган сарф-меъёрлари пиретроидлардан 2-5 марта, гормонал препараторлардан 5-10 марта, ФОБ лардан эса 50-500 (!) марта пастдир. Фипронил самарадорлик бўйича пиретроидлардан кейин 2-ўринда туради, яъни энг юқори самарага 2-3 кунда эришилади. Самара давомийлиги бўйича ҳам фипронил олдинги қаторларда туради. Одатда чигирткалар ва колорадо қўнғизига қарши самара 3-4 ҳафта давом этади. Одамзод ва атроф-муҳит учун фипронилнинг хавфи камдир, сабаби ўткир заҳарлилик бўйича у пиретроидлар билан бир қаторда турса ҳам, сарф-меъёрнинг камлиги сабабли, заҳарлилиги ҳам жуда паст. Айrim фойдали ҳашаротлар: асалари, пардоқанотли кушандалар, кокцинеллидлар ва бошқаларга таъсир этиши фипронилнинг камчиликларига киради.

Фипронил номли соф моддага эга регентнинг 2 шакли таклиф этилган: 80% ли с.э.к.к ва 20% ли сус.к. Кўп йиллар мобайнида ўтказилган тадқиқотлар натижасида 80% ли регент Ўзбекистонда куйидаги ўсимликларни заараркунандалардан ҳимоя қилиш учун тавсия этилган (Рўйхат, 2005-2006). Колорадо қўнғизига қарши – 20-25 г/га, буғдойда хасва ва трипсларга – 15 г/га ва ғўзада трипсларга қарши – 10-15 г/га меъёрда қўлланилади.

Регент, 20% ли сус.к. қуйидагиларга: колорадо қўнғизи (30-40 г/га), тут парвонаси (40-50 г/га), ғўзада шира, трипс, қандала (80 г/га), кўсак қурти ва карадринага қарши (100-120 г/га) тавсия қилинган.

Фипронил уй-жойларда учрайдиган айrim ҳашаротларга (чумоли, термит, таракан, қандалалар) қарши курашиш учун ҳам энг самарали инсектицид бўлиб ҳисобланади.

**Адонис, 4% эм.к.** Соф моддаси фипронил (регентга қаранг). Адонисни Германиянинг Байер фирмаси таклиф қилган. Бу инсектициднинг таъсир этувчи (соф) моддаси фипронил бўлгани билан у шундай шаклда тайёрланганки, бунда унинг ижобий хусусиятлари янада кучли ифодасини

топган. Адонис чигирткаларга қарши курашиш учун мўлжалланган ва шу мақсадда ҳозирги кунда бутун дунёда ишлатилади. Аммо адонисни бошқа заараркундаларга қарши ҳам қўллаш мумкин.

Адонис таркибидаги фипронил юқори даражада ўткир ва қолдиқ (узоқ) таъсирга эга бўлғанлиги сабабли, уни чигирткаларга қарши энг самарали муддатларда (I-III ёш личинкалик пайтида) қўлланса, бир ишлов билан етарлича самарадорликка (20-25 кун давомида) эришилади. Кўпгина пиретроидлар бундай имкониятга эга эмас: улар юқори самара кўрсатсада, чигиртканинг зичлиги юқори бўлган шароитларда ишловни такрорлашга тўғри келади. Адониснинг етарлича самара берадиган сарф-миқдорида (0,1 л/га), фипронилнинг сарфи ҳар гектарга атиги 4 граммни ташкил қилғанлиги сабабли, у атроф-мухитга янада кам хавф туғдиради. Адонис Ўзбекистонда «Рўйхат»га 1999 йилдан бошлаб киритилган. Чигирткалардан ташқари адонис картошкани колорадо қўнғизидан ва тутни тут парвонасидан (0,25 л/га) ҳимоя қилиш учун тавсия этилган. Яйловларда ва картошка экинида бир мавсумда адонис билан бир марта ишлов ўтказилади.

## ОКСАДИАЗИНЛАР СИНФИ (аваунт)

*Аваунт, 15% сус.к.* Соф моддаси: индоксакарб, янги кимёвий бирикмалар синфига оид инсектицид. Аваунт 1997-1998 йиллари АҚШнинг Дюпон фирмаси томонидан тақдим қилинган. Аваунт ихтисослашган юқори самарали инсектициддир. Ушбу препарат янги таъсири қилиш механизмига эга. Аваунт ҳашаротлар нерв тизимларининг натрий каналлари ўтказувчанглигини блокада (ишғол) этади. Оқибатда, заҳарланган ҳашарот озиқланишдан тўхтайди (1-2 кун) ва ўлади. Аваунт асосан капалаклар қуртларига қарши юқори самара кўрсатади. Шунинг учун ҳам бошқа ҳашаротлар, жумладан фойдали ҳашаротларга нисбатан у тўлиқ даражада безараардир. Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, аваунт ишлатилган далада олтинкўз, кокцинеллидлар (хонқизлар), сирфидлар, канахўр трипс, пардоқанотли кушандалар – браконидлар, ихнеумонид ва бошқа кушандаларнинг сони назорат вариан-тига (даласига) нисбатан фарқ қилмаган. Бу, аваунтни ўзга органик асосли бирикмалардан тубдан фарқлайди ва у уйғунлашган кураш тизимларида ишлатиш учун энг мақбул эканлигидан далолат беради.

Алоҳида таъкидлаб ўтамизки, аваунт ғўза тунламиининг (кўсак куртининг) катта ёш (IV-VI) қуртларига қарши тенги йўқ (бошқа инсектицидларга нисбатан) самарага эга.

## БОШҚА ИНСЕКТИЦИДЛАР (N 30 препарати, 76% ли нефт-мой эмульсияси)

*N 30 препарати, 76% н.м.э.* Соф моддаси: нефт мойлари. Россия фирмалари таклиф қилишган.

Маълумки, XX асрнинг 50 йилларидан кейинги тавсияларда ўсимликларни, жумладан боғлардаги дараҳтларни ҳамда тутларни қишлиб

қолган зааркунандалар ҳамда касалликлардан ҳоли қилиш учун турли инсектицид, инсектицид-фунги-цид препаратлар тавсия қилинар эди. Булар орасида карболинеум, нитрафен, N 30, N 30С ва бошқа препаратлар мавжуд бўлган. Мазкур препаратлар дaraohтлар қишики «уйқуга» кетга-нидан кейин, заарли организмларнинг қишлоvdаги шаклларини қириб ташлаш учун кўлланилган. Ишлов кеч кузда ёки эрта баҳорда, дaraohт куртаклари ёйилмасдан ўтказилган.

Хозирги кунда «Рўйхатда» шундай препаратлардан фақат биттаси – «N 30 препарати» тавсия қилинган. Уни фақат эрта баҳорда боғдаги (олма, нок, шафтоли, олча, олхўри) дaraohтларда барча қишлоv қолган зааркунандаларга қарши (шира, канда, қандала, қалқондорлар, меваҳўрлар ва б.) дaraohт катталигига қараб (40-100 л/га) кўлланилади: цитрус дaraohтларида – 20-50 л/га, токларда – 12-37 л/га.

## МИКРОБИОЛОГИК ИНСЕКТИЦИДЛАР

